

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ  
АКАДЕМИЯСИ**

**М. ЙЎЛДОШЕВ, Й. ТУРСУНОВ**

## **БАНК ҲУҚУҚИ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи Кенгаш қарори билан Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилинган*

**ТОШКЕНТ — «МОЛИЯ» — 2007**

ББК 67.404.2(5У)

И73

М. Йўлдошев, Й. Турсунов. Банк ҳуқуки. Тошкент, «Молия» нашриёти, 2007 йил, 332 б.

Ушбу дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган (5380100-юриспруденция) «Банк ҳуқуки» ўкув курси дастурни асосида тайёрланган бўлиб, юридик ва иқтисодий йўналишдаги олий ўкув юртларида таълим олувчи талабалар, магистрантлар учун мўлжалланган. Дарсликдан, шунингдек, касб-хунар коллежларининг ўкувчилари, амалиётчи юристлар ва иқтисодчилар, банк ходимлари, Ўзбекистон банк қонунчилиги билан қизиқувчи барча шахслар фойдаланишлари мумкин.

Настоящий учебник подготовлен на основании учебной программы по курсу «Банковское право», утвержденной МВиССО Республики Узбекистан и предназначен для студентов, обучающихся по специальности экономика и юриспруденция.

Учебник может быть полезным так же для учащихся профессионально-технических колледжей, специалистов практиков, руководителей банковских учреждений, других категорий читателей интересующихся вопросами банковского законодательства.

This textbook has been prepared on the basis of the educational programme on "Banking Law" adopted by the ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan. It is intended primarily for the students studying economics and law.

The textbook might also be useful for the students of the professional colleges, specialists, managers of the banking enterprises and all those engaged and interested in the banking legislation.

Иқтисод фанлари доктори, профессор А.В. Вахабов  
таҳрири остида

Тақризчилар: ю.ф.д., проф. Х. Бобоев — Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири  
и.ф.д., проф. А. Ибратимов — Узбекистон Республикаси Банк-Молия академияси кафедра мудири

2008/10 Alisher Navoiy  
nomidagi  
4032 O'zbekiston MK  
© Узбекистон Республикаси

Банк-молия академияси  
«Молия» нашриёти, 2007 йил

ISBN 978-9943-302-03-7

34010

2941

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	15
------------	----

### УМУМИЙ ҚИСМ

#### 1-боб. БАНК ИШИ ВА БАНК ҲУҚУҚИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИННИГ ИЖТИМОЙ-ИҚТISODIY АСОСЛАРИ

1-§. Банк иши ва банк ҳуқуқини келиб чиқиши ва ривожла- ниш босқичлари.....	20
2-§. Ўзбекистон Республикаси Банк ҳукуки — янги шаклла- ниб келаётган ҳуқук соҳаси.....	25
3-§. Банк ҳукуки тушунчаси ва унинг предмети.....	28
4-§. Банк ҳукукининг услублари ва тизимлари.....	35
Илова. Пул ва пулнинг пайдо бўлиши.....	38

#### 2-боб. БАНК ҲУҚУҚИНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

§. Банк ҳукуки манбалари тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	41
§. Банк ҳукуки манбаларининг таснифи.....	45
1-§. Банк ҳукукининг тамойиллари.....	52
Илова. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Форматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуни.....	56

#### 3-боб. БАНККА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

1-§. Банк соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, юзага келиш асослари ва турлари.....	64
2-§. Банкка оид ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари.....	67

### МАХСУС ҚИСМ І БЎЛИМ

#### 1-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

1. Марказий банк, унинг ташкилий тузилиши ва мулкий ми.....	69
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маъму- т бошқарув ваколатлари ва уларни амалга оширилиши....	73

3-§. Марказий банкни бошқариши.....	78
Илова. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонуни 21.12.1995 й. №154-1.....	82

## II БЎЛИМ

### **5-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

1-§. Тижорат банки тушунчаси ва унинг юридик шахс сифа- тидаги маҳоми.....	102
2-§. Тижорат банклари тизими, банк фаолиятини бошқариши- ни ҳуқуқий асослари.....	107
3-§. Банкларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш. Банк фаолиятини лицензиялашнинг ҳуқуқий асослари.....	112
4-§. Ўзбекистон қонунчилигига бўйича тижорат банкларининг моддий-техника базаси ва кадрлар малакасига қўйиладиган acosий талаблар ҳамда уларнинг аҳамияти.....	124
5-§. Тижорат банклар молиявий-хўжалик фаолиятини назо- рат килиши. Ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар тартиби.....	127
6-§. Банкларга васийлик килиш.....	129
Илова. Ўзбекистон Республикасининг Банклар ва банк фао- лияти тўғрисидаги қонуни.....	133

### **III БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

#### **6-боб. БАНК ТИЗИМИДА ҲИСОБ-КИТОБ ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

1-§. Ҳисоб-китоблар тушунчаси, фуқаролик ҳуқуқий асосла- ри ва ҳисоб-китобларнинг мамлакат иқтисодий ҳаётида тут- ган ўрни.....	148
2-§. Банк ҳисоб-китоби шартномаси ва унинг фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари.....	151
Илова. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисила йўрикнома.....	156
3-§. Банк ҳисоб-китобининг шакллари ва уларнинг тавсифи...	168
Илова. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқомаси-нинг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори....	177

Илова. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги НИЗОМ (янги таҳрири).....	180
4-§. Мижознинг банк ҳисобварагидан маблагларни низосиз тартибда ўчириш асослари ва тартиби. Ҳак ундиришга оид ижро ҳужжатларини банк орқали ижро этилиши.....	208

## **7-боб. БАНК ОМОНАТИ ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

1-§. Омонат ва кредит муносабатлари тушунчаси ҳамда уларнинг иқтисодиётдаги ўрни.....	214
2-§. Омонат сақлаш ва унинг ҳуқуқий асослари. Омонат шартномаси ҳамда унинг мазмуни.....	215
3-§. Кредит шартномаси тушунчаси ва унинг асосий белгилари. Кичик ва хусусий бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш.....	221
4-§. Кредит беришга оид ҳужжатларни расмийлаштириш. Кредитлаштиришга оид қонунчиликни бузганлиги учун жавобгарлик.....	225

## **8-боб. МИЖОЗЛАРГА КЎРСАТИЛАДИГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ БОШҚА ТУРЛARI ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

1-§. Банклар томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар тутунчаси ва бозор муносабатлари шароитида уларнинг зарурлиги.....	231
2-§. Тижорат банклари томонидан ўз мижозларига кўрсатиладиган қўшимча хизматлар ва уларнинг умумий тавсифи.....	233

## **9-боб. ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

1-§. Валютага оид муносабатлар ва валюта қонунчилиги асослари.....	238
2-§. Валюта операциялари тушунчаси ва амалга оширилишининг умумий қойдалари.....	239
3-§. Валюта назорати ва валюта қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлик.....	244
Илова. Ўзбекистон Республикасининг Валютани тартибга солиш тўғрисидаги Конуни 07.05.1993 й. №841-XII.....	247

<b>10-боб. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БАНК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ</b>	258
Илова. Ўзбекистон Республикасининг Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги Конуни 02.09.1993 й. №918-XII...	265
<b>11-боб. БАНК ФАОЛИЯТИГА ОИД АХБОРОТЛАР ВА БАНК СИРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ</b>	281
Илова. Ўзбекистон Республикасида Фуқоролик кодексидан ҚЎЧИРМАЛАР.....	287
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг интеграллашти- риш ахборот-таҳдилий тизимини бошкариш бўйича ЙЎРИК- НОМА.....	289
Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»ги Конуни ..	296
<b>12-боб. БАНККА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА НИЗОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ</b>	301
Илова. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 21.03.2000 ПФ- 2564. Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлар тўғрисида.....	306
Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора- тадбирлари тўғрисидаги Қарор 15.04. 2005 й.....	312
«Банк ҳуқуқи» фанига оид тест саволлари.....	317
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	327

## ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение.....	15
---------------	----

### ОБЩАЯ ЧАСТЬ

#### **Глава I. СОЦИАЛЬНО ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ВОЗНИKНОVЕНИЯ БАНКОВСКОГО ДЕЛО И БАНКОВСКОГО ПРАВА**

1-§. Возникновение и этапы развития банковского дела.....	20
2-§. Банковское право Республики Узбекистан как вновь формирующейся отрасль права.....	25
3-§. Понятие и предмет банковского права.....	28
4-§. Методы и система банковского право.....	35
Приложение. Возникновение денег.....	38

#### **Глава II. ИСТОЧНИКИ И ПРИНЦИПЫ БАНКОВСКОГО ПРАВА**

1-§. Понятие источников банковского права и их особенности...	41
2-§. Классификация источников банковского права.....	45
3-§. Принципы банковского права.....	52
Приложение к теме: Выписка из Закона РУз «О нормативно- правовых документах» от 14.12.2000 г.....	56

#### **Глава III. БАНКОВСКИЕ ПРАВООТНОШЕНИЯ**

1-§. Понятие, виды и основы возникновения банковских правоотношений.....	64
2-§. Субъекты банковских правоотношений.....	67

### ОСОБЕННАЯ ЧАСТЬ

#### **Раздел I.**

#### **Глава IV. ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ЕЕ ПРАВОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ**

1-§. Центральный банк, ее организационная структура и имущественный статус.....	69
2-§. Административно-управленческая компетенция Цен- трального банка Республики Узбекистан и методы их осу- ществления.....	73

3-§. Управление Центральным банкам РУз.....	78
Приложение закон РУз. «О Центральном банке» от 21.12.1995 г. № 154-1 .....	82

## Раздел II.

### **Глава V. СИСТЕМА КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ИХ ПРАВОВОЕ ПОЛОЖЕНИЕ**

1-§. Понятие коммерческого банка и их положение как юридическое лицо.....	102
2-§. Правовые основы управления банковской деятельностью и банковской системы.....	107
3-§. Организация, реорганизация и ликвидация банков. Правовые основы лицензирования банковской деятельности...	112
4-§. Основные требования, предъявляемые материально-техническим базам, уровню квалификации кадров банков по законодательству РУз.....	124
5-§. Контроль за финансово-хозяйственной деятельностью коммерческих банков. Порядок отчетов и проведение расчетных операций.....	127
6-§. Осуществления опекунства над банками.....	129
<i>Приложение. Закон РУз. «О банках и банковской деятельности».....</i>	133

## Раздел III.

### **ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

### **Глава VI. ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕТОВ И РАСЧЕТОВ В БАНКОВСКОЙ СИСТИЕМЕ**

1-§. Понятие, гражданско-правовые основы, учета и расчетов....	148
2-§. Гражданско-правовые аспекты договора банковского счета.....	151
<i>Приложение к теме: Инструкция ЦБ «О порядке открытия банковских счетов».....</i>	156
3-§. Классификация и формы банковских счетов.....	168
<i>Приложение.....</i>	177
<i>Приложение.....</i>	180

4-§. Порядок списания средств со счетов клиента банка. Исполнение банками по взманию сумм по судебно-исполнительным документам.....	208
--	-----

## **Глава VII. ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ БАНКОВСКИХ КРЕДИТНЫХ И ВКЛАДНЫХ ОТНОШЕНИЙ**

1-§. Понятие банковских вкладных и кредитных отношений и их роль в экономике.....	214
2-§. Правовые основы банковского вклада. Договор банковского вклада и ее содержание.....	215
3-§. Понятия и основные признаки кредитного договора. Кредитное обеспечение субъектов частного и малого бизнеса....	221
4-§. Оформление кредитных документов. Ответственность за нарушение кредитного законодательства.....	225

## **Глава VIII. ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ОКАЗЫВАЕМЫХ БАНКАМИ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ УСЛУГ КЛИЕНТАМ**

1-§. Понятие дополнительных услуг, оказываемых банками, и их необходимость в условиях рыночных отношений.....	231
2-§. Общая классификация дополнительных услуг, оказываемых банками, клиентам.....	233

## **Глава IX. ВАЛЮТНЫЕ ОПЕРАЦИИ БАНКОВ И ИХ ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ**

1-§. Валютные отношения и основы валютного законодательства.....	238
2-§. Понятие валютной операции и общие правила их осуществления.....	239
3-§. Валютный контроль и ответственность за нарушения валютного законодательства.....	244
<i>Приложение.</i> Закон РУз «О валютном регулировании» от 07.05.1993г. за № 841-XII .....	247

<b>Глава X. ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, СВЯЗАННЫЕ С ЦЕННЫМИ БУМАГАМИ</b>	<b>258</b>
<i>Приложение.</i> Закон РУз «О ценных бумагах и фондовой бирже» от 02.09.1993 г. За № 918-ХII.....	265
<b>Глава XI. ПРАВОВАЯ ЗАЩИТА БАНКОВСКОЙ ТАЙНЫ И ДРУГОЙ БАНКОВСКОЙ ИНФОРМАЦИИ</b>	<b>281</b>
<i>Приложение.</i> Выписка из Гражданского Кодекса РУз.....	287
Инструкция Центрального банка РУз «По управлению и интеграции информационно-аналитической системы».....	289
Закон РУз «О банковской тайне».....	296
<b>Глава XII. ПОРЯДОК РЕШЕНИЯ СПОРОВ, ОТНОСЯЩИХСЯ К БАНКОВСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ</b>	<b>301</b>
<i>Приложение.</i> Указ Президента РУз «О мерах либерализации банковской системы» от 21.03.2000г. УП-2564.....	306
Решение Президента РУз «О мерах осуществления реформ по дальнейшей либерализации банковской системы» 15.04.2005 г.....	312
Тест по курсу «Банковское право».....	317
Список использованной литературы.....	327

## **CONTENTS**

Introduction.....	15
-------------------	----

### **COMMON PART**

#### **Chapter I. SOCIAL ECONOMIC BASES OF THE BANKING AND BANKING LAW**

1-§. Origin and stages of banking development.....	20
2-§. Banking law of the Republic of Uzbekistan as a new forming branch of law.....	25
3-§. Concept and a subject of banking law.....	28
4-§. Methods and system of banking law.....	35
Appendix: Origin of Money.....	38

#### **Chapter II. SOURCES AND PRINCIPLES OF BANKING LAW**

1-§. Concept of sources of banking law and their specific features.....	41
2-§. Classification of the banking law sources.....	45
3-§. Principles of banking law.....	52
Appendix: Law of the Republic of Uzbekistan "On Normative legal documents" from December 14-th, 2000.....	56

#### **Chapter III. BANKING LEGAL RELATIONS**

1-§. Concept, types and bases of origin of the banking legal relations.....	64
2-§. Subjects of banking legal relations.....	67

### **SPECIALLY PART**

#### **UNIT I**

#### **Chapter IV. CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS LEGAL STATE**

1-§. Central Bank, its organizational structure and its property status.....	69
2-§. Administrative and managerial competence of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan and methods of its realization.....	73

3-§. Central Bank of the Republic of Uzbekistan Management...	78
Appendix: Law of the Republic of Uzbekistan "About Central Bank of the Republic of Uzbekistan" from December 21, 1995 № 154-1.....	82

## UNIT II

### **Chapter V. SYSTEM OF THE COMMERCIAL BANKS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR LEGAL STATE**

1-§. Concept of a commercial bank and its state as a legal person.....	102
2-§. Legal bases of the banking activities and banking system management.....	107
3-§. Organization, reorganization and liquidation of the banks. Legal bases of the banking activities licensing.....	112
4-§. The main requirements to the material-technical basis....	124
5-§. Control over the financial activity of the commercial banks. Order of statements and carrying out of accounting operations.....	127
6-§. Guardianship over the banks.....	129
Appendix: Law of the Republic of Uzbekistan "On the banks and banking activities".	133

## UNIT III.

### **Chapter VI. LEGAL BASES OF THE BANKING ACTIVITIES IN UZBEKISTAN**

1-§. Concept, civil and legal bases of registration and estimation of the accounts.....	148
2-§. Civil and legal aspects of the agreement of a banking account.....	151
Appendix: Instruction of the Central Bank "About order of the banking Account opening".....	156
3-§. Classification and forms of the banking accounts.....	168
Appendix.....	177
Appendix.....	180
4-§. Procedure of checking from the customers account. Implementation of imposing sums by the banks according to the court executive papers.....	208

## **Chapter VII. LEGAL REGULATION OF THE BANKING CREDIT AND DEPOSIT RELATIONS**

1-§. Concept of banking deposit and credit relations and their role in the economy.....	214
2-§. Legal bases of the banking deposit. Banking deposit agreement and its content.....	215
3-§. Notions and the main peculiarities of the credit agreement. Credit supply of the small and medium-sized business.....	221
4-§. Registration of the credit documents. Responsibility for breaking credit legislation.....	225

## **Chapter VIII. LEGAL REGULATION OF THE ADDITIONAL SERVICES RENDERED TO THE CUSTOMERS BY THE BANKS**

1-§. Notion of the additional services rendered by the banks and their necessity under market relations.....	231
2-§. General classification of the additional services rendered by the banks to their clients.....	233

## **Chapter IX. BANK CURRENCY OPERATIONS AND THEIR LEGAL REGULATION**

1-§. Currency Relations and the bases of currency legislation...	238
2-§. Concept of currency operation and the general rules of their fulfillment.....	239
3-§. Currency control and responsibility for breaking currency legislation.....	244
Appendix: "Law of the Republic of Uzbekistan on Currency regulation" from 07/05/1993 #841 - XII.....	247

## **Chapter X. LEGAL BASES OF BANKING ACTIVITY CONNECTED WITH SECURITIES**

Appendix: "Law of the Republic of Uzbekistan about Securities and Stock Exchange" from 02/09/1993 #918 - XII.....	265
---	-----

## **Chapter XI. LEGAL PROTECTION OF BANKING SECRET AND OTHER BANK INFORMATION**

Appendix: Extract from the Civil Code of the Republic of Uzbekistan.....	287
--	-----

Regulation of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan "On management and integration of the information and analytical system".....	289
Law of the Republic of Uzbekistan "On Banking Secret".....	296
<b>Chapter XII. PROCEDURE OF AGREEMENT DECISION RELATING TO BANKING ACTIVITY</b>	<b>301</b>
Appendix: Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures of Liberalization of the Banking system" from 21/03/2000 UP-2564.....	306
The President of the Republic of Uzbekistan Decision "On measures of Realization of the Reforms in Further liberalization of the Banking System" from 15/04/2005.....	312
Test on "Banking Law".....	317
Literature.....	327

## КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка әришгандан кейинги йилларда амалга ошириб келинастган иқтисодий ислоҳотлар натижасида қўлга киритилган энг улкан ютуклардан бири сифатида макро-иқтисодий барқарорликни таъминлаганилиги қайд этиб ўтилмоғи лозим. Бундай барқарорлик ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда юксалтириш асосида пул қадрсизланиши тенденцияларини жиловлаш, иқтисодий жараёнлардаги салбий омилларга аста-секин барҳам бериш, одамлар турмуш даражасида ижобий ўзгаришларни амалга ошириш имконини юзага келтириди.

Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритган дастлабки қунлардан бошлабоқ иқтисодий мустақилликка, яъни бошқаларга қарам ва боғлиқ бўлмаган иқтисодий куч-қудратга эга бўлмасдан туриб мустақил бўлиш, сиёсий мустақилликни қўлда сақлаб қолиш мумкин эмаслигини чукур англаб етди, ҳамда иқтисодий тараққиётни таъминловчи изчил, илмий асосланган сиёсат олиб борди. Бундай иқтисодий сиёсатнинг асосий жиҳатлари ва тамоилилари Республикамиз Президенти И.А. Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ҳамда иштирокида ишлаб чиқилган «Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзбек модели»да ўз аксини топди. «Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат — дея таъкидлаган эди, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов — ўз тараққиёт йўлини излаган, янги жамият барпо этиш борасида ўз андозасини ишлаб чиқсан. Бунда илк асос вазифасини кишиларнинг ўз қадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кўзлаб тутилган йўл, миллий аиъаналар, тарихий шарт-шароит, реал ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий мухит, одамларнинг таркиб турмуш тарзи ва дунёқараши ўтаган»<sup>1</sup>.

Мустақил ва самарали ишловчи банк-молия тизимларини барпо қилиш — давлат суверенитети рамзларидан бири сифатида тараққиётимизнинг дастлабки қунлариданоқ дикқат марказида турган энг муҳим вазифалар қаторидан ўрин олди. 1991 йил 31-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1994 й., 13 – 14 бетлар

августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги – миллий валютани жорий этишга, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгилашга хақли» деб кўрсатилган бўлса, ушбу қонуннинг 12-моддасида эса «Ўзбекистон Республикаси мустақил молия-кредит сиёсатини амалга оширади» дея қайд этилган эди<sup>1</sup>. Ушбу принципиал қоидалар кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (122-модда) ўз инфодасини топди.

Ўзбекистонда банк тизими ва банк қонунчилигининг юзага келиши, шаклланиши мустақилликни кўлга киритилиши, мустақил тараққиёт йўлининг танланиши билан боғлиқ бўлса, уларнинг тараққисти мустақилликни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, маъмурӣ буйруқбозликка асосланган тоталитар тузумдан эркин бозор муносабатларига ўтиш вазифалари, бу вазифаларни муваффақиятли равишда ҳал этилиши билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда марказдан тамомила мустақил иқтисодий сиёсатни, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган молия, солиқ, пул-кредит сиёсатини юритила бошланиши туфайли тараққиётнинг «Ўзбекона моделига» хос бўлган банк тизимлари, пул-кредит механизмлари ҳамда уларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган банк қонунчилиги тизими юзага кела бошлади. Собиқ Иттифоқдан парчаланиб кетиши, иқтисодий, ҳўжалик алокаларининг барбод бўлиши, иқтисодий таназзул юз бериши, пулнинг ҳалокатли тарзда қадрсизланиш жараёнлари, бошқа глобал салбий ҳодисалар туфайли иттифоқ таркибида бўлиб келган, ягона иқтисодий маконда фаолият юритган Собиқ Иттифоқдошли Республикалар учун, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси учун ҳам оғир ҳаёт синовлари бўлди. Нисбатан қиска муддатда, жадал суръатлар билан мустақил давлатта хос атрибутларнинг яратилиши, жумладан, мустақил пул-кредит сиёсати ишлаб чикилиши, банк тизимларини тезкор тарзда вужудга келтирилиши ва мустақил равишда ишлай бошлаши – ўтиш даврининг кўзга кўринарли ютуқлариданadir.

Ўзбек миллий валютаси – сўмни 1994 йил 1 июлдан бошлаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси: Мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон», 1992 й., 11 б.

муомалага кириллниши билан мустакил пул-кредит сиёсатини амалга ошириши соҳасидаги тадбирлар ўз ниҳоясига етди ва мамлакатимизда ўзгаларга боғлиқ бўлмаган, тамомила мустакил бўлган пул тизими юзага келди. Бу ҳол мустакил монетар сиёсатни амалга ошириш, пул муомиласини ўзимиз хоҳлаган тарзда тартибга солиш, молия-кредит соҳасида мустакил бўлиш имкониятини яратди.

Хуллас, банк тизимлари, пул-кредит сиёсати мустакиллигимизнинг дастлабки даврларида мустакиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўпирлишларни олдини олиш, инфляция жарабёнларни жиловлаш, одамлар турмуш даражасини ҳаддан ташқари ёмонлашувига йўл бермаслик вазифаларини бажарган бўлса, бугунги кунда янги вазифалар олға сурilmоқдаки, уларнинг можияти – энг аввало, жаҳон андозаларига тўла мос келувчи банк-молия тизимларини яратишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 ноябрдаги «Банк-молия соҳасидаги тадқиқотларни чукурлаштириш чора-тадбирлари тӯғрисида»<sup>1</sup>ги 398-сонли қарорида таъкидланганидек: «Республика молия-банк тизимини ривожлантириш тенденциялари ва қонуниятларини чукур ўрганиш, молия ва банк тизимини ривожлантиришини яиада ислоҳ қилинишини ҳамда эркинлаштирилишини прогностазнинг мустаҳкам илмий-услубий базасини яратиш, мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришининг асосий устуворликларини ва мақсадли вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган пул-кредит сиёсатини шакллантириш»<sup>1</sup> бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади.

Молия-банк тизимлари соҳасида ислоҳотларни муваффақияти ва белгиланган долзарб вазифаларнинг бажарилишини таъмин этилишида ҳозирги замон илфор билимларига эга бўлган, халқаро андозаларга мос келувчи юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларга зарур амалий кўниқмаларни бериш ҳал юлувчи соҳалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29-августдаги Қонуни билан тасдиқланган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»<sup>2</sup>да таъкидланганидек: «Миллий тажрибанинг таҳлили на

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2002 йил, 22-сон, 175-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил, 11 - 12сон, 295-модда.

таълим тизимида жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тӯгри олиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш» бош максадлардандир. Миллий дастурда «Таълим муассасаларини зарур дарслеклар ва адабиётлар билан таъминлаш» долзарб вазифалардан эканлиги белгиланган.

Юқоридаги мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқарилишига баҳоли курдат ҳисса қўшиш мақсадида муаллифлар томонидан 2000 йилда олий ва ўрта-маҳсус ўкув юртларида бўлгуси хукук-шунос ҳамда иқтисодчи мутахассисларга «Банк ҳукуки» курсини ўқитиш бўйича тайёрланган ўкув дастурларига мувофиқ равишда «Банк ҳукуки» ўкув қўлланмаси тайёрланиб нашр этилган эди. Ушбу ўкув қўлланма Ўзбекистон Республикасида илк бора амалга оширилган тезкор тарздаги иш бўлганлиги туфайли унда айрим камчиликлар, умумий хусусиятга эга бўлган юзакироқ тавсифларга йўл қўйилганлигини муаллифлар эътироф этадилар, бироқ ўша пайтдаги «Банк ҳукуки» соҳасида миллий қонунчилик тизимида асосланган ўкув адабиётлари мавжуд бўлмаганлиги, ўкувчи ва талабаларга ушбу ўкув курсини ўрганишда кўмак бериш истаги мазкур ўкув қўлланмани нашр этилишига сабаб бўлган. Айни пайтда муаллифлар ана шу ўкув қўлланма чоп этилгандан кейинги ўтган 5 йил давомида мутахассис ва ўкувчилар томонидан танқи-дий фикрлар билдирилмаганлиги, ўкув юртларида ушбу ўкув қўлланмасидан кенг фойдаланиб келинаётганлигига эътиборни жалб этиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Муаллифлар томонидан эришилган ютуқлар, банк ҳукуки соҳасида амалга оширилган назарий тадқиқотлар, қонунчилик тизимларида юз бераётган ўзгарипп ва янгиланишлар асосида, рўёбга чиқарилаётган иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳант тарзда банк тизими, пул-кредит сиёсатидаги ривожланишлар ҳисобга олингани ҳолда тайёрланган мазкур дарслек 2000 йилда «Молия» нашириётида чоп этилган «Банк ҳукуки» ўкув қўлланмасининг тубдан қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашридан иборат.

Дарсликда молия-банк соҳасидаги ислоҳотлар, банк тизими ва банк қонунчилиги тизимида янгиланишлар, банк ҳукуки билан боғлиқ бўлган назарий-илмий тадқиқотлар ва уларнинг натижалари ўз ифодасини топган.

Ушбу дарслик ҳозирги, янги босқичда банк-молия соҳасида ма-  
лакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшади  
деб умид қиласиз.

Мазкур дарслик билан яқиндан танишиб чиқсан ва у хақда ўзла-  
рининг фойдали таклиф, мулоҳазалари ҳамда конструктив таңқидий  
мулоҳазаларини билдирган барча ўкувчи-талабаларга, мутахассислар-  
га муаллифлар ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

## УМУМИЙ ҚИСМ

### 1-боб. БАНК ИШИ ВА БАНК ҲУҚУҚИННИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ АСОСЛАРИ

#### 1-§. Банк иши ва банк ҳуқуқини келиб чиқиши ҳамда ривожланиш босқичлари

Тижорат ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларга молиявий хизматлар күрсатиш, уларга пул маблағларини қарзга беріб туриш, омонатларини саклагаб бериш, бир шахснинг пул маблағларини ўзга шахсларга ўтказиб бериш, бир мамлакат пул бирликларини бошқа мамлакатнинг пул бирликларынга айрибошлиш қадимий илдизларга эга бўлиб, булар ҳақида Ҳамурапи Конунларида ҳам, қадимги Мисрда папирузларга ёзилган Конунларда ҳам, Хитой қўлләзмаларида ҳам кўп эслатилган. Молиявий хизматлар күрсатиш тарихи инсоният цивилизациясининг эрта тонгига, товар-пул муносабатлари, ўзаро товар айрибошлиш алокалари юзага кела бошлаган даврларга бориб тақалини шубҳасиз. Инсоният маддий маданияти осори-атикаларини, қадимги археологик манбаларни ўрганиш ўқоридаги фикрга келишга тўла асос бўлади.<sup>1</sup>

Марказий Осиё ҳудудида яшаган ва яшаб келастанган ҳалқлар ҳамда элатлар тарихига оид қадимий ёдгорликлар, бу ер инсоният цивилизацияси бешикларидан бўлганлигини, бундан 5 минг йил аввал ҳам ривожланган ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар қарор топганлигини, товар-пул муносабатлари авж олганлигини тасдиқлайди.<sup>2</sup>

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришларича милоддан аввалиг биринчи минг йилларда Марказий Осиё ҳудудида дастлабки қулдорлик давлатлари – Хоразм, Бақтрия, Суғд, Парфия вужудга келди. Мароқанд, Марв каби шаҳарлар барпо этилди ва у срларда савдо-сотик ривож топди, пул ўринида ишлатиладиган буюмлар муомилага киритилди. Аҳмонийлар ҳукмронлиги даврида Авесто таълимоти кенг тарқалди ва унда одамлар ўртасидаги ўзаро муомалаларга, савдо-сотик ишларига катта эътибор берилди.<sup>3</sup> Кушон подшолиги даврида тилла ва кумуш тангалар зарб этилиб, савдо-

<sup>1</sup> «История денег». Бизнес вестник востока. 2002 г., №38–40 (сентябрь-октябрь)

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> Бобоев Х., Ҳасанов С. «Авесто ва ўннинг инсоният тараккитеидаги ўрни». Урганч, Хоразм, 2003 йил. Шунингдек, А. Махмудов «Авесто ҳақида». Т., «Шарқ», 2000 йил ва бошжалар.

сотиң ишларыда көнг мұомилага киритилди. Эфталитлар давлати даврида ҳам (әрамизинн I – V аспи), Турк хоқонлиги даврларыда ҳам (VI – VIII асрлар) мамлакатимизнинг тарихий ҳудудларыда хунармандылар, савдо-сотик ишлари көнг ривож топди, пул ва молиявий хизматларга оид мұносабатлар янада такомилига стди.

VIII аср ўрталарыда Марказий Осиёни араб халифалиги томонидан босиб олинниши натижасыда, ижтимоий ва иқтисодий мұносабатлар янгича асоста – ислом ақидалари ҳамда тамойилларига таянилгани ҳолда янгича шаклдана бошлади.

Марказий Осиёнинг араблар томонидан истиъло қилиниши туфайли халқымыз маңнавиј вә маданий тарихи жиддий зарар күрган бўлсада, аммо бу ҳол савдо-сотикни янада көнг авж олишига, халқаро иқтисодий мұносабатларни мислсиз кенгайишга олиб келди. Савдо-сотик ва ўзаро мұомала соҳасига ислом қадриятларини сингдирилиши халоллик, инсоф-диёнат, лафзида туриш каби ижобий ахлоқий мезонларни қарор топишига кўмаклашди ва бу ҳол савдо-сотикни көнг ривожланиши учун қулай шароит туғидирди.

Марказий Осиёни XIII аср бошларыда мўгуллар томонидан босиб олинигунга қадар юртимизда савдо-иқтисодий мұносабатлар ривож топди, йирик ва обод шаҳарлар барпо этилди, бошқа мамлакатлар билан ўзаро савдо-маданий алоқалар көнг миқёсда олиб борилди.

Марказий Осиё Чингизхон кўшинлари томонидан босиб олиниб, вайрон этилгач бу срда чуқур ижтимоий ва иқтисодий инқизоз юз берди, савдо-иқтисодий алоқалар издан чиқди. Бундай ҳол сал кам икки аср давом этди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих саҳнасига кириб келиши ва юксак даражада марказлашган Темур империясини барпо этилиши билан савдо-иқтисодий мұносабатлар соҳасида кескин юксалиш юз берди. Мамлакатлараро алоқалар яна кенгайди. Амир Темур даврида зарб килинган олтин, кумуш танталар, мис чақалар савдо-сотик алоқаларида көнг кўлланилди. Бу даврларда савдо, пул билан боғлик ўзаро мұносабатларга халоллик, виждонлиликка катта эътибор берилди, мамлакатда ўғри-каззоблар бўлмаслиги учун қаттиқ кураш олиб борилди. Соҳибқирон Амир Темур алоҳида фахр билан таъкидлаганидек: «Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтасиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб интизом ўрнатдим»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Темур тұрьклары» Е. Үулом номидаги адабиет ва санъат нашриети. Т., 1991 й., ...бет.

Амир Темур вафотидан сўнг унинг империяси парчаланиб кетди ва бу ҳол барча соҳаларда, шу жумладан, савдо-иктисодий муносабатларда ҳам инқирозларни юзага келтириди. Хонликлар тарихи даври ривожланишининг секинлашганилиги, тарқоқлик, савдо алоқаларининг сусайганлиги билан тавсифланади.

XIX асрнинг II ярмидан бошлаб Рус чоризмини Ўрта Осиёга суқулиб киришга уриниши ва ниҳоят шу асрнинг 60 – 70 йилларида бу ерни истило қилинishi капиталистик тартиботларни ҳам кириб кела бошлишига сабаб бўлди. Марказий Осиё, хусусан, Туркистон ўлкаси рус савдо-саноат доиралари учун арzon хомашё ва иш кучи манбаи сифатида жозибали эди. Россия империясининг мамлакатимизга бостириб кириши тарихий, миллӣ, диний ва аҳлоқий қадриятларимизга ўнглаш қийин бўлган дараҷада катта зине етказилтанинги, истеъбдол ва босқинчилар зулми халқимизни ҳакоратланган ҳамда жароҳатлаганлигини доимо ёдимизда сақлаганимиз ҳолда чоризм саноати, замонавий техникаси, мутахассис кадрлари салоҳиятининг мамлакатимиз иктисодий тараққистида ижобий воқеа бўлганлиги, темир йўллар қурилиши ўзаро иктисодий алоқаларни кескин кучайишига хизмат қилганлигини ҳам эътироф этилмоғи лозим.

Хозирги замон қарапшарига бирмунча мос келувчи банклар, бошқа молия-кредит муассасаларининг пайдо бўлиши ҳам айнан рус империализми ва рус саноатини Ўрта Осиёга кириб келиши билан боғлиқdir.

Туркистон ўлкаси босиб олинганидан сўнг маҳаллий молларни Россия ўлкаларига жўнатиш, Россиядан саноат ва бошқа товарлар келтирилишида савдогарларга молиявий қуляйлик яратиш мақсадида 1892 йилдан 1915 йилгача ўлкада давлат банкининг 10 га яқин бўлимлари, хусусий тижорат банкларининг 40 та бўлими очилди. Банк-молия капитали Ўрта Осиё иктиносидистининг барча соҳаларига кириб борди. Бундай банклар жумласига Москва ҳисоб банки, Рус-Хитой банки, Рус-Осиё банки кабилар киритилиши мумкин<sup>1</sup>.

Чоризми ағдарилиши ва большевиклар ҳукуматининг барпо этилиши мустамлакачилик соҳасида жиддий ўзгаришларни юзага келтирмади. Марказий Осиё республикалари хомашё базаси, асосан пахта базаси сифатида аҳамиятни сақлаб қолаверди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида юритилган «Ҳарбий коммунизм сиёсати» иктиносидёт тармоқларини, шу жумладан, банк-молия тизимларини барбод бўлнишига олиб келди. Ахволни ўнг-

<sup>1</sup> «Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида». Биринчи китоб, Т., «Шарқ» нашириёти матбая концерни Бонн таҳририяті. 2000 й., 238-бет

лаш мақсадида 1921 йилдан бошлаб юритилган «Янги иқтисодий сиёсат» (НЭП) натижасида бозор муносабатларига хос инфратузилмаларнинг чекланган элементлари, шулар қатори банк кредит муассасалари иши ҳам жонлантирилди ва улар иқтисодий ҳастда мухим рол ўйнай бошладилар.

Бой – судхўрлар ва савдо капиталига қарши кураш воситаси сифатида дэҳконларниң ўзаро ёрдам жамиятлари барпо этилиши 1923 йилдан йўлга кўшила бошланди. 1925 йилда Узбекистонда бу жамиятнинг 809 та шўйбасӣ бор эди. Унбу жамият фаолияти шаклларидан бири сифатида кредит ва омонат – ссуда ширкатлари фаолият юрита бошлади. 1923 йилда 275 та ана шундай ширкатлар бўлган. 1923 йилда РСФСР Хукумати Давлат қишлоқ хўжалик банкини ташкил этди ва унинг филиали Туркистон Автоном Республикасида ҳам очилди. Бу банк ўз операцияларини кредит ширкатлари орқали амалга оширди. 1923 йилда Туркистонда 1169 та кредит-кооператив ширкатлари мавжуд бўлган.

Меҳнат ва мудофаа Кенгаши томонидан 1924 йил 11 январда Ўрта Осиё Тижорат банки таъсис этилди ва савдо-сотиқни, маҳсулотлар тайёрлашни ривожлантириш ҳамда кўллаб-куватлаши унинг асосий вазифаларидан қилиб белгиланди<sup>1</sup>.

XX асрнинг 30-йиллари бошларида банк-молия соҳасидаги ислоҳотлар натижасида СССР Давлат банки ва унинг иттифоқ дош республикалардаги бўлимлари ташкил топди ҳамда банк соҳасидаги бундай қатъий марказлашув XX асрнинг 80-йиллари ўрталаригача сақланиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга кириттанидан кейин, бозор муносабатларига асосланувчи эркин ва очик жамият барпо этиш орқали буюк келажакка эришиш ўзининг мақсади эканлигини эълон қилди ҳамда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқар экан, ушбу бош мақсад дикқат марказида сақланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ижтимоний-иқтисодий ислоҳотларнинг вазифаси собиқ иттифоқ барбод бўлиши, хўжалик-иқтисодий алоқаларни барҳам топиши туфайли юзага келган иқтисодий тантликийн бартараф этиш, ишлаб чиқаришининг кескин пасайиши жарасини тўхтатиш, пул қадрисизланишини жиловлаш, аҳоли турмуш даражасини кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик асосида ижтимоий барқарорликни сақлаш, ривожлашиш учун зарур шарт-шароитни ҳозирлаш кабилардан иборат эди.

<sup>1</sup> «Ўзбекистон Совет Мустамлакачилиги даврида». Иккинчи китоб. Т., «Шарқ» нариєст-матбаа концерни Баш таҳририяти. 2000 й., 186–187 б.

Бу даврда банк-кредит ва молия муассасалари фаолияти ҳам ушибу вазифага бўйсундирилган эди.

Айни пайтда мамлакатимиз мустақиллиги рамзлари сифатида ўзига хос банк-кредит тизими, пул-кредит сиёсати шакллантирилиши жараёни ҳам давом этмоқда. Матъмурий буйруқбозлик ва тоталитар тизимдан эркн бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат ҳамда жамиятни бошқарининг самарали ва қурдатли дастакларидан бўлмиш банк-молия муносабатлари соҳасида давлат мавқеи ҳамда назоратини сақлаб туришлик бозор муносабатларига ўтиш чоғида давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозимлиги ҳақидаги бош тамойилга тўла мос келади. Мустақиллигимизнинг дастлабки даврларидан бошлаб амалга оширишга киришилган банк-молия тизимларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш ишлари юқоридаги қоида эътиборга олинган ҳолда амалга оширилди.

Ўзбекистоннинг 1991 – 1993 йиллардаги, яъни рубль зонасида бўлиб турган даврдаги иқтисодий сиёсати ишлаб чиқаришнинг бутунлай инқирозга юз тутишига ва аҳоли турмуш даражасининг пасайиб кетишига йўл кўймасликка, савдо балансининг ахволини яхшилашга, иқтисодий тизимни такомиллаштиришга қаратилди. Ягона иқтисодий зонада бўлган ҳолда сиёсий мустақилликни рўёбга чиқарилишини таъминланни лозимлиги пул-кредит сиёсати соҳасида ҳам ўзига хосликни ифодалайди.

Бу борадаги мухим вазифа банклар фаолиятини, улар вазифаларини янги талаб ва эҳтиёжлар асосида ташкил этмоқ эди. Икки поюонали самарали банк тизимини барпо этмасдан туриб бозор муносабатларини юзага келтириш, пул-кредит муомаласини қайта куриб бўлмасди<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 1991-йил 15-февралда қабул килинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун (кейинги кўшимча ва ўзгаришлари билан) банк соҳасидаги ислоҳотлар йўналишларига мос равишда банк муассасалари фаолиятини бозор талабларига мослаштириш вазифаларини ўзида акс эттириди.

Ушбу қонунга кўра СССР Давлат банкининг республикалаги минтақавий бўлими Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига айлантирилди ва пул эмиссияси, хукумат ҳисоб варафларига хизмат кўрсатиши, олтин-валюта захираларини сақлаш, тижорат банклари фаолияти устидан назорат олиб бориш, пул муомиласини ва пул-кредит сиёсатини амалга ошириш каби мухим вазифалар юклатилди.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётида ва ислоҳотлар соҳасида кўлга киритилган ютуклар, Ўзбекистоннинг рубль зонасидан чиқи-

<sup>1</sup> «Мустақил Ўзбекистон тарихи» учинчи китоб. Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бон таҳририят. 2000 й., 319 – 323 б.

ши ва ўз миллый валютаси – Сўмни муомалага киритилиши, молия соҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштирилиши, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди. Шунга кўра 1995 йил 21 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуни<sup>1</sup>, 1996 йил 25 апрелда эса «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни<sup>2</sup> қабул қилинди. Ушбу Қонунлар Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки каби халқаро банк муассасалари томонидан юқори баҳоланди.

Банк фаолиятини янада эркинлаштириш ва банк-кредит муассасаларини бозор талабларига тўла мослаштириш, банк фаолиятига давлат аралашувини камайтира бориш, иқтисодий ҳаёт ва иқтисодий тараққиётда тижорат банклари мавқеи, ҳамда таъсирини кескин ошира бориш – бугунги кунда амалга оширилаётган банк илоҳотларининг муҳим жиҳатларидандир.

## **2-д. Ўзбекистон Республикаси Банк ҳуқуқи – янги шаклланиб келаётган ҳуқуқ соҳаси**

Банк ҳуқуқи бозор иқтисодига ўтиш тарихий даври билан боғлик вужудга кела бошлаган янги ҳуқук соҳасидир. Товар-пул муносабатларининг кескин авж олиши, тадбиркорлик фаолиятининг мисли кўрилмаган миқёсда кенг кулоч сийиши ҳисоб-китоб ҳамда пул муомаласи соҳасида ҳам янгича жараёнлар ҳамда йўналишларни вужудга келтирди. Аввал фақат давлат монополияси ҳисобланган ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти билан якка шахсларнинг тадбиркорлик асосида шуғуллана бошлаганлари ҳисоб-китоблар, банк хизмати, банк операцияларига бўлган эҳтиёж кескин ошиб кетишига олиб келди ҳамда банклар билан уларнинг кўп миллионли мижозлари ўртасидаги муносабатларни ижтимоий муносабатларнинг муҳим турӯхига айлантириди, уларни ҳуқуқий тартибга солишини яхшилаш ва такомиллаштириш зарурлигини кун тартибига кўйди.

Мамлакатимиз давлат мустақиллигига эришгандан кейин ва тараққиётнинг бозор иқтисодига асосланган ўзбек модели танлаб олингандан сўнг собиқ иттифоқ даврида фаолият кўрсатган банк-кредит тизимлари, уларнинг иш услублари, моддий-техникавий имконияти замонавий талабларга ҳамда республикамиз олдига қўйилган иқтисодий ва сиёсий вазифаларга мутлақо мос келмай қолди. Иқтисодий янгиланиш ҳамда иқтисодий илоҳотларни янги

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 Й., 12-сон, 247-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 Й., 5 – 6 сон, 54-модда.

механизмлар ёрдамидағина амалға ошириш мүмкінлеги ҳаммага равшан эди. Ўзбекистонда миллий маңбаатларни ҳисобта олган ҳолда ривожланиш йўлларини белгиловчи дастлабки конунлар сабик иттифоқ ҳали расман барҳам топмаган давр (1991 йил 15 феврал)да қабул қилинган бўлса ҳам «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»<sup>1</sup> қабул қилинган конун ҳозирги замон банк тизимлари учун хуқуқий база ва пойдевор яратди. Ўзбекистон Республикаси молия тизимлари вужудга келишига кўмаклашди. Ушбу қонун асосида сабик Давлат банкининг Ўзбекистон бўйича минтақавий бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига айлантирилди. Унда миллий банкка хос функциялар юзага кела бошлади. «Иқтисодистдаги қайта қуришлар ва тараққиёт динамикаси банк тизимларидан ҳам банк иши бўйича жаҳон амалийтини, Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларнинг миллий менталитетини ҳисобга олувчи, унга мос келувчи ўзгаришлар рўёбга чиқарилишини тақозо этар эди»<sup>2</sup>. Шунга мос равишда, мазкур қонунга кейинчалик мустақилликнинг дастлабки йилларида тўплланган тажрибаларга ҳамда халқаро банк амалиёти ютуқларига асосланган жиддий ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиб борилди.

Республикамизда банк фаолияти соҳасида миллий тажрибанинг тўплана бориши, халқаро тажрибалар ва илғор ютуқларнинг синчковлик билан ўрганилиб ва умумлаштириб борилиши натижасида иқтисодий ислоҳотларнинг кейинги босқичларига келиб, мамлакатимизда банк, кредит, сугурта, қимматли қоғозлар бозори ва уларни бошқариш соҳасида замонавий конунлар тизими юзага кела бошлади. Кейинги йилларда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»<sup>3</sup>ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»<sup>4</sup>ги, «Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар тўғрисида»<sup>5</sup>ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шу тарзда банклар ва банк фаолиятига оид қонуни хужжатлари тўплана бориб, аста-секин қонунчилик тармоғи сифатида шакллана борди ҳамда бугунги кунда банк фаолияти, ҳисоб-китобларни ташкил этиш, банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган турли хизматлар кўлами, ҳажми ҳамда турларнинг кескин кўпайиб кетиши натижасида бозор инфратузилмасининг ҳал қилувчи бўғинларидан биршага айланди. Шу сабабли баек муассасалари билан иш юритувчи ҳар бир шахснинг мэмлакатимиз банк қонунчилиги асосларидан хабардор бўлиши, уларга амал қилиши ҳастий заруратта айланниб қолди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси. Олий Кенгашининг ахборотномаси 1991-й, 4-сон, 84-мода.

<sup>2</sup> Ҳудойбердиев У., Эрдонаев А. «Коментарий к Законам Республики Узбекистан», 1998 г., З стр.

Ушбу омиллар мамлакатимизда банклар ва банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари билан шуғулланувчи банк ҳуқуқи деб аталувчи янги ҳуқуқ соҳасини юзага келтирди. Банк ҳуқуқи фан сифатида ўз предмети, услуглари ва бошқа ўзига хос хусусиятларга эга.

Банклар фаолияти жуда кўп соҳаларни қамраб олади. Банк фаолиятига банк иштирокидаги ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин. Банк фаолияти деганда банклар ёки бошқа кредит муассасалари пул, қимматли қозозлар, валюта бойликлари кўринишларидаги молиявий ресурслар воситасида амалга ошириладиган у ёки бу ҳаракатлар тушунилади.

Банк фаолияти объекти саналувчи молиявий инструментларни батафсилроқ кўриб чиқайлик.

Пул моҳияттан ҳуқуқий тушунча сифатида, энг аввало, иқтисодий категория эканлитигини эсда тутиш керак. Илмий адабиётларда пул тўғрисидаги назарияда унинг кўйидаги уч асосий функцияси ҳақида сўз юритилади ва пул:

- қиймат ўлчови;
- мумомала воситаси;
- жамғариш воситаси сифатида таърифланади.

Чет эл мутахассислари пулнинг товарлар ва хизматлар учун тўлов воситаси сифатидаги қийматни ўлчовчи воситаси, айрим ҳолларда эса ушбу умумий олинган функциялар қаторига тўловлар ва ҳисоб-китоб бирликларини жамғариш функциясини ҳам кўшишади<sup>1</sup>.

Пул мумомала воситаси (тўлов воситаси), жамғариш воситаси ва товар қийматини ўлчаш вазифасини бажарганида банк фаолияти ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади. Бунда пул нақд, нақд бўлмаган ёки насия шаклларда мавжуд бўлиши мумкин.

Нақд пулнинг мумомалага яроқлилиги техник ва ҳуқуқий меъёrlарига кўра аниқланади. Ушбу маънодаги умумий талаблар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида (94-модда) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конунда (V бўлим, 32 – 39-моддалар) Ўзбекистон Республикаси худудида ягона эмиссия маркази сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланади ҳамда ягона тўлов воситаси сўм эканлиги ва у номинал қиймати бўйича қабул қилиниши тартиби жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасида эмиссия фаолияти пул бирликларини мумомалага чиқариш, мумомаладан қайтариб олиш билан факат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки шуғулланиши мумкин.

<sup>1</sup> Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Т. "Мехнат" –1997-й, 143 – 145 бетлар. Макконел К.Р., Брю С.Л., "Экономика". Москва-1992 г. стр. 264 и др.

Накд пул муюмаласи эмиссия билан бевосита боғлиқ бўлиб, уни ташкил этиш, назорат қилиш, шунингдек, қуидаги функциялар Марказий банкка юклатилади:

– қофоз ва танга пулларга истиқболдаги эҳтиёжни белгилаш, эмиссиясини ташкил қилиш, сақлаш, тежаш ва зарур заҳираларни яратиш;

– кредит ташкилотлари учун накд пулни сақлаш ва инкассация қилиш қоидаларини белгилаш;

– пул белгиларининг тўловга яроқлилик даражасини аниқлаш, зарарланган қофоз ва танга пулларни алмаштириш, яроқсиз пул бирликларини йўқ қилинишини таъминлаш;

– кредит муассасалари учун касса операцияларини юритиш қоидаларини ишлаб чиқиши.

Накд пулдан ташқари накдсиз пуллар ҳам молиявий инструмент саналади. Пулнинг асосий қисми накд пулсиз ҳисобдаги пулларда ифодаланади.

Кимматли қофозлар банк фаолияти обьекти сифатида хизмат қилиши учун пул шаклида ифодаланган бўлиши, корпоратив ёки ҳисоб-китоб қилинадиган ва минимал муюмала доирасига эга бўлиши лозим.

Валюта бойликларн банк фаолияти обьекти бўлиши учун валюта қонунчилиги томонидан қўйиладиган талабларга жавоб берниши керак.

Пул муюмаласи иқтисодий ташкилотнинг қон томири ҳисобланади. Банк фаолияти фойда олиш мақсадида мунтазам равишда амалга ошириладиган битимлар ва банк операцияларидан ташкил топади.

Демак, банк фаолияти деганда пул муюмаласини ташкил этиш, валютни тартибга солиш, кредит фаолияти бўйича банк ва кредит муассасалари томонидан амалга ошириладиган хатти-харакатлар тушунилади.

Банк ҳуқуқи предмети банк фаолияти, банк ва кредит муассасалари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлардан ташкил топади.

### 3-§. Банк ҳуқуқи тушунчаси ва унинг предмети

Ҳар қандай давлат ва жамиятнинг иқтисодий, хўжалик тизимида банк муассасалари ҳамда улар томонидан амалга ошириладиган банк фаолияти мухим ўрин тутади, зероки, жамиятдаги пул массаси оқимларининг самарали ва мақсадли айланиши, ўзаро ҳисоб-китобларнинг бир маромда амалга оширилиши, бўш молия-

вий маблагларни ишлаб чиқарышга инвестиция қилиниши, хуллас молиявий барқарорликни таъминлаши уларсиз мумкин эмас.

Шу сабабли ҳар бир давлат, энг аввало, мукаммал ва самарали ишлопчи банк-молия тизимлари барпо этилишидан жуда манфаатдордир. Тарихт бурилишлар, жамият ҳастида чукур ўзгаришлар бўлаётган даврларда айниқса, аниқ ва самарали ишлайдиган банк-молия тизимларининг мавжуд бўлиши ижтимоий-иқтисодий фалокатларга йўл қўймасликнинг муҳим шартларидан бўлиб саналади.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини кўлга киритгач, маъмурий бўйруқбозлик ва давлат якка ҳокимлиги тузуимидан эркин бозор муносабатларига ўтиш даври ҳам ана шундай тарихий бурилиш даврларидан саналади. Банк-молия муассасаларининг ўтиш давридаги аҳамиятини чукур тушунилгани ҳолда банк-молия ва кредит соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларининг асосий мақсадларидан бири – эркин бозор тамойиллари ва талабларига тўла мос келувчи тижорат банк муассасалари тизими барпо этилишини таъминлашдан иборат. Бугунги кунда ана шу максадга эришиш соҳасида муайян ютукларга эришилганлиги қайд этиб ўтилиши лозим. Жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида Марказий банк ва 30 та тижорат банклари (2 та давлат банки, 17 та акциядорлик, 11 та хусусий банклар) фаолият кўрсатмоқдалар. Жаҳон тараққиёт банки хуносасига кўра банк муассасалари ишлаб чиқарышга самарали хизмат кўрсата олиши учун уларнинг низом капитали мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 6–7 фоизини ташкил килиши лозим. Бу кўрсатгич Ўзбекистонда 7–8 фоизни, Украинада 5–6 фоизни, Козогистонда 4–5 фоизни, Кирғизистонда 2,5–3 фоизни, Тожикистонда 2–3 фоизни ташкил этади<sup>1</sup>.

Бозор инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми саналувчи банк тизими фаолиятининг самарали натижалари кўп жиҳатдан унинг қонунчилик асосларининг мукаммаллигига ва ривожланиш вазифаларига қай даражада мос келишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Банк соҳасидаги хукукий ислоҳотлар банк ислоҳотларининг асосий йўналишларидан саналади.

Мамлакатимизда банк фаолиятини хукуқий жиҳатдан таъминлашда ва банкка оид ижтимоий муносабатларни тартибга солинишида Ўзбекистон миллий хукуқ тизимининг тармоқларидан бири бўлган банк хукуқи муҳим ўрин тутади.

Банк хукуқининг хукуқ соҳаси, қонунчилик тармоғи сифатидаги тушунчаси ва унинг предметига юридик адабиётларда турлича ёндошувлар, ҳар хил таърифлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Унинг тушунчаси ва предмети доирасини тўғри аниқлаш муҳим назарий

<sup>1</sup> Банк ахборотномаси. Ҳафтаниома. 2003 йил, № 14.

хамда амалий ахамиятiga этадир. Чунки факат шу йўл билангина унинг бошқа хукуқ соҳаларидан туб фарқларини аниқлаш, ўзига хос вазифалари ҳамда муаммоларни белгилаш мумкисин бўлади.

Банк хукуки тармоғи предметини аниқлаш чогида бу соҳада тадқиқотлар олиб борувчи олимлар иккى хил ёндошувни намойиш этадилар. Улардан бир гурухи банк хукуки сабиқ иттифоқ давлатни даврида оммавий хукуқ соҳаларидан бўлган давлат хукуки, маъмурий хукук, молия хукуқи таркибий қисмларидан иборат эканлигини эътиборга олиб ёндошсалар, иккинчиси, банк фаолияти эркин ва мустақил бўлган хўжалик юритувчи субъектларга банк хизмати кўрсатишта, бунда асосан шартномавийлик тамойилларига амал қилишлик, яъни хусусий хукукий асослар етакчи ўрин тутишига кўпроқ эътибор бсрдилар. Жумладан, Н.Ю. Ерпилеванинг таърифича: «Банк хукуки – бу банк фаолиятини, яъни банклар ташкил этилиши ва фаолияти, улар томонидан турли операцияларни амалга оширилишини тартибга солувчи хукуқ месъёрлари тизимидан иборатдир»<sup>1</sup>.

Н.Д. Эриашвилининг фикрігча: «Банклар фаолияти ва ташкил этилиши банк хукуқини ташкил этувчи юридик месъёрлар воситасида тартибга солинади»<sup>2</sup>. О.М. Олеиник «Банк хукуки маълум хукукий месъёрлар мажмунидан иборат банклар фаолиятларига таалуқли қонда ва кўрсатмаларни ўз ичига олади, банклар ва бошқа кредит муассасаларини мижозлар билан муносабатларини тартибга солади» деган фикр билдиради. М.Л. Коган банк хукуки предмети «банклар иштирокидаги хукукий муносабат бўлиб, хўжалик хукуки предметини тартибга солади» дейди. Француз хукуқшуносларидан Г. Гональда ва Ж. Стуфле банк хукуқини кредит хукуқининг таркиби сифатида қараб «Банклар ва нобаён кредит муассасалари билан боғлиқ муносабатлардан иборат алоҳида банк операциялардан иборат» деб қарайдилар.

Америка Кўшма Штатлари хукуқшунос олимлари А.М. Поллард, Ж.Г. Пассейк, К.Х. Эллис, Ж.П. Дейллар фикринга кўра Банк хукуки кўп киррали тушунча бўлиб, мустақил хукуқ тармоғи сифатида банкларининг амалий ташкилий фаолиятларини умумий тамойиллари, молиявий хизматларни тартибга солиш билан боғлиқ хукукий месъёрлар мажмунини ўз ичига олади лейдидалар, Канада хукуқшунослари О. Оғильвириди, Р. Колт табирига кўра Банк хукуки оммавий ва хусусий хукуқ элементларини ўзида мужассамлаштирган мустақил хукуқ тармоғи бўлиб Банклар фаолияти устидан давлат назоратини камраб олган, банк шартномалари хукуки сифатида кўринишга эга бўлган хукуқ тармоғидир. Бошқа олимлар томонидан ҳам юқоридагиларга ўхшаш таърифлар берилган.

<sup>1</sup> Ерпилева Н.Ю. «Международное банковское право». Учебное пособие. М., изд. «Форум-инфра-м», 1998 г., с. 4

<sup>2</sup> Эриашвили Н.Д. «Банковское право». Учебник. М., «Закон и право». 1999 г., с. 9.

Бирок, бизнинг назаримизда банк ҳуқуқига таъриф бериш ва унинг предмети доирасини аниқлашда фақат бир томонлама ҳамда юзаки ёндошувга йўл қўйиб бўлмайди. Чунки юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ҳар қандай ҳуқуқ соҳасини, жумладан, банк ҳуқуки тармолгининг предмети доирасини тўғри ва аниқ белгиланиши, шу соҳадаги ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигини, самарали тартибга солинишими таъминлапшининг, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳуқуқлари ва манфаатларини тезкор ҳимоя этилишини таъминлаш йўли билан қонунийлик ҳамда ижтимоий адолат қарор топдирилиши асосий омилларидан бўлиб саналади.

Банк ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар доирасини аниқлаш чоғида банк фаолияти бир томондан, Марказий банк орқали тижорат банкларини бошқариш ҳамда назорат килиш йўли билан амалга ошириладиган давлатнинг оммавий ҳуқуқий фаолияти эканлиги, иккинчи томондан, Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги маъмурий, бошқарув муносабатларидан иборат эканлиги, учичидан эса, банк фаолиятининг бош максади – тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга хусусий ҳуқуқий қоидалар ва принциплар асосида кўрсатиладиган эркин банк хизматидан иборатлиги назарда тутилмоги лозим.

Банк ҳуқуқи соҳаси билан тартибга солинадиган муносабатларнинг обьекти бўлиб, ўзига хос ижтимоий алоқалар, предмети жисмоний ва юридик шахсларга, ўзга иштирокчиларга банк хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ фаолият саналади. Шунингдек, бугунги кунда банкдан ташқари турли кредит муассасалари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳам банк ҳуқуки соҳаси предмети жумласига киритилмоқда<sup>1</sup>.

Банкларнинг молиявий ва иқтисодий муносабатлардаги асосий функциялари ушбу ҳуқуқ соҳаси предмети доирасини янада аниқроқ тасаввур қилишга имкон беради. Бундай функциялар қаторига қўйидагиларни киритиши мумкин:

- юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш турган маблағларини жалб этиш ҳамда қайтарилиши шарти билан, ҳақ эва-зига, муддатли ва мақсадли фойдаланиш шарти билан уларни жойлаштириш (кредит сифатида бериш, инвестиция қилиш ва ҳоказо);
- ҳисоб-китобларни амалга ошириш, Ўзбекистонда тўлов тизимларини шакллантириш;
- пул ва қимматли қоғозлар эмиссияси билан шуғулланиш;
- қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш;
- тегишли асосларда валютага оид муносабатларни амалга ошириш;

<sup>1</sup> Халфина О.О. «К вопросу о предмете и системе Советского финансового права. Вопросы Советского административного и финансового права». М., 1992 г., с.195.

— хўжалик юритувчи субъектларга бозор талабларига асосланган ҳолда бошқа турли хизматлар кўрсатиш.

Юкоридагиларни барчаси банк ҳукуки соҳаси предмети саналувчи ижтимоий муносабатлар табиати ва мазмунини англаб стишга ёрдам беради.


Банк ҳукуки предметини аниқлаш чоғида унинг ўзида бир неча ҳукуқ соҳаларига хос бўлган хусусиятларни жамлаганлиги эътиборга олинмоғи керак. Банк ҳукуки тижорат банклари билан уларнинг мижозлари бўлган юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида фуқаролик қонунчилиги тамоилилларига кўра (ихтиёрийлик, тенглик, фойда олишга интилиш) ва одатла, фуқаролик ҳукукий шартномалар асосида юзага келувчи муносабатларни тартибга солади. Айни пайтда банк ҳамда унинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар молия ҳукуки, маъмурий ҳукуқка ва бошқа ҳукуқ соҳаларига хос бўлган элементлари ҳам тез-тез учрайди. Масалан, ҳисоботлар тақдим этиш тартибини бузган мижозларга нисбатан жарималар кўлланилиши ва бошқалар (1-чизма).

Шу нуктаи назардан олганда молия ва маъмурий муносабатлар ҳам, башарти улар банк фаолиятини амалга оширилиши билан боғлиқ равишда юзага келса банк ҳукуки соҳаси предмети саналувчи ижтимоий муносабатларни ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари ўртасидаги муносабатлар маъмурий-ҳукукий, оммавий-ҳукукий муносабатлардан иборат. Чунки Марказий банк тижорат банклари учун мажбурий бўлган меърий-ҳукукий коидаларни белгилар экан, давлат эрки — иродаси амалга оширилади ҳамда бу эркнинг бажарилмаслиги учун давлат мажбурловини кўллаш таҳди迪 мавжуд бўлади.

Тижорат банклари томонидан ўз мижозларига бевосита банк хизматларидан ташқари хизматларнинг янги, ноанъанавий шакллари ҳам кўрсатиластганлиги ва бундай хизматлар турлари ҳамда доираси узлуксиз кенгайиб бораётганлиги банк ҳукуки соҳаси предмети саналувчи ижтимоий муносабатлар доирасини ҳам мунтазам кенгайиб боришига сабаб бўлмоқда.

Шундай қилиб, юкорида келтирилган асослардан келиб чиқиб бизнинг фикримизча банк ҳукуки деганда бир неча ҳукуқ тармоқларининг туташ чегараларида юзага келадиган, молия-кредит, пул муомаласи, ҳисоб-китоб амалиёти ва банк ҳамда кредит муассасалари фаолиятлари билан боғлиқ бўлган бошқа иқтисодий ижтимоий муносабатларни ўзига хос тартибга солувчи ҳукуқ меъёрлари тизими тушувилади (2-чизма).



## Ўзбекистон банк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари



#### **4-ғ. Банк ҳуқуқининг услублари ва тизимлари**

Хуқуқ соҳасининг предмети деганда ушбу хуқуққа оид мсъёрлар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар мажмуй тушунилса, унинг услугини деганда мазкур ижтимоий муносабатларни қандай қилиб (қандай воситалар ҳамда усуллар билан) тартибга солиниши назарда тутилмоғи лозим.

Банк ҳуқуқининг услублари деганда банк ҳуқуқи саналмиш муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида хизмат қилалигидан воситалар, тартиблар мажмуаси кўзда тутилади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, банк ҳуқуқи предмети саналувчи муносабатлар икки ёклама хусусиятга эга. Яъни, бир томондан, тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасида хусусий ҳуқуқий (иҳтиёрийлик, шартномавийлик ва ҳоказо) тамойилларига асосланса, Марказий банк билан тижорат банклари ўртасида эса оммавий ҳуқуқий (бир тарафнинг иккинчи тарафга бўйсуниши) қоидаларига таянади. Ушбу ҳолат банк ҳуқуқининг услубларида ҳам ўз ифодасини топган.

Тижорат банклари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш чоғида фуқаролик ҳуқуқига хос бўлган услублардан, яъни тарафларнинг тенглиги, ҳуқуқий муносабатга киришишининг иҳтиёрийлигига, ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳамда жавобгарликлини бслгилашнинг асосий воситаси шартномалар эканлигига таянувчи воситалардан фойдаланилади.

Тижорат банклари Марказий банк билан муносабатга киришганида, айрим ҳолларда тижорат банкларининг мижозлари бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этадиган муносабатларда ҳам оммавий ҳуқуқий усул ва воситалардан фойдаланилади. Яъни банк ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларига юклатилган мажбуриятлар бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани тақдирда уларга нисбатан давлат мажбуровчи усулларини татбиқ этилиши мумкин. Бундай муносабатларда иштирок этувчи ларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари давлат эрки-иродасини ифода этувчи мсъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қатъий белгилаб кўйилган бўлиб, улар тарафлар хоҳиш истагига кўра ўзgartирилиши ёки бискор қилиниши мумкин эмас.

Ҳуқуқий ва иқтисодий (молиявий) таъсир ўтказиш (ҳуқуқий жавобгарликка тортиш, молиявий жарима қўллаш) чоралари моҳият эътиборига кўра банкка оид ҳуқуқий муносабат иштирокчилари хулқ-атворига таъсир ўтказиш, улар хатти-харакатларини қонунчилик талабларига мувофиқ бўлишини таъминлаш усулларидандир.

Шундай қилиб, банк хукуқининг услублари деганда шартнома асосида ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат мажбурловини кўллаш таҳди迪 билан банкка оид муносабат иштирокчилари хулқ-авторларига таъсир ўтказиш, бу ҳулқ-авторни шартномага, қонунчилик актлари талабларига мувофиқ бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи тадбирлар ва воситаларнинг йигиндиси тушунилмоғи керак.

Мамлакатамизда бозор муносабатлари чуқурлаша бориши, банк соҳасида эркинлаштиришнинг кучайиши, бозор иқтисодий ислоҳотларининг амалга оширила бориши билан банк хукуқининг услублари ҳам такомиллашиб, тобора кенгайиб борансради.

Банк хукуки янги ҳуқук тармоги сифатида шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда ва айни пайтда у яққол ифодаланган тизимга эга бўлиб қолди. Маълумки, тизим бу алоҳида-алоҳида элементларнинг ўзаро боғланишидан ҳосил бўлган яхлитликдан иборатdir. Банк хукуки ҳам ҳуқук соҳаси сифатида ягона кўринишга эга ва айни пайтда ўзига хос белги ҳамда хусусиятларга эга бўлган таркибий қисмлар йигиндисидан иборат.

Банк хукуки тизими ва банк қонунчилиги тизими ўзаро фарқланмоғи лозим.

Банк хукуки – ҳуқук соҳаларидан бири бўлиб, унинг асосий мақсади банк соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ўрганиш, тадқик қилиш ва шу асосда ҳукукий тартибга солиш самарадорлигини ошириш, назарий хулосаларга таянган ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш ўйларини ахтариб топишидан иборат. Банк хукуки соҳасининг асосий вазифаларидан бири – банк соҳасидаги мамлакали ҳамда замонавий билимларга эга бўлган мутахассис кадрларни тайсrlаш, уларга назарий ва амалий кўникмалар беришдан иборат.

Банк хукуки умумий ва маҳсус қисмларни қамраб олувчи ички тизимга эга бўлиб, унинг умумий қисмида универсал хусусиятга эга бўлган тушунчалар, институтлар яъни; банк хукуқининг келиб чиқиши ижтимоий иқтисодий асослари, тушунчаси, предмети, ўрганиш услублари, манбалари ва тамойиллари, банкка оид ҳукукий муносабатлар ва уларнинг юзага келиш асослари, объектлари ва субъектлари ўрганилади.

Бу ҳуқук соҳасининг маҳсус қисмида банкка оид ижтимоий муносабатларнинг алоҳида ва аниқ мақсадга қаратилган гурухлари тартибга солинади. Жумладан, Марказий банкнинг тижорат банкларини бошқарув фаолияти, мижозларга банк хизматлари

кўрсатиш билан боғлик муносабатлар ва уларни ҳукуқий тартибга солиш, банк сирининг ҳукуқий асослари ва бошқалар назарда тутилади.

Банк қонунчилиги тизими банк ҳукуклари тизимларидан фарқли ўлароқ муайян қонун актлари тузилиши, таркибий қисмлари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги, банк қонунчилиги тизимини ташкил этади. Масалан, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун бўлим, 44 маддадан иборат бўлиб, унинг бўлимлари ўзаро боғланганлиги ва яхлитлиги қонун тизимини ташкил қиласди.

Банк ҳукуки ва банк қонунчилиги тизими, уларнинг таркибий элементларга бўлиниши уларни ўрганишни осонлаштиради.

#### **Мавзуни ўрганиш юзасидан назорат саволлар:**

1. Банк фаолияти нима ва иқтисодиётда унинг аҳамияти қандай?
2. Банк ҳукукининг мустақил ҳукук тармоги сифатида вужудга келиши ва ривожланишининг иқтисодий-ижтимоий асосларини айтиб беринг.
3. Банк ҳукуки фан соҳаси ва қонунчилик тармогининг предмети нимадан иборат?
4. Банк ҳукуки предметининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Банк ҳукуки услублари қандай?
6. Банк ҳукукининг тизимлари ва унинг бошқа ҳукук тармоқлари орасидаги ўрни қандай?

## Пул ва пулнинг пайдо бўлиши

Пул – муомала воситаси, эквивалентлик ўлчови, жамғариш воситаси сифатида инсониятга минг йиллар давомида энг самарали ва холис хизмат қилиб келаётган ижтимоий-иктисодий қуролдир. Пул ва пул муомаласига оид сиёсатни тўғри ёки нотўғри белтиланиши, бу соҳада оқилона иш тутилиши у ёки бу давлатнинг, ҳалқларнинг юксалишига ёхуд инкирозга учраб, тарих саҳнасидан чикиб кетишига сабаб бўлган ҳоллар тарихдан маълум.

Пулнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа тузуми емирилиши унинг ўрнида товар муносабатлари, мулкчилик, жамиятда тенгиззлик юзага келиши билан боғлиқдир. Тараққиёт натижасида меҳнат тақсимотини юзага келиши, ортиқча маҳсулотларни ҳосил қилиниши товар айрибошлиш, яратилган бойликларни кайта тақсимлаш заруратини юзага келтирди. Бу вазифа инсоният тараққиёти тонгида натурал айрибошлиш шаклида амалга оширилган бўлса, кейинчалик алмашинув воситаси функциясини бажарувчи муайян товар тури юзага келди. Бундай воситачи товар (пулнинг дастлабки аждоди) вазифасини турли ҳалқларда турли маҳсулотлар бажара бошлади. Пулнинг лотинча номи ҳам (*pecunia* – мол, ҳайвон) маҳсулот маъносини англашиб бежиз эмас. Айрим ҳалқларда бу вазифани озиқ-овқат маҳсулоти (ловия, дуккакли экинлар – Мексика, Гондурас ва бошқаларда), гармдори (Боливияда), тамаки япроқлари (Монголияда), темир парчалари (Спартада, Афинада), кумуш ҳалқалар (Қадимги Мисрда) ва бошқа моддий ашёлар бажарган.

Танга пуллар илк бора Қадимги Грецияда муомалага киритилди ва дунёда тез тарқала бошлади. Эрамиздан аввалги VII-VI асрларга келиб металл пуллар Гречияда кенг тарқалиб улгурди. Бу пуллар асосида греклар томонидан қабул қилинган ўлчов бирликлари ётар эди ва улар талант, мина, дирхам деб юритила бошланди.

Дастлабки Рим танга пуллари эрамиздан аввалги 300 йиллардан бошлаб зарб этила бошланди.

Танга ва чаҳа пуллар қадимги даврларда жаҳоннинг турли миннатақаларида кенг тарқалди. Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистон Республикаси худудидан топилган археология ёдгорликларини ўрганиш милоддан аввалги минг йилликларда ёқ ушбу худудларда металл пуллар зарб қилинганлиги ва кенг муомалада бўлганлигини тасдиқлайди.

Пул тизимлари ҳам, пулнинг ўзи ҳам ҳеч ким томонидан ихтиро қилинган эмас ва табиий-стихияли тарзда, айрим минтақаларда

аста-секин бошқа жойларда юзага келганды ҳамда тарқалған. Шунга күра пул пайдо бүлганды аниқ санани ва мамлакатның генологик-хронологик тарзда аниқлаш мүшкүл вазифа саналади. Қадим замонларда бу нарса ҳуққукий асосынан зерттеуде ғана мураккаблаштиради.

Рим империясынинг қулаши ва үйғониш давригача бүлганды ририхий босқыч (Милоднинг V—XVII асрлари) ўрта асрлар тарихини ташкил килади ва бу даврда феодал муносабатлар ҳукмрон мавқисига зерттеуде бүлганды. Ўрта асрларда кончиллик ва металл эритиш ривожланып шығып көрді. Бунда монометалл (олтин ёки күмушнинг ўзидан тайёрланған) ва биметалл (бир неча металл қориши мисалдан, масалан, мис ва бронза) танга ва чақалар зарб этиштегілганды.

Қоғоз пуллар ҳақиқий пул (муайян товарга ўз қиймати бүйінчала эквивалент бүлганды олтин ёки күмуш) бүлмасдан, муайян пул бирликтарини ўзидан ифода этувчи пул белгилари бүлиб саналади.

Даставвал қоғоз пуллар күпілдікта да ғойдаланишда нокулай бүлганды, металл пуллар ўрнига милоднинг VIII асрда Хитойда муномалага кириллікке жеткізгенді. Кейинчалик, XIII асрда Эронда, XIV асрда зесе Японияда ҳам қоғоз пуллар ишлаб чықыла бошлаганды. XII-XV асрда савдогарлар қурайтын туғдириси мақсадыда пактусиз пулни нақд пулга айрибошлаш вазифасини бажарувчи банкларни вужуда келтире бошлады.

Саңаат революциясини амалға оширилиши ва маданийлаштан бозор муносабатларни қарор топа бошлаши билан металл пуллар муномаладан сиқиб чықарылып, улар ўрнига қоғоз пуллар – банкнотлар көн жорий этила бошланды.

Қоғоз пуллар хазина билетлари ва банк билетларига бүлинади. Хазина билетлари давлат хазинасы (давлатнинг ўзи) томонидан чықарылади ва кредит пуллары бүлиб саналади. Банк билетлари зесе (bank-notes) – банкнотлар деб юритилади. Хазина билетлари ёки қоғоз пуллар давлат томонидан бюджет камомадини қолпаш мақсадыда муномалага чықарылади ва шу сабабынан кредит пуллары деб юритилади.

Кредит пуллары түлов воситаси сифатынан қарор топа бошлады. Пул муномаласи күрөлі сипатынан кредит пулларининг уч хил түри күлланилади. Улар:

- а) вексель;
- б) банкнотлар;
- в) чеклар.

Ўзбекистон тарихида (Хонликлар даврида) муомалада металл (олтин, кумуш танга) пуллар ва мис чақалар Чор Россияси Ўрта Осиёни истило қилгунига қадар асосий муомала ва тўлов воситаси бўлиб келган (Бухоро амирлигида XX асрнинг I чорагида ҳам металл пуллар муомалада бўлган).

Россия ҳукмронлигини ўрнатилиши билан Ўрта Осиё худудидаги хонликларда металл тангалар билан бир қаторда рус қофоз пул бирликлари (Хазина ва банк билстлари) кенг муомалага киритилган. Октябрь тўнтаришидан то Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигига эришгунигача бўлган шўролар даврида бир неча марта (1930 йилда, 1947 йилда ва 1961 йилда) пул ислоҳотлари ўтказилган бўлиб, уларнинг барчаси асосан қофоз пуллар номинациясини ўзгартиришга қаратилган.

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги дастлабки даврда (1991 йилдан 1994 йилгacha) Ўзбекистон Россиянинг рубль зонасида бўлиб келди ва 1994 йил 1 июлдан миллий валюта сўм муомалага киритилди. Қофоз пул массасини чеклаш, нақдсиз хисоб-китобларни авж олдириш – пул муомиласини баркарорлаштириш, унинг қадрсизланишини пасайтиришга қаратилган чоралардандир.

## 2-боб. БАНК ҲУҚУҚИННИГ МАНБАЛАРИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

### 1-§. Банк ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари

Банк ҳуқуқининг манбалари бўлиб жамиятда банк фаолиятини амалга оширилиши чоғида юзага келувчи ижтимоий-иктисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари мажмун тушунилади. Банк ҳуқуқи тармоқлараро хусусиятга эга эканлиги, унинг манбаи саналувчи ҳуқуқий-меъсрий ҳужжатларнинг ҳам турли ҳуқук соҳаларига тааллукли бўлиши мумкинлигини белгилаб беради. Бунда Конституциявий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик-тадбиркорлик ҳуқуқи, процессуал ҳуқуқ соҳаларига мансуб бўлган месъёрлар етакчи ўрин тутиши шубҳасизdir. Айни пайтда жиноят ва жипоят-процессуал ҳуқуқи соҳалари месъёрлари ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Конституциявий ёки давлат ҳукукий меъсрлар молия, пул-кредитнинг давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиши, жамиятни бошқаришнинг курдатли дастакларидан эканлиги ҳисобга олингани ҳолда бу соҳада давлатнинг мавқси ва таъсир кучини мустаҳкамлашга қаратилган тамойилларни белгилайди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат ўз молия ва пул-кредит тизимиға эга эканлиги (Конституциянинг 122-моддаси) қайд этилган бўлса, бошқа тегищли моддаларида молия, пул-кредит масалаларида давлат органлари ваколатлари чесаралари, Олий Мажлис, унинг палаталарига берилган ваколатлар назарда тутилади. Ушбу Конституциявий месъёрларда молия, пул-кредит соҳасидаги принципиал аҳамиятга эга бўлган давлат тадбирларини ишлаб чиқиш, бу соҳадаги қонунлар қабул килиш Олий Мажлис ва Қонунчилик Палатасига тааллукли эканлиги кўзда тутилади.

Банк ҳукуқига оид маъмурий-ҳукукий меъсрлар Республика банк тизимларини бошқариш, тижорат банклари қундалик фаолиятини текшириш – назорат қилиш, банк муносабати иштирокчилари бўлган жисмоний шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар, ўзга шахслар мулкий ва бошқа қонуний манфаатларини маъмурий-ҳукукий воситалар билан ҳимоя қилишта қаратилган қондаларни белгилаб беради.

Банк ҳукуқида маъмурий-ҳукукий меъсрлар банк тизимининг юқори (Марказий банк) ва куйи (тижорат банклари) поғоналари ўртасидаги муносабатларда энг кўп кўлланилади. Ҳусусан, тижо-

раг банклари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ-бўлган банк фаолиятини амалга оширишлик учун лицензия (рухсат) бериш ёки уни қайтариб олиш, иқтисодий меъёрларни белгиланиши, банк фаолияти устидан назоратни амалга оширилиши, тегишли санкцияларни қўллаш — маъмурӣ воситалар ҳамда маъмурӣ-хукуқ месъерлари билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлардан иборатdir.

Банк хукуқига онд маъмурӣ-хукуқий месъерлар хаддан ташқари кўп сонли эканлиги ва улар асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чиқариладиган идоравий актлардан иборатлиги ва улар олий юридик акт саналувчи конунлар билан қамраб олинмаганилиги банк хукуки манбаларининг ўзига хос жиҳатларидан бўлиб саналади. Банк хукуки манбалари орасида идоравий месъерий хужжатлар хукмрон ўринда туриши бу соҳадаги қопучилик месъерларини идоравий манфаат нуқтаи назаридан, «Ўзига хос» талқин этилишига ва шу йўл билан маъмурӣ-буйруқбозлик иш услублари сақланиб қолиши, тадбиркорлик субъектларининг, биринчи навбатда тижорат банкларининг конуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Маълумки, маъмурӣ-буйруқбозлик иш услублари бозор тамойилларига тамомила зид бўлиб, тадбиркорликни, ташаббускорликни, иқтисодий эркинликни чекланишига ва охир оқибатда мамлакат иқтисодий тараққиётининг тўхтаб қолишига олиб келади.

Бизнинг назаримизда ушбу мулоҳазалардан келиб чиқсан холда банк фаолиятини идоравий месъерий хужжатлар билан тартибга солищдан уларни беносита қонунлар воситасида тартибга солишига ўтиш вакти стиб келди. Лоаққал идоравий месъерий хужжатлар сони чекланиши, уларга тез-тез ўзгартириш ва кўшичмалар киритишдан иборат номаъқул амалиётдан воз кечиб, месъерий хужжатлар амал қилишининг барқарорлиги таъминланмоғи долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Банк хукуқида фукаролик хукуқига онд бўлган месъерлар стакчи ўрин тутади. Зероки, банк фаолияти асл мақсад-моҳиятига кўра жисмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари ва ўзга шахсларга банк хизмати кўрсатишдан иборат бўлиб, банк-мижоз муносабатлари мутлако фукаролик хукуқий тамойилларга кўра (ихтиёрийлик, тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва бошқалар) юзага келади ва амалга ошади.

Банк муассасаларининг юридик шахс мақоми, уларни таъсис этилиши, мулкий мақоми, таркибий тузилиши (ваколатхона ва филиаллар мақоми), қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан

боғлиқ бўлган қоидалар фуқаролик кодексида ва бошқа фуқаролик қонун хужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган банк операциялари аслида уларнинг ўз мижозлари билан тузадиган фуқаролик-хуқуқий битимларидан иборат бўлиб, битимлар тузиш ва ижро этишга оид бўлган бош қоидалар Фуқаролик кодексида белгиланган (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 10-боби 101 – 128 моддалар).

Тижорат банклари ўз мижозлари ва ўзга шахслар билан иқтисодий муносабатларга киришар экан, бу муносабатларни ўзаро тузилган шартномалар асосида юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди. Бундай шартномалар Фуқаролик кодексининг шартнома тўғрисидаги умумий қоидаларига (26, 27, 28-боблар, 353 – 385 моддалар) амал қилиши лозим бўлади.

Табиийки, банк ва мижоз муносабатларида мажбуриятларни бузилиши (бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги) учун жавобгарлик юз берини ҳамда қўлланилишига оид муносабатлар ҳам фуқаролик қонунчилиги меъсрлари билан тартибга солинади.

Юкорида қайд этилганлардан ташқари, Фуқаролик кодексида банк фаолиятининг айрим турлари ва уларнинг хуқуқий асослари назарда тутилган бўлиб, бу асослар банкка оид муносабатларни қуидалик қонунчилик ва қонун ости хуқуқий хужжатлари билан тартибга солиниши учун юридик база вазифасини ҳам бажаради.

Жўмладан, кредит, банк омонати, хисоб-китоблар, банк хисобвараги каби масалалар Фуқаролик кодексининг маҳсус бобларида назарда тутилган. Бозор муносабатлари шароитида товарпул муомаласи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи асосий ҳамда универсал қонунчилик тармоғи сифатида фуқаролик хуқуқи меъсрлари банк фаолиятининг бошқа соҳаларида (масалан, валютага оид муносабатлар, банклар томонидан қўшимча хизматлар кўрсатиш) ҳам кенг қўлланилди.

Банк хуқуқи ўзинда хўжалик (тадбиркорлик) хуқук соҳасига хос бўлган меъсрларни ҳам мужассамлаштиради. Маълумки, тижорат банклари тижорат ташкилоти, тадбиркорлик фаолияти субъектидир. Шу сабабли банк фаолияти амалга оширилишида тадбиркорлик фаолиятига оид бўлган (уларни ташкил этилиши, давлат рўйхатидан ўтказилиши, фойда (даромад) олиши ва уларни тасарруф қилиш, хўжалик шартнома алоқаларини ўрнатиши. Тадбиркорлик субъекти сифатида давлат ҳимояси ва кафолатларидан фойдаланиш ва бошқалар) меъсрлар тўлиқ татбиқ этилади.

Хўжалик хукуки назарияси тарафдолари узок вақт давомида банк хукуки хўжалик хукуқининг бир тармоги эканлигини уқдириб келдилар. М.Л. Коганинг фикрича банклар иштирок этадиган муносабатлар хўжалик муносабатларидан иборат<sup>1</sup>. И.А. Танчук эса ссуда ва кредитига оид хукуқий муносабатларни хўжалик муносабатлари тизимидағи таркибий қисмларидан бири деб ҳисоблади<sup>2</sup>.

Аммо, бозор муносабатларининг тобора чукурлашиб бораётганлиги ва иктисодий ислоҳотлар натижасида юз берастган ўзгаришлар хукуқ соҳаларидағи табакаланиши кучайишига ва аввал муайян хукуқ соҳаси тармоги бўлган қонунчилик тизимларини алоҳида хукуқ соҳаси бўлиб шаклланишига сабаб бўлмоқда. Банк хукуқи ҳам бозор муносабатлари тобора ривожланиб бараётган шароитда банк хизмати кўрсатиш миқёси, диапазони кескин кенгайиши, бу соҳага оид қонунчиликнинг тубдан ўзгариши туфайли алоҳида хукуқ соҳаси бўлиб шаклланмоқда.

Банк хукуқи жиноят хукуқи, фуқаролик ва хўжалик процессуал ҳукуқлари месъёрларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган қатор моддалар банк фаолияти, пул муомаласи, валюта муносабатлари билан боғлиқ жиноятлар учун жазо чораларини назарда тутади (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддасида қалбаки пул ясаш ва уларни ўтказганлик учун, 178-моддада чет эл валютасини яширганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган).

Фуқаролик процессуал ва хўжалик процессуал қонунчилик месъёрлари банклар билан ўзга юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида мулкий ёки бошқа номулкий шахсий низолар юз берганда уларни ҳал килиш учун судга мурожаат килиш, низони кўриб ҳал этиш ва чиқарилган суд карорлари ижросини таъминлаш қондаларини назарда тутади.

Банк хукуқи банк фаолиятини тартибга солиниши жараённида бошқа хукуқ соҳалари (масалан, солиқ хукуқи, божхона хукуқи, сугурта хукуки ва бошқалар) месъёрларига ҳам мурожаат қиласи.

<sup>1</sup> Коган М.Л. Правоотношения между Госбанком и объединениями. Ж. Советское государство и право. 1974 г. №1. с. 60.

<sup>2</sup> Танчук И.А., Ефимочкин В.П., Абова Т.Е. Хозяйственные обязательства. М., 1970 г., с. 36.

## 2-§. Банк ҳуқуқи манбаларининг таснифи

Банк ҳуқуқи манбаи саналувчи қонунчилик актлари юридик кучига, қўлланилиш соҳасига ва мақсад-вазифаларига кўра таснифланиши мумкин.

Юридик кучига кўра банк ҳуқуқи манбаалари бўлган қонун хужжатлари икки асосий гурухга: а) Қонун актлари ва б) Қонуности актларга бўлиниши мумкин.

Қонунлар ҳам уларда ҳалқ ва давлат эркининг ифодаланиш миқёсига кўра Конституция ҳамда Конституциявий қонуларга ҳамда жорий қонуларга бўлиниади.

Юкорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон Республикаси молия, пул-кредит тизими асослари, банк тизимини давлат бошқаруви асослари мустаҳкамланади. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 30 сентябрда қабул қилинган Конституциявий қонунда<sup>1</sup> пул кредит сиёсати соҳасидаги мустақиллик ҳам эълон қилинган эди.

Банк ҳуқуқи манбаалари орасида Фуқаролик кодекси муҳим ўрин тутади. Ушбу кодекс биринчи қисми 1995 йил 21 декабрда, иккинчи қисми эса 1996 йил 23 августда қабул қилинган бўлиб, уларнинг ҳар икки қисми.

Айни бир вақтдан бошлаб – 1997 йил 1 марта амалта кирилди<sup>2</sup>.

Фуқаролик кодекси бозор иқтисодиёти тизими шароитидаги асосий қонун сифатида товар-пул муносабатларининг барча асосий турларини, шу жумладан, банк фаолиятига оид муносабатларни ҳам тартибга солади. Фуқаролик кодексининг умумий қоидалари билан бир қаторда бевосита банк хизматлари кўрсатиш (кредит, омонат, ҳисоб-китоб ишлари ва бошқалар)га оид бўлган месъёрлари банк ҳуқуқи манбаларидан бўлиб саналади.

Банк ҳуқуқи манбаи саналувчи қонунлар орасида етакчи ўринни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, ҳамда 1996 йил 26 апрелда қабул

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси. Мустақил давлатининг бунёд бўлиши. Т., «Ўзбекистон», 1992 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини амалга киртиши тартиби тўғрисида»ги карори. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., «Атнолат», 1996 й., 547-бет.

қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари эгаллайди. Булар таянч қонунлар сифатида банк фаолиятига оид муносабат иштирокчиларининг умумий ҳулқи-автор қоидаларини, банк тизимини бошқариши, банк соҳасидаги тадбиркорлик ва молия-кредит хизматларидан фойдаланиш жараёнидаги ҳукукий холатларини белгилаб беради.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун Марказий банкнинг ҳукукий мақоми ҳамда асосий мақсад ва вазифаларини аниқлайди. Қонун таркибий тузилишига кўра 9 бўлим, 60 моддадан иборат.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг З-моддасида Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари куйидагича белгиланган: «Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалари:

Монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, уларни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан, келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

Давлат бюджети касса ижросини Молия Вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборат»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида<sup>2</sup> тижорат банкларининг банк фаолиятини амалга ошириш чоғидаги ҳукукий ҳолати, банк фаолиятининг айрим турларини амалга оширишга оид мъёллар ва қоидалар назарда тутилади.

Банк фаолиятига бевосита алокадор қонунлар жумласига куйидагиларни киритиш лозим:

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 й., №12, 247-мода.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 й., №5 – 6, 54-мода.

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Конун<sup>1</sup>;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган «Валютани тартибига солиш тўғрисида»ги Конун<sup>2</sup>;

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Банк сири тўғрисида»ги Конуни<sup>3</sup>;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Фуқароларниг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Конуни;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2004 йил 28 октябрда қабул қилинган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Конуни<sup>4</sup>.

Булардан ташқари «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги<sup>5</sup>, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини химоялаш тўғрисида»ги<sup>6</sup>, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукуқий базаси тўғрисида»ги<sup>7</sup>, «Кимматли қоғозлар па фонд биржалари тўғрисида»ги<sup>8</sup> Конунлар ҳамда бошқа бир қатор иқтисодий фаолиятга оид меъсериал ҳужжатлар ҳам банк хукуки манбаларидан бўлиб саналади.

Банк хукуқига ва банк фаолиятига тааллукли бўлган конунлар сон жиҳатдан анчагина бўлсада, аммо қонун ости актлари, яъни қонунлар ижросини таъминлаш, уларда белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган хукуқий ҳужжатлар ўз массаси ва қарори жиҳатдан банк хукуки манбалари орасида салмоқли ўрин эталлади. Бундай ҳол банк муносабатларига оид барча жиҳатлар, кундалик ҳаётда юз бериб турадиган типик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2002 й., №9, 59-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., №, -модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2003 й., №19, 174-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., №, -модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиснинг Ахборотномаси. 2000 й., №5–6, 140-модда.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиснинг Ахборотномаси. 1996 й., №5–6, 61-модда.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиснинг Ахборотномаси. 1998 й., №9, 170-модда.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиснинг Ахборотномаси. 1993 й., №9, 325-модда.

вазиятларни Конунлар билан батамом қамраб олиш ва уларнинг барчасини конунларда назарда тутиш мумкин эмас. Чунки ҳозирги бозор муносабатлари шаклланиб бораётган шиддатли замонда банк фаолияти узлуксиз ривожланиш ва такомиллашиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Бу жараёнларни оқилона бошқариш. Кундалик муаммоларни тезкор усулларда ҳал этиш конуности ҳужжатлари-сиз мумкин эмас.

Банк ҳукуқи соҳасида конуности ҳукуқий ҳужжатлари қабул қилиш ҳукуқига эга бўлган давлат органлари доираси конун ҳужжатлари билан белгиланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларига юклатилган вазифалар ҳамда берилган ваколатлар доирасида ҳукуқ меъёри ижодкорлиги билан шуғулланадилар.

Биз қуйидаги ана шундай давлат органлари ваколатларини кўриб чиқамиз жумладан:

### **Ўзбекистон Республикасининг Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасига мувофиқ: «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва Конунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, карорлар ва фармойишлар чиқаради». Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги «Норматив-ҳукуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конунининг 10-моддасида<sup>1</sup> ҳам «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва Конунлар асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида меъерий-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қиласи» деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти банк-молия, пул-кредит соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштириш, унинг йўналишларини мувофиқлаштириш, умуммамлакат микёсидаги юксак аҳамиятли масалаларни ҳал этиш, давлат бошқарув идоралари, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифаларни белгилаш юзасидан фармонлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикасида банк-молия тизимларининг шакллантирилиши ва ривожлантирилиши, банк-молия соҳасидаги ислоҳотларни рўёбга чиқарилишида Президент фармонлари жуда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 й., №1 – 2, 6-модда.

Мустақиллитеттимизнинг дастлабки йилларида чиқарилган фармоналарда иқтисодий барқарорликка эришиш, инфляция жараёнларини жиловлаш, банк-молия тизимини юзага келтириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш каби вазифалар илгари сурилган бўлса<sup>1</sup>, кейинчалик банк-молия муассасалари фаолиятини бозор муносабатларига мослаштириш, уларни эркинлаштириш устиворлик касб этди<sup>2</sup>. Сўнгги йилларда чиқарилган фармоналарда эса банк-молия тизимлари соҳасидаги ислоҳотларни янада чукурлаштириш, жаҳон илфор тажрибасини кенг жорий этиш ва шу орқали макроиктисодий юксалишни таъминлаш, валюта муносабатларини янада эркинлаштириш вазифалари белгилаб берилди<sup>3</sup>.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Конунлар, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари нжросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Вазирлар Маҳкамасининг бундай ваколати «Норматив-хукукий хужожатлар тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасида ва «Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Конуннинг 20-моддасида ҳам белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси банк-молия тизимларини янада такомиллаштириш, пул-кредит сиёсатининг рўёбга чиқарилишида тегишли тузатишлар киритишга қаратилган кўплаб қарорлар қабул қилган бўлиб, улар воситасида пул муомаласини барқарорлаштириш, ҳисоб-китоб ишлари самарадорлитини

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 11 апрелдаги 195-сонли «Пул муомаласини мустаҳкамлаш ва «Сўм-купон»нинг харид кувватини ошириш тўғрисида»ги фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартағи «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ килиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ№2564-сонли фармони.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 15 ноябрдаги ПФ№2564-сонли «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги фармони.

ошириш, молиявий оқимларни йўналтириш ва бошқарниш вазифалари адо этилади<sup>1</sup>.

## **Идоравий (тармок) давлат бошқарув органларининг меъёрий ҳужжатлари**

Конуности актлари конунчилик ҳужжатларининг қутияни погонаси бўлиб, банк тизимини бевосита бошқарувчи органлар қабул қила-диган идоравий актлар саналади. Бунда Молия Вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва бошқа тармок вазирликлари ҳамда идоралари томонидан қабул қилинадиган месъерий ҳужжатлар маълум аҳамиятга эга бўлсада, бироқ бу соҳадаги хукуқий месъёр ижодкорлиги билан шугулланувчи асосий давлат бошқарувчи органи, бу Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидир. Ушбу органнинг месъерий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилингаша ваколатли экани «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган. Унда: «Марказий банк ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар ижро этиши мажбурий бўлган месъерий ҳужжатлар чиқаради». Ўзбекистон Республикасининг «Месъерий-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуннинг 12-моддасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўз ваколатлари доирасида месъерий-хукуқий ҳужжатлар қабул қилишлари мумкинлиги кўрсатиб қўйилган.

Идоравий, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинадиган месъерий-хукуқий ҳужжатларининг кучга кириш вақти юзасидан «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунда белгиланган қонда билан «Месъерий-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуннинг 26-моддасида зиддият яққол кўзга ташланади. Жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Конунни 7-моддаси, 2-қисмига кўра: «Марказий банкнинг месъерий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида ўзга қонда назарда тутилмаган бўлса, зълон қилинган кундан бошлаб кучга киради» дейилган. Бироқ, «Месъерий-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Конуннинг 26-моддаси, 3-қисмида: «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг месъ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 5 августрдаги 280-сонли «Пул маблагларининг банидан ташқари муомаласини янада кискартириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги; 2003 йил 4 феңралдаги 63-сонли «Пул-кредит кўрсатчиларини тартибга солини механизмиши тақомиллантириши чора-тадбирлари тўғрисида»ги на бошқа карорлар.

рий-хукуқий хужжатлари, агар хужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирилигига давлат рўйхатидан ўтказилган сўнг, ўн кундан кейин кучга киради» дейилади. Ушбу зиддият «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунига тегишили ўзгартириш киритилиш йўли билан бартараф қилиниши лозим.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунда Марказий банк томонидан амалга ошириладиган мъсъер ижод қилиш фаолияти юзасидан яна битта ноаникликка йўл кўйилган бўлиб, бу ҳол амалиётда турли англашилмовчиликларга сабаб бўлаётганлиги кузатилади. Шунга кўра бизнинг назаримизда ушбу конуннинг 7-моддасида Марказий банк томонидан чиқариладиган мъсъерий хукуқий хужжатларнинг шакли (буйруқлар, қаррорлар) аниқ кўрсатиб кўйилмоғи лозим. Телеграммалар, факсограммалар, баснномалар, кўрсатмалар каби қонунда кўзда тутилмаган шаклларда мъсъерий кўрсатмалар беришга уриниш, яроқсиз амалиёт турли ўзбошимчаликлар учун имкон тугдиради ва қуий ташкилотларнинг ўринли ёътиrozларига ҳам сабаб бўлади.

Айни пайтда қонунда Марказий банк мъсъерий-хукуқий хужжатларидан норози бўлган, уларнинг қонунийлигига асосли шубҳаси бор шахсларга бу мъсъерий хужжатлар хусусида низолашибиши ҳукуқлари аниқ белгилаб кўйилмоғи лозим.

Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ғайрико-нуний ҳаракатлари устидан шикоят бериш ва уларни бекор қилишининг ҳозир амалда бўлган тартиби факат индивидуал актларга ва хусусий фуқаролар ҳукуқлари бузилган чоғда кўллаш учун мўлжалланган<sup>1</sup>.

Энди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинадиган мъсъерий-хукуқий хужжатлар миёси ва мазмун-моҳиятига ёътибор қаратсан, бу мъсъерий-хукуқий хужжатлар моҳиятан Қонун билан Марказий банк олдидаги мақсадга ва юклатилган вазифалар мазмунига мос келади. Улар жуда ҳам кенг қамровли бўлиб, тижорат банк муассасалари ҳамда бошка кредит муассасалари фаолиятнинг барча жиҳатларига тааллуқлидир. Ушбу мъсъерий-хукуқий хужжатлар тижорат банк муассасалари ва бошқа кредит муассасаларини ташкил этилишидан тортиб, улар фаолияти-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар эркин ҳукуқлари ва эркинликларни бузадиган хатти-ҳаракатлар ва карорлар устидан шикоят қилиш тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., №9, 183-модда.

ни йўлга қўйилиши, текшириш ва назорат қилиниши, маъмурий ва иқтисодий санкцияларни қўлланилиши, омонат ва ҳисоб-китоб ишларини, халқ хўжалигини кредитлашни амалга оширилиши, валюта назоратини олиб борилишигача бўлган соҳаларни ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Марказий банк томонидан амалга ошириладиган месъер ижодкорлиги фаолиятининг қонун талаблари доирасида оқилона амалга оширилиши тижорат банклари фаолиятида Қонунийликни ҳамда ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб саналади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солик қўмитаси ва бошқа тармок (функционал) органлар месъерий хукуқий хужжатлари идоравий актлари ҳам тегишли равишда банк хукуки манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ҳисоб-китоб ва банк ишига оид халқаро хукуқий хужжатлар (конвенциялар, халқаро шартномалар ва бошқалар) ҳам банк хукуки манбаи саналади (З-чиズма).

### 3-§. Банк хукукининг тамойиллари

Банк хукуки миллый хукуқ тизимиининг алоҳида тармоги сифатида аҳлоқий ва хукукий ғояларни умумлаштирилган ҳолда ўзида ифода этивчи тамойилларга таянади. Банк хукукининг тамойиллари бу соҳада хукукий муносабатлар юзага келиши ва тартибга солинишининг ўзига хос жиҳатларини ўзида ифодалайди.

Банк хукуки бир неча хукук соҳалари чегараларида шаклланганлар туфайли ўзида уларнинг ҳар бирига хос бўлган усуллар ҳамда воситаларни жамлаган бўлиб, бундай ҳолат унинг тамойилларида ҳам ўз ифодасини топади.

Банк хукуки оммавий хукуқ (молия, маъмурий хукуқлар, Конституциявий хукуқ) ҳамда хусусий хукуқ (фуқаролик хукуки, хўжалик хукуки) соҳаларига оид месъерлар ва қоидалар ўзаро қўшилиши натижасида пайдо бўлганлиги, унинг тамойиллари ҳам шартли равишда шунга мос гурухларга ажратилиши мумкин.

<sup>1</sup> «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия берни тартиби тўғрисида»ги Низом 1999 йил 11 феңралда 632-сон карор билан тасдиқланган; «Банкларни тутгатиш тартиби тўғрисида»ги Низом 1999 йил 11 феңралдаги 626-сон карори билан тасдиқланган; «Тижорат банкларида кимматбаҳо металлар, тошлар ва тангларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикаси. Адлия Вазирлигига 2004 йил 17 декабрда 1431-сон билан давлат рўйхатига олинган ва бошқалар.

## Банк ҳуқуқининг манбаалари

**Банк ҳуқуқининг манбаалари бу – банкка оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи конун хужжатларидан иборат**

**Конулар – олий юридик кучга эга ва парламент томонидан қабул қилинадиган акт**

**Конунисти меъёрий хужжатлар конулар ижросини таъминлаш, бошқаришига каратилган ҳуқуқий хужжатлар**

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конституциявий конун актлари**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Хукумати карорлари**

**Кодекслар  
(фуркалик, маъмурӣ жавобгарлик түррисидаги, жоноят ва б. кодекслар)**

**Махсус конулар, ўзар Марказий банки тўғрисидаги, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги ва бошқа конулар**

**Ўзар Марказий банки меъёрий хужжатлари**

**Молия Вазирлигига таъминот макони макони меъёрий хужжатлари**

**Бошқа давлат бошқарув органларининг меъёрий хужжатлари**

Шунга кўра Марказий банк билан тижорат банклари ва бошса кредит муассасалари ўртасидаги муносабатларнинг тамойиллари, тижорат банклари билан унинг мижозлари бўлган жисмоний ҳамда юридик шахслар ўртасидаги муносабат тамойиллари алоҳида гурухга ажратилиши мумкин.

Марказий банк билан тижорат банклари ўртасидаги муносабатлар оммавий-хуқуқий хусусиятга эга, чунки бу муносабатлар давлат томонидан ўзининг ваколатли органи – Марказий банк орқали амалга ошириладиган бошқарув фаолиятининг маҳсулидир. Шу туфайли Марказий банк ва тижорат банкларининг ўзаро муносабатларида бўйсуниш, бир томонининг (тижорат банкларининг), иккичи томон (Марказий банк) фармойишларини бажарishi мажбурий эканлиги бир томон (Марказий банк) кўрсатмаларининг бажарилмаслиги давлат мажбурови қўлланилишига (тегишли хуқуқий ёки иштисодий жазо қўлланилишига) сабаб бўлиши каби тамойиллар устун туради.

Тижорат банклари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар эса хусусий-хуқуқий, фуқаролик-хуқуқий муносабатлардан иборат. Шу туфайли бу муносабатлар императив қонидлар ва тамойилларга эмас, балки тарафларнинг эркинлиги, ўзаро тенглиги, хуқуқий муносабатларга киришишининг ихтиёрийлиги, ўзаро маифаатдорлик, ташаббус кўрсатишнинг қонун доирасида ҳеч нарса билан чекланмаганлиги, мажбуриятлар бажарилмаган тақдирида эса давлат мажбурови чоралари эмас, балки томонлар ўзаро келишиб белгилайдиган мулкий таъсир чоралари кўрилиши каби тамойилларга таянади.

Банк хуқуқида қонунийлиқ, хуқуқларни сунистъемол қиласлик, хуқуқлардан фойдаланиш чогида ўзгаларга зарар етказмаслик лозимлиги каби умумхуқукий тамойилларга ҳам қатъий амал қилинishi лозим.

Банк хуқуки янги шаклланиб келаётган хуқук соҳаси бўлгани сабабли унинг тамойиллари ҳам ҳали шаклланиш босқичида ва уларни аниқ белгилаш анча мушкул. Банк хуқуқи тартибга соладиган ижтимоий муносабатларда молия хуқуки, маъмурий хуқуки, фуқаролик хуқуки ва бошقا хуқук соҳалари учун хос бўлган мезонларни ҳамда қадриятларни кузатиш мумкин. Шу сабабли ушбу тамойиллар кўп киррали ва бир катор хуқук соҳаларига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Юкоридагилардан келиб чиқкан ҳолда банк хуқуки соҳасида амал қиласлигидан тамойилларга қўйидаги уч гурух тамойилларни киритиш мумкин:

– тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси МБ, Молия вазирлиги, ДСҚ, Божхона кўмитаси ўртасидаги муносабат тамойиллари;

– тижорат банклари билан бошқа кредит муассасалари ўртасидаги муносабат тамойиллари;

– тижорт банклари унинг мижозлари бўлган юрилик ва жисмоний шахслар билан бўладиган муносабат тамойиллари.

Булардан ташқари барча турдаги банк фаолиятига гааллукли бўлган умумий тамойиллар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

– банк фаолиятида қонунларга қатъи амал қилиш тамойили;

– банк операцияларининг мақсадга мувофиқ бўлиши лозимлиги;

– банк ахборотларининг даҳлсизлиги ва қонун билан муҳофазаланиши;

– банк фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг муайян шакли эканлиги.

Тижорат банклари билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ДСҚ ва божхона кўмитаси билан ўзаро муносабатлари моҳиятига кўра молиявий-маъмурӣ муносабат бўлганлиги туфайли молия ҳуқуқи ва маъмурӣ ҳуқуққа хос бўлган тамойиллар амал қиласди.

Тижорат банкларининг бошқа кредит муассасалари, мижозлари билан бўладиган муносабатлари ўзаро тенгликка, ихтиёрийликка, мағфаатдорликка асосланган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар бўлганлиги сабабли бундай пайтда товар-пул муомаласига асосланган, бозор иқтисодига мос бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тамойиллари кўлланилади ва бу пайтдаги алоқалар томонлар ўртасида тузилган шартномаларга таянилган ҳолда олиб борилади.

### **Мавзуни ўрганиш юзасидан назорат саволлари:**

1. Банк ҳуқуқи манбалари нима?

2. Қонунлар банк ҳуқуқи манбани сифатида қандай мавқени згаллайди?

3. Банк ҳуқуқининг тармокка онд қандай қонунларини биласиз?

4. Идоравий месъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар банк ҳуқуқи манбани сифатида қандай рол ўйнайди?

5. Банк ҳуқуқининг тамойиллари ҳақида сўзлаб беринг.

**Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги  
«Норматив-хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни  
(Кўйчирмалар)**

**I. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари.**

Ушбу қонун месъерий-хуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга кўйиладиган асосий талабларни белгилайди.

**2-модда. Месъерий-хуқуқий ҳужжат тушунчаси.**

Ушбу қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари месъерларини белгилаш, ўзгаририш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат месъерий-хуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади.

**4-модда. Месъерий-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи орғанлар ёки мансабдор шахслар.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари месъерий-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи органлар ёки мансабдор шахслар (бундан бўён матнда органлар деб юритилади) ҳисобланадилар.

**II. Месъерий-хуқуқий ҳужжатларниң турлари ва ўзаро нисбати**

**5-модда. Месъерий-хуқуқий ҳужжатларниң турлари.**

Кўйидагилар месъерий-хуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

а) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

б) Ўзбекистон Республикаси қонунлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;

г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;

д) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;

е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари;

ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

**6-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари.**

Месъерий-хуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий-хукукий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатлари ҳисобланади.

**8-модда. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади.

**10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари.**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларига мувофиқ қарорлар шаклида меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилади.

**12-модда. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий-хукукий ҳужжатлари.**

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари ўз ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар шаклида меъёрий-хукукий ҳужжатлар қабул қилади. Низомлар, коидалар ва йўрикномалар тарзида қабул қилинадиган меъёрий-хукукий ҳужжатлар буйрук ҳамда ҳарорлар билан тасдиқланади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий-хукукий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва қодораларининг месъерий-хукукий ҳужжатлари бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва қодоралари билан биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари билан келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва қодораларининг тармоқ бўлинмалари ва ҳудудий органлари месъерий-хукукий тусдаги ҳужжатлар қабул қилишга ҳакли эмас, қонун ҳужжатлари назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**13-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг месъерий-хукукий ҳужжатлари.**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида карорлар шаклида месъерий-хукукий ҳужжатлар қабул қиласди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг месъерий-хукукий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, юқори турувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг карорлари асосида ва уларни ижро этиш учун қабул қилинади.

### **III. Месъерий-хукукий ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар**

**19-модда. Месъерий-хукукий ҳужжатнинг мазмунига қўйиладиган талаблар.**

Месъерий-хукукий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва равон тилда басен этилади. Месъерий-хукукий ҳужжатда фойдаланиладиган тушучалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофик, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда кўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маъниони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар кўлланилишига йўл қўйилмайди.

Месъерий-хукукий ҳужжатда уни амалга оширишининг хукукий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбалари, рағбатлантириш, мукофотлаш ва назорат қилиш чора-тадбирлари кўрсатилиши мумкин.

Давлат органлари, фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбуриятларини белгиловчи месъерий-хукукий ҳужжатда ушбу маж-

буриятларни бузганлиги учун жавобгарлик чоралари (агар бундай чоралар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса ёки маҳсус ҳужжатда белгиланиши керак бўлмас) назарда тутилади.

Меъёрий-хукуқий ҳужжаттага уни қабул қилиш сабаблари ва мақсадларини тушунтиришдан иборат бўлган мұқаддима киритилиши мумкин. Меъёрий кўрсатмалар мұқаддимага киритилмайди.

Қонунларда меъёрий кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган моддалар тарзида баён этилади. Қонунларнинг моддалари қисмларга бўлиниши мумкин. Моддаларнинг қисмларида бандлар, кичик бандлар ва хатбошилар бўлиши мумкин. Бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда меъёрий кўрсатмалар тартиб рақамига эга бўлган бандлар тарзида баён этилади. Бандлар кичик бандларга ва хатбошиларга бўлиниши мумкин.

Ҳажм жихатдан йирик меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг мазмун жихатдан яқин бўлган моддалари (бандлари) параграфлар ва бобларга бирлаштирилади. Зарур холларда боблар бўлимларга ва ючик бўлимларга бирлаштирилиши мумкин. Бўлимлар, ючик бўлимлар, боблар ва параграфлар сарлавҳаларга ва тартиб рақамларига эга бўлади.

Меъёрий-хукуқий ҳужжатларда қонун ҳужжатларига киритиласстан юридик, техникавий ва бошқа маҳсус атамаларнинг таърифлари берилиши мумкин.

Зарур холларда меъёрий-хукуқий ҳужжатда юқориrok юридик кучга эга бўлган меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг айrim қоидалари мазкур ҳужжатларга ҳавола қилинган ҳолда айнан такрорланади.

Меъёрий-хукуқий ҳужжатларда, қоида тариқасида, худди шундай юридик кучга эга бўлган амалдаги меъёрий-хукуқий ҳужжатларнинг меъёрий кўрсатмалари қайта айнан такрорланмайди.

Меъёрий-хукуқий ҳужжатнинг моддаларида (бандларида) унинг бошқа моддаларига (бандларига), шунингдек, амалдаги бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларга, уларнинг айrim қоидаларига ҳаволалар меъёрий кўрсатмаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш зарурати бўлган ҳолларда ёки такрорланишларга йўл қўймаслик учун кўлланилади.

**20-модда. Меъёрий-хукуқий ҳужжатнинг расмий матнини имзо қўйиб тасдиқлаш.**

Меъёрий-хукуқий ҳужжатнинг расмий матни қўйидаги тарзда имзо қўйиб тасдиқланади:

Ўзбекистон Республикасининг қонуни — Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингининг қарори – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони – Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси томонидан ёки унинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Баш вазири томонидан;

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг месъерий-хукуқий ҳужжатлари – ҳужжатни қабул қилган орган раҳбари томонидан;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари – тегишли ҳоким томонидан.

**21-модда. Меъёрий-хукуқий ҳужжатларининг реквизитлари.**

Месъерий-хукуқий ҳужжатлар қўйидаги реквизитларга эга бўлади:

ҳужжатнинг тури ва номи;

ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами;

тегишли месъерий-хукуқий ҳужжатларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

**22-модда. Янги меъёрий-хукуқий ҳужжат қабул қилинганини муносабати билан илгари қабул қилинган ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш.**

Янги меъёрий-хукуқий ҳужжат қабул қилинганини муносабати билан илгари қабул қилинган месъерий-хукуқий ҳужжатларга зарур ўзгартирышлар ёки қўшимчалар киритилади ҳамда илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги месъерий кўрсатмаларга зид бўлса, ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб эътироф этилмоги керак.

**IV. Меъёрий-хукуқий ҳужжатларни эълон қилиш, уларнинг кучга кириши ва амал қилиши**

**23-модда. Меъёрий-хукуқий ҳужжатларни эълон қилишга қўйиладиган талаблар.**

Месъерий-хукуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши керак. Ҳамманинг эътибори учун расман эълон қилинмаган

қонун асосида ҳеч кип сулланиши, жазога тортилиши ёки мол-мұлқидан мәзкур мүмкін змас.

Меърий-хуқуқий ҳужжат расман бағын тарзида эълон қилинишига йўл қўйилмайди..

Меърий-хуқуқий ҳужжат расман эълон қилинганда унинг барча ресвизитлари кўрсатилади.

Меърий-хуқуқий ҳужжатларни норасмий нашрларда эълон қилишга, шунингдек, уларни қонун ҳужжатларининг электрон маълумот тизимлари орқали тарқатишга бу ҳужжатлар расмий манбаларда эълон қилингандан сўнг ҳамда барча ресвизитлари, эълон қилинган расмий манбалари ва кучга кириш санасини кўрсатиш шарти билан рухсат этилади.

**24-модда. Меърий-хуқуқий ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари.**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», «Халқ сўзи» ва «Народнос слово» газеталари, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами», «Халқ сўзи» ва «Народнос слово» газеталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинадиган расмий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан нашр этиладиган «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меърий ҳужжатлари Ахборотномаси», вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг меърий-хуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий нашрлар ҳисобланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меърий-хуқуқий ҳужжатлари мазкур органларнинг расмий нашрларида эълон қилинади.

**25-модда. Меърий-хуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириши.**

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, агар ҳужжатларнинг ўзида бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, расман эълон қилингандан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда кучга киради ва улар эълон қилиниши шарт.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг месъерий-хуқуқий ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг месъерий ҳуқуқий ҳужжатлари Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичидаги манфаатдор шахслар эътиборига стказилиши лозим. Месъерий-хуқуқий ҳужжатни манфаатдор шахслар эътиборига стказиш месъерий-хуқуқий ҳужжат матни билан монсликсиз (эркин) танишиш ҳуқуқини таъминловчи ҳар қандай шаклда амалга оширилиши мумкин.

**26-модда. Месъерий-хуқуқий ҳужжатнинг орқага қайтиш кучи.**

Месъерий-хуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

Конун, у амалга киритилишига қадар юзага келган муносабатларга нисбатан, агар бу ҳоллар қонунда бевосита назарда тутилган бўлса татбиқ этилиши мумкин. Агар қонун хатти-ҳаракатлар содир этилган пайтда жавобгарликка сабаб бўлмаган ёки снгилроқ жавобгарликка сабаб бўлган хатти-ҳаракатлар учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ёки кучайтиришини назарда тутса ёхуд юридик ва жисмоний шахсларга моддий зарар келтирса, қонунга орқага қайтиш кучини бериш мумкин эмас.

**27-модда. Месъерий-хуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш муддати.**

Месъерий-хуқуқий ҳужжат, агар унинг матнида бошқа изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қиласди.

Месъерий-хуқуқий ҳужжат амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Бундай ҳолда унда ҳужжат (ёки унинг қисми) қайси муддатга ёки қандай ҳодиса юз бергунича қадар ўз кучини сақлаб қолиши кўрсатилиши зарур.

Месъерий-хуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган белгиланган муддат тугагунига қадар ҳужжатнинг амал қилинишини Янги муддатга, бошқа ҳодиса юз бергунига қадар узайтириш тўғрисида ёки ҳужжатга муддатсиз тус бериш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

**28-модда. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг шахслар доираси бўйича амал қилиши.**

Меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва юридик шахсларига, агар Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эллик юридик шахсларга, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

**29-модда. Меъёрий-хуқуқий ҳужжат амал қилишининг туғатилиши.**

Меъёрий-хуқуқий ҳужжат (унинг қисми) куйидаги ҳолларда амал қилишини тугатади:

меъёрий-хуқуқий ҳужжат (унинг қисми) мўлжалланган муддат тугаганда ёки ходиса бошланганда;

меъёрий-хуқуқий ҳужжат (унинг қисми) қонунда белгиланган тартибда Конституциявий эмас деб топилганда;

меъёрий-хуқуқий ҳужжат (унинг қисми) ўз кучини йўқотган деб топилганда;

меъёрий-хуқуқий ҳужжат қонунда назарда тутилган ҳолларда бекор қилинганда.

## V. Якунловчи қоидалар

**30-модда. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш.**

Меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш меъёрий-хуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки мантиққа зид тарзда қўлланилган ҳолларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонуларнинг меъёрларига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди шарҳ беради.

Конун ости ҳужжатларига уларни қабул қилган органлар расмий шарҳ беради.

Шарҳлаш жараёнида меъёрий-хуқуқий ҳужжатларга тузатишлар, қўшимчалар ва аниқлаштирувчи меъёрлар киритилишига йўл кўйилмайди.

## **3-боб. БАНККА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР**

### **1-§. Банк соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси, юзага келиш асослари ва турлари**

Банк тизими ҳар қандай давлат молиявий тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида унинг иқтисодий тараққистида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли банк фаолиятини амалга оширилиши билан боғлиқ равишда вужудга келувчи ижтимоий муносабатларни давлат томонидан қатъий ва аниқ ҳуқуқий тартибга солиниши нафақат банк мижозларининг, балки давлат ва жамият манфаатларини муҳофаза қилишининг муҳим кафолатларидан бўлиб ҳисобланади.

Банк соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар деганда молия, кредит ва банк хизмати кўрсатиши бозорида иштирок этувчи субъектлар ўртасида (Марказий банк ва тижорат банклари; тижорат банклари ва уларнинг мижозолари) юзага келувчи ҳамда қонунчилик мъсрелари билан тартибга солинадиган ижтимоий алоқалар мажмуюи тушунилади.

Банкка оид ҳуқуқий муносабатлар бўлиб Марказий банк томонидан банк соҳасини бошқариш ва назорат қилиш чоғида ўз ваколатларини амалга ошириш туфайли марказий банк билан тижорат банклари ўртасида юзага келади. Бундай муносабатлар Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бутун мамлакат худуди учун монетар ва валютани тартибга солиш сиёсатини шакллантирилиши ҳамда амалга оширилиши, ҳисоб-китобларни йўлга қўйилиши, банклар фаолиятини лицензияланиши, расмий олтин-валюта резервларини сақланиши ва тасарруф қилиниши натижасида келиб чиқади.

Шунингдек, Марказий банк ҳукуматнинг фискал агенти сифатида, ҳукумат билан шартнома тузганида, ҳукумат органларига ва муассасаларига банк хизматлари кўрсатганида ҳам Марказий банк ва ҳукумат ўртасида банкка оид ҳуқуқий муносабатлар юзага келади.

Марказий банк ва тижорат банклари ўртасидаги, Марказий банк ва ҳукумат муассасалари ўртасидаги муносабатлар фақат қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Тижорат банклари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлари қонунчилик ҳужжатлари билан бир қаторда улар

ўртасидаги тузилган банк хизматлари кўрсатишга оид шартномалар билан ҳам тартибга солинади.

Бевосита тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган банк хизматларида ташқари бошқа кредит муассасалари (кредит уюшмалари, ўзаро ёрдам кассалари ва бошқалар) томонидан ўз ваколатлари доирасида молијавий хизматлар кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган холдаги алоқалар ҳам банкка оид ҳукуқий муносабатлар жумласига киритилиши лозим (4-чиизма).

Банк соҳасидаги ҳукуқий муносабатларниң юзага келишига кўйидагилар асос бўлиши мумкин:

а) тижорат банкини рўйхатта олиш ва лицензия берилишини сўраб таъсисчилар томонидан Марказий банкка белгиланган тартибда қилинган мурожаат;

б) тижорат банки томонидан иқтисодий меъёрларни шакллантирилиши чоғида Марказий банк билан бўладиган алоқалардан келиб чиқувчи оқибатлар;

в) қонунчилик ҳужжати ёки идоравий меъерий ҳукуқий ҳужжат қабул қилиниши;

г) Марказий банк томонидан банк назоратини амалга ошириш чоғида ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган ҳукуқбузарлик фактлари;

д) тижорат банклари ва унинг мижозлари ўртасида тузилган шартномалар;

е) тижорат банки ёки мижоз томонидан шартнома шартлари талабларини бузилиши;

ж) форс-мажор ҳодисаларниң юз бериши ва бошқалар.

Банкка оид ҳукуқий муносабатлар мазмуни бу муносабат тарафлари (банклар ва мижозлар)да пайдо бўладиган ҳукуқлар ҳамда мажбуриятлар кўлами билан белгиланади. Яъни банкка оид ҳукуқий муносабатга киришиш унинг иштирокчиларида ҳукуқлар пайдо бўлишини ҳамда мажбуриятлар юзага келишини англатади. Банкка оид муносабатларда қатнашаётган шахсларда ўзига хос ҳукуқлар ва мажбуриятлар (Молия-кредит, банк хизматлари кўрсатилиши, валютага оид) пайдо бўлади.

Банк ҳукуқий муносабатлариниң обьекти бўлиб Марказий банк томонидан банк тизимини бошқариш ҳамда назорат қилиши фаолияти саналади. Тижорат банклари фаолиятида эса бундай обьект бўлиб банк хизматлари, бу хизматларни кўрсатилиши билан боғлиқ равишда амалга ошириладиган банк операциялари, бошқа хилдаги қўшимча банк хизматлари саналади.

**Банк соҳасидаги хуқуқий муносабатлар бу – банк тизимини бошқариш, назорат килиш, мижозларга банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ холда юзага келувчи ва конун ҳужжатлари билан тартибга солинувчи ижтимоий муносабатлардир**

**Оммавий хуқуқий  
(давлат эрки)**

**билин боғлиқ муносабатлар**

Банк фраолиятни ташкил этиши билан боғлиқ муносабатлар

Банк фраолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар

**Хусусий хуқуқий  
(шартномага асосланувчи)**

**муносабатлар**

Банкка оид битимлар тузиш билан боғлиқ муносабатлар

Банк хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ муносабатлар

Фуқаролик хуқуқий жавобгарлик кўллашга оид муносабатлар

Мажбуриятларин бажарилышни таъминлаш воситаси сифатида берилётган кредит учун мол-мулклар ёки хукуқларни гаровга олишини, кафиллик килиниши, жавобгарликларни сугурталаниши ҳам банкка оид хукуқий муносабатларнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Банкка оид хукуқий муносабатлар Марказий банк билан тижорат банклари ўртасида юзага келганда маъмурий хукуқий усулларда, тижорат банклари билан уларнинг мижозлари санаувчи жисмоний ва юридик шахслар ўртасида юз берганида эса фуқаролик хукуқий воситалар ва усуллар билан тартибга солинади.

## 2-§. Банкка оид хукуқий муносабатларнинг субъектлари

Банкка оид хукуқий муносабат субъектлари доираси, уларнинг бундай муносабатлари чогидаги хукуқий ҳолати (хукуқий ва муомала лаёқати), ваколатлари ҳамда мажбуриятлари ҳажми Ўзбекистонда иккى ногонали банк тизими мавжудлиги билан белгиланади.

Банкка оид хукуқий муносабатларнинг субъектлари жумласига, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, тижорат банклари (уларнинг ваколатхоналари, шўъба корхоналари, филиаллари), банк хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ва ҳамда юридик шахслар, тегинли ҳолларда банкдан ташқари кредит муасасалари кирдиilar. Шу билан бирга тегиншли ҳолларда давлатнинг ёки ўзга шахсларнинг хукуқларини ҳимоя килиш мақсадида давлат солик идоралари, бошқа органлар ҳам банк хукуқини субъекти сифатида банкка оид муносабатларда қатнашишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк хукуқий муносабати субъекти сифатида юридик статуси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конун, бошқа қонунчиллик хужжатларига кўра белгиланади. Унинг маҳсус хукуқий ҳамда муомала лаёқати юклатилган вазифалар, берилган ваколатлар доирасига кўра аниқланади.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуннинг 1-моддаси, 1-кисмiga кўра: «Марказий банкининг хукуқий мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Конун ҳамда бошқа қонунлар билан белгиланади». Мазкур Конуннинг 6-моддасига кўра эса: «Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиши борасида мустакилдир» дейилган.

Банк хукуқий муносабати иштирокчиси сифатидаги Марказий банкининг хукуқий ҳолатини белгиланишида Президент Фармонлари, Ўзбекистон Ҳукуматининг қарорлари мухим ўрин тутади.

Тижорат банклари банк тизимишінг күйі, иккінчи погонаси сифатыда банкка оид муносабатларнишг асосий субъектларидан иборат, чунки міжозларга бевосита банк хизматлари улар томонидан күрсатилади.

Тижорат банкларининг банкка оид ҳуқуқті муносабат субъекти сифатидаги юридик статусы Ўзбекистон Республикасыннің Фуқаролик кодекси (юридик шахс ҳақидаги коидалар), «Тадбиркорлик фаолияти еркінлігіннің қафолатлары тұғрисида» ги Конун (тадбиркорлық субъектларига оид мезерлары), «Банклар ва банк фаолияти тұғрисида» ги Конун, «Акциядорлық жамияти ва акциядорлар ҳуқуқтарини ҳимоя қилиш тұғрисида» ги Конун, бішкә Конун ҳужжатлари, банкларининг устави билан белгиланади.

Тижорат банклари рүйхатта олинган ва банк операцияларини амалға оширишлік учун лицензия олган пайтларидан бошлаб банкка оид ҳуқуқті муносабат субъекти мақоминиң құлға кіртадилар.

Жисемний шахслар ва тадбиркорлық субъектілердің сапалувчи юридик шахсларниң банкка оид ҳуқуқті муносабат субъекти сифатидаги ҳуқуқті мақоми фуқаролик ва тадбиркорлық қонунчилігі билан, юридик шахслар учун эса құшымча равишіде уларшың таъсис шартномаси ва низоми билан белгиланади. Чет зерттеулердегі, фуқаролиги ішінше шахслар, чең зерттеулердегі, шахслар, жиһатлардың тегишли қонун ҳужжатларыда назарда тутилади.

Банкка оид ҳуқуқті муносабат субъектларининг ҳуқуқтары көнунда белгиланған маъмурлардың өкілдері суд тартибидан қарастырылады.

### **Мавзуны үргапишиң қозасидан назорат саволлары:**

1. Банкка оид ҳуқуқті муносабатлар дегандың кандай нәжитимені муносабатлар түшунпілмоғи лозим?
2. Банкка оид ҳуқуқті муносабатларинң қозага келиші асосла-ри нималар?
3. Банкка оид ҳуқуқті муносабат объектлары ва субъектлары ҳақида гапириб беринг.
4. Банкка оид ҳуқуқті муносабат мазмунні нималар билан бел-гиланади?
5. Банк тизимиші бошқаришга оид муносабатлар ва банк хиз-матлары күрсатынша қаратылған муносабатларинң хусусиятлары кандай?

## МАХСУС ҚИСМ

### 4-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ ВА УНИНГ ҲУҶУҚИЙ ҲОЛАТИ

#### 1-§. Марказий банк, унинг ташкилий тузилиши ва мулкий мақоми

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки – мамлакат банк-кредит тизимларини бошқарувчи, монопол тарзда пул эмиссијасини амалга оширишта ҳақли бўлган, миллий иқтисодиёт манфатларини кўзлаб пул кредит сиёсатини шакллантирувчи ва амалга оширувчи банкдир.

Марказий банк фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуни ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Марказий банк давлатнинг мутлақ мулки бўлиб ҳисобланади ва давлат олдида ҳисобдордир.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуннинг 5-моддасига мувофиқ: «Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради. Олий Мажлис:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра Марказий банк Раисини лавозимига тайинлайди ва озод этади;

Йиллик ҳисоботни, шунингдек, аудиторлик хulosасини кўриб чиқади».

Марказий банкнинг Олий органи бўлган унинг Бошқаруви аъзолари Марказий банк Раиси тақдимномасига кўра Олий Мажлис томонидан тайинланадилар. Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк Раисининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ёки озод қилинади.

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилишда мустақиллар ва унинг фаолиятига давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари аралашишга ҳақли эмасдирлар.

Марказий банк даллат томонидан таъсис этилган банк сифатида унинг томонидан оператив бошқариш учун бериб қўйилган мол-мулкларни (пул маблағлари, бошқа кўчар ва кўчмас мулклар, моддий ашёлар, мулкий ҳуқуқлар ва ҳоказолар) эталлади, фой-

даланади ва қонунда белгиланған доирада тасарруф қиласы. Ушбу мулклар Марказий банк балансида акс эттирилади.

Марказий банк тижорат фаолияти билан, яъни фойда олишни мүлжалловчи таваккалчылык билан боғлик бўлган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланышга ҳақли эмас.

Марказий банк тижорат мақсадларида (фойда олишни кўзлаб) ўзга корхоналар ва ташкилотлар, тижорат ташкилотлари, кредит уюшмаларининг капиталида иштирок этиши таъкидланади. Бунда давлат томонидан унга топширилган мол-мулклар билан тавакkal қилмаслик, уларни хатар остига кўйишидан сақлаш мақсади, шунингдек, монополистик фаолиятни олдини олиш мақсадлари назарда тутилган. Айни пайтда истисно тарқасида Марказий банк Халқ банки капиталида, ҳамда ўзининг фаолият юритишни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар мулкида қатнашишга ҳақлидир.

Марказий банк ташкилий жиҳатдан ягона марказлаштирилган бошқарув тизимиdir. Марказий банкниң Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларнинг марказлари, Тошкент шаҳрида бош бошқармалари фаолият юритадилар, аммо ушбу банк бошқармалари юридик шахс мақомига эга эмас.

Марказий банк ўзига қарашли хизматлар ва муассасаларга ҳам эга бўлади. Лекин улар юридик шахс мақомига эга бўлмайдилар ҳамда Марказий банк Бошқаруви тасдиқлайдиган улар хақидаги Низомларга асосан иш юритадилар.

«Марказий банк тўғрисида»ги Конунга мувофиқ Марказий банк ҳукуқий ҳолати икки ёқлама хусусиятга эга бўлиб, биринчидан, у юридик шахс сифатида кредит муассасалари, давлатнинг ўзи, ўзга мижозлар билан муайян фуқаролик-ҳукуқий битимлар тузиш, яъни фуқаролик-ҳукуқий муносабатларда тенг ҳукуқли субъект сифатида иштирок этиши, банк фаолиятини амалга ошириши мумкин. Иккинчидан эса, Ўзбекистон Республикасида пул-кредит тизимларини бошқариш, банк муассасаларини назорат қилиш юзасидан тенг ҳокимият ваколатларига эга. Марказий банк иккиси ёқлама ҳукуқий табиатга эга. У маҳсус ваколатта эга бўлган давлат бошқарув органи сифатида иш юритади ва айни пайтда юридик шахс мақомига эга бўлгани ҳолда хўжалик фаолияти билан ҳам шуғулланади.

Юридик адабистларда Марказий банк корхонами (яъни, фойда олишни кўзловчи тижорат ташкилотими) ёки муассасами (фойда олишни мақсад қилиб кўймайдиган нотижорат ташкилотими)

деган мавзуда илмий мунозара давом этиб келмоқда ва биринчі караш тарафдорлари ҳам, иккінчи нұқтаи назарни құллаб-қувват-ловчилар ҳам бор<sup>1</sup>.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк түғрисида»ги Конуннинг 4-моддасыда бундай мунозарага қатый нұқта қўйилган ва Марказий банк тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги аниқ-равshan белгилаб қўйилган.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки түғрисида»ги Конунда Марказий банкнинг нотижорат ташкилот эканлиги ва тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслиги түғрисидаги тақиқ билан ушбу қонуннинг 1-моддаси, 3-қисмида «Марказий банк ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари хисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жихатдан мустақил муассасадир» деган қоюда бир-бирига зид келади. Бунда Марказий банк тижорат фаолияти билан шуғулланишга ҳақли бўлмаса, у ҳолда фойда (даромад)ни қаердан олади, деган мантиқли савол туғилади. Шу туфайли ушбу қонунга ўзгартириш киритилиши ва унда Марказий банк пул тушумларининг манбан аниқлаштириб кетилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс сифатида қонунда бевосита назарда тутитлган банк операцияларини амалга оширади.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида»ги Конунни 31-моддасига кўра:

Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутитлган тартибда ва шартларда давлат ҳокимиияти ва бошқарув органлари, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати, шунингдек, Марказий банкка қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг асосий хисобваракларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларини амалга ошириши мумкин.

Марказий банк юридик шахс сифатида қуйндаги банк операцияларини амалга ошириши мумкин:

1. Ўзи чиқарган давлат қимматли қофозларини ва бошқа қарз мажбуриятларини қимматли қофозларни очиқ бозорида сотиш ва сотиб олиш;

<sup>1</sup> Ефимова Л.Г. Банковское право. Учебное и практическое пособие. М., 1994 г. ст. 8;

Төсунян Н.Г. Закон о Центробанк нуждается в совершенствовании // Российская Федерация. 1994 г. №3, ст. 31 и др.

2. Киймати тўланиши тижорат банклари томонидан кафолатланган қисқа муддатли хазина векселларини ҳамда тижорат векселларининг ҳисобини юритиш;

3. Тижорат банкларига кредит беришга ва бундай кредит бериш шартларини ўзи белгилашига;

4. Ҳукуматнинг, шунингдес, Молия вазирлигининг рухсати олингани ҳолда бошқа давлат органларининг пул маблағлари ва валюта қимматликларини депозитга қабул қилиш;

5. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бошқа давлат органларининг фискал агенти сифатида иш юритиши, яъни:

Молия вазирлиги ва бошқа давлат органлари чиқарган қарз мажбуриятларини жойлаштириш, бу жойлаштиришини рўйхатга олиш ва уларни топширишда агент ролини бажариш;

– кўрсатиб ўтилган қимматли қофозларнинг қийматини, улар бўйича фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш;

– кўрсатиб ўтилган қимматли қофозлар бўйича ҳисобварақалари юритиши ва уларга доир тўлов операцияларини тўлаш;

– кўрсатиб ўтилган қимматли қофозлар бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш борасила фаолият кўрсатиши мумкин.

Марказий банк Молия вазирлигига давлатнинг қимматли қофозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда ҳажми масалалари юзасидан уларнинг банк тизими ликвидлигига таъсири ва монетар сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда маслаҳат беради.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига кредит бериш, яъни:

Кредитлар ҳукуматтага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган микдорда ушбу Конун 30-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ва бир йил ичida қиймати тўланадиган активлар гаровга қўйилиши шарти билан берилади.

Кредит бериш ҳукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тувиш билан расмийлаштирилади, унда кредитнинг микдори, қайтарилиш муддатлари, тўланадиган фоизлар меъёри ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади.

Марказий банк ҳукуматтага обуна бўйича бадаллар учун ёки республиканинг у ёки бу халкаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқувчи бошқа тўловлар учун анча узоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Конун Марказий банкнинг юридик шахс сифатидаги банк операциялари доирасини қатъий чеклаб қўйган ва бунда монополистик фаолиятга, ўз ҳокимият ваколатларидан фойдалангани ҳолда молиявий имтиёзли мавқенини эгалланишига ва ниҳоят Марказий

банкнинг молия-кредит хизматлари бозорида холис бўлишини таъминлашга каратилган мақсадлар кўзланган.

Марказий банк гаров билан таъминланмаган ҳолда ва бир йилдан узокроқ муддатга кредит бериши мумкин эмас. Шунингдек, бе-рилган кредиттинг қайтарилиш муддатини узайтиришга ҳам ҳақли эмас. Марказий банк товар билан таъминланган оддий ва ўтказиладиган векселларнигина сотиб олиши ва сотиши мумкин ҳамда уларнинг тўлов муддати олти ойдан кўп бўлмаслиги лозим. Тўлов муддати бир йилдан кўп бўлган нодавлат қимматли қофозларини жойлаштириш, сотиш, сотиб олиш билан боғлиқ битимлар тузилиши ҳам Марказий банк учун тақиқланганdir.

Марказий банк банк операцияларини амалга оширишга лицензияси бўлмаган юридик шахслар билан ҳамда айрим фуқаролар билан банк операцияларини амалга ошира олмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки юридик шахс сифатида қонун ҳужатларида белгиланган тартибда чет Эл ҳукуматлари, чет Эл марказий банклари ва пул-кредитни тартибга сошли органлари, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган ҳалқаро ташкилотларга банк хизматлари кўрсатиши мумкин («Марказий банк тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси, 1-қисми).

## **2-§. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маъмурий-бошқарув ваколатлари ва уларни амалга оширилиши**

Ўзбекистон Республикаси мамлакатда пул-кредит тизимларини бошқарувчи ягона органdir ва шунга кўра жуда кенг маъмурий ваколатлар берилган.

Л.Т. Ефимованинг таъкидлашича Марказий банкка берилган маъмурий функция икки қисмга:

а) ташкилий (пул муомаласини ташкил қилиш ва бошқариш);

б) фуқаролик муомаласини, омонатчилар ва бошқа кредиторларнинг (тижорат банклари кредиторларининг) манфаатларини муҳофаза қилиш функцияси<sup>1</sup>.

Н.Д. Эриашвилининг фикрича эса «Россия банки (Марказий банк кўзда тутилади) «Банклар банки» бўлиб, кредит ташкилотлари фаолияти устидан текшириш ва назоратни амалга оширади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ефимова Л.Г. Банковское право (Учебник и практическое пособие) М., 1994 год, ст. 8.

<sup>2</sup> Эриашвили Н.Д. Банковское право. М. ЮНИТИ, Закон и право, 1999 г., с. 15.

Г. Тосуняннинг таъкидлашига кўра: «Марказий банк хуқуқий ҳолатининг асосий хусусияти шундаки, у маъмурий хуқуқлари ва бу хуқуқларни амалга оширилишини ўзининг хўжалик фаолияти билан бирга қўшиб олиб боради»<sup>1</sup>.

Юқоридаги муаллифларнинг Марказий банкнинг маъмурий функцияларига оид фикрлари «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги Конуннинг З-моддасида белгиланган «Марказий банкнинг бош мақсади миллӣ валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат» деган стакчи қоидага мос келади. Миллӣ валюта барқарорлигини таъминлаш аслида миллӣ валюта «сўмни» ҳимоя қилиш, банк тизимларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ҳисоб-китоб тизимларининг узлуксиз ва самарали ишлашини таъминлаш каби мақсадларни ҳам тўла қамраб олади.

Марказий банкнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда унинг функцияларини белгилаш мумкин. Бундай функциялар жумласига:

1) сўмнинг барқарорлиги на ҳимоя қилиниши мақсадида Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда ягона давлат пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2) нақд пул эмиссиясини монопол тарзда амалга ошириш ва унинг муюмаласини ташкил этиш;

3) қайта молиялаштириш тизимларини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

4) банк операцияларини амалга ошириш қоидаларини, тижорат банкларида ҳисоб-китоб ва ҳисбот ишлари тартибларини белгилаш;

5) кредит ташкилотларини давлат рўйхатига олиш, уларга лицензия бериш ва лицензияни қайтариб олиш;

6) кредит ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

7) валютани тартибга солиш, валюта назоратини амалга ошириш;

8) чет давлатлари билан ҳисоб-китоб тартибларини ўрнатиш;

9) Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси истиқболларини аниqlаш, тўлов балансини тузиш.

Н.Ю. Ерпылса Марказий банкка юқлатилган маъмурий функциялар моҳиятини таҳдил этар экан, қуйидагиларни қайд этади: «Марказий банкнинг тартибга солиш функцияси қуйидаги икки максадга: биринчидан, банк хизматларининг асосий истеъмолчилари бўлган омонатчиларни ҳар бир муайян банкнинг меълия-

<sup>1</sup> Тосунян Г.А. Банковское дело и банковское законодательство в России: опыт, проблемы, перспективы. М.: Академия народного хозяйства РФ. Дело № 1995 г. С. 221.

вий ҳалокати туфайли юз бериши мумкин бўлган хавф-хатардан химоя қилиш ва иккичидан, банк тизимларини молиявий ҳалокатлар занжири юз бериши хавфидан муҳофаза қилиш мақсадига бўйсундирилган»<sup>1</sup>.

Марказий банк ўзига юқлатилган функцияларни бажариш чоғида превситив (олдини олишга қаратилган), ҳимоявий ҳамда тъминловчи чора-тадбирларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ташкилий функцияси барча молия ҳамда пул-кредит тизимларини ташкил қилиш, улар фаолиятини лозим даражада ушлаб туришга қаратилган. Марказий банк кредит тизимиға мансуб ташкилотлар олдига пул барқарорлигини тъминлаш, ҳисоб-китоблар самарадорлигига эришиш вазифаларини кўйиш билан бирга ушбу вазифаларни бажарилишида пул кредит сиёсатини шакллантириш ҳамда рўёбга чиқариш орқали бевосита иштирок этади.

Мамлакатда амалга ошириладиган пул-кредит сиёсатининг таркибий қисмлари фоизлар сиёсатини, энг кам мажбурий резервлар сиёсатини, очиқ бозор сиёсатини, қайта молиялаштириш, валюта-ни тартибга солиш, тўғридан-тўғри миқдорий чекловлар қўллаш сиёсатини ўз ичига олади. Ушбу соҳаларда Марказий банк амалга оширадиган сиёсат аслида иктисодиётга таъсир ўтказиш воситаларидан бўлиб саналади ва тижорат банклари тўлов қобилиятини муйян даражада сақлаб туришга қаратилган.

Накд пул муомаласини йўлга кўйиш ҳам Марказий банкининг ташкилий функцияларидан бўлиб, накд пуллар ва танга-чақалар эмиссиясини амалга ошириш, пул бирликларини муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш, резерв банкнотлар сақланиши, ташилиши, ишлаб чиқарилишини ўз ичига олади.

Накд пул эмиссияси пассив банк операцияси ҳисобланади ва Марказий банкка берилган алоҳида имтиёз сифатида таърифланиди<sup>2</sup>.

Накд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини ташкил қилиш Марказий банк томонидан амалга ошириладиган ташкилий функциялардан саналади ва бу функция кредит ташкилотлари корреспондентлик ҳисобвараглари орқали банклараро ҳисоб-китобларни йўлга кўйиш, кредит ташкилотларига бу соҳада услубий ёрдам қўрсатиш, накд пулсиз ҳисоб-китоб қоидаларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва жорий этиш йўли билан амалга оширилади.

<sup>1</sup> Ерпилева Н.Ю. Международное банковское право. Учебное пособие. М., Форум «Инфра-М», 1998 г. С.48.

<sup>2</sup> Поль-Мари. Финансовое право. М., 1974 г. С. 30; Э. Роде. Банки, биржы, валюты современного капитализма. М., 1986 г. с. 24.

Фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш ва банк-кредит тизимларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш Марказий банк функциялари орасида алоҳида ўрин тутади. Зероки, АҚШ Федерал резерв банки директори Е. Корриганнинг таъкидлашича: «Мамлакат кредит тизимларига юқлатилган барча функциялар бажарилиши муваффақиятларининг гарови жамиятнинг бу тизимга бўлган ишончини таъминлай оладиган хукукий ҳамда институционал шарт-шароитлар вужудга келтиришганлик даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади»<sup>1</sup>.

Жаҳондаги барча давлатлар оммавий манфаатларни кафолатлаш ва муҳофаза қилиш мақсадида кредит муассасалари устидан ялпи назоратни амалга оширишга ҳаракат қиласидар.

К. Гавалда ва Ж. Стуффлсларнинг фикрича давлат омонатчилар манфаатларини банкирлар томонидан уларга ишониб топширилган пул маблағларини совуриб юборилишидангина эмас, балки саводсизлик ҳамда укувсизлик билан бошқариш туфайли юз бериси мумкин бўлган хатарлардан ҳам ҳимоя қила билиши лозим<sup>2</sup>.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конун Ушбу вазифани қўйидаги уч усулда бажаришга ҳаракат қиласидар:

1) тижорат банкини давлат рўйхатига олиш чоғида қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик жиҳатдан тескириди;

2) иқтисодий-мажбурий резервларни белгилайди;

3) банкларнинг фаолияти устидан бевосита кундалик назоратни олиб боради.

«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конуннинг 7-модасига кўра:

«Марказий банк ўз ваколати доирасида Ўзбекистон ҳудудида барча шахслар учун ижро этилиши мажбурий бўлган месъерий хужжатлар чиқаради».

Марказий банк томонидан қабул қилинадиган месъерий хужжатлар кредит тизимини ва пул-кредит муносабатларини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишининг зарур хукукий механизmlарини белгилайди ва ушбу механизmlарни самарали ишлаши учун зарур бўлган юридик шарт-шароитлар ва кафолатларни таъминлайди. Марказий банк томонидан қабул қилинадиган месъерий актларда банк муносабати иштирокчиларининг хулк-атвор қондалари, хуқуqlари, мажбуриятлари, жавобгарликлари мустаҳкамлаб қўйилади ва шу йўл билан банк муносабатларининг барқарорлиги, адолатлилиги, ҳимояланган ва кафолатланганлиги таъмин этилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қабул қиласидаги месъерий-хукукий хужжатлар йўналишлари қонунда белги-

<sup>1</sup> Корриган Е. Центральный банк: размышления о путях создания банковской системы рыночного типа // ж. Экономика и жизнь. 1990 г. №46, с. 19.

<sup>2</sup> Gavalda C., Stoufflet J. Droit de la banque. Paris, 1974 у. р.8.

лаб қўйилмаган бўлсада, улар қўйидаги масалаларга қаратилган бўлиши мумкинлигини кайд этиш мумкин:

- а) ҳисоб-китоб қондаларига оид;
- б) банк операцияларини амалга оширилишига оид;
- с) банк тизимида ҳисоб-китоб ва ҳисботта оид;
- д) нақд пул эмиссияси, сақланиши, ташилиши, инкассация килинишига оид;
- е) банкларни рўйхатга олиш, лицензия бериш ва қайтариб олишга оид;
- ф) мажбурий резервларга оид;
- г) кредит ташкилотларини текширишта оид ва бошқа соҳаларга қаратилган бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда банк қонунчилитига кўра Марказий банкка юклатилган функциялар кўлами ва ҳажми жуда ҳам кенглиги қай даражада мақсадга мувофиқлиги хакида танқидий фикрлар билдириб келинади. Г.А. Тосуняннинг фикрича бундай турли-туман табиатли функцияларни Марказий банкка юклатилганлиги ва шунга кўра ҳаддан ташқари ваколатлар берилгандиги молия бозори ва пул-кредит муносабатларидаги чексиз монополиядан бошқа нарса эмас.50

Жаҳондаги ҳеч бир давлатда (МДҲ таркибидаги давлатлар истиносо қилинганда) банкларни рўйхатга олиш, уларга лицензия бериш, назорат қилиш, ҳисоб-китоб ва касса хизматлари кўрсатиш, мажбурий резервлар ташкил этилишини назорат қилиш, конуности меъёрий ҳукуқий ҳужжатлар чиқариш битта орган — Марказий банк қўлида жамланган эмас.

Дунёнинг ривожланган ва энди ривожланниб келаётган мамлакатларда банк муносабатлари шаклланиб бўлган ва банк тизими нинг биринчи поғонасида Ўзбекистондаги сингари қаттиқ марказлашиб мавжуд эмас ва Ўзбекистон Марказий банки бажарадиган функциялар бир неча бир-биридан мустақил давлат органлари томонидан амалга оширилади. Бундай ҳол пул-кредит ва молия соҳасида монополиянинг шаклланишига йўл бермайди.

Масалан, Германия ва АҚШда умумий тушунчага тўғри келадиган Марказий банк мавжуд эмас ва Немис Федерал банки ва АҚШ федерал резерв тизими иш олиб боради.

Ушбу давлатларда банкларни рўйхатга олиш, уларга лицензия бериш, банк фаолияти устидан назорат олиб бориш турли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мақсади, вазифаси ва фаолиятини қўйидаги чизмада кўриш мумкин (5-чизма).

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки — банк тизимини бошқарув соҳасидаги давлат ижроя органи.  
Бош мақсади — сўм миллий валюта баркарорлигини таъминлашдан иборат

Юридик шахс сифатида қонун хужжатларида кўрсатилган доирда банк хизматлари кўрсатади, молия бозорида иштирок этади

Банк тизимини ва бошқа кредит ташкилотлари фаолиятини бошқаради, пул-кредит сиёсатини шакллантиради ва рўебга чикаради

Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги худудий бошқармаларга эга ва уларнинг хукуқий макомини белгилайди

Ўз таркибидағи хизмат кўрсатувчи корхоналарни бошқаради, ўкув юртлари фаолиятига раҳбарлик килади

### 3-§. Марказий банкни бошқариш

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нафақат бошқарув органи, айни пайтда бошқарилиши талаб этиладиган муассаса ҳамдир.

Марказий банк давлат бошқарув органи сифатида энг аввали конунлар ёрдамида, қолаверса парламент ва Президент томонидан ҳам бошқарилади (масалан, раҳбар кадрларини тайинлаш ёки лавозимидан озод қилиш, асосий иктиносидий кўрсатгичларни белгилаб бериш, ҳисоботларини эшитиш ва бошқалар). Буларнинг барчаси амалта ошириб келинастган молиявий ислоҳотлар доирасида давлат олий бошқарув органлари томонидан ташқаридан туриб Марказий банк фаолиятини бошқаришдан иборат<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Марказий банк ичкаридан ўз ваколатли бошқарув органлари орқали ҳам бошқарилади. Конун ушбу ички бошқарув органлари, уларнинг ваколатлари, вазифаларини белгилаб кўйиш, бу ваколатларнинг амалга оширилишини текшириб бориш

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 марта даги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги; 2002 йил 15 ноябрдаги «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 авгу-стдаги «Иктиносидётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-сонли; 2003 йил 4 февралдаги «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли карори ва бошқалар.

оркали Марказий банк зиммасига юклатилган максад ва вазифалар муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

Марказий банк юридик шахс сифатида ўз ташкилий тузилишига ва ваколатли бошқарув органларига эга.

Уларнинг туғлари, ваколатлари ҳамда қарор қабул қилиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўйлама (вертикал) бошқарув тизимида эга бўлган марказлашган ягона тизимни ташкил этади. Бунга Марказий Маҳкамма (Республика Марказий банки), Корагаллоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги бош бошқармалар (юридик шахс мақомисиз), бошқа худудий муассасалар, ҳисоб-китоб марказлари, ҳисоблаш маркази, ўкув юртлари ва бошқалар киради.

Марказий банкнинг худудий муассасалари юридик шахс мақомига эга бўла олмайдилар, месъерий-хукукий хужжатлар қабул қилиш ваколатига эга эмаслар. Марказий банк худудий муассасаларининг вазифа ва ваколатлари МБ бошқаруви томонидан тасдиқланадиган худудий муассасалар тўғрисидаги Низомга асосан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олий органи МБ бошқаруви саналади. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради.

Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлиб, унинг таркибига МБ раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, унинг асосий бўлимларининг бошликлари киради. Бошқарув аъзоларини МБ Раиси тақдимномасига мувофиқ, Олий Мажлис кенгаши тасдиқлайди.

Бошқарув мажлисига МБ Раиси, у йўқ лайтларда эса унинг ўрнини босадиган бошқа шахслар раислик қиласди. Бошқарув мажлисида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки куйидаги ваколатларга эга:

- монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини, шу жумладан, Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари кўлами, Марказий банкнинг ҳисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари месъерини белгилайди;

- Марказий банкнинг халқаро ташкилотлардаги иштироки масаласини ҳал қиласди;

- банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва намуналарини, шунингдек, пул белгиларини муомаладан чиқариш шартларини белгилайди;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди;

- банклар учун иқтисодий месъёрларни тасдиқлади ва уларга риоя этилишини кузатиб боради;
- банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия бериш ва уларни қайтариб олиш түгрисидаги қарорлар кабул қиласы;
- Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилайди;
- Марказий банк муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этади, қайта тузади ва тугатади;
- Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлади;
- Марказий банкнинг йиллик ва молия ҳисоботларини кўриб чиқади;
- Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлади;
- Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди;
- Марказий банк ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек, уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олишини тартибини қонун хужжатларига мувофиқ белгилайди;
- Марказий банк ваколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қиласы.

**Марказий банк Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси, 18-банди).**

**«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ти қонунинг 20-моддасига кўра:**

**Марказий банк раиси:**

- Марказий банк ва унинг бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қиласи, банкнинг фондларини тасарруф этади ва Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлади;
- Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қиласи, ушбу қонунга биноан Бошқарув ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;
- Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармо-иншлар чиқаради;
- Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширади;
- Олий Мажлис, ҳукумат, вазирликлар, идоралар, банклар ва муассасаларда, ҳалқаро ва чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради;

- айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг ҳамда ҳудудий мусассасаларининг раҳбарларига топширади.

Марказий банк Раисининг ваколат мурдати – беш йил.

Марказий банк раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири бажаради.

Марказий Банк Раиси қўйидаги ҳолларда ўз эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин:

- ваколат мурдати тамом бўлганида;
- сабабларини кўрсатган ҳолдаги шахсий аризасига кўра;
- жиноят содир қилишда белгиланган тартибда айбдор деб топилганида;
- ўз хизмат вазифасини саломатлиги ҳолатига кўра бажара олмаслигини асословчи давлат тиббий комиссиясининг хуносаси мавжуд бўлганида;

– эгаллаб турган лавозимига исмуносиб ҳатти-ҳаракатлар қилиган, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунни қўпол тарзда бузган, банк манфаатларига жиддий зарар етказгани ҳолларда;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра.

Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Раис тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан вазифасига тайинланади ёки озод қилинади.

### **Мавзуни ўрганиш бўйича назорат саволлари:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банк тўғрисида»ги Қонуни қачон қабул қилинган ва унинг тузилиши қандай?

2. Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.

3. Марказий банк ва унинг юридик шахс мақоми мазмуни нималардан иборат?

4. Марказий банк ваколатлари ҳақида нималарни биласиз?

5. Марказий банкнинг маъмурий-бошқарув соҳасидаги вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.

6. Марказий банкнинг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари нималардан иборат?

7. Марказий банкнинг мақоми қандай?

8. Марказий банкнинг бошқарув органи қандай ташкил этилади?

9. Марказий банк раисининг ваколатлари қандай?

10. Марказий банк бошқа давлат бошқарув органларидан қайси ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиб туради?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ  
21.12.1995 й. № 154-1  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг  
МАРКАЗИЙ БАНКИ ТҮФРИСИДА**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Ҳуқуқий мақоми.**

Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти тамоинлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Конун ҳамда бошка қонунлар билан белгиланади.

Марказий банк юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлак мулкидир.

Марказий банк — ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари хисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир.

Марказий банк ва унинг муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига эга.

**2-модда. Мол-мулки.**

Марказий банкнинг мол-мулки унинг пул ва бошқа моддий бойликларидан иборат бўлиб, уларнинг киймати Марказий банк балансида акс эттирилади.

Марказий банк ўз балансида акс эттирилган мол-мулкка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилишга ҳақли.

**3-модда. Бош мақсади ва асосий вазифалари.**

Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Асосий вазифалари:

монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қофзлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш; (ЎзР 13.12.2002 й. 447-Н-дан Конуни таҳриридаги хат боши), (олдинги таҳририга қаранг);

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, келишувга биноан ҳукумат резервларини кўшган ҳолда, сақлаш ва тасарруф этиши;

давлат бюджетининг касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

**4-модда. Марказий банк учун тақиқланган фаолият турлари.**

Марказий банк: молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланишга; тижорат фаолияти билан шуғулланишга;

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг, шунингдек, Марказий банк фаолият юритишини таъминловчи корхоналар ва ташкилотларнинг капиталларида иштирок этишини истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахсларнинг капиталларида қатнашишга ҳақли эмас. (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1 Конуни таҳриридаги хат боши).

**5-модда. Ҳисобдорлик.**

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобдордир. Олий Мажлиснинг Сенати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра Марказий банк бошқарувининг раисини тайинлади ва лавозимидан озод этади;

йиллик ҳисботни, шунингдек, аудиторнинг хулосасини кўриб чиқади. Марказий банк пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари тўғрисида ҳар йили матбуотда маъруза эълон қиласди.

**6-модда. Марказий банкнинг мустақиллиги.**

Марказий банк ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир. Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, башарти, улар ўз зиммаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлсалар ёки қонунларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса.

**7-модда. Норматив ҳужжатлар.**

Марказий банк ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар ижро этиши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқаради.

Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари, агар ҳужжатнинг ўзида ўзга қоида назарда тутилмаган бўлса, эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

ЎзР 29.08.1998 й. 681-1-сон Конунига мувофиқ учинчи қисм чиқариб ташланган

Марказий банкнинг ўз ваколати доирасида чиқарган норматив хужжатларининг бошқа органларда рўйхатдан ўтказилиши тақозо этилмайди.

**8-модда. Ташкилий тузилиши.**

Марказий банк ягона марказлаштирилган бошқарув тизимицdir. Марказий банк зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун тегишли хизматлар ва муассасалар ташкил этади. Марказий банк Коракалпогистон Республикаси пойтахти, вилоятларнинг марказлари ва Тошкент шаҳрида юридик шахс макомига эга бўлмаган бош бошқармалар тузади. Марказий банкка қарашли хизматлар ва муассасалар Марказий банк Бошқаруви (бундан бўён матнда — Бошқарув) тасдиқлайдиган низомлар асосида фаолият кўрсатади.

**9-модда. Ташки иктиносидий фаолият.**

Марказий банк:

бошқа давлатларнинг марказий банклари, халқаро банклар ва бошқа молия-кредит муассасаларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилишга;

молия операциялари бажаришга, шу жумладан чet эл ҳукуматлари, чet эл марказий банклари ва пул-кредитни тартибга солиш органларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган халқаро ташкилотларга банк хизмати кўрсатишга; хорижий давлатларда ваколатхоналар очишига;

Ўзбекистон Республикасида чet эл банкларининг ваколатхоналарини аккредитация қилишга ҳақлидиц.

Марказий банкнинг бошқа давлатлар банклари ва кредит муассасалари билан ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига, шунингдек, банклараро битимларга мувофиқ амалга оширилади.

## **II. БАНКНИНГ МОЛИЯВИЙ АҲВОЛИ**

**10-модда. Марказий банкнинг низом капитали.**

Марказий банкнинг низом капитали миқдори икки миллиард сўмдан иборат. Низом капитали миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига мувофиқ оширилади. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Конуни таҳриридаги қисм).

Марказий банкнинг низом капитали бошқа шахсларга берилиши ёки ундан закалат сифатида фойдаланилиши мумкин эмас.

**11-модда. Фойдани аниқлаш ва тақсимлаш.**

Марказий банкнинг фойдаси ҳар бир молия йили учун:

ишиңчсиз, шубхали қарзлар ва бошқа активлар бүйича зәйтимолий йүқотишлиарни қоплаш резервлари шакллантирилгандан сүнг;

умумий кабул килинган бухгалтерлик амалиётига мувофик барча даромадлар ва чиқымлар хисобланғанидан, шунингдек, активлар ва пассивлар амалда баҳоланғанидан сүнг аниқланади.

Марказий банкнинг чет эл валютаси қурсининг ски қимматбаҳо металлар қыйматининг ўзгариши натижасида олтин-валюта резервларини қайта баҳолашдан хосил бўладиган реализация қилинмаган даромадлари ва харажатлари олтин-валюта резервларига оид операциялар бўйича қайта баҳолаш фондига киради. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги қисм).

ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конунига мувофик иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари тегишинча учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар деб хисоблансин.

Марказий банкнинг фойдаси Башқарув белгилаган тартибда, ийллик ҳисоботни тасдиқлаш билан бир пайтда тақсимланади.

Башқарувнинг қарорига мувофик аниқ мақсадли турли резервлар ва фонdlар шакллантирилиши мумкин.

Аниқ мақсадга йўналтирилган резервлар ва фонdlар белгиланган тартибда тўлдирилганидан кейин фойданинг қолган қисми республика бюджети даромадига йўналтирилади. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги қисм), (олдинги таҳририга қаранг).

Ийллик ҳисобот кўриб чиқилмагунча фойданинг республика бюджетига ўтказилишинга йўл кўйилмайди.

**12-модда. Марказий банкнинг солиқлар, йигимлар ва божлардан озод қилиниши.**

Марказий банк ва унинг муассасалари солиқлар, йигимлар, божлар ва бошқа тўловлардан озод қилинади.

**13-модда. Ҳисобот бериш.**

Марказий банкнинг ҳисобот даври 1 январь – 31 декабрь қилиб белгиланади. Ийллик ҳисобот 15 майдан кечиктирилмай Олий Мажлис Сенати кўриб чиқиши учун тақдим этилади. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Конуни таҳриридаги модда матни).

**14-модда. Марказий банкда аудиторлик текшируви.**

Марказий банкда аудиторлик текшируви мустақил аудитор ташкилотлар томонидан ҳар йили ўтказилади.

### **III. МАРКАЗИЙ БАНКНИ БОШҚАРИИ**

#### **15-модда. Марказий банк Бошқаруви.**

Марказий банкнинг олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошкаради.

#### **16-модда. Бошқарув таркиби.**

Бошқарув ўн бир кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек, банкнинг асосий бўлинмалари раҳбарлари киради.

Марказий банк Раиси Бошқарувнинг Раиси хисобланади. Бошқарув аъзоларини (Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бундан мустасно) Марказий банк Раисининг тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши та-сдиқлайди. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Конуни таҳриридаги кисм), (олдинги таҳририга қарант).

#### **17-модда. Бошқарувнинг ваколатлари.**

Бошқарув қўйидаги ваколатларга эга:

монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини, шу жумла-дан Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари кўлами, Марказий банкнинг хисоб ва ссуда беришдаги фоиз ставкалари ҳамда банкларнинг Марказий банкдаги мажбурий резервлари нор-масини белгилайди;

Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди; (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги хат боши).

ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конунига мувофиқ учинчи – ўн бешинчи хатбошилари тегишпинча тўрттинчи – ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

Марказий банкнинг ҳалқаро ташкилотлардаги иштироқи маса-ласини ҳал қиласди;

банкнотлар ва тангаларнинг номинал қиймати ва намуналари-ни, шунингдек, пул белгиларини муюмаладан чиқариш шартларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига бериладиган ссудалар миқдори ва шартларини тасдиқлайди;

банклар учун иқтисодий нормативларни ва кредит уюшмалари ҳамда гаровхоналар учун молиявий операциялар ўtkазиш коидаларини тасдиқлайди, шунингдек, уларга риоя этилишини кўриб чиқади; (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги хат боши), (олдинги таҳририга қарант)

банк фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар бериш ва уларни чақириб олиш тұғырсыда қарорлар қабул қиласы, кредит үюшмалари ва гаровхоналар фаолияти, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкаларін ишлаб чиқарып лицензияланишини амалга оширади; (ҰзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонуни таҳриридаги хат боши), (олдинги таҳриринга қаранг).

Марказий банкнинг ташкилий тузилмасини белгилайди;

Марказий банк муассасалари ҳамда корхоналарини ташкил этади, қайта тузади ва тугатади;

Марказий банк харажатлари ва даромадлари сметасини тасдиқлайди;

Марказий банкнинг йиллик ва молия ҳисоботларини күриб чиқади;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, муассасалари ва корхоналари раҳбарларини тасдиқлайди;

Марказий банк таркибий бўлинмалари, унинг муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда маърузаларини тинглайди;

Марказий банк ходимларини ишга ёллаш, ишдан бўшатиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини, шунингдек, уларнинг кредитлар олиши ва акциялар сотиб олиши тартибини қонун хужжатларига мувофиқ белгилайди;

Марказий банк наколати доирасидаги бошқа масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қиласы.

#### **18 модда. Бошқарувнинг мажлислари.**

Бошқарувнинг мажлислари ойига камида бир марта ўтказиб турилади.

Бошқарув мажлисларини Марказий банк Раиси чақиради. Мажлислар, шунингдек, Бошқарувнинг камида учта аъзосининг талабномаси бўйича чақирилиши мумкин.

Бошқарув мажлисларига Марказий банк Раиси, у бўлмаган пайтларда эса, ўринbosарларидан бири раислик қиласы.

Бошқарув аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашган. Бошқарув мажлиси ҳақиқий ҳисобланади. Бошқарув қарорлари қатнашадиган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг келган тақдирда Марказий банк Раисининг овози ҳал қилювчи ҳисобланади. Бошқарув мажлислари, қоида тариқасида, ёпиқ тарзда ўтади.

**19-модда. Бошқарувнинг қарори.**

Бошқарувнинг тўхтами қарор шаклида қабул килинади.

**20-модда. Марказий банк Раиси.**

Марказий банк Раиси:

Марказий банк ва унинг Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қиласди, банкнинг фондларини тасарруф этди ва Марказий банк зим масига юклатилган вазифалар бажарилиши учун жавобгар бўлади;

Марказий банк фаолияти масалаларини ҳал қиласди, ушбу Конунга биноан Бошқарув ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно;

Бошқарув қарорларини имзолайди, буйруқлар ва фармо-йишлар чиқаради;

Марказий банк фаолияти ва жорий операцияларини оператив тарзда бошқаради;

Олий Мажлисда, хукуматда, вазирликлар ва идораларда, судларда, банклар ва муассасаларда, ҳалқаро ҳамда чет эл ташкилотларида банк фаолиятига доир барча масалалар бўйича Марказий банк номидан иш кўради;

айрим масалаларни ҳал қилишни ўзининг ўринбосарларига, марказий аппарат таркиби бўлинмаларининг раҳбарларига, ҳудудий муассасаларнинг раҳбарларига топширади.

Марказий банк Раисининг ваколат муддати — беш йил.

Марказий банк Раиси бўлмаган пайтда унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири бажаради.

**21-модда. Марказий банк Раисини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш учун асослар.**

Марказий банк Раиси қуидаги асослар бўйича:

ваколат муддати тугаганида;

истесьфога чиқишни сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра;

жиноят содир қилишда қонунда белгиланган тартибда айборд деб топилганда;

ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда, давлат тиббий комиссиясининг хulosаси асосида;

эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган хатти-ҳаракатлар қилганида, шу жумладан, ушбу Конунни кўпол равишда бузганида ва Марказий банк манфаатларига катта зарар етказанида эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

Марказий банк Раиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мумкин.

## **22-модда. Марказий банк Раисининг ўринбосарлари.**

Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк Раисининг тақдимомасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимидан озод қилинадилар. (Банд ЎзР 15.12.2000 й. 175-II Конуни таҳририда баён этилган).

## **IV. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ПУЛ-КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ**

### **23-модди. Монетар сиёсатининг асосий йўналишлари.**

Марказий банк келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва ҳар йили кейинги молия йили бошланшидан камида ўттиз кун олдин Олий Мажлиснинг Сенатига бу ҳақда ахборот беради. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм).

Монетар сиёсатининг асосий йўналишлари:

иқтисодий конъюнктуранинг таҳдили ва истиқбол кўрсатоғчларини; муомалада бўлган пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегараларини;

пул массаси йиллик ўсии суръатининг аниқ мақсадли кўрсаткичларини, шу жумладан, Марказий банк ички активларининг ўзгаришини;

валюта ҳамда фоиз сиёсатининг асосий йўналишларини;

пул-кредит соҳасини тартибга солишга доир ҳаракатларининг аниқ мақсадли асосий кўрсаткичларини ўз ичига олиши лозим.

### **24-модди. Монетар кўрсаткичлар ўзгаришнинг аниқ мақсадли мўлжаллари.**

Марказий банк Ўзбекистон Республикасидаги пул-кредит, молия, валюта ва нарх муносабатлари ҳолатидан келиб чиқиб, битта ёки бир қанча монетар кўрсаткичлар ўзгаришларининг аниқ мақсадли мўлжалларини белгалаши мумкин.

### **25-модда. Очиқ бозордаги операциялар.**

Марказий банк давлатнинг қимматли қофозлари, шунингдек, Марказий банкнинг ўзи чиқарган қарэ мажбуриятларини харид қилиши ва очиқ бозорда сотиши мумкин.

Марказий банк ҳар қандай даражадаги бюджетларни молиявий таъминлаш учун очиқ бозордаги операциялардан фойдаланиши, шунингдек, давлат қимматли қофозлари бирламчи жойлаштирилганда уларни сотиб олиши мумкин эмас.

Очук бозордаги операциялар лимитини бошқарув тасдиқлайды.

**26-модда. Марказий банкнинг ҳисоб операциялари.**

Марказий банк қиймати тўланишини банклар кафолатлаган қиска муддатли хазина векселлари, шунингдек, тижорат векселлари хисобини юртиши мумкин.

Ҳисоб операцияларини ўтказиш шартларини, шу жумладан, ҳисоб ставкаси миқдорларини Марказий банк белгилайди.

**27-модда. Марказий банк операциялари бўйича фоиз ставкалари.**

Марказий банк ўз операциялари бўйича фоиз ставкаларини мустакил белгилайди.

**28-модда. Мажбурий резерв талаблари.**

Марказий банк ўзи белгилаган энг кам миқдорда резервлар сақлаш тўғрисида банкларга кўрсатма беради. Марказий банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервларнинг энг кам миқдори Марказий банкнинг норматив ҳужжатлари билан белгиланиб, у омонатларнинг ҳажми, тури, муддатига, банкларнинг бошқа мажбуриятларига боғлик бўлади. Мажбурий резервларнинг миқдорлари жалб этилган маблағлар ва омонатларнинг ҳар бир тоифаси бўйича барча банклар учун бир хилдир.

Мажбурий резервлар Марказий банкда нақд пул ёки омонатлар кўриннишида, Марказий банк белгилайдиган тартибда депозитга ўтказилади.

Мажбурий резерв талабларининг нормативлари ёки таркиби белгилангани ёки ўзгартирилгани тўғрисидаги кўрсатмаларда камида бир ойлик муддат кўрсатилади, резервларнинг таркиби ёки миқдорига доир янги нормативларни банклар ана шу муддатгача бажаришлари шарт.

Марказий банк мажбурий резервлар бўйича фоизларни тўлаш тўғрисида қарор қабул киласди.

**29-модда. Мажбурий резерв талаблари нормасини бажарманлик учун санкциялар.**

Банк мажбурий резерв талабларининг энг кам миқдорини сақлаб туриш тўғрисидаги 28-модда қондадарини бажармаган тақдирда Марказий банк қатъий тартибда бу банкдан стишмайтган маблағ суммасини, шунингдек қайта молиявий таъминлашнинг икки ставкасидан ошмайдиган миқдорда жарима ундириб олади.

**30-модда. Марказий банкнинг банкларни қайта молиявий таъминлаши.**

Марказий банк ўзи белгилаган шартларда банкларга кредит беришга ҳақли, бунда қўйидаги активлар гаровга қўйилиши мумкин.

кин: (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги хат боши), (олдинги таҳририга қаранг).

олтин, чест эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари ва бошқа бойликлар;

давлат қарз мажбуриятлари ва хукумат кафолатлаган бошқа қарз воситалари;

Марказий банкда депозитта ўтказилган ва унинг депозитарийси учун макбул бўлган, ҳарид қилиниши ва сотилишига рухсат берилган ёки Марказий банк улар билан ушбу Конун доирасида бошқа хил операциялар ўтказиши мумкин бўлган активлар;

тўланишига банклар кафолат берган тижорат векселлари.

Марказий банк ўзининг қайта молиядий таъминлаш тизимида банкларнинг иштирок этиш шартларини эълон қиласди.

**31-модда. Марказий банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиши.**

Марказий банк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат чегараларини ҳимоя қилювчи қўмита ўнингдек Марказий банкка қарашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг асосий ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш бўйича банк операцияларини амалга ошириши мумкин. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги модда матни), (Олдинги таҳририга қаранг).

## **V. ПУЛ ТИЗИМИ ҲАМДА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**32-модда. Пул тизими.**

Ўзбекистон Республикасининг пул тизими Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигини, пул муомаласи ташкил этилишини ва уни тартибга солишини ўз ичига олади. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги қисм), (олдинги таҳририга қаранг).

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Конуни таҳриридаги қисм), (олдинги таҳририга қаранг).

Сўм Ўзбекистон Республикасида ягона, чекланмаган ва қонуни тўлов воситаси ҳисобланади.

**33-модда. Марказий банкнинг пул белгиларини чиқаришдаги ваколатлари.**

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси худудида қонуни тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги

пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуқقا эга. Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонун ҳужжатларига мувофик жавобгарликка сабаб бўлади.

Муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади.

Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини қопламайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек, уларнинг дизайнини Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайнни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, уларнинг тавсифи оммавий ахборот воситаларида эълон қиласди. (ЎзР 03.12.2004 й. 714-II-сон Конуни таҳриридаги қисм).

Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабга кўра бир номинал қийматдаги банкнот ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай тўловсиз ёки воситачилик ҳақисиз айирбошлаб беради.

### **34-модда. Пул белгиларини тайёрлаш ва сақлаш.**

Марказий банк банкнотлар босилиши ва тангалар зарб қилиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сақланишини, шунингдек, босма қолиллар ва бўёқлар сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пулларни сақлаш, ташиш ва инкассо қилиш, шунингдек, уларни йўқ қилиб юбориш қоидаларини белгилайди.

### **35-модда. Муомаладаги пул белгиларидан фойдаланишга кўйинладиган талаблар.**

Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек, ҳисобварақга, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийдир.

### **36-модда. Тўловларни амалга ошириш.**

Тўловлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўриннишида амалга оширилади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар орқали амалга оширилади. Марказий банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва қоидаларини белгилайди.

Марказий банк юридик шахсларининг касса операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

**37-модда. Шикастланган пул белгилари.**

Марказий банк пул белгиларининг фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш ҳамда путур етган банкнотлар ва тангаларни алмаштириш тартибини белгилайди. Пул белгилари яроқлилигини аниқлаш ва уларни алмаштириб бериш тартиби эълон қилинини лозим.

Банклар путур етган банкнотлар ва тангаларни белгилантай коидаларга мувофиқ ческовсиз айирбошлаб беради.

**38-модда. Накд пул маблағларини муомалага чиқариш.**

Накд пул маблағларини муомалага чиқариш ва қайтариб олишни фақат Марказий банк амалга оширади.

**39-модда. Пул белгиларини муомаладан қайтариб олиш.**

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай банкнот ва тангаларни муомаладан қайтариб олишга ҳақли. Бунга Марказий банкнинг айирбошлиш тартиби ва муддати кўрсатилган норматив хужжат асос бўлиб хизмат қилиши керак, айирбошлиш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм), (олдинги таҳририга қаранг).

Марказий банк айирбошлиш учун белгилаган муддат тугаганида айирбошланиши керак бўлган банкнот ва тангалар қонуний тўлов воситаси сифатидаги ўз кучини йўқотади.

## **VI. ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ХАЛҚАРО РЕЗЕРВЛАРНИ БОШҚАРИШ**

**40-модда. Валютани тартибга солиш.**

Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир.

**Марказий банк:**

ижро этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир норматив хужжатлар чиқаради;

банклар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензијарини қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;

банклар учун очиқ валюта мавқеи чегараларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;

миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради.

**41-модда. Халқаро клиринг ва тўлов битимлари.**

Марказий банк ўз номидан ёки Ҳукумат топшириғига кўра Ўзбекистон Республикаси номидан чет элда жойлашган клиринг муассасалари билан клиринг ҳамда тўлов битимлари, шунингдек, ҳар қандай шартномалар тузишга ҳақлидир.

**42-модда. Халқаро резервлар.**

Марказий банк ўзининг баланс ҳисобваракларида Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини шакллантиради. Бу резервлар қўйидагиларни:

олтин ва бошқа қимматбаҳо металларни;

накд чет эл валютасини;

чет эл банкларида, халқаро молия ташкилотларида ҳисобвараклар ва депозитларда бўлган чет эл валютаси қолдикларини;

чет эл ҳукуматлари, банклари ва халқаро молия ташкилотлари чиқарган ёки кафолатлаган чет эл валютасидаги қимматли коғозларни ўз ичига олади.

Марказий банк Ўзбекистон Республикасининг монетар ҳамда валюта сиёсатини амалга ошириш учун, шунингдек, халқаро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни таъминлаш учун старли бўлган даражада халқаро резервлар сақлаб турилишига ёрдам беради.

**43-модда. Чет эл валютасидаги операциялар.**

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси худуди ва унинг ташқарисида Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига ҳамда халқаро амалиётга мувофиқ чет эл валютасидаги операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.

## **VII. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ҲУКУМАТ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ**

**44-модда. Марказий банкнинг вазифалари.**

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банкири, маслаҳатчиси ва фискалъ агенти (хазина вакили) сифатида иш тутади.

Марказий банк ҳукуматта Марказий банкнинг вазифаларига ҳамда ваколатларига дахлдор барча муҳим масалалар бўйича маслаҳат беради.

Марказий банк ҳар йили ҳукуматга иқтисодий ва молиявий масалалар, шунингдек, монетар ва валюта сиёсати бўйича давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади.

**45-модда. Давлат секторига қарз ажратиш масалаларида маслаҳатлар бериш.**

Ҳукумат келгуси молия йилида кредитлашнинг ички ва ташки манбаларидан қарз ажратиш, шу жумладан, ушбу қарз доирасида тўланадиган суммаларни бериш режалари, шунингдек, кредит беришнинг таклиф этилаётган муддатлари ва шартлари тўғрисида Марказий банк билан маслаҳатлашади. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ва унинг давлат органлари олаётган барча қарзлар тўғрисида Марказий банкка хабар беради.

**46-модда. Депозитарий ва кассирнинг вазифалари.**

Марказий банк ҳукуматнинг, шунингдек, Молия вазирлигининг рухсатномаси бўлган тақдирда бошқа давлат органларининг пул маблағларини ва валюта қимматликларини депозитта қабул килиши мумкин. Марказий банк депозитарий сифатида пул маблағларини ва валюта қимматликларини олади ва беради, уларнинг хисобини юритади. Марказий банк кўрсатиб ўтилган депозитлар юзасидан фоизлар тўлаши мумкин.

**47-модда. Фискалъ агентнинг вазифалари.**

Марказий банк Молия вазирлиги билан келишилган шартларда иш тутиб, Ўзбекистон Республикаси ва давлат органларининг фискалъ агенти сифатида:

Молия вазирлиги ва бошқа давлат органлари чиқарган қарз мажбуриятларини жойлаштириш, бу жойлаштиришларни рўйхатга олиш ва уларни топширишда агент ролини бажариш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозларнинг қийматини, улар бўйича фоизлар ва бошқа тўловларни тўлаш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозлар бўйича хисобварақлари юритиш ва уларга доир тўлов операцияларини бажариш;

кўрсатиб ўтилган қимматли қоғозлар бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш борасида фаолият кўрсатиши мумкин.

Марказий банк Молия вазирлигига давлатнинг қимматли қоғозларини чиқариш ва давлат қарзини қайтариш жадвали ҳамда ҳажми масалалари юзасидан уларнинг банк тизими ликвидлилигига таъсири ва монстар сиёсатининг устувор йўналишларини хисобга олган ҳолда маслаҳат беради.

#### **48-модда. Ҳукуматга кредит бериш.**

Кредитлар ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган микдорда ушбу Қонун 30-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган ва бир йил ичida қиймати тўланадиган активлар гаровга қўйилиши шарти билан берилади. Кредит бериш ҳукумат ва Марказий банк ўртасида алоҳида кредит шартномаси тузиш билан расмийлаштирилади, унда кредитнинг микдори, қайтарилиш муддатлари, тўланадиган фоизлар нормаси ва ссудани узиш тартиби келишиб олинади.

Марказий банк ҳукуматга обуна бўйича бадаллар учун ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чикувчи бошқа тўловлар учун анча узоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Марказий банк ҳукуматга ушбу моддада назарда тутилганларидан ташқари ҳолларда молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас.

#### **49-модда. Ҳукумат билан Марказий банк ўртасида ахборот алмашуви.**

Ҳукумат билан Марказий банк иқтисодиётдаги асосий макроинқтисодий кўрсаткичларни назорат қилиш учун доимий равища статистик ахборот алмашиб турадилар. Ҳукумат, вазирликлар ва идоралар Марказий банкка у ўз вазифаларини бажариши учун зарур бўлган молиявий, иқтисодий ахборот ва ҳужжатларни тақдим этадилар.

### **VIII. БАНКЛАР, КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ ВА ГАРОВХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ, ШУНИНГДЕК ҚИММАТБАХО ҚОФОЗЛАР БЛАНКАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲАМДА НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

#### **50-модда. Банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини, шунингдек, қимматбахо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни тартибга солиш ҳамда назорат қилиш борасидаги вазифалар.**

Марказий банк молия-банк тизими барқарорлитини сақлаб туриш, омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш мақсадида банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини тартибга солади ҳамда назорат қилади.

Марказий банк банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатта олади, шунингдеск, банк операцияларини амалга ошириш ҳукуқини берувчи лицензиялар беради, кредит уюшмалари, гаровхоналар

фаолиятини ва қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришини лицензиялади.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатта олиш, шунингдек, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарга лицензиялар бериш Марказий банк томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Қимматбаҳо қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банклар ва кредит уюшмаларини рўйхатта олиш, шунингдек, банклар, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга лицензиялар бериш ҳақ эвазига амалга оширилади.

Марказий банк Банкларни давлат рўйхатига олиш дафтари, кредит уюшмалари, гаровхоналарга ҳамда қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришга берилган лицензиялар реестрини юритади. Берилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотлар эълон килиниши керак.

**51-модда. Марказий банкнинг назорат вазифаларини бажарившга доир ваколатлари.**

Марказий банк:

банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва банк статистика ҳисоботини юритиш, йиллик ҳисоботлар тузиш юзасидан банклар учун мажбурий бўлган қоидаларни;

молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш юзасидан кредит уюшмалари учун мажбурий бўлган қоидаларни;

фаолият ва операцияларни амалга ошириш юзасидан гаровхоналар учун мажбурий бўлган қоидаларни белгилайди. (ЎзР 13.12.2002 й. 447-И-сон Қонуни таҳриридаги қисм), Марказий банк: банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарнинг ҳисоботи ва бошқа ҳужжатларини олиш ва текшириш, уларнинг фаолияти, шу жумладан, операциялари тўғрисида аҳборот сўраш ҳамда олиш;

олинган аҳборот юзасидан изоҳ талаб қилиш;

банклар ва кредит уюшмаларининг, уларнинг филиаллари ва улар билан узвий боғланган шахсларнинг, шунингдек, гаровхоналарнинг фаолиятини текшириш, қоидабузларларга нисбатан санкциялар қўллаш;

банкларнинг ички аудитига доир талабларни белгилаш;

банк активлари сифатини тасниф қилиш ва активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган заарлар ўрнини қоплаш учун шунга монанд резервлар яратишга доир талабларни белгилаш;

ишиончсиз активларни ҳисобдан чиқариш шартлари ва таоминлини аниқлаш;

банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарга уларнинг фаолиятида аниқланган кондабузарликларни бартараф килиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

банк акциядорлари низом капиталининг конуни ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқроқ қисмини сотиб олган тақдирда уларнинг молиявий аҳволи ҳамда обрў-эътибори ҳакида ахборот сўраш ва олиш;

банкларнинг ва улар филиалларининг раҳбарлари, бошқарув аъзолари ҳамда бош бухгалтерларига, кредит уюшмалари ижро орғанларининг раҳбарларига нисбатан малака талабларини қўйиш.

Текширишлар Марказий банкнинг ваколатли вакиллари ва Марказий банк белгилайдиган аудиторлар томонидан амалга оширилади.

Конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда банк акцияларини сотиб олиш учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиш талаб қилинади. Марказий банк акция сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда банк акциялари харид қилиниши ва сотилишига розилик бермаслик ҳукуқига эга. Марказий банк ўз қарори тўғрисида ариза берувчига илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ёзма радиша хабар беради. (ЎзР 15.04.1999 й. 772-I Конуни таҳриридаги қисм).

Марказий банк аудиторлардан Марказий банкнинг норматив ҳужжатларига, шу жумладан, тартиб ва услубиётларига риоя этишларини талаб қилишга, шунингдек, улардан банк аудити билан боғлиқ ҳар қандай маълумотларни бевосита олишга ҳақли.

### **52-модда. Иқтисодий нормативлар.**

Марказий банк банклар учун мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни, шу жумладан: капиталнинг монандлик коэффициентини;

бир қарз олувчи ски бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гурӯҳига таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

йирик кредит таваккалчилик ва инвестицияларнинг энг кўп миқдорини;

### **ликвидлилик коэффициентларини;**

активларни таснифлаш ва баҳолашга доир талабларни, шунингдек, бундай таснифлар асосида банкнинг операция харажатлари жумласига киритиладиган чегирмалардан шубҳали ва ҳаракатсиз

қарзларга қарши ташкил этиладиган захираларни шакллантириши;

Карзларга донр фонизларни ҳисоблаб чиқариш ва уларни банк даромадлари ҳисобварагига киритишга донр талабларни; очик валюта мавқен лимитларини белгилайди. Марказий банк иқтисодий нормативларниң ўзгариши түғрисида камида бир ой олдин эълон қиласди.

**53-модда. Марказий банк қўллайдиган чаралар ва санкциялар.**

Банклар ва уларнинг филиаллари иқтисодий нормативларни белгиловчи банкларга оид қонун ҳужжатларини бузган тақдирда, Марказий банк низом капиталининг энг кам миқдоридан 0,1 фонзагча жарима ундириш ёхуд айрим операцияларни ўтказишини олти ойгача бўлган муддатта чеклаб қўйиш ҳукуқига эга.

Агар йўл қўйилган тартиб бузилишлар ёки банк ўтказаётган операциялар омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларига аниқ хавф түғдирган бўлса, Марказий банк: банклардан низом капитали энг кам миқдорининг бир фоизидан ошмаган суммада жарима ундиришга;

банкдан банкни молиявий соғломлаштириш, шу жумладан, активлар тузилмасини ўзгартириш, банк харажатларини камайтириш ва акциядорларга дивиденслар тўлашни тўхтатиш тадбирларини кўришни, банк ёки унинг филиали раҳбарларини шу жумладан, банк кенгаши раҳбарлари ва аъзоларини алмаштиришини, банкни қайта ташкил этишини, филиални тугатишни талаб қилишга; банк учун иқтисодий нормативларни олти ойлик муддаттагача ўзгартиришга; банкнинг айрим банк операцияларини амалга оширишини бир йилгача бўлган муддатга, шунингдек, филиаллар очишни ҳам шунча муддатта тақиқлаб қўйишга;

банкни молиявий соғломлаштириш ёки Марказий банк кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган даврда мансабдор шахслар ва акциядорлар эга бўлган барча ваколатларни васийга бериб, банкка васийлик қилиш тартибини белгилаш түғрисида карор қабул қилишга;

банк операцияларини амалга ошириш ҳукуқини бсрувчи лицензияни қайтариб олишга хақлидир. Банк филиаллари тўловларни ўз вақтида ўтказмаган ва уларнинг вакиллик ҳисобвараклари қоникарсиз ахволда бўлган ҳолларда Марказий банк банк филиали ушбу ҳаракат натижасида олган даромадини катъий тартибда ундириб олади, шунингдек, шундай миқдорда жарима солади.

Кредит уюшмалари, гаровхоналар, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқарувчиларга нисбатан чоралар ва санкциялар қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**54-модда. Ҳалқаро ҳамкорлик.**

Марказий банк ҳалқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг марказий банклари ҳамда банк назоратининг бошқа органлари билан ҳамкорлик қиласди ва ахборот айирбошлиди.

## **IX. БАНКЛАР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР**

**55-модда. Жавобгарликни чеклаш.**

Марказий банк ва банклар бир-бирларининг мажбуриятлари буйича жавобгар эмас, улар шундай жавобгарликни ўз зиммасига ўзлари олган ҳоллар бундан мустасно.

**56-модда. Банкларнинг Марказий банкдаги ҳисобвараклари.**

Марказий банкга банкларнинг ҳисобваракларини юритиш ва депозитларини қабул қилишга руҳсат этилади.

**57-модда. Клиринг ва ҳисоб-китобларни ташкил этиш.**

Марказий банк банкларга банклараро тўловларга ҳисоб-китобклиринг хизматини, шу жумладан, чеклар ва бошқа тўлов ҳужжатлари орқали ҳақ тўлашни ташкил этишда ёрдам кўрсатиш, шундай операцияларни ўтказиш тартибини ўз иктиёрига кўра белгилаш ва тегишли кўрсатмалар беришга ҳақлиидир.

**58-модда. Банк ахборот тармоғи ва статистик ахборот йиғиши.**

Марказий банк банк тизими эҳтиёжлари учун ахборот тармоғини яратади ва сақлаб туради.

Марказий банк статистик ахборотни тегишли органлардан ёки бевосита иктиносидий фаолият юритувчи субъектлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олади. Марказий банк статистик ахборотни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш қондалари ҳамда амалиётини тегишли ташкилотлар билан келишиб олинида ўз ваколатлари доирасида қатнашади.

**59-модда. Марказий банкнинг имтиёзли ҳуқуқи.**

Марказий банкка қарздорининг ҳисобваракларидағи қолдиклари ҳамда унинг Марказий банкдаги бошқа активлари ҳисобидан ўзининг барча талабларини қондиришдан иборат қатъий имтиёзли ҳуқук берилган, мажбурий резервлар сифатида Марказий банк депозитида турган банклар маблаги бу активларга кирмайди.

**Марказий банк ўзининг имтиёзли ҳуқуқини ҳисобварақ-лардаги қолдиқларни ушлаб қолиш ёки бошқа активларни макбул нархларда сотиш ва тушумдан сотиш ҳаражатларини чегириб ташлагандан кейин ўзига тегишли бўлган микдордаги тўловни ушлаб қолиш оркали амалга ошириши мумкин.**

**60-модда. Марказий банкнинг қарорлари устидан шикоят қилиш.**

**Марказий банкнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.**

## И БУЛИМ

### 5-боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТИЗИМИ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

#### 1-§. Тижорат банки тумунчаси ва унинг юридик шахс сифатидаги мақоми

Мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистонда бозор муносабатларини таркиб топдириш ва бозорга хос бўлган иқтисодий, ташкилий-бошқарув, молиявий ҳамда бошқа зарур инфратузилма шаклланишига эришишга йўналтирилган. Маъмурий-буйруқбоззлик иш услубларидан воз кечилаётганлиги ва хўжалик-иқтисодий муносабатларида эркин бозор принциплари, хусусан: эркин рақобат, тадбиркорлик ва ташаббускорлик эркинлиги, фойда олишга интилиш каби қоидаларни жорий этилиши, кенг қамровли хусусийлаштиришни амалга оширилиши, кўп укладли иқтисодистни юзага келиши макроиқтисодий даражада ҳам тесишли чукур ўзгаришлар юз беришга олиб келди. Бугунги кунда мамлакат ялпи ички маҳсулотда фақат кичик бизненинг хиссаси 29,1 фоизни ташкил этди.

Бозор муносабатларининг жамиятимиз ҳастига тобора чуқуроқ сингиб бораётганлиги молия, пул-кредит тизимларида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келмоқда. Бу ҳол банк муассасалари ишини янада эркинлаштириш, улар фаолиятига бозор принципларини янада кенгроқ жорий этилишини тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдағи «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора тадбирлар тўғрисида»ги, 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 февралдаги 24-сонлы «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2001 йил 22 августдаги 349-сонли «Иқтисодистни кредитлаш механизмини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа фармон ҳамда банк-молия тизимларини бозор муносабатларига яна ҳам мослашувлари учун зарур ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни юзага келтиришга қаратилгандир.

Банклар ва улар томонидан амалга ошириладиган банк фаолияти ҳар қандай мамлакат иқтисодий тизимида муҳим ўрин ту-

тади ва тараққиёт суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бирин бўлиб саналади. Зеро, самарали ишловчи банк тизими молиявий маблағларни иқтисодиёт тармоқлари, минтақалар, корхона ва ташкилотлар, фуқаролар ўртасида эркин ва тез айланишини таъминлайдики, бу ҳол ўз-ўзидан товар ва хизматлар муомаласини тезлашуви ҳамда кенгайнишига олиб келади. Маълумки товар-пультовар цикли қанчалик тез суръатда юз берса олинадиган фойда ҳам шунча кўп, товар ҳамда хизматлар хажми катта ва ранг-баранг бўлади.

Айни пайтда Ю.Н. Ерпылева таъкидлаганидек: «Банк фаолияти ҳар қандай давлат молиявий тизими ишининг асосий элементи сифатида бошқа ҳар қандай иқтисодий фаолият турларига нисбатан давлат-жокимият тузилмалари томонидан энг қаттиқ тартибига солиб туриладиган обьектлардан бўлиб саналади. Бу ҳол банкларнинг молиявий тизимда етакчи ўринни эгаллашларига оид хусусиятлари билан боғлиқдир. Ушбу алоҳида хусусиятлар куйидагилар билан боғлиқ:

- а) молиявий ўзаро боғлиқликнинг кучлилиги;
- б) пул маблағлари дарҳол топилиши мумкинлиги;
- в) пулни осонгина олиниши мумкинлиги ва банкларнинг етарили даражада ошкора эмаслиги»<sup>1</sup>.

Тижорат банклари-молиявий маблағларни тўпланиши ва турли корхона ва ташкилотлар ўртасида ҳаракатланиши, иқтисодиётга инвестиция қилинишини таъминловчи асосий кредит ташкилоти бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банки тижорат ташкилоти сифатида юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтинча бўш маблағларини омонатга қабул килиш, тўпланган маблағларни таваккал қилган ҳолда инвестиция қилиш – қисқа ва узоқ мурдатли кредитлар бериш; Ҳисобкитобларни амалга ошириш; бошқа турдаги банк хизматларини кўрсатишга оид фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектидир.

Н.Д. Эриашвилиниң фикрича: «Тижорат банки бу – барча тармоқ, мулкчиликнинг барча шакидаги корхоналар, ташкилотлар учун универсал банк операцияларини амалга оширувчи кредит ташкилотидир. Банклар пул маблағларини сақловчилар, жамиятида пул операциялари амалга оширилишида воситачилик қилувчи,

<sup>1</sup> Ерпылева Н.Ю. Международное банковское право. Учебное пособие. М., Изд-гр. «Форум»-«Инфра-М». 1998 г., с. 46.

банкка оид бозор муносабатларини юзага келтирувчи (генерацияловчи) яъни, маълум матьнода корхона ва ташкилотлар даражасида иқтисодиётни бошқариш функциясини бажарувчи тижорат ташкилотидир<sup>1</sup>. Ушбу фикрнинг тўғрилигини эътироф этган ҳолда банклар томонидан амалга ошириладиган функциялар муаллиф қайд этганидан анча кенг эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Банклар нафакат пул маблағларини сақловчи, пул операцияларини амалга ошириш орқали воситачилик қилувчи, бошқарувчи вазифасини бажаради, балки пул муомаласига таъсир этиш, корхоналарни инвестиция максадида қўллаб-куватлаш орқали иқтисодий тараққиётга бевосита таъсир қиласди, давлатнинг иқтисодий стратегиясига оид вазифаларни бажарилишига ҳисса кўшади.

Тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари хилма-хил бўлиб, бозор муносабатлари чуқурлашиб ва ривожланиб боргани сари кўрсатиладиган банк хизматлари спектри тобора кенгайиб бориши табиий.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунида банклар амалга оширадиган банк операцияларининг қўйидаги асосий шакллари кўзда тутилган:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварагларини очиш ва юритиш, ҳисобвараклар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;
- омонатларни жалб этиш;
- кредитларнинг қайтарилиши, фоизлариги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошка турдаги операцияларни ҳам амалга оширишлари мумкин, чунончи:

- маблаг эгаси ёки маблагни тасаррuf этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;
- чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;
- пул маблағлари, всесллар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;
- учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;
- учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқукини олиш;

<sup>1</sup> Эриашвили Н.Д. Банковское право. Учебник. М., Закон и право. 1999 г. с. 25.

- қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисоби-ни юритиш ва уларни саклаш, мижоз билан түзилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, қимматли қоғозлар билан бошқа оперцияларни бажариш;
- банк фаолиети юзасидан маслаҳат ва ахборот хизмати қўрсатиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бой-ликларни саклаш учун маҳсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандиқларни ижарага бериш;
- молиявий лизинг;
- халқаро банк амалийтига мувофиқ, лицензияда маҳсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Тижорат банклари фаолиятни бошқариш ва мувофиқлашти-риш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан, асо-сан, маъмурий таъсир усулларидан фойдаланилгани ҳолда амалга оширилади. Бунда давлат иктиносий-молиявий муносабатлар барқарорлигини, белгиланган стратегик вазифаларга мос равищда ривожланишини таъминлаш, фуқаролар омонатларини ҳимоялаш, юридик шахслар молиявий манфаатларини ишончли ва самарали муҳофазалаш мақсадларини назарда тутади.

Бирок, тижорат банклари энг аввало, мустақил юридик шахс, тад-биркорлик фаолиятининг мустақил субъектидир. Шунга кўра тижорат банклари ўз фаолиятларида нафақат Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунига, балки энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа икти-содий-хўжалик фаолиятига оид конунларга амал қиласидилар.

Тижорат банклари фуқаролик-хукукий муносабат иштирокчи-си, тадбиркорлик субъекти сифатида юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-модда-сида кўрсатилишича: «Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки опе-ратив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз маж-буриятлари юзасидан ушбу мол-мулки билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий хукуқларга эга бўла ола-диган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажа-ра оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак».

Бошқа кўпчилик юридик шахслардан фарқ қилиб тижорат банклари ўзининг мулкига эга бўлади ва бу мулк, энг аввало, агар банк акциядорлик тижорат банки бўлса, у ҳолда банк акциядорлари қўлидаги акцияларда ифодаланувчи низом (банк) капиталида, низом капитали ҳисобидан киритилган кўчар ва кўчмас мулклар, интеллектуал ҳамда бошқа моддий ёки номоддий бойликларда ўз ифодасини топади. Бундан ташқари, тижорат банки томонидан амалга ошириладиган банк фаолиятидан олинган фойда (даромад) ҳам тегишли мажбуриятлар (энг аввало, бюджет олдиаги) бажариб бўлингач банкнинг мулки бўлиб қолади.

Тижорат банки томонидан юридик шахс сифатида ўзига мулк қукуки асосида тегишли бўлган мол-мулкларни эгаллаш, улардан фойдаланиш, уларни тасаррuf қилиш Фукаролик кодексида<sup>1</sup>, «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги<sup>2</sup>, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»<sup>3</sup>ги қонунларда, бошқа қонун хужжатларида, уларнинг ўз низомларида белгиланган тартибда, шакллар ва усулларда амалга оширилади<sup>4</sup>.

Тижорат банклари давлат томонидан қатъий назорат қилинадиган тижорат ташкилотлари бўлгандиги туфайли уларнинг мол-мулки юзага келиши мумкин бўлган жавобгарликларини қоплациши учун етарли бўлиши масаласига эътибор берилади. Банк низом капиталининг энг кам миқдори Конун хужжатлари билан белгилаб қўйилганлиги ва бу маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки депозитида сақланиши, бошқа бир катор эҳтиёт чораларининг кўрилганлиги (иқтисодиёт месъёрлари ва мажбурий захираларини ташкил этилиши, омонатчилар ҳуқуқларини кафолатлашнинг бошқа иқтисодий чоралари) ана шундай маҳсадларни назарда тутади.

Тижорат банкларининг мустакил юридик шахс сифатидаги хусусиятларидан бўлиб улар ўз мажбуриятлари юзасидан ўзлари жавоб беришлари саналади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 21-моддасига биноан: «Банклар давлатнинг мажбуриятла-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси. Т., Адлия вазирлиги, 2003 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Конгравининг Ахборотномаси, 1990 й., 31 – 33сон, 371-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5 – 6сон, 54-модда

<sup>4</sup> Бугунги кунда тижорат банкларининг устав капиталининг энг кам миқдори Тошкент шаҳрида 2,5 млн. АҚШ доллари эквиваленти, бошқа ахоли яшаш жойларида 1,25 млн. АҚШ долларни, чет Эл капитали иштироки билан очилганда 5 млн. АҚШ долларни, хусусий банклар учун ҳам 1,25 млн. АҚШ доллари эквивалентида белгиланган.

ри бўйича, давлат эса банкларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас». Шунингдек бошка ҳеч бир юридик ёки жисмоний шахслар ҳам банкларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар.

Банк муассислари ҳамда акциядорлари банкнинг ўзга шахслар олдиаги мажбуриятлари юзасидан кўшган улушлари (ўз акциялари қиймати) доирасидагина жавобгар бўладилар. Тижорат банклари Марказий банкинг рухсати билан ўзга ҳудудларда филиалларини, чет элларда эса шўъба банклари, филиаллари ва ваколатхоналарини очишлари мумкин. Ушбу филиал ҳамда ваколатхоналар раҳбарлари Марказий банк билан келишилгани ҳолда уларни ташкил этган банк томонидан тайинланадилар. Филиал ва ваколатхоналарнинг ваколатлари ҳажми филиал (ваколатхона) раҳбарига берилган ваколатномага мувофиқ белгиланади. Филиал ва ваколатхоналар мажбуриятлари учун уларни ташкил қўлган банк жавобгар бўлади.

Тижорат банкларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиси сифатидаги ҳуқук ва муомала лаёқати, бу лаёқатни пайдо бўлиши ҳамда мазмуни фуқаролик конунчилитгининг умумий месъерлари, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун, банк низоми, бошка қонунчилик ҳужожатлари билан белгиланади. Тижорат банклари Ўз мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳўжалик судларига, умумюрисдиқиявий фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризаси билан мурожаат қўлишлари, жавобгар, учинчи шахс, фуқаролик даъвогари ёки жавобгари сифатида жалб этилишлари мумкин. Филиаллар ҳам уларни ташкил этган банклар томонидан маҳсус ваколат берилгани ҳолларда ана шунидай ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Банклар ҳўжалик (тадбиркорлик) фаолияти субъекти сифатида ўзга юридик ва жисмоний шахслар билан ўз низом вазифаларига мос келувчи ҳар қандай битим (шартнома)ларни тузишлари, зиммаларига мажбуриятларни олишлари мумкин.

## **2-§. Тижорат банклари тизими, банк фаолиятини бошқаришни ҳуқуқий асослари**

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикасидаги икки поғонали банк тизимининг қуйи поғонаси сифатида халқ ҳўжалигининг барча тармоқларига мансуб ва хилма-хил шаклдаги корхона, муассаса, ташкилотлар, якка тадбиркорлар, айрим фуқаролар учун универсал банк операцияларини амалга оширувчи кредит ташкилоти бўлиб хисобланади. Банклар жамиятнинг пул билан боғлиқ иқтисодий муносабатларида воситачилик вазифасини бажаради ва шу йўл билан банкка оид бозор маконини ташкил қиласди.


Тижорат башчлари амалга оширадиган асосий функциялардан бири бўлиб жисмоний ва юридик шахслар пул маблағларини омопатта жалб қилиш ҳамда жалб қилинган маблағларни таваккал қилиб ўз номидан тадбиркорликка сармоя жойлаштиришдан иборатdir. Банклар вактинча бўш турган маблағларни ишлаб чиқариш оборотига жалб қилиш оркали иқтисодий тараққистон инвестициялайдир, давлат ва жамнит юксалиши учун зарур иқтисодий-мoliajvий шароитни яратади.

Тижорат банклари иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида ислохотлар муваффақиятини таъминлашнинг муҳим омилларидан бўлиб ҳисобланади. 2004 йил 1 октябр кунидаги қўрсатгич бўйича тижорат банкларининг жами активлари 4 триллион 896,6 млрд. сўмни ёки мамлакат ЯИМ нинг 50 фоизга яқинини ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда Марказий банк (банк тизимининг юкори бўфини) ва 32 та тижорат банклари (бачк тизимининг қуий бўфини) банк фаолиятини амалга ошириб келмоқдалар (6-чиизма).

#### 6-чиизма

#### Ўзбекистон Республикасида банк тизими



Тижорат банклари, коида тариқасида акциядорлик жамиятни тарзида ташкил этилади.

Банк муассислари сифатида юридик ва жисмоний шахслар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари иштирок эта оладилар. Умумий қондага кўра давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари банк муассиси сифатида қатнашилари мумкин эмас. Аммо, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида, Ҳукумат қарорларида маҳсус назарда тутилган ҳолларда ушбу шахслар ҳам ҳукумат ташаббусига кўра ташкил этилаётган банклар фаолиятида муассис сифатида иштирок этишлари мумкин.

Акциондорлик-тижорат банклари сифатида (очиқ ёки ётиқ акциядорлик тарзида) таъсис этилаётган банклар фаолиятини тартибга со-

лини уларин бошқарули мөнда банк қонунчилиги билан бир қаторда акциядорлик ҳуқуқига оңд қонунлар ҳам муҳим аҳамиятта эга бўлади<sup>1</sup>.

Акциядорлик тижорат банки низом капиталининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгилаб қўйилади. Тижорат банкининг низом капиталида ҳар бир муассиснинг иштироки бу капиталнинг қонунчиликда белгиланган миқдордан ошиб кетмаслиги лозим. Давлат маблағлари жалб этилган ҳолдаги банкининг низом капиталида давлатнинг улуси, мулкнинг дазлат ҳиссаси 25 фоиздан юқори бўлган корхоналар ва ташкилотларнинг улуси 50 фоиздан ошиб кетиши мумкин эмас.

Акциядорлик тижорат банкларида уларнинг бошқарув органи бўлиб акциядорларнинг Умумий йигилиши, банк Кенгаши ва банк Бошқаруви ҳисобланади (7-чи зама).

#### 7-чи зама

##### Тижорат банклари бошқарув органлари ва уларнинг тизими



Акциядорларнинг умумий йигилиши – акциядорлик тижорат банкларининг юқори органи бўлиб саналади ва унинг ваколатлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя килиш тўғрисида»ги Конун, банк Низоми, бошқа қонун хужжатлари билан<sup>2</sup> тартибга солинади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конуни; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фоилиятини таомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқомасининг 2000 йил 6 июлдаги «Банк тизимини ислоҳ килишга доир кўшинимча чора тадбирлар тўғрисида»ги 104-сонли карори ва бошқалар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги №411-2084 сонли Фармони билан тасдиқланган «Акциядорлик тижорат банклари тўғрисидаги Низом» (1999 йил 1 марта киритилган ўзгартиришлари билан).

Акциядорлар умумий йигилишининг алоҳида ваколатлари қаторига қўйидагилар киради:

- 1) банк Низомини тасдиқлаш, унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш (умумий йигилищда иштирок этастган овоз берувчи акция эгалари бўлган акциядорларнинг камида  $\frac{3}{4}$  қисми ёклаб овоз бериши орқали);
- 2) банкни қайта ташкил этиш ёки тугатиш (овоз берувчи акциядорларнинг камида  $\frac{3}{4}$  қисми маъқуллаганида);
- 3) банк кенгаси аъзолари сонини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш, муддатидан олдин кенгаш аъзолигидан чиқариш (овоз берувчи акция эгалари  $\frac{3}{4}$  қисмидан кам бўлмаган овоз билан ҳал этилади);
- 4) эълон қилинган акцияларнинг энг юқори микдорини белгилаш;
- 5) банкнинг низом капитали микдорини кўпайтириш ёки камайтириш (овоз берувчи акция эгалари  $\frac{3}{4}$  қисми овози билан ҳал этилади);
- 6) ўз акцияларини сотиб олиш (овоз берувчи акция эгаларининг  $\frac{3}{4}$  қисми маъқуллаганда);
- 7) банк Кенгаси томонидан тайинланган банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш;
- 8) банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайдаш ва улар ваколатини муддатидан олдин тўхтатиш;
- 9) банкнинг ташки акцияларини тасдиқлаш;
- 10) банк йиллик ҳисоботини, балансини, фойда ва зарарлар ҳисобини тасдиқлаш, фойда ва зарарларни тақсимлаш (овоз берувчи акция эгаларининг  $\frac{3}{4}$  қисми овози билан ҳал этилади);
- 11) банк хужжатларини тасдиқлаш ва уларни банк бизнес ресжаси билан таққослаш, банк Кенгаси аъзоларига компенсация ва мукофотлар микдорини белгилаш (овоз берувчи акция эгаларининг  $\frac{3}{4}$  қисми овози билан ҳал этилади);
- 12) акциядорлар Умумий йигилиши ресгламентини тасдиқлаш;
- 13) акцияларни бўлиш ёки жамлаш;
- 14) кредит бериш, актив ва пассивларни бошқариш, инвестицияларни амалга ошириш, мижозларга янги банк хизматларини кўрсатиш масалаларида банк томонидан амалга ошириладиган сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

Банк акциядорларининг умумий йигилиши Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар

хуқуқларини ҳимоя қилиш түғрисида»ги Конунида белгилаб қўйилган муддатларда ҳамда тартибда чакирилади (мазкур қонунинг 64-моддаси).

**Банк Кенгаши.** Акциядорлар Умумий йиғилишлари ўртасидаги даврда банк фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш банк Кенгаши томонидан амалга оширилади.

«Банклар ва банк фаолияти түғрисида»ги Конуннинг 22-моддасига кўра банк Кенгаши ваколатларига қўйидагилар киради:

- 1) банк фаолияти устидан назорат олиб бориш;
- 2) банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва вазифасидан озод қилиш;
- 3) банк капиталининг мунтазам ўсишини таъминлаш;
- 4) банк сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқарилишини кузатиб бориш;
- 5) банк фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш ва банк Низомида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Банк Кенгаши камидан беш кишидан иборат бўлади. Унинг таркибига банк акциядорларидан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари аъзо сифатида киритилишлари мумкин.

Банк Кенгаши мажлисларини чакириш муддатлари, тартиби, масалаларни мажлисда муҳокама қилиш ва қарорлар қабул қилиш тартиблари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида»ги Конунда белгилаб қўйилган (Конуннинг 85-моддаси).

Банк бошқаруви Раисини ишга қабул қилиш ва у билан Мехнат шартномаси тузиш банк Кенгаши томонидан амалга оширилади ва меҳнат шартномасига банк Кенгашининг Раиси имзо кўяди<sup>1</sup>.

Банк Кенгаши банк акциядорлари умумий йиғилиши олдида хисоб беради.

Банк бошқаруви банкинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиласидиган ижроя органидир ва у коллегиаллик асосида иш юритади. Банк бошқарувига банк Кенгаши томонидан тайинланадиган ва умумий мажлис тасдиқлайдиган бошқарув раиси раҳбарлик қиласи.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида»ги карори билан тасдикланган «Акциядорлик жамияти ижро этувчи органи раҳбарини ёллаш түғрисидаги Намунавий меҳнат шартномаси» (карорининг 4-иловаси). Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. 2003 йил, 7 – 8 сон, 63-модда.

Банк бошқаруви раиси ўринбосарлари ва банкнинг бошқа ходимларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш (мехнат шартномаси тузиш, уни ўзгартириш, бекор қилиш) банк бошқаруви раиси томонидан амалга оширилади (Бошқарув ва унинг Раиси ваколатлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 86-87 моддаларида белгилаб қўйилган). Шунингдек, банк Бошқаруви ҳамда унинг Раиси ваколатлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги банк Низомида батафсил кўрсатиб қўйилиши лозим. Банк бошқаруви банк Кенгashi ва банк акциядорлари умумий йигилиши олдида жавобгар бўлади.

Банк филиалларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки розилиги олингани ҳолда банк бошқаруви томонидан вазифасига тайинланади ёки лавозимидан озод қилинади.

Акциядорлик тижорат банклари акциядорларининг банкни бошқариш юзасидан ва бошқа масалаларга доир ҳукуқлари, уларнинг мулкий ҳамда бошқа ҳукуқларини ҳимоя қилиш акциядорлик ҳукуқига оид конунчилик месъёрлари, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенттининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил қўйишни рағбатлантириш чоратадибрлари тўғрисида»ги Фармонига кўра муассислар жисмоний шахслар бўлган ва банк Низом капиталида уларнинг улуши 50 фойиздан кам бўлмагани ҳолда (қолган қисми давлатга қарашли бўлмаган юридик шахсларга тегишиб бўлади) хусусий банклар ташкил этилиши мумкинлиги белгиланди<sup>1</sup>. Хусусий тижорат банклариши бошқариш балк мулкдорлари томонидан белгилантган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистонда шунингдек, белгиланган тартибда ташкил этилган ва аккредитацияланган хорижий банкларнинг ваколатхоналари ҳам фаолият олиб боришилари мумкин. Уларни бошқариш қонуни ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **3-\$. Банкларни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш. Банк фаолиятини лицензиялашининг ҳукуқий асослари**

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслар, норезидент юридик ва жисмоний шахслар банк ташкил этиш ташаббуси билан чиқишлиари мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқа-

<sup>1</sup> Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 9 та хусусий банклар шуритмоқда.

руви органларига, жамоат ташкилотлари ва ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида бевосита рухсат этилган ҳоллардан ташқари банк муассислари бўлишларига йўл кўйилмайди.

Тижорат банки очиш сари қўйинлган дастлабки кадам бўлиб уни ташкил этиш истагида бўлган муассислар ўзаро таъсис шартномасини имзолайдилар ҳамда уни нотариал тартибда гувоҳлантирадилар.

Банк ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасида Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги (4-модда)<sup>1</sup>, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (14-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги (7-модда) Конунларда, бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар ўз аксини топишни лозим. Булардан ташқари, банк очиш ҳақидаги таъсис шартномасида яна қўйидагилар ҳам акс эттирилиши керак:

- муассисларнинг банк очиш борасидаги хукуқ ва мажбуриятлари, банк очиш чоғидаги биргаликда фаолиятни амалга ошириш тартиби;
- муассислар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар;
- ҳар бир муассисга тўғри келадиган ва жами низом капиталининг микдори;
- муассислар орасида жойлаштириш лозим бўлган акцияларнинг тоифаси ва турлари, акция учун ҳақ тўлаш микдори ҳамда тартиби, бошқа маълумотлар.

Банк ташкил этишга оид таъсис ҳужжатлари орасида банк Низоми алоҳида ўрин тутади. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 8-моддасига кўра банк Низомида қўйидагилар ўз аксини топмоғи лозим:

- а) банкнинг номи (тўлиқ ва қисқартирилган атамаси);
- б) банкнинг жойлашган манзили (пошлиянига тутади);
- в) банк томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган банк операцияларининг рўйхати;
- г) низом капитали, унинг микдори;
- д) муассисларнинг рўйхати ва уларнинг ҳар бирига низом капиталида тегишли бўлган ҳисса микдори;
- е) банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этилиши тартиби, ваколатлари доираси ва вазифалари;
- ж) банк аудити тартиби;
- з) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 2-сон, 10-модда.

Банк Низоми муассислар мажлисида мухокама этилган, ҳамда маъкулланган бўлиши лозим.

Куйидагилар банк муассиси бўла олмайдилар:

- 1) тўловга қобилиятсиз ёки инқироз деб эълон қилинган, ноликвид балансга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар;
- 2) фаразли жиноятлар содир этгани учун судланган шахслар;
- 3) инқироз бўлган хўжалик юритувчи субъектга раҳбарлик қилган шахслар;
- 4) офшор зоналарда рўйхатта олинган норрезидент юридик шахслар;
- 5) ижтимоий ва сиёсий ташкилотлар;
- 6) банк муассислари.

Банк муассиси сифатида давлат номидан факат Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қатниша олади. Бир юридик ёки жисмоний шахс (давлат ёхуд чет эллик иштирокчилардан ташқари) овоз берувчи акцияларнинг 35 фоиздан ортиқ қисмига эгалик қилишларига йўл кўйилмайди. Ушбу коида битим орқали ўзаро боғланган, бир-бирларининг мол-мулкларини ўзга тарзда назорат қиладиган шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Банкнинг низом капитали муассислар ва акциядорларнинг ўз маблағларидан ташкил топади. Бюджет маблағлари, кредитга ва гаров сифатида олинган маблағлар, бошқа жалб этилган маблағлар банк низом капиталига муассис улуши сифатида жалб этилишига йўл кўйилмайди.

Низом капиталини тўлаш учун муассислар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул маблағларини жамлайдиган хисобварағ очадилар. Банк рўйхатта олиниши пайтида энг кам низом капитали муассислар томонидан миллй валютасида (чет эл банклари ёки чет эллик иштирокчилар — чет эл валютасида) тўлаб бўлинган бўлиши лозим.

Банк низом капиталининг миқдори тижорат банклар учун сўмга айлантириб хисоблаганда 5 млн. АҚШ долларигача эквивалентида сармоя иштироқидаги (шу жумладан, хорижий муассислар томонидан таъсис этилаётган хорижий банклар ваколатхоналари) учун 5 млн. АҚШ доллари миқдорида, хусусий банклар учун эса 2,5 млн. АҚШ доллари эквивалентида қилиб белгиланган<sup>1</sup>.

---

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сонлиқ карори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада тақомиллаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 15 апрелдаги Карори.

Бир акциядорнинг тижорат банки низом сармоясидаги улуши 2002 йил 1 январдан бошлиб 7 фоиздан кўп бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

**Банк очиш ва улар фаолиятини лицензиялаш жараёни икки босқичдан иборат бўлиб, улар:**

1) банк очиш учун Марказий банкнинг дастлабки рухсатини олиш;

2) банкни рўйхатдан ўтказиш чорига банк операцияларини амалга ошириш учун тегишли хукуқни берувчи лицензияни олиш босқичидан ташкил топади.

Муассислар дастлабки рухсатнома олиш учун таъсис шартномаси маъкулланган ва имзоланганидан сўнг бир ойдан кечикмай Марказий банкка қўйидагиларни илова қилиб, банк очишга рухсат берилиши тўғрисидаги ариза тақдим этадилар:

1) таъсис шартномаси (муассислар имзолаган ва муҳр босилган уч нусхада. Жисмоний шахсларнинг имзолари нотариал тасдиқланган бўлиши лозим. Шунингдек таъсис шартномаси ҳам нотариал тасдиқланган бўлиши лозим);

2) банк низоми (муассис-акциядорлар умумий йигилишинда тасдиқланган, банк Конгени раиси томонидан имзоланган ҳолда уч нусхада);

3) таъсис мажлисининг басинномаси (унда банк ташкил этиш, низом капитали миқдорини белгилаш, Низом ҳамда бизнес режани тасдиқлаш, банк Конгенини тафтиш комиссиясини, банк бошқарувини сайлаш тўғрисидаги қарорлар ўз аксини топган бўлиши лозим). Басиннома уч пусхада тақдим этилади ва банк Конгени раиси томонидан имзоланади.

Банкларин давлат рўйхатига олганлик учун тўлов олинади. Лицензия бериш учун давлат божи уқдирилади. Лицензия беринни сўраб тақдим этилган аризани кўриб чиқишилик учун йигим ундирилади.

Лицензия дубликатини бериш ёки уни қайта расмийлаштириш учун белгиланган йигимиning 50 фоизи миқдорида ҳақ олинади.

Банк очиш учун рухсат берилиши сўралаётган аризага муассислар тўғрисидаги маълумотлар ҳам илова қилиниши лозим. Булар категорига:

а) муассислар рўйхати;

б) овоз берувчи акцияларнинг 5 ва ундан ортиқ фоизига эталик қилувчи шахслар ҳақида қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа қўшимча маълумотлар.

Чет эл капитали иштирокида тузиладиган банклар учун ҳам конун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинади<sup>1</sup>.

Марказий банкниң тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш дспартаменти (лицензиялаш дспартаменти) муассис-аризачилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни (ҳужжатлар пакстини) жамлангандик даражаси ҳамда қонунчилик талабларига мос келиши нуқтаи назаридан кўриб чиқади ва баҳолайди. Зарур ҳолларда қўшимча маълумотлар талаб қилиниши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатлар узоги билан бир ой ичидаги кўриб чиқилиши лозим. Улар қўйиладиган талабларга жавоб берса дспартамент томонидан банкларни рўйхатга олиш комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилади ҳамда узоги билан уч ой ичидаги дастлабки рухсат бериш масаласи ҳал этилмоғи лозим.

Ҳужжатлар пакстидаги камчиликлар мавжудлиги аниқлангани тақдирда улар ариза берувчиларга қайтарилади ва 15 кундан кечиктирилмасдан кўрсатилган камчиликлар бартараф қилиниши лозим.

Банк очишга берилган дастлабки рухсат банк фаолиятини амалга оширишлик учун лицензия берилишини кафолатламайди. У факат муассисларга лицензия олиш ва рўйхатдан ўtkазиш учун талаб этиладиган ташкилий-техник тадбирларни бошлашга киришиш имконини беради.

Дастлабки рухсат берилган кунидан бошлаб олти ой давомида юридик кучга эга бўлади. Конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда дастлабки рухсат муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин (банк мулки, муассислар таркиби, бизнес режа ўзгаргандаги, молиявий ахвол ёмонлашганда ва бошқа ҳолларда).

Банк Марказий банк томонидан банкларни рўйхатга олиш республика дафтарида давлат рўйхатидан ўтказилган вактдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар. Уларга давлат рўйхатидан ўтказилган пайтда бир вактнинг ўзида банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия берилади.

Банк рўйхатдан ўтиш ҳамда банк операцияларини амалга оширишлик учун лицензия берилиши чоғида конун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажаришлари лозим бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1999 йил 11 февралда 630-сон билан рўйхатга олинган (кейинги қўшимча ва ўзgartиришлар билан) «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низамнинг 14-бўлими (14.1 – 14.7 бандлари).

Банк таъсис ҳужжатларига (унинг таъсис шартномасига, низомига) кўшимча ва ўзгартеришлар киритиш акциядорлар (ёки бошқа муассислар) умумий мажлиси қарори асосида амалга оширилади. Бу ўзгартериш ва кўшимчалар ҳақида Марказий банкка белгиланган тартибда маълум қилинади<sup>1</sup>.

Банкни тугатиш деганда уни юридик шахс сифатида барҳам топиши, банк операциялари амалга оширилишининг тўхтатилиши, банкнинг молия бозори иштирокчиси, тадбиркорлик субъекти сифатида хўжалик фаолиятидан четлаштирилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни 19-моддасига кўра банк қуидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади:

- акциядорлар йигилишининг қарорига кўра;
- Марказий банк лицензиясини чакириб олганда;
- инқироз деб эълон қилинганида.

Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади.

Банкнинг фаолияти тўхтатилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Банк фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Банк тугатилганида унинг хуқуqlари ва мажбуриятлари ўзга юридик ёки жисмоний шахсларга ворислик асосида (хуқуқий ворислик тарзида) ўтказилмасдан, улар бутунлай барҳам топади.

Банкларни тугатиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси на бошқа хўжалик фаолиятига онд конун талаблари эътиборга олинниши лозим бўлади.

Банкларни тугатиш билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 11 февралда 626-сон билан давлат рўйхатига олинган «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низомда батафсил тартибга солинган.

Тижорат банки акциядорлар умумий мажлиси қарорига кўра ихтиёрӣ кредиторлар ва омонатчилар олдида мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш имкониятига эга бўлган ҳолларда амалга оширилади. Бунда акциядорлар (муассислар) умумий йигилиши тугатишга рухсат беришни сўраб Марказий банкка мурожаат қила-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 декабрда 573-сон билан рўйхатга олинган «Банк низом капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартериш, низомга киртиладиган ўзгартериш ва қўшимчаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Низом.

ди. Илтимоснома умумий йиғилиш ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Ариза-илтимосномага қуйидаги хужжатлар қўшиб топширилиши лозим:

- а) акциядорлар (муассислар) умумий мажлисининг банкни тугатиш ҳақидаги сабаблари кўрсатилган қарори;
- б) илтимоснома тақдим этилаётган кундаги банк баланси;
- в) тугатиш комиссияси ва унинг аъзолари рўйхати;
- г) акциядорлар умумий мажлиси томонидан тасдиқланган банкни тугатиш режаси.

Бу ҳақдаги илтимоснома Марказий банк томонидан бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилади, бунда қўшимча хужжатлар талаб килиниши мумкин (масалан, тугатиш режаси ва жадвали).

Тугатиш ҳақидаги илтимоснома рад этилгани ҳолда Марказий банк унинг сабабларини кўрсатгани ҳолдаги қарорни тижорат банкига топширади.

Тугатишга Марказий банк ўз розилигини бергани тақдирда тугатиш комиссияси ўз фаолиятини бошлайди ва биринчи навбатда Республика миқёсидаги икки газетада банкнинг тугатилаётганлиги ҳақида эълон беради. Банкни тугатишга оид барча тадбирлар амалга ошириб бўлингач ва унинг натижалари умумий йиғилиш томонидан тасдиқлангач 7 кун ичида Марказий банкка тугатиш юзасидан ҳисобот ҳамда тугатиш баланси тақдим этилиши шарт.

**Банкни мажбурий равища тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ** Марказий банк тижорат банкига берилган банк операцияларини амалга ошириш ҳукуқини берувчи лицензияни қайтариб олганда амалга оширилади.

Марказий банкнинг лицензияни қайтариб олиш тўғрисидаги қарорига асосан банкни мажбурий равища тугатиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

- а) пассивларнинг активлардан ошиб кестиши туфайли банкнинг тўловга ласқатсиз бўлиб қолиши;
- б) лицензия берилишига асос бўлган маълумотларнинг нотўғри эканлигини аникланиши;
- в) банк ўз омонатчилари ёки бошқа кредиторлари олдидаги мажбуриятларни бажаришга лаёқатсизлиги;
- г) ҳисобот маълумотлариниң мунтазам равища бузуб кўрсатилиши;
- д) қонунчиликка ҳамда омонатчилар ва кредиторлар манфатига реал хавф солувчи лицензия шартларига зид бўлган банк операцияларининг амалга оширилиши;

- с) лицензия берилгам вактдан бошлаб бир йилдан ортиқ муддатда банк операцияларини бажариши кесчикириш;
- ж) монополияга қарши қоидаларнинг бузилиши;
- з) Ўзбекистон Республикаси худудида шўъба банки ташкил этган хорижий давлат банк лицензиясининг қайтариб олинниши.

Мазкур хужжатда кўрсатилган банк томонидан йўл қўйиладиган омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига реал хавф солувчи тартиббузарликларга қўйидагилар киради:

- а) амалдаги конунчиллик ва Марказий банк месъерий хужжатларнинг бузилиши;
- б) хавфли ёки носоғлом банк фаолиятининг юритилиши;
- в) Марказий банк кўрсатмаларини атайин ва узок муддат давомида бажарилмаслиги;
- г) ҳужжатлар ва ёзишмаларни Марказий банк инспекторларидан яширилиши ёки сўралган ҳужжатларни тақдим этилмаслиги.

д) банк капиталининг старлилил коэффициенти белгиланган иктисадий месъёрларнинг 75 фоизидан камайиб кетиши, кетма-кет уч ой давомида регулятив капиталнинг 10 фоизидан, вактидан қатъий назар регулятив капиталнинг 50 фоизидан ортиқ микдорда зарар кўрса ёки шундай хавф мажуд бўлса;

е) омонатчилар ва кредиторларнинг ушбу банкка қўйилган маблағлари тўла сакланишига реал хавф туғилса.

Банкни тугатиш ҳақида карор қабул қилингач ва Марказий банк розилиги олингач банк ишларини бошқариш ваколати ликвидация комиссияси (ликвидатор)га ўтади.

Ликвидатор қўйидаги мажбуриятларни бажариши лозим бўлади:

- 1) банк актив ва пассивларини тўлиқ назорат қилиш;
- 2) банк ишларини бошқариши;
- 3) кредиторлар талабларини қондирадиган энг юқори нархда банк активларини сотиши;

4) тугатиш ишлари ахволи ҳақида ҳар уч ойда мукаммал ҳисоботни тузиш, уни Марказий банкка тақдим қилиши.

Ликвидатор ноконуний ёки атайин нотўгри қилинган ҳатти-ҳаракатлар учун жавобгардир.

Ликвидатор тугатиш билан боғлиқ месъердаги операция тавак-калчилити тоифасига кирувчи заарлар учун жавоб бермайди.

Ликвидатор қўйидаги ҳукуқларга эга:

- 1) банк активларини аниқлаш ҳамда тугатиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда мулк эгаси ва банк бошқаруви органлари ваколатлари доирасида уларни тасарруф этиш;

2) банк номидан тугатиш ишлари ва банк фаолиятини якунлаш мақсадларига мувофиқ банк раҳбарияти вазифаларини бажариш;

3) банк активлари ва мулкини захирага олиш;

4) банк ҳужжатлари ва мулки, шунингдек, гаров таъминоти сифатида берилган бошқа мол-мулк бутлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўриш;

5) тугатиш жараёнини амалга ошириш учун мустақил мутахассислар таркибидан ходимларни, шунингдек, ўз хошишига кўра банк ходимларини (қоровуллардан тортиб малакали маслаҳатчиларгача) шартнома асосида ёллаш. Банк кредиторлари бу жараёнга ходимлар сифатида жалб этилиши мумкин эмас;

6) тугатилаётган банкнинг молиявий аҳволини ҳисобга олган ҳолда меҳнат қонунчилигига мувофиқ ходимларга иш хақи ва бошқа тўловларни белгилаш;

7) судда тугатилаётган банк номидан катнашиш;

8) омонатчилар ва кредиторларнинг талабларини қондириш учун маблағлар стишмаса тугатувчи банк мулкини сотиш хукуқига эга;

9) банк номидан талаблар кўйиш, банк кредиторлари талабларининг қонунийлигини аниқлаш ва қонуний деб топилган талабларни қондириш.

Ликвидатор тайинлангунга қадар охирги уч ой давомида кредиторларнинг бирига ёки банк билан алоқадор исталган шахсга имтиёз бериш мақсадида амалга оширилган тўловлар ва бошқа актив операциялар ликвидатор томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин, омонатларни олиш. Иш хақига доир оддий тўловлар ёки бошқа мукофотлар бундан мустасно. Бу ҳолда тугатувчи амалга оширилган тўлов ёки банкнинг бошқа актив операциялари ҳақиқий эмас деб тан олинниши тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қиласи.

Банк тугатилаётган чоғда моддий назорат ва бойликларни инвертаризация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Банк тугатилаётганида омонатчилар ва кредиторлар талабларининг кўриб чиқилиши ҳамда қондирилиш тартиби.**

Ликвидатор тайинланганидан кейин бир кунлик муддатда иккита марказий газетада кредиторлар талабларини тасдиқловчи ҳужжат билан биргаликда талабларни билдириш тартиби ва муддати ҳамда кредиторлар ўз талабларини даъво қилишлари мумкин бўлган манзилни кўрсатган ҳолда банкни тугатиш ишлари бошлан-

ганлиги тўғрисидаги хабарномани беради. Талабларни билдириш муддати тугатиш жараёни бошланганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб иккى ойдан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу муддат тугаганидан кейин ликвидатор томонидан қўйилган талаблар қабул қилинмайди.

Ликвидатор банкни тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисида барча кредиторлар ва омонатчиларни ёзма равишда хабардор қилаади. Бунда тугагувчи хабарномада уларнинг шахсий ҳисобварақларида қайд этилган қарз ёки омонат микдорини кўрсатади.

Хабарномада ликвидатор даъволарни бериш муддатини маълум қиласди. Ушбу муддат тугагач даъволар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Кредиторлар ва тугатилаётган банкнинг ўзаро мажбуриятлари мавжуд бўлса, улар ўзаро қопланишига йўл қўйилади. Ўзаро қоплаш қўйидаги талабларга риоя қилинган холда амалга оширилади:

- ўзаро қоплаш факат тўлов муддати стиб келган мажбуриятлар бўйича рухсат этилади;
- бирон бир мажбурият бўйича эътиroz билдирилмайди;
- иккала томон ҳам қарзни инкассация қилиш ва тўлаш ҳукуқига эга бўлиши шарт;
- автоматик равишда ўзаро қоплашга йўл қўйилмайди, томонлар бир-бирига ариза билан мурожаат қилишлари шарт;
- турли валюталардаги мажбуриятларнинг ўзаро қопланиши Марказий банкнинг уни бажариш кунидаги айирбошлиш курси бўйича амалга оширилади;
- банкка алоқадор шахслар банк олдидаги мажбуриятларини бажармаса, уларга банкнинг бошка қарздорларига қўйилаётган талаблар қўйилади;
- боғлиқ шахсларга берилган қарзларга оид мажбуриятларнинг ўзаро қопланишига рухсат этилмайди;
- акциядорнинг акциядорлик капиталини тўлашга доир банк олдидаги мажбуриятлари банкнинг ушбу акциядор олдидаги бошка мажбуриятлари билан қопланиши мумкин эмас.

Ўзаро қоплашда омонатчилар ва кредиторлар талабларини қондириш навбати ҳисобга олинади.

Банк тугатилаётганда унинг кредиторлари талаблари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда қондириллади.

Жисмоний шахс бўлган омонатчилар тугатишдан келиб тушган тушумлар ҳисобига ўз омонатларини олишдан устуворликка эгадирлар.

Тугатиласттан банкнинг мулки биринчи нафбатдаги барча талабларни тўлиқ қондириш учун старли бўлмаса, мавжуд маблағлар амалдаги қонунчилликка мувофиқ кредиторлар ўртасида тақсимланади.

Куйидаги ҳолларда кредиторларнинг талабларини қондиришдан бош тортилиши мумкин:

- а) талабномалар белгиланган муддат ўтганидан сўнг олинган бўлса;
- б) тугатувчи томондан асоссиз деб топилган бўлса.

Ликвидатор кредиторлар томонидан талабларни билдириш муддати тугаганидан сўнг кредиторлар талабларини қондиришга доир куйидаги чораларни кўриши лозим:

- қабул қилинган талаблар рўйхатини тузиш;
- тугатувчи тасдиқламаган талабларни рад этиш;
- ҳар бир кредитор қарзи миқдори ва талабларини тўлаш кетма-кетлигини белгилаш;
- кредитор уларнинг талаблари қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида маълум қилиш;
- оралиқ балансни тузиш.

Кредиторлар талабларини қондириш рад этилганлиги тўғрисида уларнинг манзилига ёзма тарзда хабарнома жўнатилади.

Кредитор талабларини қондириш рад этилган ёки уни кўриб чиқищдан бош тортилган ҳолда у ликвидаторга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Тугатиласттан банкнинг пул маблағлари кредиторлар талабларини қондириш учун мавжуд бўлмаса, тугатиш комиссияси суд қарорлари ижроси учун белгиланган тартибда Ким ошди савдолари орқали банк мулкини сотади.

Тугатиласттан банкнинг мулки старли бўлмаганлиги туфайли кредиторнинг қондирилмаган талаблари тўланган ҳисобланади.

Шунингдек, кредитор даъво билан судга мурожаат қилмаган бўлса, тугатувчи томонидан тан олинмаган ҳамда суд қарори билан кредиторнинг талаблари қондирилиши рад этилган талаблар тўланган ҳисобланади.

Кредиторлар талаблари қондирилганидан сўнг қолган банк мулки қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимлаш учун банк акциядорларига берилади.

Тугатиш жарабини якунлаш. Тугатиш ишлари якунланганидан сўнг тугатиш комиссияси (ликвидатор) бажарилган ишлар хақида якуний ҳисобот ва якуний баланс тузади.

Ўз ишини якунлаган ликвидатор Марказий банкка қўйпидаги-ларни тақдим қиласди:

- тугатиш комиссиясининг Марказий банк тасдиқлайдиган қилинган ишлар түғрисидаги ҳисоботи;
- банк акциядорлари (иштироқчилари) умумий йигитлиштининг банкни тугатиш (иختиёрий равища тутгатилганда) түғрисидаги баённомаси;
- Марказий банк Бошқарувининг лицензияни қайтариб олиш түғрисидаги қарори;
- банкни тугатиш түғрисида газсталарда эълон қилинган ахбот рутусхаси;
- тугатиш комиссиясини тузиш түғрисидаги қарор;
- банкнинг охирги иш кунидаги баланси;
- тугатиш баланси;
- балансдан ташқари ҳисобвараклар бўйича тугатиш баланси;
- солик инспекциясининг тугатиш далолатномаси;
- йўқ қилиш учун банк хужжатлари ва йиғма жилллари ажратилганлиги түғрисида далолатнома;
- хужжатларни архивда сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси;
- муҳрлар йўқ қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилганлиги түғрисида тасдиқнома.

Марказий банк тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб, банкни Банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан ўчириб чиқариб ташлаш түғрисидаги қарорни қабул қиласди.

Банкни Банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан ўчириб чиқариб ташлаш түғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг 10 кун давомида Марказий банк Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигига ҳамда банк жойлашган манзил бўйича уларнинг органларига банк тутгатилганлиги түғрисидаги маълумотни стказади. Банк Банкларни рўйхатга олиш Давлат китобидан ўчириб ташланган вақтдан бошлаб тутгатилган ҳисобланади.

Банк хўжалик судининг банкни тўловга қобилиятсиз (банк-рот) деб топиши ҳақидаги ҳал қилувчи қарори асосида тутгатилаётган чоғда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик түғрисида»ги Қонунига мувофик (янги таҳрирда)<sup>1</sup> тугатиш ишлари амалга оширилади (Қонуннинг VII боби, 124-144 моддалари).

**Банкларни қайта ташкил этиш, кўшиб юбориш, кўшиб олиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш йўли билан, Ўзбекистон**

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2003 йил, 11-сон, 80-модда.

Республикаси Фуқаролик кодекси талаблариға қатый риоя қи-лингани ҳолда амалга оширилади<sup>1</sup>.

Қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йигилиши қарорига кўра ва Марказий банкдан рухсат олингани ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ятона муассис бўлган банклар ҳукумат қарорига кўра қайта ташкил этилиши мумкин.

Қайта ташкил этишини амалга ошириш учун Марказий банкка қўйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- 1) банк Конгени раиси имзолаган илтимоснома;
- 2) акциядорлар умумий йигилиши қарори;
- 3) қайта ташкил қилишнинг тахминий шартлари, шакллари, тартиби ва муддатларини ўзида акс эттирувчи ҳужжатлар;
- 4) қайта ташкил этишининг оқибатлари юзасидан молиявий таҳлиллар.

Қайта ташкил этишга рухсат бериш тўғрисидаги илтимоснома топширилган кундан бошлаб бир ой ичидаги кўриб чиқилади.

Қайта ташкил этишга рухсат олинган кундан бошлаб икки хафта ичидаги мижозлар ва банк билан алоқада бўлган ўзга шахслар бўлажак ўзгаришлар тўғрисида бевосита хабар юбориш ҳамда Республика матбуотида бу хақда эълон бериш йўли билан огохлантириладилар.

Конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Марказий банк қайта ташкил этиш хақидаги илтимосни рад қилиши мумкин.

#### **4-8. Ўзбекистон қонунчилиги бўйича Тижорат банкларининг моддий-техника базаси ва кадрлар малакасига қўйиладиган асосий талаблар ҳамда уларнинг аҳамияти**

##### **Моддий-техникавий базага оид талаблар**

Банк очиладиган вақтда барча операцияларин тўлиқ амалга оширилишини, тўлов тизимида иштирок этишини ва ички жараёнларга тўлиқ риоя этишини таъминловчи дастурий-техник жиҳозларга эга бўлиши керак. Банкнинг дастурий-техник жиҳозлари «Марказий банкнинг дастурий-техник жиҳозларга қўйиладиган талаблари»га мувофиқ булиши лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 19 декабрда 573-сон билан рўйхатга олинган «Банк низом капитали миқдорини, акциядорлар таркибини, банк номи ва манзилини ўзгартириш, низомга киритилган ўзгартирнишлар ва кўшишмачаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги низом.

**Банк күйидагиларнің таъминлаши лозим:**

а) банкда дастурий-техник воситаларни эксплуатациясини, ҳисоблаш техникаси ва дастурий таъминотни таъминловчи ходимларнинг бўлиши ҳамда мазкур ходимлар телекоммуникацион жиҳозлар, компьютер ва сервер воситалари билан ишлаш амалий кўнимасига эга бўлиши лозим;

б) Марказий банк услугий қўлланмаларига мувофиқ дастурий-техник жиҳозларни ишга туширилишига тайёрлиги;

в) банкнинг автоматлаштирилган банк тизими билан ишловчи ходимлари маҳсус курсларда ўқиши ва тегишли сертификатга эга бўлиши;

г) Марказий банк билан маълумот алмашинувини амалга оширадиган ишчи станция хонасига кириб-чикиш, тармокли ёки автоном кодли қулф билан таъминлаш.

д) банк бўйича электрон архивлар ишини юритувчи жавобгар мутахассисни буйруқ асосида тайинлаш ва ушбу шахс билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузиш.

#### **Ходимлар малакасига қўйиладиган талаблар**

Тижорат банклари томонидан раҳбарлик лавозимига тавсия этилаётган номзод кўйидагиларни билиши лозим:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида ёритилган асосий масалалар можияти;

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва банк фаолиятига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маъқамаси қарорлари, Марказий банкнинг меъбрй ҳужжатлари ва бошқа меъерий ҳужжатларни, шу жумладан:

- а) фуқаролик, хўжалик ва меҳнат қонунчилиги;
- б) банк ҳисоботларини тузиш тартиби;
- в) ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш тартиби;
- г) банк ички кредит сиёсати ва кредитлаш тартиби;
- д) кичик ва ўрта бизнесни кредитлаш тартиби;
- е) омонатларни кабул қилиш ва бериш тартиби;
- ж) банкни корпоратив бошқариш тартиби;
- з) ички аудит вазифалари ва фаолияти;
- и) эмиссия-касса операцияларини амалга ошириш тартиби;
- й) чест эл валютаси билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш тартиби;
- к) пул муомаласини ташкил этиш масалалари;
- л) Республика банк тизимида олиб борилаётган кадрлар сиёсатининг можияти ва аҳамияти.

Шуннингдек, номзод Базель қўмитасининг банк фаолиятига оид асосий гамойилларини билиши лозим.

Тижорат банкларининг республика аппарати, уларнинг вилоят ва Тошкент шаҳар бошқармалари (филиаллари) бошлиқлари лавозимига тавсия этилаётган номзод банк тизимида бевосита раҳбарлик лавозимида камиде **6 йил** ишлаган бўлиши, бош бухгалтер лавозимига тавсия этилаётган номзод эса бевосита раҳбарлик лавозимида камиде **5 йил** ишлаган бўлиши лозим.

Тижорат банкларининг шаҳар ва туман бўлимлари бошқарувчилини лавозимига тавсия этилаётган номзод банк тизимида камиде **4 йил** меҳнат стажига эга бўлиб, бошқарувчи ўринбосари ёки бўлим бошлиги лавозимида **2 йил** ишлаган бўлиши, бош бухгалтер лавозимига тавсия этилаётган номзод эса бош бухгалтер ўринбосари лавозимида камиде **2 йил** ишлаган бўлиши лозим.

Айrim ҳолларда банк соҳасида белгиланган муддатдан кам иш стажига эга бўлган ва иш фаолиятида алоҳида ўрнак кўрсатган юқори малакали номзодлар ҳам Республика тижорат банки Бошқарувининг тавсияномаси (тегишли Бошқарув қарори) билан **Комиссия** сұхбатига кўйилиши мумкин.

Банк ходимларининг малакаси ва касбга мувофиқлиги қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади<sup>1</sup>.

Малака талабларини кўйиш ва касбга мувофиқликни аниқлаш банк иши ва амалиётини юритишида амалдаги қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш учун юқори малака ва салоҳиятга ҳамда бенуқсон ишбайлармонлик ва жамоа орасида обрў-эътиборга эга бўлган мутахассисларни танлаш усули саналади.

Касбга мувофиқликни аниқлаш ошкоралик, кенгашлилик ва холислик тамоийлларига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошида Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларининг касбга мувофиқлигини аниқлаш комиссияси фаолият юритади.

Мазкур **Комиссияда** тижорат банклари Бошқаруви раислари, раис ўринбосарлари (Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирадиган лавозимлар бундан мустасно), Бошқарув аъзолари, бош

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 23 январда 1204-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерларин лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиби тўғрисида»ги низом.

банкнинг бosh бухгалтери, Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туман филиаллари, амалиёт бошқарма (бўлим)лари раҳбарлари ҳамда бosh бухгалтерлари лавозимларига тайинлаш учун тавсия этиластгаги номзодларнинг касбга мувофиқлиги аниқланади.

Тижорат банклари Бошқаруви раислари, уларнинг ўринbosарлари, бosh бухгалтерлари, филиал раҳбарлари ва бosh бухгалтерлари куйидаги ҳолларда тавсия этиластган лавозимга мувофиқ эмас деб топиладилар ва ўз навбатида улар бу лавозимларга тайинлаши мумкин эмас:

- олий маълумотга эга бўлмаган шахслар;
- амалга оширган ҳаракатлари юридик шахсларнинг банкротликка ёки молиявий аҳволи ёмонлашувига олиб келганлиги тўғрисида далиллар маълум бўлган тақдирда, банкротликка учраган ёки молиявий аҳволи ёмонлашган банклар ва юридик шахсларнинг собиқ раҳбарлари, бошқарув ва кузатув кенгаши аъзолари ҳамда йирик иштирокчилар (низом капиталида 10 фоиз ва ундан кўп миқдорида овоз берувчи акциялар ёхуд улушларга эга бўлган шахслар);

- ўзининг ишбилармонлик ва шахсий хатти-ҳаракатида нотўғри иш олиб бориш ва вижданан иш юритмасликни намоён қилган шахслар;

- ўзаро яқин қариндош бўлган шахслар бир банкда раҳбарлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда бири иккинчи сига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида бирга ишласа.

Банк ёки филиал раҳбарлари бир банк таркибида бошқа филиалта ёки умуман бошқа банкка тенг лавозимларга ўтказилганида уларнинг касбга мувофиқлиги **Комиссия** томонидан қайта кўриб чикилади.

## **5-§. Тижорат банклари молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш. Ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни 41-моддасига кўра: «Банкларда бухгалтерия ҳисоби юритилиш ва ҳисоблаш қоидалари Марказий банк томонидан қонун ҳужжатлари ва хаҷшаро стандартларга мувофиқ белгиланади».

Бухгалтерия ҳисоби юритишнинг асосий тамойиллари ва умумий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 3 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конунида<sup>1</sup> ҳамда унинг асосида

ва халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари»да белгилаб кўйилган.

Банк муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари акс эттирилгани холда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2004 йил 27 ноябрда 2519-сон карор билан «Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида Низом» тасдиқланган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 1998 йил 20 февралдаги 2-сонли баённомаси билан 386-тартиб рақами билан «Ўзбекистон Республикаси банкларида статистик ҳисоботларни ташкил этиш қоидалари» тасдиқланган ва ушбу қоидалар Адлия вазирлигида 1999 йил 22 марта 680-сон билан рўйхатга олинган.

Тижорат банклари томонидан ҳисоб-китобларни юритиш тартибларини бузганилик, ҳисоботларни тақдим этиш муддатларига, тартибларига амал қилмаганилик, ишонарли бўлмаган ҳисоботлар тақдим этганилик учун банк раҳбарларига нисбатан қонун хужжатларида назарда тутилган хукукий жавобгарлик чоралари, банкларга нисбатан эса иқтисодий жазо чоралари (молиявий санкциялар) кўллашлик назарда тутилган.

Банкда ҳисоб-китоб ва ҳисоботларнинг қонун талабларига тўла мос келиши учун банк раҳбарлари ва бош бухгалтери шахсан жавобгар саналади.

Банкнинг хўжалик фаолияти устидан текширишни акциядорлик тижорат банки умумий мажлиси томонидан белгиланган тартибда сайланадиган тафтиш комиссияси олиб боради.

Тафтиш комиссияси аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни ҳалол ва тўлиқ бажарилиши учун жавобгар бўладилар.

Тафтиш комиссияси банк томонидан қонун ва қонунисти меъсирий хужжатларга риоя этилишини, банк ички назорати аҳволини, банк операцияларининг қонунийлигини, касса ва мол-мулклар аҳволини текшириб боради. Текшириш натижасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш, айборларни жавобгарликка тортиш чорасини кўради. У ўз фаолияти ҳақида белгиланган тартибда банк акциядорлари умумий йигилишига ҳисоб беради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами. 2004 йил, 50-сон, 511-модда.

Банк Конгени ёки бошқаруви аъзоси, банкда бирон-бир штатли лавозимни эгаллаган шахслар тафтиш комиссияси аъзоси этиб сайданиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси, унинг сон таркиби ва асосий вазифалари Банк низомидан белгилаб қўйилади.

Банклар фаолияти устидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан назорат амалга оширилади.

Банкнинг йиллик молиявий ҳисоботлари ишончлилиги ҳамда тўғрилигини текшириш мақсадида тегишли лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик текширувидан ўтказиб турилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 24 июня 430-сон билан «Ўзбекистон Республикаси банкларида аудит текширувларини ўтказиш тўғрисида Низом» тасдиқланган. Бу низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 4 ноябрда 982-тартиб раками билан рўйхатга олинган.

Ушбу низомда аудит текширувларини ўтказиш ҳукуқини бсрувчи сертификат ва малака сертификати бериш бўйича банк аудит комиссияси ишини, сертификат бериш тартибини, аудиторлик текширишларини ўтказиш тартибини ва бошқа тартиб-қоидалар назарда тутилган.

## 6-§. Банкларга васийлик қилиш

Васийлик – банкни адекват молиявий ахволига келтириш, унинг фаолияти қонунчиликка мос келишини таъминлаш, уни қайта ташкил этиш ёки тутатишга тайёрлаш мақсадида Марказий банк томонидан жорий этилладиган ҳамда маъмурий, ҳукукий, молиявий, ташкилий ва бошқа тадбирларни ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмунидир.

Башкка нисбатан васийлик жорий этилган ҳолда уни бошқариш вали этиб тайинланган мансабдор шахс томонидан амалга оширилади.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг Зб-моддасига кўра: «Банкнинг мувакқат маъмуриятини тайинлаш тўғрисида карор қабул қилинган тақдирда Марказий банк валий тайинлайди ва валийлик қилиш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойиш матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради».

Банкнинг валийдан олдиндан розилик олмай килган юридик харакатлари ҳақиқий саналмайди. Валийлик тартибida бошқаришнинг бошланғич муддати 12 ойдан иборат.

Банкка васийлик қилиш тартиби банк томонидан йўл қўйилган омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига ресал хавф солувчи тартиббузарликлар юз берган ҳолларда жорий этилади. Банкнинг старлилил коэффициентининг пасайиб кетиши, депозиторлар ва кредиторлар талаби бўйича тўловни амалга ошира олмаслиги, зарар кўриб ишлаши каби ҳолатлар омонатчилар ва кредиторлар манфаатларига жиддий хавф туғдирувчи ҳолатлар бўлиб ҳисобланниши ҳамда васийлик жорий этиш учун асос бўлиши мумкин.

### **Васийлик ваколатлари, мажбуриятлари ва унга нисбатан қўйиладиган талаблар**

Васий Марказий банк томонидан банк назорати билан шуғулланувчи Марказий банк ходимлари, юридик ва консалтинг фирмалари ходимлари ҳамда мустақил мутахассислар таркибидан тайинланади. Васий ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Марказий банк меъёрий хужжатлари ва кўрсатмаларига амал қиласди.

Банкка васий этиб тайинланадиган шахс 1998 йил 25 сентябрда тасдиқланган 22-сонли «Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низомда банк бошқаруви раисига нисбатан белгиланган талабларга мос келиши лозим.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 26-моддасига мувофиқ банк акциядори, қарздори ва кредитори ёки банкка алоқадор бўлган шахс ёхуд 1998 йил 9 декабря тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 декабря рўйхатга олинган) 423-сонли «Банклар ўртасида ва уларга дахлдор шахслар билан ўткаиладиган операциялар тўғрисида»ги Низомга кўра бундай шахснинг яқин қариндошлари васий этиб тайинланishi мумкин эмас.

Васий ҳамда муваққат маъмуриятда банд бўлган шахста иш ҳақи тўлаш шартлари Марказий банк ва васий ўртасида тузиладиган алоҳида шартнома билан белгиланади. Муваққат маъмуриятда банд бўлган Марказий банк ходимлари, жумладан, васийга васийлик тартиби белгиланган банкда иш ҳақи тўланади. Ушибу тоифадаги шахслар иш ҳақи миқдори уларнинг асосий иш жойларидаги иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим. Васийнинг иш ҳақи банк бошқаруви раисининг иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак. Муваққат маъмурият аъзоларининг қайд этилган тоифаси учун уларнинг асосий иш жойларида лавозим маоши миқдорида иш ҳақи сақланиб қолади.

Васийнинг вазифаси банкнинг кредиторлари ва депозиторлари манфаатларини кўзлаб, унинг тўловга лаёкатлиигини сақлаб қолиш ҳамда тиклаш бўйича чоралар қабул қилиш, мавжуд тартиббузарликларга барҳам беришини таъминловчи бошқариш механизмини яратиш, шунингдек, молиявий ахволни соғломлаштириш ва банк фаолиятининг қонунчиликка мос келишини таъминлашга йўналтирилган самарали тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Васийликни жорий этиш тўғрисидаги қарор топширилган вақтдан бошлаб ҳамда бутун тартиб давомида:

а) банк бошқаруви, банк кенгаши ва акциядорлар умумий йигилишининг ваколатлари тўхтатилади;

б) банк бошқаруви, банк кенгаши ва акциядорлар умумий йигилишининг барча ваколатлари расийга ўтади;

в) васий васийлик белгиланган банк номидан ҳаракат қиласди.

Васий кўйидаги хукуқларга эга:

а) ўз хоҳишига кўра банк, банк изорати, юридик, консалтинг ёки аудиторлик компаниялари ходимлари ёки мустакил мутахассислар таркибидан мувакқат маъмурият учун ходимларни ишга ёллаш;

б) васийлик қилинастган банк ходимларининг иш ҳақини унинг молиявий ахволини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

в) банк ходимларини амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра ишдан бўшатиш;

г) амалдаги қонунчиликка мувофиқ банк бўлимлари ва филиалларини ёпиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

д) банк акциялари ва бошка қимматли қофозларига доир дивидендерни, шунингдек, банк раҳбарияти ва мансабдор шахсларига тўланадиган барча тўловларни тўхтатиб қўйиш;

е) банк маблаглари ҳисобидан инвестициялаш ёки кредитлама кўзда тутилган банк шартномаларига бир томонлама тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

ж) агар фуқаролар депозитлари ва инвестицияларининг (банк акцияларидан ташқари) таҳминий қийматини сақлаб қоладиган чоралар кўриладиган бўлса, ушбу депозитлар ва инвестицияларни кўпич билан бир йилга кисман ёки тўлиқ чеклаб қўйиш тўғрисида исталган вақтда эълон қилиш;

з) банк номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб, даъво талаблари тақдим этиш, кредиторлар талаблари қонунийлигини аниқлаш;

и) банк активлари ва пассивларини сотиш;

к) васийлик режаси ва васий ваколатларига мувофиқ бошка чора-тадбирларни амалга оширилиши мумкин.

Васийлик муддати тугагач, агар бу муддат Марказий банк томонидан узайтирилмаса, бескор килинади.

Агар васийлик давомида банкнинг молиявий аҳволи соғломлашмаса, у ҳолда Марказий банк банк операцияларини ўтказиш учун берилган лицензияни қайтариб олади ва банкни тугатиш ишлари бошланади.

### **Мавзуни ўрганиш бўйича назорат саноллари:**

1. Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд банк тизими хақида сўзлаб беринг.
2. Тижорат банки деганда қандай ташкилот тушунилади?
3. Банк ташкил этиш тартиби қандай?
4. Банкни қайта ташкил этиш қандай тартибда амалга оширилади?
5. Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия бериш тартибини сўзлаб беринг.
6. Банкнинг бошқарув органлари ва уларнинг ваколатлари хақида нималарни биласиз?
7. Банкнинг вакиллик шахслари деганда кимлар назарда тутилади?
8. Банк васийлиги нима?
9. Банкни тугатиш асослари қандай?
10. Банкни тугатиш тартиби қандай?

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ 25.04.1996 й.

### БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТҮГРИСИДА

#### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

##### 1-модда. Таърифлар.

Банк — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қўйидаги фаолият турлари мажмунин амалга оширадиган юридик шахсdir:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

Омонат (депозит) — талаб қилиниши биланоқ ёки тўловни амалга оширувчи шахс билан тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти билан топшириладиган пул суммаси.

Чет эл банки — чет эл банкининг ўз фаолиятини ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шўъба банки бўлиб, унинг низом капиталининг ҳаммаси чет эл банки томонидан тўланади.

##### 2-модда. Банк фаолиятининг субъектлари.

Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

##### 3-модда. Банклар фаолиятининг ҳуқуқий асоси.

Банклар фаолияти ушбу Конун, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түгрисида»ги Конун, бошқа конун ҳужжатлари билан тартибга солиб борилади.

##### 4-модда. Банк операциялари.

Банклар ўз фаолиятларида қўйидаги банк операцияларини амалга оширадилар:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш;

омонатларни жалб этиш;

кредитларниң қайтарилиши, фоизлилігі ва муддатлилігі шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериш.

Банклар бошқа турдаги операцияларни ҳам амалға оширишлари мүмкін, чуонкчы:

маблаг этаси ёки маблағпен тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқариш;

чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш;

пул маблағлари, векселлар, тўлов ва ҳисоб-китоб ҳужжатларини инкассо қилиш;

учинчи шахслар номидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш;

учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳукукини олиш;

қимматли коғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш, ҳисобини юритиши ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли коғозларни бошқариш, қимматли коғозлар билан бошқа операцияларни бажариш;

банк фаолияти юзасидан маслаҳат ва ахборот ҳизмати кўрсатиш;

жисмоний ва юридик шахсларга ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун маҳсус бинолар ёки улар ичидаги пўлат сандикларни ижарага бериш;

молиявий лизинг;

халқаро банк амалиётига мувофиқ, лицензияда маҳсус кўрсатилган бошқа операциялар.

Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва сугурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар.

#### **5-модда. Банклар фаолиятини лицензиялаш.**

Банк, шу жумладан, чет эл банки, Ўзбекистон Республикасида ўз фоолиятини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида амалға оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади.

Лицензиясиз амалға ошириладиган банк фоолияти ғайриконуний деб ҳисбланиди ва бундай фоолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

#### **6-модда. Фирма номи.**

«Банк» атамаси ёки мазкур атама қўшиб ясалган сўз бирикмаларини ушбу Конунга мувофиқ банк операцияларини амалға ошириш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар ўз фирма номида ёки реклама мақсадларида ширлатишлари мүмкін.

Ушбу талабни бузиш қонунда белгиланғаш тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

## **II. БАНКЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

### **7-модда. Банк муассислари.**

Банклар, қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чест эллик юридик ва жисмоний шахслар банк муассислари булиши мумкин, башарти, қонун хужжатларида бошқача тартиб назарла тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмаларн ва жамоат фондлари бундан мустасно.

ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Қонунига мувофиқ учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар билан алмаштирилган

Хар бир акциядорнинг низом капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши қонун хужжатлари билан белгиланади.

Банкларнинг акцияларини олиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш хукуқига эга эмаслар.

Банкнинг бошқа банкларнинг низом капиталида иштирокига ийёл қўйилмайди, чест эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банклар ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно.

### **8-модда. Банк низоми.**

Банклар ўз низомлари асосида фаолият кўрсатадилар.

#### **Банк низомида:**

банкнинг (тўла ва қисқартирилган) номи ва қаерда жойлашганилиги (пошлияни);

банк операцияларининг рўйхати;

низом капиталининг миқдори, муассислар рўйхати ва низом капиталидаги улушларнинг таксимоти;

банкнинг бошқарув органлари, уларни ташкил этиш тартиби, уларнинг ваколатлари ҳамда вазифалари ҳақидағи маълумотлар;

банк аудити тартиби, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ҳалса-ро стандартларига мувофиқ белгиланган ҳисботлар ва аудиторлик дастурларининг максадлари кўрсатилган бўлиши лозим.

Банк низомида, ушбу моддада белгиланган талаблардан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Банк низомига киритиладиган ўзгартишлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

**9-модда. Банкнинг низом капитали.**

Банкнинг низом капитали банк муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади.

Кредитга ва гаровга олинган маблағлардан ҳамда бошқа жалб этилган маблағлардан банкнинг низом капиталини шакллантириш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Алоҳида холларда қонун ҳужжатларига мувофиқ банкнинг низом капиталини шакллантириш учун бюджет маблағларидан фойдаланилиши мумкин.

Энг кам низом капитали банк муассислари томонидан уни рўйхатга олиш пайтигача тўланиши керак. Низом капитали учун тўланадиган маблағлар Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкida ёки бошқа банкларида очилган жамгариш ҳисобвараfiga ўтказилади. Кўрсатилган маблағлардан депозит сифатида фойдаланиш мумкин.

Банклар низом капиталининг энг кам миқдори Марказий банк томонидан белгиланади.

**10-модда. Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш.**

Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар.

Рўйхатга олиш тартиби ва шартлари Марказий банк томонидан белгиланади.

Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операцияларини амалга ошириш ҳукукини берувчи лицензия топширилади.

Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш ҳак эвазига амалга оширилади.

Банкларнинг филиаллари Марказий банкда рўйхатга олинади ва ўз фаолиятларини уларни ташкил этган банкка берилган лицензия асосида амалга оширадилар.

**11-модда. Банк очиш учун олдиндан Марказий банкнинг рухсатномасини олиш асослари ва муддатлари.**

Лицензия беришдан олдин Марказий банк аризачиларга банк ташкил этиш соҳасидаги фаолиятларини давом эттириш имконини берадиган дастлабки рухсатномани бсрди.

Дастлабки рухсатномани бериш тўғрисидаги қарор ариза ва у билан бирга барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб кўпи билан уч ой ичидаги қабул қилинади ва муассисларнинг молиявий имкониятларини ҳамда обрўсини, банк раҳбарлигига тақлиф этилаётгандарнинг касб малакаларини, бизнес-режани, молиявий режани, капиталнинг тузилишини, тегишли банк бинолари ва ускуналар билан таъминлаш имкониятларини баҳолашга асосланади.

**12-модда. Банкларни рўйхатга олиш ва уларга лицензия бериш муддати.**

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш учун муассислар дастлабки рухсатнома олинган кундан бошлаб узоги билан олти ой муддатда конун ҳужжатларида белгиланган талабларни бажаришлари керак.

Банкни рўйхатга олиш ва унга лицензия бериш ҳақидаги қарор Марказий банк талаблари бажарилган кундан кўпи билан бир ойлик муддатда чиқарилади.

**13-модда. Банкларни рўйхатга олишни ва уларга лицензия беришни рад этиш асослари.**

Марказий банк қуидагиларга асосланиб банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиши мумкин:

банкни рўйхатга олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар топширилмаганлиги;

таъсис ҳужжатларининг конун ҳужжатларига номувофиқлиги;

бир ёки бир неча муассиснинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги;

муассислар молиявий маблағларининг манбалари эълон қилинмаганлиги;

банкни рўйхатга олиш пайтигача энг кам низом капиталининг тўланмаганлиги;

банк раҳбари ва бош бухгалтери лавозимларига номзодларнинг бу касбга номувофиқлиги.

**14-модда. Банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиш асослари.**

Марказий банк қуидаги ҳолларда банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензияни чақириб олиши мумкин:

банк тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганида, пассивлар активлардан кўпайиб кетганида;

лицензия беришга асос бўлган маълумотларнинг хотўғрилиги аниқланганда;

банк ўз омонатчилари ва бошқа кредиторлари олдидағы мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаганида;

хисобот маълумотлари мунтазам равишда бузнб кўрсатилганда;

конун ҳужжатларига ва лицензия шартларига зид келадиган банк операциялари амалга оширилганда;

лицензия берилган пайтдан эътиборан банк операцияларини амалга ошириш бир йилдан ортиқ муддатга кечикканда;

монополияга қарши қоидалар бузилганда;

Ўзбекистон Республикасида ўз шўъба банкини ташкил этган чет эл банкидан лицензия чакириб олингандা.

**15-модда. Чет эл капитали иштирокида банклар таъсис этиши ва уларнинг фаолиятига нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар.**

Марказий банк чет эл капитали иштирокидаги банклар олдига қўшимча талаблар қўйиш, шу жумладан, чет давлатлар банкларидан улар ўзлари жойлашган ва рўйхатга олинган срдаги текширув органи назорати остида эканликларининг тасдиқномасини талаб қилиш ҳукукига эга.

Чет эл банкларига лицензиялар, башарти, чет давлат банки ўз мамлакатида қайтариб бериш шарти билан пул депозитлари ва бошқа бойликларни қабул қилиш ҳукукига эга бўлсагина берилади.

**16-модда. Банкларнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари.**

Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини Марказий банкнинг рухсати билан очишлари мумкин.

Банк филиали – уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир.

Чет эл банки ваколатхонаси – банк фаолиятини амалга оширган ҳолда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинмадир.

Филиалларнинг раҳбарларини уларни ташкил этган банкнинг раҳбари Марказий банк билан келишиб тайинлайди.

**17-модда. Банкларнинг чет эллардаги филиаллари ва ваколатхоналари.**

Банклар Марказий банкнинг рухсати билан чет элларда ўз шўъба банкларини, филиаллари ва ваколатхоналарини очишлари, банклар ташкил этишда қатнашишлари мумкин.

**18-модда. Банкларнинг иттифоқлари ва уюшмалари.**

Банклар, башарти, конун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўз аъзолари манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги ластурларни амалга

ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузишлари мүмкін.

Бундай бирлашмалар мустақил равищда тижорат фаолияти, шу жумладан, банк фаолияти билан шуғулланиши мүмкін эмас, улар тижоратчи бўлмаган ташкилотлар учун белгилаб кўйилган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

**19-модда. Банклар фаолиятини тўхтатиш ва уларни тугатиш.**

Банк қўйинда и ҳолларда ўз фаолиятини тўхтатади:

акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра;

Марказий банк лицензияни чақириб олганида;

банкроттга учраганда деб эълон қилинганида.

Ўз фаолиятини тўхтатган банк Марказий банк томонидан банкларни давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади.

Банкнинг фаолияти тўхтатилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилиниади.

Банк фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби конун хужжатлари билан белгиланади.

### **III. БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. БАНКЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧЛАРИ**

**20-модда. Банкларнинг мустақиллиги.**

Ўзбекистон Республикасида банклар банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

Банк хизматчиси банк бошқарувининг розилиги билан ўриндошлиқ асосида бошқа жойда ишлаши мүмкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари банк муассасаларида ўриндошлиқ асосида ишлашга ҳақли эмаслар.

**21-модда. Давлат ва банкларнинг масъулияти чегаралаб кўйилиши.**

Банклар давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас, конун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**22-модда. Банкнинг бошқарув органлари.**

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари хисобланади.

Банк кенгашининг бурчлари куйидагилардан иборат:

омонатчилар ва акциядорларни химоя қилиш максадида банк фаолиятини, шу жумладан, кредитлаш ва маблагларни инвестицилашнинг тўғрилигини назорат қилиш;

банк раҳбарларини ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш;  
банк капиталининг бир текис ўсиб боришини таъминлаб туриш;  
банк сиёсатини ишлаб чиқиш;  
конун хужжатларига риоя қилинишини таъминлаш.

Банк кенгаши аъзолари камида беш кишидан иборат бўлиши лозим. Акциядорлардан ташқари банк соҳаси олимлари ва мутахассислари ҳам банк кенгаши аъзоси бўлишлари мумкин.

Банкка оператив раҳбарлик қилувчи ва унинг фаолияти учун жавоб берувчи банк бошқаруви банкнинг ижроия органи ҳисобланади. Бошқарув банк кенгаши ва акциядорлар умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

#### **23-модда. Банкларнинг фондлари.**

Банклар ўз фойдаларидан конун хужжатларидаги белгиланган тартибда турли фондлар ташкил этишлари мумкин.

**24-модда. Банкларнинг пул маблағларини захиралаш соҳасидаги бурчи.**

Банклар Марказий банкда мажбурий захираларини сақлашлари шарт. Мажбурий захиралар нормативи Марказий банк томонидан белгиланади.

**25-модда. Банкларнинг умумий иқтисодий нормативларга риоя қилиш соҳасидаги бурчлари.**

Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш ҳамда омонатчилар ва кредиторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш максадида банклар Марказий банк томонидан белгиланадиган иқтисодий нормативларга риоя этишлари шарт.

Банклар ўз капитали ва ликвид ресурсларини старли даражада саклаб туришлари, активларни таснифлаш асосида шубҳали ва ҳаракатсиз активларга қарши захираларни ташкил этишлари, шунингдек, зарар кўриш хавфини камайтириш максадида ўз активлари диверсификацияланшини таъминлашлари лозим.

Банклар:  
амалга оширилган инвестицияларнинг турлари ёки шаклларига;  
кўчмас мулк ва бошқа мол-мулк сотиб олиш ҳамда унга эгалик қилишга;

бошқа юридик шахсларнинг низом фондларида қатнашишга доир шартларга риоя этишлари лозим.

Банклар:  
капитални тақсимлаш натижасида ўз капитали талаб қилинадиган энг кам микдордан ҳам камайиб кетадиган бўлса, капитални тақсимлашга;

акциялар шаклидаги ўз қимматли қоғозлари билан кафолатланган кредит беришга;

олдиндан Марказий банкнинг розилигини олмай туриб, ўз акцияларини сотиб олишга ҳақли эмаслар.

Нормативлар ва уларни ҳисоб-китоб қилиш услугига бўлажак ўзгартишлар амалга киритилишидан камида бир ой олдин Марказий банк томонидан расман эълон қилинади. Низом капиталининг энг кам миқдори ўзгартирилиши тўғрисида Марказий банк бундай ўзгартиш амалга киритилишидан камида уч ой олдин расман ҳабар беради.

**26-модда. Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш.**

Банкларнинг ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар иномидан тузадиган шартномалари ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади.

Марказий банк банкка алоқадор бўлган шахслар билан битимлар тузиш, жумладан, уларга кредитлар ажратиш юзасидан чекловлар белгилайди.

#### **Қуйидаги шахслар:**

банкнинг мансабдор шахси, жумладан, банк кенгашининг аъзоси, шу банкнинг бошқа ходимлари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари;

низом капиталининг қонун хужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмiga эгалик қилиб турган банк акциядорлари; (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Конуни таҳриридаги хат боши);

низом капиталининг қонун хужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмiga этаплик қилиб турган акциядор юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, уларнинг яқин қариндошлари; (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Конуни таҳриридаги хат боши);

банк юридик шахсларнинг қатнашчиси бўлиб, уларнинг низом капиталидаги улуши ўн фоиздан ортиқ бўлса, мазкур юридик шахслар, уларнинг мансабдор шахслари ва бу шахсларнинг яқин қариндошлари банк билан алоқадор шахслар деб ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган шахсларнинг бири билан алоқадор бўлган шахс уларнинг ҳар бири билан алоқадор деб ҳисобланади.

Банк билан алоқадор шахсга кредит, шунингдек, банк билан алоқадор шахс учун кафолатлар ушбу модда талабларини ҳисобга олган ҳолда банк кенгашининг карорига кўра берилиши мумкин.

**27-модда. Банкларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажариши.**

Марказий банкниң топшириғига кўра банклар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг касса ижросига доир операцияларни бажарадилар.

**28-модда. Банкларнинг кредит ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдорини белгилаш ҳуқуқлари.**

Банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланади.

Давлат дастурларини молиялаш учун Марказий банк томонидан банкларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк ушбу банклар қарздордан ундириб оладиган фоиз ставкаларининг энг кўп миқдорини белгилаши мумкин, бунда марказлаштирилган ресурслар учун тўлов ва банкларнинг ҳаражатлари ўрнини қоплаш хисобга олинади.

**29-модда. Банкларнинг ҳисобот ва бошқа ахборотни тақдим этиши мажбурнятлари.**

Банклар ўз фаолиятларига доир ҳисобот ва бошқа ахборотни Марказий банкка ўз вактида тақдим этишлари шарт.

**29-1-модда. Банкларнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаёттан корхоналарнинг банк ҳисобвараклари бўйича операцияларни ўtkазишни давом эттиришни тўхтатиб кўйиш мажбурияти.**

Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари эса — уч ой мобайнида) банк ҳисобвараклари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда, деҳкон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, банклар уларнинг ҳисобваракларини ёспиб кўйиши ҳамда ахборотини корхона ҳисобта олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органига хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобвараклари ёспилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида тақдим этиши шарт.

Корхоналарнинг ёспилаётган ҳисобваракларидағи маблағларнинг колдиклари фойдаланиш ҳуқуқисиз маҳсус ҳисобваракларга банклар томонидан киритиб кўйилади, корхоналарнинг тўланиши учун банкка тақдим этилган кредиторлик қарзи кўзда тутилмаган ҳолатлар алоҳида ҳисобварагига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобвараклари ёспилганидан кейин уларнинг номига келиб тушаётган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқисиз маҳсус ҳисобваракларга киритиб кўйилади.

Фойдаланини ҳуқуқисиз махсус ҳисобварапларда жамланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар олдидаги қарзларини қоплаш учун, қолган сумма эса уларнинг кредиторлик қарзини тўловларниң календарь навбати бўйича қоплаш учун йўлланади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия корхона фоалиятини давом эттиришининг мақсадгага мувофиқлиги тўғрисида карор қабул қилган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинлаган пайтдан эътиборан бу корхонанинг ҳисобвараплари тасарруфи тегшичинча корхонанинг ўзига ёки тугатиш комиссиясига ўтади.

### **30-модда. Банк операцияларига доир ҳужжатлар.**

Банклар ҳужжатларни Марказий банк белгилаган тартибда ва муддатда ўз архивларида саклашлари шарт.

### **31-модда. Банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар.**

Банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар шартномалар асосида амалга оширилади.

Мижозлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзлари танлаган битта ёки бир нечта банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сакланадиган депозит ҳисобвараплар очишга ҳақли. (ЎзР 15.04.1999 й. 772-1-сон Конуни таҳриридаги қисм).

Мижозлар ўзлари танлаган факат битта банкда миллий ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сакланадиган депозит ҳисобвараплар очишга ҳақли. Бунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тузильтган чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар ўз танлови бўйича битта ёки бир нечта банкда сўмлар ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сакланадиган депозит ҳисобварапларига эга бўлишга ҳақли. (ЎзР 30.08.1997 й. 485-1-сон Конуни таҳриридаги қисм).

Банклар мижозларга ҳисобвараплар очишнинг Марказий банк белгилаган тартибига риоя қилишлари шарт.

Банкнинг барча хизматлари банк акциядорлари ва бошқа мижозларга тенг шартлар асосида кўрсатилади.

### **32-модда. Банклараро операциялар.**

Банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бираига жойлаштириши, ташкил этиладиган ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобвараплари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин.

### **33-модда. Банкларниң ҳисоб-китоб қилиш тартиби.**

Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгилайдиган тартибда амалга оширадилар. Кўрсатилган тартибни бузганлиги учун улар конун ҳужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

### **34-модда. Кредитлар қайтарилишини таъминлаш.**

Банклар конун ҳужжатларига мувофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга кўйиш, кафолат бериш, кафилликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар.

Банклар таъминланмаган кредит (эътимодли кредит) бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

### **35-модда. Қарздорларни тўловга қобилиятсиа деб эълон қилиш.**

Банкдан олган кредитларини ўз вактида тўлаш мажбуриятларини бажармастган қарздорларни банк тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиши ва бу ҳақда матбуотда хабар берishi мумкин. Банк бундай қарздорларни инкирозга учраган деб топишни сўраб, хўжалик судида даъво кўзғатиш хукуқига эга.

## **IV. БАНКЛАРГА ВАСИЙЛИК ҚИЛИШ**

### **36-модда. Васийликни тайинлаш.**

Банкнинг муваққат маъмуриятини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирида Марказий банк васий тайинлайди ва васийлик қилиш ҳақида фармойиш чиқаради. Фармойиш матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Банкнинг олдиндан васийдан розилик олмай қилган ҳаракатлари ҳақиқий эмас.

### **37-модда. Васийнинг ваколатлари.**

Васий банкнинг мансабдор шахслари ва унинг акциядорлари ваколатларига, шунингдек, банк аҳволини нормаллаштириш учун зарур чоралар кўриш, жумладан, конун ҳужжатларига мувофиқ филиалларни ёпиш, мансабдор шахсларни ва хизматчиларни ишдан бўшатиш хукуқига эга бўлади.

Васий исталган пайтда фуқароларнинг депозитлари ва инвестициялари бир йилдан кўп бўлмаган муддатга қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилганлигини эълон қилиши мумкин, бунда депозитлар ва инвестицияларнинг таҳминий қийматини сақлаб қоладиган чоралар кўрилиши шарт.

Башарти, васийлик вақтида ёки васийлик даврининг охирида банкни соғломлаштиришининг иложи йўқлиги Марказий банк томонидан аниқланса, у лицензияни чақириб олади ва бслгиланган тартибда башкни тугатади.

## **V. БАНК МИЖОЗЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

### **38-модда. Банк сири.**

Банклар ўз мижозлари ва вакилларининг операциялари, ҳисобвараклари ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматчилари банк, унинг мижозлари ва вакилларининг банк операциялари, ҳисобвараклари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақлашлари шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобваракларига доир маълумотномалар ана шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судларга, жинойи иш қўзғатилган бўлса суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобвараклари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларнинг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига; мижозларнинг ҳисобвараклари ва омонатларида турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсалар хатланиши, уларга ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган холларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Ҳисобвараклар ва омонатнинг эгалари вафот этганда ушбу ҳисобвараклар ҳамда омонатга доир маълумотномалар мазкур ҳисобварак ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларнинг жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг ҳисобваракларига доир маълумотномалар эса — чет эл консуллик муассасаларига берилади.

Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор қўлганлиги учун қонун хужжатларида бслгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Банклар ўз мижозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солик тўловчиларни тўлик ва тўёри тўлаётганликларини назорат қилиш учун солик органларининг сўровига тақдим этадилар. (ЎзР 27.12.1996 й. 357-I-сон Қонунига мувофиқ киритилган қисм).

**39-модда. Банкларнинг ўз мижозлари олдидағи жавобгарлиги.**

Банклар маблағларнинг сақланиши ҳамда омонатчилар олдидағи мажбуриятларнинг бажарилиши учун, шу жумладан, түловлар бир банкдан бошқа банкка ўз вақтида ўтиши ҳамда маблағларнинг корхоналар ва ташкилотлар ҳисоб-китоб варақларига киритилиши учун ўз мижозлари ва омонатчилари олдида жавобгардирлар.

Банк тугатилганда унинг жисмоний шахс бўлган омонатчилари банкни тугатишдан келадиган тушумлар ҳисобидан ўз омонатларини олиша имтиёзга эгадирлар.

Банклар депозит ва кредит операцияларига доир муддатлар ва шартлар, шу жумладан, Марказий банк чиқарган қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган йиллик фоиз ставкалари, мукофотлар ва ийғимлар тўғрисида ўз мижозларига мунтазам равишда ахборот берсиб боришлиари шарт.

**40-модда. Монополияга қарши қоидалар.**

Банкларнинг банк операциялари бозорини монополиялаш ва банк ишида рақобатни чеклашга қаратилган битимларга эришиш мақсадида ўз иттифоқлари, уюшмалари ва бошқа бирлашмаларидан фойдаланиши тақиқланади.

Монополияга қарши қоидаларга риоя этилиши Марказий банк томонидан, шунингдек, ушбу мақсадларда конун ҳужжатларига мувофиқ тузиладиган бошқа органлар томонидан назорат қилинади.

## **VI. БАНКЛАРДА ҲИСОБ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБОТ. БАНКЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

**41-модда. Банкларда ҳисоб юритиш ва ҳисобот.**

Банкларда бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро стандартларга мувофиқ белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби юритиш ва ҳисобот қоидалари бузилганини учун банк ражбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**42-модда. Банкларнинг молиявий ҳисоботларини эълон қилиши.**

Банклар ўз молиявий ҳисоботларини Марказий банк белгилайдиган шакл ва муддатларда, унда кўрсатилган маълумотнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, матбуотда эълон қиласидар.

#### **43-модда. Банклар аудити.**

Банкларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик текширишларни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан ҳар йили текшириб турилиши лозим.

Аудит, хусусан, капиталнинг старлилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича заарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади.

Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишилари ва амалга оширишилари ҳам шарт.

#### **44-модда. Банкларни назорат қилиш.**

Марказий банк қонун ҳужжатларига мувофиқ банклар фаолиятини назорат қилиб боради.

Марказий банк тижорат банкларидан ахборот беришни талаб қилишга ва ушбу Конунни бажариш максадида бошқа ишларни амалта оширишга ҳақлидир.

Банклар фаолиятини текшириш Марказий банк томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

### ІІІ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

### 6-боб. БАНК ТИЗИМИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА УЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

#### 1-§. Ҳисоб-китоблар тушунчаси, фуқаролик ҳуқуқий асослари ва ҳисоб-китобларнинг мамлакат иқтисодий ҳаётида тутташ ўрни

Мамлакатимизда амалга ошириб келинастган иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиб ва кенгайиб бориши, энг аввало, иқтисодий салоҳиятимизнинг юксалишида, иқтисодист тармоқлари ривожида, тадбиркорлик фаолиятининг авж олиб боришида кўзга яққол ташланмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ микдордаги ижобий сальдога эришди. Маҳсулотларнинг умумий экспорт ҳажмининг 52 фоизини ташкил этди. Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги умумий хиссаси 35,6 фоизга етди ва бу кўрсаткични 2007 йилда 45 фоизга стказиш мўлжалланмоқда. Қишлоқ ҳўжалигидаги ислоҳотлар туфайли заарар кўриб ишлаётган фермер хўжаликлари негизида 2004 йилда 85,5 минг фермер хўжаликлари фаолияти йўлга кўйилди жами 425 минг янги иш ўрнилари барпо этилди. Эришилган ютуқлар туфайли мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А. Каримов ўзининг Олий Мажлис Қонуғчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: «Бугун ҳеч муболағасиз, фурур ва ифтихор билан айтиш мумкинки, мустақилликка эришганимиздан бўён ўтган тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз Дувё ҳамжамиятида ўзининг муносаб ўрнини эгаллади»<sup>1</sup>.

Тараққистимиз ютуқлари шак-шубҳасиз бўлсада улар бизни хотиржамликка эмас, балки янада фаолроқ ишлашга

<sup>1</sup> И.А. Каримов, «Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдири». «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.

ундамоғи лозим, чунки ҳаёт олдимизга яшги ва мураккаб вазифаларни кўймокда. Республикамиз Президенти банк-молия тизимларини ислоҳ қилишнинг мұхим устувор вазифаларидан эканлыгини таъкидлар экан: «Банк-молия ва банк тизимларининг қатъий пул-кредит сиссатини ўтказиш, инфляция даражасининг барқарорлыгини, миллий валютамиз ва унинг алмашув курси мустаҳкамлигини сақлашдаги масъулиятини ошириш; банк айланмасидан ҳали-бери четда қолаётган салмоқли молия маблағлари ва пул оқимларини ушбу тизимга жалб қилиш аник ва қатъий чоралар кўрини ҳақида бормокда»<sup>1</sup> дега кўрсатиб ўтган эди.

Халқ хўжалигига ҳисоб-китобларни тез ва самарали ташкил этиш, яъни хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро стказиб берилгаш товар ҳамда маҳсулотлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун пул тўловлари ёз вақтида, тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаш – тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган асосий банк операцияларидан саналади.

Ҳисоб-китобларнинг иқтисодий ҳаётдаги аҳамияти яхши англанган ҳолда бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш ҳамда ривожлантирилиши ҳукуматнинг дикқат марказида бўлиб келмокда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 9 июнданги «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup>ги, 1996 йил 24 январдаги «Тўлов интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш тўғрисида»<sup>3</sup>ги, 2002 йил 30 мартағи «Пул массасини ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>4</sup>ги Фармонлари; Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 29 октябдаги 488-сонли «1997 йил IV чорагида дебиторлик ва кредиторлик қарздорликни қисқартирилиши юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>5</sup>ги, 2004 йил 14 апрелдаги «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетста тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика Комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»<sup>6</sup>ги, 1997 йил 11 мартағи «Кишлоқ хўжалигига ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштиришга онд туб чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>7</sup>ги,

<sup>1</sup> И.А. Каримов. «Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлантириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.

2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб тизимларини янада ривожлағтириш чора-тадбирлари түғрисида»<sup>1</sup>ги ва бошка карорлари халқ хұжалигыда ҳисоб-китобларга қай даражада катта аҳамияттаға эзеканлигини күрсатади.

Ҳисоб-китобларга оид асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида назарда тутилған. Жумладан, ФКиинг 790-моддасига кўра:

Фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пуллар билан ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилған шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб кўйилган бўлмаса, нақд пулда хам амалга оширилиши мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар уларда катнашаётган шахсларнинг ҳисобварақлари очилган банклар, бошка кредит ташкилотлар (бундан бусен банклар) орқали амалга оширилади.

«Банклар ва банк фаолияти түғрисида»<sup>2</sup>ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 33-моддасига қайд этилишича: «Банклар ва уларнинг мижозлари ҳисоб-китобларни Марказий банк белгилайдиган тартибда амалга оширадилар. Кўрсатилган тартибни бузганлик учун улар қонун хужжатларида белгиланган тарзда жавобгар бўладилар!».

Ҳисоб-китобларга оид ҳуқуқий муносабатлар пул мажбуриятлари шаклидаги ҳуқуқий муносабатлардан бўлиб, шартномалар ёки бошка ҳуқуқий асослардан вужудга келади.

Ҳисоб-китоб муносабатлар пул мажбуриятлари шаклидаги ҳуқуқий муносабатлардан бўлиб, шартномалар ёки бошка ҳуқуқий асослардан вужудга келди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2002 йил 12 январда 1 / 4 –сон қарор билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар түғрисидаги инзом». Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 15 апрелда 1122-тон билан давлат рўйхатига олинган.

Ҳисоб-китоб муносабатларида тўловчи ва пулни олувчи томонлар иштирок этадилар. Уларнинг тенг ҳуқуқликлари, қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ҳаракатларни содир этишлари мумкинлиги, шартнома тузишнинг эркинлиги, ҳисоб-китобларнинг Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида эркин амалга оширилиши тамойиллари тўла эътироф этилади.

## **2-§. Банк ҳисоб-китоби шартномаси ва унинг фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари**

Иқтисодист тармоқларидағи тижоратчи ташкилотлар ҳамда турлі нотижорат ташкилотлари, бюджет муассасалари ўртасидағи ўзаро ҳисоб-китоблар нақд пулси, тижорат банклари орқали амалга оширилади. Ана шундай ҳисоб-китоблар амалга оширилиши банк бирор мижозининг ҳисобварағидан пул маблағларини белгиланган тартибда бошқа мижоз юридик ёки жисмоний шахс, якка тадбиркор ташкилот, фирма ва бошқалар ҳисобварағига кўчириш орқали амалга оширилади.

Ҳар бир мижоз ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилиши учун зарур бўлган ҳисобварақларига эга бўлмоғи лозим. Юридик ва жисмоний шахсларга ўzlари истаган банк муассасасида ҳисобварағи очиш ҳуқуки берилган.

Банкларда ҳисобварақ очиш мижознинг банкка мурожаат қилиши ва шу асосда банк ҳамда мижоз ўртасида маҳсус ҳисобварақ шартномаси тузилиши орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг 771-моддасида** банк ҳисобварағи шартномасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра:

Банк ҳисобварағи шартномаси бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит муассасаси (бундан буён матида – банк), иккинчи тарафнинг – мижознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади.

Банк муассасаларидан бошқа кредит ташкилотлари томонидан уларга берилган рухсатнома (Лицензия) асосида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилгани чоғда ҳам ҳисобварағи шартномасига оид юқоридаги қондалар татбиқ қилиниши назарда тутилган.

Банк ўз мижози ҳисобварагидаги маблағлардан фойдаланиши мүмкін. Бироқ, мижознинг биринчи талаби билан оқ маблағ унга кайтарилиши ёки унинг томонидан кўрсатилган мақсадлар учун сарфланиши имконият яратилиши лозим.

Банк мижознинг банк ҳисобварагида мавжуд бўлган пул маблағларидан мавжуд бўлишини ҳамда ҳисобварақ эгасининг ушбу маблағларни ҳисобваракда турган суммалар доирасида монеликсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда фойдаланиши мүмкін.

Мижоз банкдаги ҳисобваракда турган ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этади.

Банк мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишини белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ёки банк ҳисобвараги шартномасида назарда тутилмаган бошика ческашларни белгилашга ҳақли эмас.

Банк ҳисобвараги шартномаси банк томонидан мижозга ёки у кўрсатган шахсга банкда тарафлар келишган шартларда ҳисобварак очиш йўли билан тузилади.

Юридик шахслар ва фуқаролар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатиладиган банкларни мустақил танлайдилар ҳамда битта банк ҳам, шунингдек, бир нечта банк билан ҳам банк ҳисобвараги шартномалари тузишлари мүмкін.

Банк муайян турдаги ҳисобвараклар очиш учун эълон қилинган, қонунда ва қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қондарида назарда тутилган тегишли талабларга мос келадиган шартлар аспсида ҳисобварак очишни таклиф қилиб мурожаат этган мижоз билан банк ҳисобвараги шартномаси тузиши шарт. Банк тегишли операцияларни амалга ошириш қонунида, банкнинг таъсис ҳужжатларида ва унга берилган лицензияда назарда тутилган ҳисобваракни очишни рад этишга ҳақли эмас, ана шундай рад этишга банкда банк хизмати кўрсатишга қабул қилиш имконияти йўқлиги сабаб бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Банк, банк ҳисобвараги шартномасини тузнишдан асоссиз ра вишида бош тортган тақдирда, мижоз унинг олдига ушбу Кодекс 377-моддасининг олтинчи ва сттинчи қисмларида назарда тутилган талабларни қўйишга ҳақли.

Мижоз номидан ҳисобваракдаги маблағларни ўтказиш ва бериш ҳақидаги кўрсатма берадиган шахсларнинг ҳукуклари мижоз томонидан банкка қонунда назарда тутилган, ҳолатга муво-

фиқ банк қоидалари ҳамда банк ҳисобварағи шартномасы билан белгиланған ҳужжатларни тақдим этиш йўли билан тасдиқла-нади.

Мижоз учинчи шахсларнинг талабига мувофиқ, шу жумладан, мижознинг ушбу шахслар олдиғаги мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ талабига мувофиқ пул маблагларини ҳисобва-рақдан ўчириши ҳакидаги фармойиш берниши мумкин. Банк теги-шили талаб қўйилган вактда уни қўйишга ҳақиқи бўлган шахсни аниқлаш ва бундай талабнинг характеристири ва асосларини белгилаш имконини берадиган зарур маълумотлар бу фармойишларда ёзма равишда кўрсатилган тақдирда уларни қабул қиласди.

Банк ҳисобварағи шартномасида ҳисобварақда турган пул маблагларини тасарруф этиш хукуқини электрон тўлов воси-таларидан ҳамда уларда мижознинг ўз имзоси, кодлари, паролла-ри ҳамда фармойиш тегишили ваколати бўлган шахс томонидан берилганинг тасдиқлайдиган бошқа воситаларнинг ўхшатма-ларидан фойдаланилган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқлаш на-зарда тутилган бўлиши мумкин.

Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб на-зарда тутилган бўлмаса, банк қонунда, қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган операцияларни амалга ошириш йўли билан ҳисобварақга келиб тушаётган пул маблагларини қабул қилиши ва киритиб қўйиши ҳамда мижознинг пул маблагларини қўлга бериш ҳакидаги топшириқларини бажариши шарт.

Агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача муддат-лар белгилаб қўйилган бўлмаса, банк тегишили тўлов ҳужжа-ти банкга тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан тушган пул маблагларини ҳисобварақга киритиб қўйиши, мижознинг топшириғига мувофиқ ҳисобварақдан пул маблагларини қўлга бериши ёки ўтказиши шарт. Ҳисобварақ бўйича операция-ларни амалга ошириши муддатларини бузиш банк учун упібу Кодекснинг 327-моддасида назарда тутилган оқибатларни кел-тириб чиқаради.

Банк мижози ҳисобварағида вактинча пул маблаглари бўлмагани тақдирда мижознинг илтимосига кўра банк ҳисобварағининг кредитлаш – яъни мижоз учун пул ўтказиш амалга оширилиши мумкин. Бунда банк тегишили ҳақ (фоиз) олади.

Хисобварақда турган пул маблағлари билан боғлиқ бўлган банк операцияларини амалга оширганлиги учун банк мижоздан хисобварақ шартномасида белгиланган миқдорда ҳақ олинади.

Мижознинг хисобварағида турган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун банк ўз мижозига ҳақ (фоиз) тўлаши кўзда тутилган.

Ушбу фоизлар банк томонидан банк хисобварағи шартномасида белгиланадиган миқдорда, шартномада тегишли шартлар назарда тутилмаган такдирда эса — одатда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар юзасидан тўлайдиган миқдорда тўланади.

Фоизлар суммаси банк хисобварағи шартномасида назарда тутилган муддатларда, бундай муддатлар банк хисобварағи шартномасида назарда тутилмаган ҳолларда эса — йилнинг ҳар чораги тамом бўлгач, хисобварақга киритиб қўйилади.

Банкнинг хисобварақни кредитлаш ҳамда банк хизматлари учун ҳақ тўлаш билан боғлиқ ҳолда мижоз олдига қўйиладиган пул талаблари, шунингдек, мижознинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш хақида банк олдига қўядиган талаблари, агар банк хисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бир-бирларининг талабларини хисобга олиш йўли билан бекор қилинади.

Ушбу модданинг биринчи кисмида кўрсатилган талаблар банк томонидан хисобга олинниб, у талаблар хисобга олинганлиги тўғрисида мижозга банк хисобварағи шартномасида белгилаб қўйилган тартибида ва муддатларда, борди-ю тегишли шартларни тарафлар келишиб олишмаган бўлса, банклар одатда, тегишли хисобварақдаги пул маблағларининг ҳолати тўғрисида мижозларга ахборот берадиган тартибида ва муддатларда ахборот берishi шарт.

Банк хисобварағидаги пул маблағлари мижознинг топшириғи билан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра ўчирилиши мумкин.

Мижозга келган пул маблағлари хисобварақга ўз вақтида киритиб кўйилмаган ёки банк хисобварақдан маблағларни асоссиз равишда ўчирган ҳолларда банк мижознинг талаби билан тегишли суммани дарҳол хисобварақга киритиб қўйиши шарт.

Банк ўз вақтида киритилмаган ёки асоссиз ўчирилган суммага фоизлар тўлаши ва зарарнинг ўрнини қоплаши ҳам шарт. Банк хисобварақдан маблағларни ўз вақтида бермаганлиги ва

мижознинг ҳисобваракдан маблағларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини ўз вактила бажармаганлиги учун ҳам жавобгар бўлади.

Банклар банк ҳисобвараги ва банк омонати, ҳисобварак бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар сирсақланишини кафолатлайди.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат мижозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин. Давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бундай маълумотлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилиши мумкин. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда, хукуқлари бузилган мижоз келтирилган заарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилиши мумкин<sup>1</sup>.

Мижознинг ҳисобваракда турган пул маблағларини тасаруф қилиш хукуқларини чеклашга йўл қўйилмайди, ҳисобваракда турган пул маблағларини хатлаш ёки қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳисобварақ бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.

Банк ҳисобвараги шартномаси мижознинг аризасига мувофиқ исталган вақтда бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобвараги шартномаси куйидаги ҳолларда суд томонидан бекор қилиниши мумкин:

Мижознинг ҳисебварағида сақланастган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса.

Агар бундай сумма банк бу ҳақда огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса, агар шартномада бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар килинмаган бўлса.

Ҳисобваракдаги пул маблағларининг қолдиги мижознинг тегишли ёзма аризаси олинганидан кейин кечи билан етти кун ичидаги мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобварақга ўтказилади.

Банк ҳисобвараги шартномасининг бекор қилиниши мижоз ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги «Банк сири тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси конуни ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 174-н.

## Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида ЙЎРИҚНОМА

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга кўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 347-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ва банклар томонидан мижозларга миллий ва хорижий валютада банк ҳисобварақларини очиш, уларни қайта расмийлаштириш ҳамда епиш тартибини белгилайди.

1. Ушбу Йўриқноманинг мақсади учун қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

а) **банк** – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмунини амалга оширадиган юридик шахсdir;

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш;

б) **мижозлар** – юридик ёки жисмоний шахслар, шунингдек, уларнинг ҳисобварақлар очиш ва юритиш, ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини бажариш ва омонатлар кўйинш борасидаги банк хизматларидан фойдаланадиган қонуний вакиллари.

в) **резидентлар** – Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлган, шу жумладан, вақтинча Ўзбекистон Республикасидан ташқарида яшаётган жисмоний шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тузилган ва рўйхатдан ўтган юридик шахслар, шу жумладан, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг иммунитетига ва дипломатик имтиёzlарига эга бўлган хориж-

даги дипломатик, савдо ва бошқа расмий ваколатхоналар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотлари нинг чет элдаги хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ваколатхоналари киради.

г) **норезидентлар** — хорижда муқим турар жойи бўлган, шу жумладан, вақтинча Ўзбекистон Республикасида яшашган жисмоний шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида жойлашган бўлиб, иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатик, савдо ҳамда бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ўзга ташкилот ва фирмаларнинг ваколатхоналари.

д) **банк ҳисобвараги** — банк ҳисобвараги шартномасини тузиш орқали банк мижоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги фармойишларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк билан мижоз ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир.

2. Банк ҳисобварақлари қўйидаги турларга бўлинади:

а) талаб қилиб олингунча (асосий ва иккιламчи) депозит ҳисобварақлар;

б) жамғарма депозит ҳисобварақлар;

в) муддатли депозит ҳисобварақлар;

г) депозит ҳисобварақларниг бошқа турлари (аккредитивлар бўйича муддатсиз фоизсиз депозитлар ва шу кабилар);

д) ссуда ҳисобварақлари.

3. Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустакил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар ҳамда депозит ҳисобварақларнинг бошқа турларини очиш хукуқига эгалар.

4. Мижоз томонидан ҳар қандай ҳисобварақ очилаётганда банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш шартномаси тузилади.

Банк ҳисобвараги шартномаси бўйича юзага ксладиган муносабатлар Фукаролик кодекси ва бошқа қонунчиллик хужжатлари билан тартибга солинади.

5. Хўжалик юритувчи субъектнинг биринчи марта міллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи унинг асосий ҳисобварағи ҳисобланади.

Мижозлар қонунчилик асосида бир ёки бир неча банкларда иккиласмчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклари очишлари мумкин.

6. Бюджет муассасаларига ҳисобвараклар республика ски маҳаллий бюджетлар ҳисобидан ажратиладига маблағларни кирим қилиш ва шу маблағлардан фойдаланиш учун очилади. Бундан ташқари, бюджетдан ташқари маблағлар учун талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклар очилиши мумкин. Бюджет ташкилотларига жамғарма ва муддатли ҳисобвараклар фақат бюджетдан ташқари маблағларни саклаш учун очилади.

Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маблағлар ажратиладиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга ҳар бир бюджет бўйича алоҳида ҳисобвараклар очилади.

7. Мижозлар томонидан ҳисобвараклар очиш учун банкка ушбу Йўриқномада кўзда тутилган зарурӣ хужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб, банклар икки банк иш куни мобайнида уларга ҳисобвараклар очишлари шарт. (ЎзР АВ 29.09.2003 й. 1080-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МБ Бошқаруви Қарори таҳриридаги хат боши).

Ҳисобваракларнинг згалари ҳисобварак очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги бўйича жавобгардирлар.

Тадбиркорлик субъектлари учун, банкларда очиладиган ҳисобвараклар учун тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир каррасидан ошмаслиги лозим. (ЎзР АВ 29.09.2003 й. 1080-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МБ Бошқаруви Қарори таҳриридаги хат боши).

Хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобвараклар очилгандан кейин, банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳисобвараклар очилганилиги тўғрисида тегишли солиқ органинга ёзма равища хабар беришлари шарт.

Мижозларнинг (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган жисмоний шахслардан ташқари) ҳисобварак очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағига хизмат кўрсатиш шартномаси, шунингдек, унга қилинган ўзгартиришлар, мижознинг манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги банкка берган хати ва номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси мижознинг алоҳида жилди (юридик йиғмажилди) да сакланади. Имзолар

намуналари ва муҳр изи қўйилган варакча мижознинг юридик йигмажилдига ушбу Йўрикноманинг 33-бандида кўзда тутилган ҳолларда тикилади.

8. Банкларда 1-сон иловада\* келтирилган шаклга мувофиқ, мижозларнинг ҳисобваракларини рўйхатга олиш китоби юритилади. Ушбу китоб рақамланган, тизимча ип ўтказилган, банк раҳбари имзоси ва банк муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шунингдек, мижозларнинг ҳисобваракларини рўйхатта олиш китоби компьютерда дастурий тарзда юритилади (1-сон илова\*).

## **II. МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ТАРТИБИ**

9. Тадбиркорлик субъектлари (юридик шахсни ташкил этган ҳолда ва ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатадиган) томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклар очиш учун банкка қуидаги хужжатлар тақдим қилинади:

- а) 2-сон иловада\* келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварак очиш тўғрисида ариза;
- б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) 3-сон иловада\* келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакча.

10. Тадбиркорлик субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар, жумладан, бюджет ташкилотлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклар очиш учун банкка қуидаги хужжатлар тақдим қилинади:

- а) ҳисобварак очиш тўғрисида ариза (2-сон илова\*);
- б) солиқ органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация раками берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакча (3-сон илова\*).

11. Юридик шахснинг таркиби бўлинмалари (ваколатхоналари, филиаллари)га талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклар ушбу юридик шахснинг илтимосномаси бўйича (илтимосномада юридик шахснинг солиқ тўловчининг идентификация раками кўрсатилади) ҳисобварак очиш тўғрисида ариза (2-сон илова\*) ҳамда имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакча (3-сон илова\*) тақдим этилганда очилади.

12. Ўз фаолиятини юридик шахс ташкил эттан ҳолда амалга оширмоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларга низом капиталини шакллантириш учун давлат рўйхатидан ўтгунларига қадар таъсисчилар (иштирокчилар)нинг дастлабки бадалларини киритиши учун миллий ва/ёки хорижий валютада вақтинчалик (маблаг йигиш учун) талаб қилиб олингунча ҳисобварап очилиши мумкин.

Вақтинчалик ҳисобварап очиш учун ваколатли шахс банк-ка таъсисчи (иштирокчи)лар номидан ихтиёрӣ шаклда ҳисобварап очиш тўғрисида ариза тақдим қиласди.

Давлат рўйхатидан ўтгандан кейин мазкур Йўрикномага мувофика асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварап очилади.

13. Норрезидент шахсларга (жисмоний шахслар бундан мустасно) миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклар очиш банкка қуйидаги хужжатлар тақдим қилиниши билан амалга оширилади:

- а) ҳисобварап очиш тўғрисида ариза (2-сон илова\*);
- б) агар қонунчиликда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, солик органлари томонидан солик тўловчининг идентификация рақами берилганилиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- в) 4-сон иловада\* келтирилган шаклга мувофика имзолар наmunalari va muhr izni қўйилган варакча.

14. Резидент ва норрезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараклар очиш учун банкка 5-сон иловада\* келтирилган шаклга мувофика ҳисобварап очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсини тасдиқловчи хужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган хужжатлар) тақдим қилинади. Хужжатдаги маълумотлар ҳисобварап очиш тўғрисидаги аризага саилади.

### **III. ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ҲАМДА ИККИЛАМЧИ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА, ЖАМГАРМА, МУДДАТЛИ ВА БОШҚА ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ТУРЛАРИНИ ОЧИШ ТАРТИБИ**

15. Мижозлар томонидан хорижий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобваракларини ҳамда иккиласми талаб қилиб олингунча, жамгарма, муддатли ва депозит ҳисобваракларнинг хорижий ва бошқа миллий валютадаги турларини очиш учун банкка қуйидаги хужжатлар тақдим қилинади:

1) тадбиркорлик субъектлари томонидан ушбу Йўриқноманинг 9-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар;

2) тадбиркорлик субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар, жумладан, бюджет ташкилотлари томонидан — ушбу Йўриқноманинг 10-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар;

3) норезидентлар (жисмоний шахслар бундан мустасно) томонидан — ушбу Йўриқноманинг 13-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар;

4) резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан — ушбу Йўриқноманинг 14-бандида санаб ўтилган ҳужжатлар.

16. Мазкур банкда мижоз томонидан илгари очилган ҳисобварак мавжуд бўлса, факат ҳисобварак очиш тўғрисида ариза (жисмоний шахслар томонидан 5-сон иловада\* келтирилган шаклга мувофик, бошқа мижозлар томонидан 2-сон илова\* шаклига мувофик) тақдим килинади.

17. Ваколатли банкларда резидент ва норезидент жисмоний шахсларга аризада, кирим касса ордерида ҳамда омонат дафтарчада омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилмасдан, шунингдек, имзо намунаси расмийлаштирумай тақдим этувчига тўланадиган омонатлар бўйича хорижий валутадаги ҳисобвараклар очилиши мумкин. Бундай омонатни бериш омонат дафтарчаси тақдим килинганда амалга оширилади.

#### **IV. ССУДА ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ТАРТИБИ**

18. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган кредит бўлимининг ходими кредитнинг муддати ва фониз ставкасини кўрсатган ҳолда, мижоз учун ссуда ҳисобвараги очиш тўғрисида бухгалтерияга фармойиш беради.

19. Фармойишга асосан кейинги иш кунидан кечиктирилмасдан мижозга ссуда ҳисобвараги очилади.

#### **V. БАНКЛАРНИНГ ВАКИЛЛИК (ДЕПОЗИТ) ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ТАРТИБИ**

20. Банкларнинг вакиллик ҳисобвараклари қўйидагиларга бўлинади:

- резидент банклардаги вакиллик ҳисобвараклари;
- норезидент банклардаги вакиллик ҳисобвараклари;

в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурний захира ҳисобварағи;

г) банкларнинг бошқа депозит ҳисобварақлари.

21. Резидент тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳудудий бош бошқармаларининг ҳисоб-китоб марказида — миллий валютада ва бошқа ваколатли резидент банкларда — хорижий валютада вакиллик ҳисобварағини очадилар.

Янги ташкил этилаётган банк таъсис бадалларини йигиши учун исталган банкда вақтингчалик талаб қилингунча (маблағ йигиши учун) депозит ҳисобварағи очиши мумкин. Вақтингчалик ҳисобварақни очиш учун ваколатли шахс таъсисчилар номидан ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қиласди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкida рўйхатта олингандан ва банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия берилгандан кейин мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ вакиллик ҳисобварағи очиласди.

Вакиллик ҳисобварағи очилаётганда вакиллик муносабатлари тўғрисидаги шартнома тузилади.

22. Тижорат банки миллий валютада вакиллик ҳисобварағи очиш учун қуидагиларни тақдим қиласди:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза (2-сон илова\*);

б) солиқ тўловчининг идентификация раками берилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

в) банк операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;

г) статистика органлари томонидан берилган корхона ва ташкилотнинг Ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

д) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакча.

23. Тижорат банкининг филиали миллий валютада вакиллик ҳисобварағини очиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бош бошқармасига қуидагиларни тақдим қиласди:

а) ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза (2-сон илова\*);

б) бош банкнинг илтимосномаси;

в) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакча.

24. Резидент банкларга хорижий валютада вакиллик ҳисобварақлари хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш

учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Бош лицензияси бўлган ҳолдагина очилади.

25. Ваколатли резидент банклар хорижий валютада операцияларни амалга ошириш учун олган лицензияларида хорижий банкларда вакиллик ҳисобварақларини юритиш кўзда тутилган бўлса, шунингдес, тегишли давлат Марказий (Миллий) банкининг вакиллик муносабатларини белгилаб берувчи руҳсатномасига (ушбу руҳсатнома хорижий давлат қонуичилигига кўзда тутилган бўлса) эга бўлсалар, бошқа давлатларнинг банкларида вакиллик ҳисобварақлари очишлари мумкин.

Вакиллик муносабатлари ўрнатилгандан кейин банклар учун муддат ичидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига вакиллик ҳисобварағи очилганини ва ушбу ҳисобварақ бўйича операцияларни амалга ошириш шартлари (техник кредит бериш, ҳисобварақни сақлаш бўйича харажатлар ва воситачилик фонзи, вакиллик ҳисобварағидаги маблаглар қолдиғи лимитини белгилаш ва бошқалар) тўғрисида ахборот юборадилар.

26. Норезидент банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида вакиллик ҳисобварақларини очиш учун қуйидаги-лар тақдим қилинади:

- а) ихтиёрий шаклда ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;
- б) имзолар ва муҳр изи намуналари.

## **VI. ИМЗОЛАР НАМУНАЛАРИ ВА МУҲР ИЗИ ҚЎЙИЛГАН ВАРАҚЧА**

27. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча иккى нусхада тақдим қилинади. Варақчанинг бир нусхаси бухгалтерда, иккincinnisi эса пул чекларини расмийлаштирувчи назоратчида туради. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча нотарнал ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланади, тасдиқни талаб қилмайлигига давлат муассасалари ва норезидент банкларнинг имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари бундан мустасно.

Агар банк операция кисмларини жойлаштириш шартлари бўйича зарур бўлса, ушбу банкда биттадан кўн ҳисобварақга эга бўлган ҳисобварақ эгаларидан имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчанинг қўшимча нусхалари талаб қилинishi мумкин. Бунда қўшимча нусхалар банк бош бухгалтери ёки

унинг ўринбосари томонидан варакчанинг асосий нусхаси билан солиштиргандан кейин тасдиқланади. Варакчаларниң бундай нусхаларини кўшимча тасдиқлаш талаб қилинмайди. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакчаларда хисобварақлар-нинг ракамлари кўрсатилади.

28. Имзолар намуналари варакчасига юридик шахснинг раҳбари ва бош бухгалтери имзолари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахсларниң имзолари киритилади ва муҳр билан тасдиқланади.

Деҳкот хўжалиги раҳбари ва якка тартибдаги тадбиркор-нинг асосий муҳри бўлмаган ҳолда улар факат ўзларининг им-золари намуналарини тақдим қиласидилар.

29. Мижозлар имзоларни ўз кўллари билан қўйишлари шарт (факсимилс имзо муҳри қўйилиши мумкин эмас).

Биринчи имзо ҳуқуқи иккинчи имзо ҳуқуқига зга бўлган бош бухгалтер ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

30. Шахсларга вақтингча биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берилганда, шунингдек, раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бирортаси вақтингча ўзгарганда, янги варакча тузилмасдан, факат вақтингча ваколат берилган шахснинг имзо намунаси қўйилиб, амал қилиш муддати кўрсатилган кўшимча варакча тақдим қилинади. Ушбу вақтингчалик варакча раҳбар томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади ва уни кўшимча тасдиқлаш талаб қилинмайди.

31. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакчага ташкилотларга берилган асосий муҳр ёки юридик шахс филиалининг ёхуд ваколатхонасининг таркиби мухри изининги намунаси қўйилиши шарт. Махсус мақсадлар учун, масалан, «пакетлар учун», «руҳсатномалар учун» ва шу кабиларга мўлжалланган муҳрлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Янги тузилган ташкилотда, шунингдек, ташкилот қайта ташкил этилганлиги, номи ёки бўйсуниши ўзгарганлиги сабабли муҳр вақтингча йўқ бўлганда, эскиргандага ёки йўқолиб колганда банк раҳбари хисобварақ эгасига муҳр тайёрлатиш учун зарур бўлган муҳлатни беради. Бир вақтнинг ўзида у муҳр бўлмаган вақтда хисоб-китоб-пул хужжатларини расмийлантириш тартибини белгилайди, вазиятдан келиб чиккан ҳолда хужжатлар муҳр изисиз топширилишига рухсат беради. Бундай ҳолларда банк раҳбари ёки бош бухгалтери имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варакчага тегишли қайдларни киритади.

32. Юридик шахс — мижознинг почта манзили бўлиб, хисобва-  
рак очиш учун берилган аризада кўрсатилган жой хисобланади.

Юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатадиган деҳқон  
хўжаликлари ва якка турдаги тадбиркорларниң манзили  
бўлиб, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўгрисидаги гувоҳномада  
кўрсатилган жой хисобланади.

Жисмоний шахс — мижознинг манзили бўлиб шахсини та-  
сдиқловчи хужжатда кўрсатилган рўйхатдан ўттан жой хисоб-  
ланади.

Хисобварақ эгаси машзилининг ўзгарганлиги тўғрисида ўзи-  
нинг хисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка 10 кун муддат  
давомида ёзма хабар бериши шарт.

33. Муҳри ўзгарганда, варакчада кўрсатилган имзолардан  
биортаси алмаштирилганда ёки кўшилганда хисобварақ эгаси  
нотариал ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланган янги  
имзолар намуналари ва муҳр изи кўйилган варакчани тақ-  
дим қиласи, тасдиқни талаб қилмайдиган давлат муассасалари  
ва норсидент банкларниң имзолар намуналари ва муҳр изи  
кўйилган варакчалари бундан мустасно. Бекор қилинган имзо-  
лар намуналари ва муҳр изи кўйилган варакчалар мижознинг  
юридик йиғмажилдига тикилади.

## VII. МИЖОЗНИНГ ЮРИДИК ЙИҒМАЖИЛДИДА ЎЗГАРИШЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

34. Ўайта ташкил этилганда янги ташкил этилган юридик шах-  
сларга хисобварақлар ушбу Йўриқноманинг II бўлимида кўрсатилган  
тегишли хужокатлар тақдим қилиниши билан очилади.

Номи ўзгарган ҳолда мижоз банкка рўйхатдан ўтказувчи  
орган томонидан берилган номи ўзгарганлитини тасдиқловчи  
хужжатнинг нусхасини тақдим қиласи. Бунда бошқа хужжат-  
ларни талаб қилиш тақиқланади.

35. Юридик шахс тугатилаётганда унинг банк хисобварақлари  
тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади. Бундай ҳолда банк-  
ка тугатиш комиссиясининг амал қилиш муддати кўрсатилган  
корхонани тугатиш тўғрисидаги қарор ҳамда тугатиш комиссия-  
сининг имзолар намуналари қўйилиб тасдиқланган варакча тақ-  
дим қилинади. Варақча тугатиш комиссиясини ташкил қилган  
ташкилот томонидан ёки нотариал тасдиқланади.

## VIII. МИЖОЗНИНГ АСОСИЙ ҲИСОБВАРАФИНИ БОШҚА БАНККА ЎТКАЗИШ

36. Мижознинг асосий ҳисобварафини бошқа банкка ўтказиши унинг аризасига асосан ҳисобварағининг колдиги тасдиқланиши ва чек дафтарчалари қайтарилиши билан амалга оширилади. Бунда ушбу мижознинг иккиламчи ҳисобварақлари ёпилмайди.

Мижозни қабул қиласдан банк унинг аризасига асосан ўзида «Мижозларга тўланпishi лозим бўлган маблағлар ҳисоб-китоби» ички банк ҳисобварағини очади ва бу тўғрида мижозга хабар беради.

Асосий ҳисобварақни ёпаётган банк мижознинг фармойишига асосан унга асосий ҳисобварақ очаётган банкка унинг ҳисобварағи колдигини ўтказиши, шунингдек, рўйхат бўйича юридик йигмажилдини, картотекасидаги ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларини (почта, фельдъегер алокаси ёки курьер орқали) бериши керак.

Мижознинг барча ҳужжатлари олингандан кейин банк унга белгиланган тартибда, асосий талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварақ очади ва ушбу ҳисобварақка унга илгари очилган ички банк ҳисобварағидаги маблағлар қолдигини ўтказади.

Ҳисобварақ ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ахборотлар базасида 2 ой давомида сақланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ўтказилган ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот архивланади ва белгиланган тартибда сақланади, шу билан бир вактда ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот базадан ўчирилади.

Ўтказилган ҳисобварақ бўйича келиб тушган ҳисоб-китоб ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилгач, қўйидаги мазмундаги хабар билан жўнатувчига қайтарилади: «Ҳисобварақ ёпилди.

---

банкнинг  
филиалига  
мурожаат қилинг».

## IX. ҲИСОБВАРАҚ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛарНИ ТЎХТАТИШ ВА ҲИСОБВАРАҚНИ ЁПИШ

37. Ҳисобварақ бўйича операциялар факат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари суринтирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, конунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай холда пул маблағлари факат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади.

38. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи ёпилаётганда олдиндан у билан боғлик бўлган барча ҳисобварақлар ёпилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобварақни ёпиш мўлжалланаётгани тўғрисида солиқ ва божхона органларига хабар берилади. шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдидағи қарзлари тўғрисида маълумот сўралади. Банкка хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдида мажбуриятлари йўқлиги тўғрисидаги хабарнома (маълумотнома) тақдим қилингандан кейин мижознинг чек дафтарчasi фойдаланилган чекларнинг милклари билан қайтарилгани ва фойдаланилмаган чеклар рақамлари кўрсатилган аризасига асосан ҳисобварақни ёпин. кунида қолдик тасдиқланган ҳолда ҳисобварақ ёпилади.

39. Банк ҳисобварағи шартномаси ҳисобварақ эгасининг аризасига ёки банкнинг талабига кўра бескор қилилади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси суд орқали қуйидаги ҳолларда бескор қилиниши мумкин:

1) мижознинг ҳисобварағида сакланётгани пул маблағлари суммаси банк қондларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк томонидан бу ҳақда мижозни огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

2) банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддаг назарда тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар амалга оширилмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиги мижознинг тегишли ёзма аризаси олингандан кейин кечи билан етти кун ичida мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувоғик бошқа ҳисобварақга ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бескор қилиниши мижознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

40. Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик – уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширилмаган ҳолларда, дехқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно, банклар корхоналарнинг ҳисобварақларини ёпишлари ва ҳисобварақлар ёпилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида у ҳисобга қўйилган жойдаги солиқ хизмати организга ахборот бериллари лозим.

41. «Тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлари Банкларни тутатиш тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 11 февралда 626-сон билан рўйхатга олинган) асосан ёпилади.

### 3-§. Банк ҳисоб-китобининг шакллари ва уларнинг тавсифи

Тўлов топшириғи билан ҳисоб-китоб қилиш (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 792—795 маддасида) тижорат банклари амалиётида энг кўп учрайдиган ҳисоб-китоб шаклиdir.

Тўлов топшириқномаси билан ҳисоб-китоб қилинганида банк мижознинг топшириғига мувоғик унинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдор пул суммасини мижоз кўрсатган шахснинг шу ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига конун хужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисобварағи шартномасида қисқароқ муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади.

Тўлов топшириқномасида маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс банкдан тўловни амалта оширишни талаб қилиш хукукига эга бўлмайди, бундай хукуқ конунда ёки мижознинг банк билан тузган шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Мижоз томонидан берилган тўлов топшириғи ўз шакли ва мазмунига кўра қонун хужжатларида назарда тутилган талаб ҳамда шартларга мос келиши лозим.

Тўлов топшириқномасининг ҳамда у билан бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ва шакли банк қоидаларида белгилаб қўйилган талабларга мос келиши керак.

Мижознинг топшириғи унинг ҳисобварағида маблағлар бўлган тақдирдагина, агар мижоз билан банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ижрога қабул қилинади.

Мижознинг тўлов топшириқномасини қабул қилган банк тесишли пул суммасини топшириқномада кўрсатилган шахснинг ҳисобварағига ўтказиш учун уни маблағ олувчининг Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 792-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддатларда ўтказиши шарт.

Банк мижознинг топшириқномасида кўрсатилган ҳисобваракга пул маблағларини ўтказиш операцияларини бажариш учун бошқа банкларни жалб қилишига ҳакли.

Банк мижознинг талабига кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, топшириқнинг бажарилганилиги хақида унга дархол хабар бериши шарт.

Мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли даражада бажарилмаган тақдирда, банк бунинг учун олувчининг Ўзб-

кистон Фукаролик Кодекснинг 327-моддасига мувофиқ жавобгар бўлади.

Тўлов топшириқномаси бўйича ҳисоб-китоб операцияларни амалга оширишда иштирок этадиган банклар ушбу топшириқни берган шахс олдида солицар жавобгар бўладилар.

Аkkредитив бўйича ҳисоб-китоб қилиш. Akkredetiv – bank томонидан мижознинг топшириги бўйича унинг шериги (контрагенти) fойдасига шартнома асосида бериладиган пул мажбуриятидир. Унга кўра akkredetiv очган bank (bank-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс (бундан кейинги матнда – маблағларни олувчи) ҳужжатларни тақдим этган ва akkredetivda назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Akkredetiv бўйича ҳисоб-китоб қилинганида мижознинг (тўловчининг) топшириги билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ akkredetiv очган bank (bank-эмитент) маблағларни олувчи ёки унга берилиган кредитни bank эмитентининг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатта ижроchi bank ихтиёрига ўтиказиши шарт.

Копланган (депонентланган) akkredetiv очилган тақдирда bank-эмитент уни очиш вақтида мижознинг ўз маблағларини олувчи берилиган кредитни bank эмитентининг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатта ижроchi bank ихтиёрига ўтиказиши шарт.

Akkredetivni амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи билан олувчи ўртасидаги шартномада бслгилаб қўйилади.

Шартномадаянақуидагилар бўлиши керак: bank-эмитентнинг номи; akkredetivning тури ва уни бажариш усули; маблағларни олувчини akkredetiv очилганлиги ҳақиқидаги хабардор қилиш усули; akkredetiv бўйича маблағлар олиш учун олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи; товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилгандан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Маблаг олувчининг розилигисиз бекор қилиниши мумкин бўлмаган akkredetiv чакириб олинмайдиган akkredetiv дейилади.

Банк эмитентининг илтиносига биноан аккредетив бўйича операцияни ўтказишда иштирок этастган ижрочи банк чақириб олинмайдиган аккредетивни тасдиқлаши мумкин (тасдиқланган аккредетив). Бундай тасдиқлаш ижрочи банк банк-эмитентнинг мажбуриятига қўшимча суръатда аккредетив шартларига мувофиқ тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олганилигини билдиради.

Ижрочи банк томонидан тасдиқланган чақириб олинмайдиган аккредетив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аkkредетивни ижро этиш учун маблағ олувчи ижрочи банка аккредетивнинг ҳамма шартлари бажарилганлигини тасдиқладиган хужжатларни тақдим этади. Ушбу шартлардан бирортаси бузилган тақдирда аккредетив ҳисобидан пул тўланмайди.

Агар ижрочи банк аккредетив шартларига мувофиқ тўловни амалга оширган ёки бошқа операцияни бажарган бўлса, банк-эмитент унга қилинган харажатларни тўлаши шарт. Банк-эмитентнинг ушбу харажатлари. Шунингдек, аккредетивни бажариш билан боғлик бўлган ҳамма харажатларни мижоз томонидан қопланади.

Агар ижрочи банк ташқи аломатлари бўйича аккредетив шартларига мувофиқ келмайдиган хужжатларни қабул қилишдан бош тортса, у бу ҳакда дарҳол маблағ олувчига ва банк-эмитентга сабабларни кўрсатган ҳолда маълум қилиши керак.

Агар банк-эмитент ижрочи банк томонидан қабул қилинган хужжатларни олгач, уларни ташқи аломатларига кўра аккредетив шартларига мос келмайди деб ҳисобласа, уларни қабул қилишдан бош тортишга ҳамда ижрочи банкдан маблағ олувчига аккредетив шартларини бузган ҳолда тўланган суммани талаб қилишга, қопланмаган аккредетив бўйича эса тўланган суммани қоплашдан бош тортишга ҳақли бўлади.

Аkkредетив шартлари бузилганлиги учун мижоз олдида банк-эмитент, банк-эмитент олдида эса ижрочи банк жавобгар бўлади, ушбу мoddада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ижрочи банк қопланган ёки тасдиқланган аккредетив бўйича пул маблағларини тўлашдан асоссиз бош тортган тақдирда маблағларни олувчи олдиаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Ижрочи банк аккредетив шартларини бузиш оқибатида қопланган ёки тасдиқланган аккредетив бўйичапул маблағларини нотўғри берган тақдирда, мижоз олдиаги жавобгарлик ижрочи банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Аккредитив ижрочи банкда: аккредитив муддати тамом бўлгач; маблағ олувчининг аккредитивнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунича ундан фойдаланишдан воз кечини ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

пул тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман ҷақириб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай ҷақириб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёшилади.

Аккредитив ёшиланлиги ҳақида ижрочи банк банк эмитентни хабардор қилиши керак.

Депонентланган аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёшилиши билан бир вақтда банк эмитентга қайтариб берилishi керак. Банк-эмитент қайтариб берилган суммаларни тўловчининг маблағлар депонентланган ҳисобвараfiga киритиб қўйинши шарт.

**Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар.** Инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилинганида мижоз ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўлончидан тўловни па (ёки) тўлов акцептини мижоз ҳисобидан қабул қилиш ҳақида топшириқнома юборади.

Инкассо топширигини олган банк-эмитент уни бажариш учун бошқа банкни (ижрочи банкни) жалб қилишига ҳақли.

Инкассо бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби конун ҳужжатлари билан ва банк амалиётида кўлланиладиган иш муомаласи одатлари билан бошқарилади.

Мижознинг топшириги бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган тақдирда, банк-эмитент унинг олдида ушбу олувчининг Фуқаролик Кодекснинг 24-бобида назарда тутилган асосларга кўра ва миқдорда жавобгар бўлади.

Агар ижрочи банк томонидан ҳисоб-китоб операцияларни амалга ошириш қоидалари бузилганлиги муносабати билан мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган бўлса, мижоз олдидағи жавобгарлик ушбу банк зиммасига юклатилиши мумкин.

Бирон-бир ҳужжат бўлмаган ёки ҳужжатлар ташки аломатларига кўра инкассо топшириқномасига мос бўлмаган тақдирда ижро этувчи банк бу ҳақда дархол инкассо топшириқномасини берган шахсга хабар қилиши шарт. Мазкур камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, банк топшириқларни бажармасдан ҳужжатларни қайтариб юборишга ҳақли.

Ҳужжатлар қандай шаклда олинган бўлса, ўша шаклда тўловчига тақдим этилади, инкассо операциясини расмийлаштириш учун зарур бўлган банк белгилари ва ёзувлари бундан мустасно.

Агар хужжатлар олинниши биланоқ улар бўйича пул тўланиши шарт бўлса, ижрочи банк инкассо топшириқномасини олган заҳоти тўловга тақдим этиши шарт.

Агар хужжатлар бўйича пул бошқа муддатда тўланиши керак бўлса, ижрочи банк-тўловчининг акцептни олиш учун ҳужжатларни инкассо топшириқномасини олинниши биланоқ, дарҳол акцептга тақдим этиши керак, тўлов талаби эса хужжатда кўрсатилган тўлов муддати бошланадиган кундан кечнтиримасдан кўйилниши керак.

Кисман бажариладиган тўловлар банк коидаларида белгилаб қўйилган ҳолларда ёки инкассо топшириқномасида маҳсус рухсат бўлса қабул қилинниши мумкин.

Олинган (инкассоланган) суммалар ижрочи банк томонидан дарҳол банк-эмитент тассаруфига толширилиши, у эса бу суммаларни мижознинг ҳисобвараfiga киритиб қўйиши шарт. Ижрочи банк инкассо қилинган суммадан ўзига тегишли ҳақни ва харажатларни қоплашга кетадиган пулни ушлаб колишига ҳақли.

Агар тўлов ва (ёки) акцепт олинган бўлмаса, ижрочи банк пул тўланмаганлигининг ёки акцептдан бош тортилганлигининг сабаблари тўғрисида банк-эмитентни бош тортилганлигининг сабаблари тўғрисида банк-эмитентни дарҳол хабардор қилиши шарт. Банк-эмитент бу ҳақда дарҳол мижозга хабар бериши, ундан навбатдаги ҳаракатлар хусусида кўрсатмалар сўраши шарт.

Бундан кейинги ҳаракатлар тўғрисида банк қоидаларида белгиланган муддатда кўрсатмалар олинмаса, ижрочи банк ҳужжатларни инкассо топшириқномаси юборган банкка қайтаришга ҳақли.

Карздор (тўловчи)дан тўловни ёки акцептни олиш учун йўналтирилган ҳаракатларни инкассо операциялари деб номланади. Тўлов олувчининг инкассо толшириғи инкассо орқали ҳисоб-китоблар амалга оширилишига асос бўлади.

Инкассо тўловлари акцепт асосида, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда акцептсиз (низосиз) тартибда ҳам амалга оширилиши мумкин.

**Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш** (Ўзбекистон Фуқаролик Кодексининг 807 – 816-моддалари). Чек – моҳиятига кўра белгиланган шакл ва зарурий реквизитларига эга бўлган, мулкий ҳукуқни тасдиқловчи ҳужжатdir. Чек бўйича тўловлар чек тақдим этилганида ижро этилади.

Фуқаролик кодексининг чекларга оид қоидалари чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳақидаги 1931 йил Женевада имзоланган

ягона тусдаги (унификациялаштирилган) халқаро қонун талабларига мос келади.

Чек берувчининг чекда кўрсатилган суммани чек сакловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириги мавжуд бўлган қимматли қофоз чек дейилади.

Чек билан ҳисоб-китоб қилинганида факат чек берувчининг чек бериш йўли билан тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланастган банкгина чек бўйича пул тўловни қилиб кўрсатилиши мумкин.

Чекни тақдим этиш муддати ўтмагунича уни чақириб олишга йўл қўйилмайди.

Чекнинг берилиши – бажариш учун чек берилган пул мажбуриятини б скор қилмайди.

Тўлов муомаласида ческлардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ушбу Кодекс ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Чекда қўйидагилар бўлиши шарт: ҳужжат матнинг кири-тилган «чек» деган ном; муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топшириқ; тўловчининг номи ва тўлов қайси ҳисобварагдан амалга оширилиши кераклиги; тўлов валютаси; чек тузилган сана ва жой; чекни ёзиб берган шахснинг – чек берувчининг имзоси. Ҳужжатда мазкур реквизитлардан биронтаси-нинг бўлмаслиги чекни кучдан маҳрум қиласди. Тузилган жойи кўрсатилмаган чек чек берувчи турган жойда имзоланган деб ҳисобланади. Чекнинг шакли ва уни тўлдириш тартиби қонун ҳужжатлари билан белтиланади.

Чек бўйича пул чек берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланади. Чек қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатда тўловга тақдим этилган тақдирдагина у бўйича пул тўланади.

Чек бўйича тилхат билан бирга ўзига берилишини талаб қилишга ҳақли.

Чек бўйича ҳуқуқлар ушбу моддада назарда тутилган қоидларга риоя килган ҳолда бошқа шахсга берилади.

Эгасининг номи ёзилган чек бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Ўтказма чекда пул тўловчига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат кучига эга бўлади.

Тўловчи томонидан қилинган индоссамент ҳақиқий эмас. Агар индоссамент бўйича олинган ўтказма чекка эга бўлган шахс ўзининг ҳуқуқини узлуксиз (бир-бирини тақозо этувчи) индоссаментлар қатори билан асолаб берса, у ўтказма чекнинг қонуний эгаси деб ҳисобланади.

Чек бўйича тўлов кафолат (аваль) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин.

Авални тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин. Авал чекнинг олд томонига ёки қўшимча ва рақга «аваль деб хисоблансин» деган ёзув билан ва у ким томонидан ҳамда ким учун берилганини кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар аваль ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, аваль чек берувчи учун берилган хисобланади.

Аваль авалчи томонидан имзоланиб, унинг яшаш жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади.

Авалчи у авални ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади.

Агар авалчи кафолатланган мажбурият шаклга амал қилмасликдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади.

Чек бўйича пул тўлаган авалчи у кафолат берган шахсга нисбатан ҳам, бу шахе олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан ҳам чекдан келиб чиқадиган хукуқларни қўлга киритади.

Чек сақловчига хизмат қиласидиган банкка тўловни олиш учун чекни инкассога тақдим этиш тўловга тақдим этиш деб хисобланади.

Инкассоланган чек бўйича маблағларни чек сақловчининг хисобварағига киртиш, агар чек сақловчи билан банк ўтрасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўловчидан тўлов олинганидан кейин амалга оширилади.

Чек бўйича тўловчи чекнинг ҳақиқийлигига, шу жумладан, тақдим этувчи чек бўйича вакил қилинган шахс эканлигига ҳам имкониятидаги ҳамма усувлар билан ишонч ҳосил қилиши керак.

Инкассоланган чек бўйича пул тўланганида тўловчи индосантларнинг имзосини эмас, балки индосаментлар тўғрилигини текшириши шарт.

Соҳта, ўғирланган ёки йўқотиб қўйилган чек бўйича тўловчи пул тўлаши оқибатида қўрилган зарар кимнинг айби билан етказилганлигига қараб, тўловчининг ёки чек берувчининг зиммасига юклатилади.

Чек бўйича пул тўлашдан бош тортганлиги қўйидаги усувлардан бири билан тасдиqlаниши керак:

— нотариус томонидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириш; пул тўловчи чекка у бўйича пул тўлашдан бош тортганлиги ҳақида белги қўйилиб, чек ҳақ тўлаш учун тақдим этилган санани кўрсатиш;

— инкассо қилувчи банкнинг чек ўз вақтида тақдим этилганлиги ва у бўйича пул тўланмаганлиги ҳақида, санасини кўрсатган ҳолда белги қўйиши.

Норозилик ёки шу каби ҳаракат чекни ҳақ тўлаш учун тақдим этиш муддати тугагунача амалга оширилиши керак.

Агар чек муддатнинг охирги кунида тақдим этилган бўлса, норозилик ёки шу каби ҳаракат кейинги иш кунида амалга оширилиши мумкин.

Чек сақловчи пул тўланмаганлиги ҳақида норозилик билдириган ёки шу каби ҳаракат амалга оширилган кундан кейинги икки иш куни мобайнида ўз индоссантига ва чек берувчига хабар килиши шарт.

Ҳар бир индоссант билдириш олган кундан кейинги икки иш куни ичида ўзи олган билдириш ҳақида ўзининг (олдинги) индоссантига хабар бериши шарт, ўша шахс учун аваль берган шахсга ҳам шу муддатда хабар юборилади. Кўрсатилган муддат давомида хабар юбормаган шахс чек бўйича ўз ҳуқуқларидан маҳрум бўлмайди. У чек бўйича пул тўланмаганлигини хабар қилмагани туфайли келтирилган зарарнинг ўрнини чек суммаси доирасида қоплаши шарт.

Тўловчи чек бўйича пул тўлашдан бош тортган ва бу ҳол Ўзбекистон Фуқаролик кодекснинг 814-моддасига мувофиқ тасдиқланганида чек сақловчи ўз хоҳишига кўра чек бўйича мажбуриятли бўлган битта, бир неча ёки барча шахсларга (чек берувчи, авалчилар, индоссантларга) нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, улар чек сақловчи олдида солидар жавобгар бўладилар.

Чек сақловчи мазкур шахслардан чек суммасини, чек бўйича пул олишга қилган ўз чиқимларини, шунингдек, фоизларни ушбу Кодекс 327-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуқка чек бўйича пул тўлаши шарт бўлган шахс ҳам чек бўйича пул тўлаганидан кейин эга бўлади.

Чек сақловчининг ушбу мудданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан даъвоси чекни ҳақ тўлашга тақдим этиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан олти ой мобайнида қўзғатилиши мумкин. Мажбуриятли шахсларнинг бир-бирларига нисбатан даъволари бўйича регресс талаблари тегишли мажбуриятли шахс талабни қондирган кундан ёки унга даъво қўзғатилган кундан бошлаб олти ой ўтгач қопланади.

**Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш.** Пластик карточка шахси белгиланган тўлов воситаси бўлиб, уни чиқарган банк томонидан карточка эгасининг тегишли маблағи банк-

да сақланастганлиги ва товарлар, хизматлар, ишлар учун ушбу ҳисобдан карточка орқали тўловни амалга ошириш мумкинлигиги ни тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Пластик карточкада эмитент банк логотипи, номи ва бошқа идентификациялаш белгилари кўрсатиб қўйилмоғи лозим.

Пластик карточкалар жисмоний ва юридик шахслар, якка тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлардаги ҳисоб-китобларда қўлланилади. Пластик карточкалар орқали банк хизмати кўрсатиш карточка эгаси ва банк муассасаси ўртасида тузилган, унинг тарафлари, шартнома предмети, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарликлари, ҳисоб-китобни амалга ошириш шартлари, шартноманинг амал қилиш шарти ва муддати, низоларни ҳал этилиш тартиби, томонларнинг юридик манзили кўрсатилган шартнома асосида амалга оширилади.

Пластик карточкалар таалуқлилигига кўра:

а) шахсий; б) оиласвий; в) корпоратив бўлиши мумкин.

Амал қилиш режимига кўра пластик карточкалар:

а) дебет карточкалар; б) кредит карточкалар; в) электрон ҳамёнга бўлинади.

Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш ҳисоб-китобларнинг замонавий ва қулай шакли сифатида қўллаб-куватланмоқда. Вазирлар Маъқамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорида<sup>5</sup> пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишни кенг йўлга қўйиш, унинг учун зарур ташкилий, моддий-техникавий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши лозимлиги таъкидланган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

### ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АСОСИДА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮГРИСИДА

Пластик карточкалар асосида накд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириши рафбатлантириш, улардан чакана савдо, коммунал хизматларга ва хизматларнинг бошқа турларига ҳақ тўлашда фойдаланиш, шунингдек, пул маблагларининг банкдан ташқари аланишини кисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва Республика тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиқилган 1-иловага мувофиқ 2006 йил охиригача тижорат банклари томонидан пластик карточкалардан фойдаланган холда ҳисоб-китоб қилиш тармогини кенгайтиришнинг прогноз жадвали маъкуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Банклар уюшмаси уч ой муддатда Банклараро процессинг маркази негизида савдо ва хизматлар соҳаси ташкилоти ёхуд пластик карточка эгасига қайси банкда хизмат кўрсатилишидан қатъи назар барча савдо шохобчаларида банк операцияларини ягона режимда амалга ошириш имконини берувчи Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузуридаги ягона умумреспублика процессинг марказини ташкил этсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Конграши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларли манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар ва тижорат банклари билан биргаликда 2-иловага мувофиқ чакана савдо ва хизматлар соҳаси объектларини, автомобиль ёнилғиси қўйиш шохобчаларини ва аҳолидан накд пул қабул қилиш бошқа пунктларини тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар билан:

Тошкент шаҳрида — 2005 йил 1 январгача;

вилоят марказлари ва вилоята бўйсунувчи шаҳарларда 2005 йил 1 июлгача таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинглар. Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2004йил ва 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишида ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдикловчи улартга тенглаштирилган бошқа хужжатларга тенглаштирилади.

5. Чакана савдо корхоналарига юридик шахсларнинг корпоратив пластик карточкалари бўйича товарларни ойлик товар айланиши ҳажмида сотувлар улуши чекланмаган ҳолда сотишига рухсат берилсан.

6. Пластик карточкаларнинг эмитентлари бўлган тижорат банклари:

2005 йил 1 январгача барча филиаллар, минибанклар ва жамғарма кассаларида тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар ўрнатсинлар;

айланма маблағлар тақчиллигига дуч келаётган чакана савдо ва хизматлар соҳаси ташкилотларининг тўловларни пластик карточкалар билан қабул қилиш бўйича терминаллар сотиб олиши учун ўз мижозларининг сўровлари бўйича имтиёзли кредитлар берсинлар (Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи ставкаси бўйича);

терминал тармоғининг узлуксиз ишлаши ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ўз мижозларига кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Тижорат банклари ва ягона умумレスпублика процессинг маркази:

банкоматлар, терминаллар, коммутация ускуналари ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналардан, шунингдек, дастурий таъминот сифатидаги мол-мулкдан 2005 йил 1 январдан бошлаб З йил муддатга мулк солиғи тўлашдан;

пластик карточкалар, сарфланадиган материаллар, график ва электрон шахслаштириш қурилмалари, терминаллар, банкоматлар ва пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа асбоб-ускуналарни импорт қилишда 2007 йил 1 январгача божхона тўловлари тўлашдан (божхонада расмийлаштириш йигимларидан ташқари) озод қилинсин.

Тижорат банклари ва ягона умумレスпублика процессинг маркази томонидан тўловларни пластик карточкалар бўйича амалга ошириш учун фойдаланиладиган мол-мулкдан солик тўлаш бўйича имтиёзларни кўллаш тартиби тўғрисидаги низом З-ило-вага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва Ўзбекистон Банклар уюшмаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида республикада ўз материаллари негизида микрочиплари бўлган пластик карточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш бўйича кўшма корхона ташкил этиш юзасидан 2004 йил охиригача Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

9. Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Тошкент шаҳрида, вилоят марказларида ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда жойлашган, савдо майдони 150 квадрат метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шоҳобчаларига чакана савдони амалга ошириш учун руҳсат берувчи гувоҳномалар беришда уларда тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш имконини берувчи терминаллар мавжуд бўлишини назарда тутсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда: амалдаги конун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг меъёрий хужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

Юқоридаги қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2004йил 20 февралдаги 4/20-сонли қарорга кўра «Тижорат банклари томонидан банк карточкаларини чиқариш ва уларнинг Ўзбекистон Республикасида муоммала бўлиш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Мазкур «Низом» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан давлат рўйхатига олинган. Ўзбекистон Республикаси конунлари тўплами 2004 йил, №17, 203-модда.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг  
2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли Қарори билан  
тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз  
ҳисоб-китоблар тўғрисида НИЗОМ (ииги таҳрири)**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Хўжалик субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги, «Суд актлари ва бошқа органларнинг актларини ижроси тўғрисида»ги Конуилари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўтказиш тартибини белгилайди.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадиган, Ўзбекистон Республикасининг барча юридик ва жисмоний шахсларга (кейинчалик – «мижозларга») – резидентлари ва норсэйдентларига тааллукладирилар:

2. Ўзбекистон Республикасининг банклари нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг кўйидаги шаклларини ташкил қиладилар ва амалга оширадилар:

- 1) тўлов топширикномалари билан ҳисоб-китоблар;
- 2) аккредитивлар билан ҳисоб-китоблар;
- 3) инкассо бўйича ҳисоб-китоблар;
- 4) чеклар билан ҳисоб-китоблар.

Юқорида кўрсатилган шакллар бўйича нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қўйидаги пул-ҳисоб-китоб хужжатларидан фойдаланиллади:

- 1) мемориал ордер;
- 2) тўлов топширикномаси;
- 3) тўлон талабномаси;
- 4) инкассо топширикномаси;
- 1 – 7-иловалар берилмайди.
- 5) аккредитивга ариза;
- 6) тижорат банкининг ҳисоб-китоб чески.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, шунингдек, пластик карточкадан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва пул-

ҳисоб-китоб ҳужжатларининг аниқ шакли тузилган шартнома (битетм)га мувофиқ мустасиқларни берадиганади.

3. Банк мижознинг счётига тушган пул воситаларини ҳисобга олишига, тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган кундан кейинги кундан кечикмасдан мижознинг талабига биноан унинг счётидан беришга ёки счётига ўтказишга, агар банк счётининг шартномасида бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса.

4. Маблағлар олувчиликнинг розилиги мавжуд бўлганидан қатъий назар, маблағлар олувчиликнинг талаб қилиб олинадиган депозит счётини четлаб ўтган ҳолда мижознинг топшириғи бўйича учинчи шахслар томонидан тўловларни амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

5. Маблағлар олувчининг счётига ўтказиш, ушбу маблағларни тўловчининг счётидан ҳисобдан чиқарилигандан сўнг амалга оширилади, ҳисоб-китоблар ҳисоб-китоб ческлари, шунингдек, мазкур Низомнинг 96-бандида кўзда тутилган ҳолларда пластик карточкаларда амалга оширилган ҳоллар бундан мустасно.

6. Тақдим қилинган барча талабларни кондириш учун мижознинг счётида етарли микдорда пул воситалари йўқ бўлган ҳолларда, маблағларни ҳисобдан чиқариш «Хўжалик субъектларининг банкдаги счётидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўрикнома»га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатта олинган) мувофиқ навбати бўйича тартибда амалга оширилади.

7. Маблағларни тўловчилар ва олувчилар ўртасидаги ўзаро даъволар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда томонлар тарафидан кўриб чиқилади.

Банклар, шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаганилиги ёки керакли тарэза бажарилмаган ҳолатларда каэрзор кредиторга тўлаши мажбур бўлган пенини ҳисоблаш ва ундириш бўйича жавобгар эмаслар.

8. Банк томонидан бажарилган ҳисоб-китоб операциялари бўйича даъволар, мижоз томонидан сабабини аниқлаш учун хизмат кўрсатувчи банкка юборилади.

Банк ва унинг мижозлари ўртасидаги низолар банкдаги счёtlар бўйича тузилган шартномаларга мувофиқ биргаликда счилади. Юзага келган низоларни ўзаро келишув йўли билан счиш имконияти бўлмаса, улар суд орқали счилади.

9. Банклар мижозлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширганда ва ўз операцияларини ўтказганда мемориал ордерлар ва тўлов топширикномаларидан фойдаланишлари мумкин.

10. Ўзбекистон Республикаси худудида банклар ўртасидағи ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг Ҳисоб-китоблар марказида очилган корреспондент счёtlари, электрон тўловлар тузиш орқали миллий валютада амалга оширилади. Банклардаги ҳисоб-китоблар бўйича электрон ҳужжат-айланиш «Электрон тизими бўйича Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида ҳисоб-китобларни юритиш тўғрисидаги Низом»га (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 19 февралда 1010-сон билан рўйхатта олинган) ва мазкур Низомга мувофиқ ташкил қилинади.

## **II. ПУЛ-ҲИСОБ-КИТОБ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

11. Пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари мажбурий тартибда куйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- а) ҳужжатнинг тартиб рақамини;
- б) «KK.OO.ЙИЙ» шакли бўйича ҳужжатнинг санаси, бунда «KK» - кун, «OO» - ой, «ЙИЙ» - йил;
- в) тўловчининг номи;
- г) тўловчи счётининг тартиб рақами;
- д) солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) (чекдан ташқари);
- е) тўловчи банкининг номи;
- ж) тўловчи банкининг коди;
- з) олувчининг номи;
- и) олувчи счётнинг тартиб рақами;
- к) олувчи банкининг номи;
- л) олувчи банкининг коди;
- м) тўловнинг суммасини ракамлар ва ёзувларда кўрсатиш;
- н) тўловнинг детали / мақсади (чекларда кўрсатилмайди).

Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки қўшимча равища қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- а) чекнинг серияси ва тартиб рақамини;
- б) жисмоний шахс паспортининг (ёки унга тенглаштирилган ҳужжатнинг) серияси ва тартиб рақамини;
- в) «KK.OO.ЙИЙ» шакли бўйича чекнинг ҳақиқий бўлганлик санаси, бунда «KK» – кун, «OO» – ой, «ЙИЙ» – йил.

Аkkредитивга ариза қўшимча равища қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- а) аккредитивни амал қилиш муддати;

- б) аккредитив очиластган шартноманинг тартиб рақами ва санаси;
- в) буюртманинг тартиб рақами;
- г) буюртма берилган сана;
- д) стказиб бериластган товарни, бажариластган ишни ёки кўрсатиластган хизматининг номи;
- е) аккредитив бўйича тўловларни амалга оширишда асос бўлган ҳужжатнинг тури;
- ж) қўшимча шартлар.

12. Пул-хисоб-китоб ҳужжатларини тўлдиришда маблағлар тўловчиларнинг, агарда улар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада қайд этилган бўлсалар, қисқартирилган номларидан фойдаланилганга йўл кўйилади.

Пул-хисоб-китоб ҳужжатлари банк учун, шунингдек, хисоб-китобларда иштирок этувчи томонларга керак бўлган нусхалар сонида техник воситалардан фойдаланилган ҳолда тўлдирилади.

Тижорат банкининг хисоб-китоб чеклари қўлда сиёҳ билан (бинафша, кўк ва қора рангларда) ёки техник воситалардан фойдаланилган ҳолда тўлдирилади.

Пул-хисоб-китоб ҳужжатларини бўяш, чизип ва тузатишга йўл қўйилмайди.

13. Пул-хисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижро учун қабул қилинади:

а) юридик шахслардан – биринчи нусхада (асл нусхада) карточкада кўрсатилган имзолар намунаси ва асосий муҳрнинг изига мувофиқ мансабдор шахсларнинг (раҳбарлик вазифалари) амалга оширадиган шахснинг ҳамда бухгалтерия хисоби ва молиявий бошқариши вазифаларини амалга оширадиган шахснинг) имзоси мавжуд бўлганда; (ЎзР АВ 23.06.2004 й. 1122-1-сон билан рўйхатга олингани ЎзР МББ Карори таҳриридаги кичик банд);

б) юридик шахс ташкил қилмасдан турли десқон хўжалиги ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилардан – карточкада кўрсатилган имзолар намунасида биттаси ва асосий муҳрнинг изиги мавжуд бўлганда. Агар муҳр қўйилмаган бўлса, у ҳолда пул-хисоб-китоб ҳужжати муҳр изисиз қабул қилишга руҳсат берилади.

Имзолар ўз қўли билан қўйилиши шарт. Барча пул-хисоб-китоб ҳужжатларида имзо изи туширилган факсимилни қўйиш тақиқланади.

14. Мижозлардан пул-хисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш, шартномада бошқаси кўзда тутилмаган бўлса, бутун опе-

рацион кун давомида банкнинг мижозлар билан ишлаш вақтидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади.

15. Мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит счётидан маблағларни хисобдан чиқариш хизмат кўрсатувчи банкда факат пул-хисоб-китоб ҳужжатларининг биринчи нусхаси, «Банк-мижоз» тизимидан фойдаланувчилардан электрон алоқа орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузишган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

16. Мижознинг счётига маблағларни кирим қилиш банкларда дастурий йўл билан электрон тўловлар тизими орқали келиб тушадиган электрон тўлов ҳужжатлари. тижорат банкининг хисоб-китоб ческининг асл нусхаси асосида, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузишган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

17. Пул-хисоб-китоб ҳужжатларининг барча нусхалари, шунингдек, маблағларни кирим қилиш ёки хисобдан чиқариш амалга ошириладиган пул-хисоб-китоб ҳужжатларининг электрон нусхалари мижознинг талаб қилиб олинадиган депозит счётига хизмат кўрсатувчи бухгалтер томонидан имзоланади ва тўлашга кабул қилиш ва тўлаш саналари кўрсатилган ҳолда унга бириктирилган банк штампи билан тасдиқланishi шарт.

### **III. МЕМОРИАЛ ОРДЕРЛАР БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАР**

18. Банк тўловчи бўлиб чиқсан ва мемориал ордерлар ишлатилган ҳолларда, улар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади, бошқа ҳолатларда мемориал ордерлар ушбу банк счётини олиб борувчи бош бухгалтер ва бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Мемориал ордерлар билан содир этилаётган операцияларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик банкнинг раҳбарига ва бош бухгалтери зиёдасига юклатилади.

19. Банклар мемориал ордерлардан фуқароларнинг олиб бораётган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда, сўзма топшириқномалари бўйича нақд пулсиз пул маблағларини ўтказишни амалга оширишда фойдаланишлари мумкин.

Бунда, топшириқнома бўйича тўлаш амалга оширилгандан сўнг мемориал ордер билан бирга банкнинг кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.

#### **IV. ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

20. Тўлов топшириқномаси — мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз счётидан олувчининг счётига маълум бир суммани ўтказиш тўғрисидаги топшириғини англатади.

21. Тўлов топшириқномалари билан товарлар, ишлар, ҳужжатлар учун ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин.

Тўлов топшириқномаси банк томонидан мижознинг депозит счётида маблағлар мавжуд бўлгандағина қабул қилинади, агарда банк счёти бўйича шартномада бошқаси кўзда тутилмаган бўлса.

22. Тўлов топшириқномасининг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган ҳолда тўлов топшириқномаси ижро учун қабул қилинмайди (бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларига тўловлар бундан мустасно).

23. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги орқали (пенсиялар, алимсентлар ва х.к.) маблағларни тўлов топшириқномалари орқали ўтказишида, илова қилиниши лозим бўлган барча ҳужжатларни (маълумотномалар, ўтказмалар рўйхати ва бошқалари) мижоз бевосита Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхоналарига тақдим этади.

24. Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар счётидаги маблағлардан фойдаланиш «Хўжалик субъектларининг банқдаги счёtlаридан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома»га мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.

Тўлов топшириқномасининг «Тўлов деталлари / мақсади» устунида «Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобидан» деб кўрсатилади.

25. Тўлов топшириқномалари банкка қўйидаги тартибда тақдим қилинади:

1) тўловчи ва олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, топшириқномалар уч нусхада:

а) биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

б) иккинчи нусхаси эса маблағ олувчининг шахсий счётидан олинган кўчирмага илова қилинади;

в) учинчи нусха тўловчининг шахсий счётидан олинган кўчирмага илова қилинади;

2) тўловчи ва олувчига турли хил банкларда хизмат кўрсатилса, топшириқномалар икки нусхада:

а) биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан кейин банкнинг кунлик хужжатлар йиғмасига тикилади;

б) иккинчи нусхаси эса маблағ олувчининг шахсий счётидан олинган кўчирмага илова қилинади.

26. «Банк-Мижоз» тизимидан фойдаланадиган мижозлардан алоқа канали орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари дастурий назоратдан ўтказилади, зарурат туғилганда қоғозга чиқарилади ва тегишли текширувдан сўнг узатилади. Тўловлар амалга оширилгандан сўнг мижозлардан олинган электрон топшириқномалар икки нусхада қоғозга чиқарилади:

а) бир нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йиғмасига тикилади;

б) иккинчи нусхаси пул-хисоб-китоб хужжатларининг асл нусхаси олингунга қадар таққослаш учун банкда қолдирилади, таққослангандан сўнг белгиланган тартибда банкнинг кунлик хужжатлар йиғмасига тикилади.

27. Электрон тўловлар тизими орқали олинган электрон тўлов топшириқномалари маблағларни олувчи банкда икки нусхада қоғозга чиқарилади.

а) бир нусхаси банкнинг кунлик хужжатлар йиғмасига тикилади;

б) иккинчи нусха эса маблағ олувчининг шахсий счётидан олинган кўчирмага илова қилинади.

## V. ТЎЛОВ ТАЛАБНОМАЛАРИ БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАР

28. Тўлов талабномаси (кейинчалик матнда — «талабнома») ўзида маблағ олувчини тўловчи томонидан банк орқали маълум бир суммани тўлаш тўғрисидаги талаби акс эттирилган пул-хисоб-китоб хужжатидир.

29. Талабнома юклаб жўнатилган товарлар учун, бажарилган ишлар учун, кўрсатилган хизматлар учун, шунингдек, томонлар томонидан тузилган шартномада кўзда тутилган бошқа тўловлар бўйича қўйилиши мумкин.

30. Талабнома акцептланган ва акцептланмаган бўлади. Акцепт билан тўланган талабномалар тўлов суммасини тўловчи томонидан акцепт (тан олишни) талаб киласди.

31. Талабнома мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатилган маълумотлардан иборат бўлиши керак. Бундан ташқари маҳсулот

етказиб берувчи «Тўлов десталлари / мақсади» устунида қўйида-гиларни кўрсатиб ўтиши шарт:

- а) шартнома санаси ва тартиб рақамини;
- б) контрактация шартномалари бўйича маҳсулот етказиб бе-ришда «контрактация шартномаси» деб кўрсатиш керак;

в) маҳсулотни юклаб жўнатиш (бериш) санасини ва товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлар рақамини ва транспорт турини, товарларни Почта ва телекоммуникация агентлиги орқали жўнатганда эса — почта квитанцияларининг рақамини;

г) маҳсулот сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилганда «Сотиб олувчининг транспорти билан олиб чиқиб кетилган, - сонли ишонч хати» кўрсатилади;

д) қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ресвизитларни.

32. Маблаг олувчи битта операция бўйича, такroran талабнома тақдим қилиш ҳуқуқига эга эмас, дастлабки талабнома тўловчининг банкига келиб тушмаганлиги тўғрисида билдиришнома мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

33. Талабнома ресстр билан бирга маблаг олувчи томонидан унга хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади. Бунда, ресстр 7-иловага биноан шаклда, икки нусхада тузилади. Ресстрнинг биринчи нусхаси корхона (ташқилотнинг) раҳбари ва боян бухгалтери томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Ресстрнинг биринчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда, бухгалтер имзоси ва ушбу бухгалтерга бириктириб қўйилган банкнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда маблаг олувчининг банкida қолади.

Ресстрнинг иккинчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда бухгалтернинг имзоси ва ушбу бухгалтерга бириктириб қўйилган банкнинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда маблаг олувчига қайтарилади.

34. Акцент билан тўланадиган талабнома:

1) агар тўловчи па маблаг олувчига бир банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада тақдим этилади.

Биринчи ва иккинчи нусхалар тўловни кутиб банкда қолади. Талабноманинг учинчи нусхасини банк, келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктирмай, ҳужжатни қабул қилиш санасини кўрсатган ҳолда, акцент учун тўловчига топширади. Акцент ва тўловдан кейин:

а) талабноманинг биринчи нусхаси банкнинг кун ҳужжатла-рига тикилади;

6) талабноманинг иккинчи нусхаси маблаг олувчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади;

2) агар олувчи ва тўловчига турли банкларда хизмат кўрсатилса, уч нусхада тақдим этилади:

талабномаларнинг барчанусхалари почта орқали тўловчининг банкига жўнатилади, бу ерда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалар тўловни кутиб банкда қолади;

б) учинчи нусха кейинги иш кунидан кесчикирмай ҳужжатни қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда акцепт учун тўловчига топширилади;

3) тўловчи белгиланган муддатда талабномани банкка раҳбар (якка тартибдаги тадбиркор) имзоси билан, юқоридаги чап бурчакка акцепт тўғрисида белги кўйиб қайтариши керак. Тўловчи томонидан акцепт учун белгиланган муддатда ўзининг розилиги ёки тўловдан тўлалигича ёхуд қисман бош тортиши тўғрисида мъалум қилинмаган тақдирда талабнома банк томонидан умумий тартибда акцептланади, бунда тўловдан кейин:

а) биринчи нусха банкнинг кун ҳужжатларига тикилади;

б) иккинчи нусха тўловчига шахсий ҳисобваракдан кўчирма билан топширилади.

Тўловчи томонидан тўлов талабномасининг акцептланиши фақат мазкур банднинг З-кичик бандида белгиланган тартибда амалга оширилади. Акцептни бошқа усуллар билан расмийлаштиришга (дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномасининг, бажарилган ишлар (хизматлар) тўғрисидаги далолатноманинг тўлов топшириқномасига илова ва ҳоказо) йўл кўйилмайди.

35. Акцептсиз тўланадиган талабнома қўйидагicha тақдим қилинади:

1) тўловчи ва маблагларни олувчига битта банкда хизмат кўрсатилса, уч нусхада, бунда, тўлов тўлангандан сўнг:

а) талабноманинг биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб кўйилади;

б) талабноманинг иккинчи нусхаси тўловчининг шахсий счётидан олинган кўчирмага илова қилинади;

в) талабноманинг учинчи нусхаси маблаг олувчининг шахсий счётидан олинган кўчирмага илова қилинади;

2) тўловчи ва маблагларни олувчига турли хил банкларда хизмат кўрсатилса, икки нусхада.

Талабноманинг барча нусхалари почта орқали тўловчининг банкига юборилади, унда тўлов тўлангандан сўнг:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлари йигмасига тикиб қўйилади;

б) иккинчи нусхаси шахсий счтдан кўчирма билан бирга тўловчига берилади.

иссиқлик энергияси учун хисоб-китоблар қилинган ҳолларда талабноманинг икки нусхаси ва берилган иссиқлик энергияси учун счт-фактура истемолчига хизмат кўрсатувчи банкка бевосита стказиб берувчи томонидан қўйилади, унда тўлов тўлангандан сўнг:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб қўйилади;

б) иккинчи нусхаси шахсий счтдан ва счт-фактурадан кўчирма билан тўловчига (истемолчига) берилади.

36. Электрон тўловлар тизими орқали маблағ олувчининг банкида тўланган талабнома икки нусхада кўпайтирилади:

1) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб қўйилади;

2) иккинчи нусхаси маблағ олувчининг шахсий счтидан олинган кўчирмага илова қилинади.

37. Тўловчининг депозит счтида маблағлар йўқ бўлганда талабнома «Муддатида тўланмаган хисоб-китоб ҳужжатлари» (2-сонли картотека) иомли счтга жойлаштирилади ва ушбу ҳакда олувчининг банкига уч кун мобайнида маълум қилинади ва конун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда маблағларни келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Тўловчининг депозит счтида старли маблағлар бўлмаса, у ҳолда банк талабномага қисман ҳақ тўлайди. Талабноманинг колган суммаси 2-сонли картотекага жойлаштирилади, бунда талабноманинг орқасида қисман тўланган сумма кўрсатилади.

38. Акцепт билан тўланадиган талабномалар:

Акцепт билан тўланадиган талабноманинг нусхаси, банкка келиб тушган кундан кейинги кундан кечиктиримай, тўловчининг вакилига «Тўлов муддатини кутастган хисоб-китоб ҳужжатлари» журналида имзо чекдириб, топширилади ва шундан сўнг «Тўлов муддатини кутастган хисоб-китоб ҳужжатлари» (1-сон картотека) хисоб рақамларига жойлаштирилади.

Тўлов топшириқномасини тўловчининг вакилига мижознинг келмаганилиги сабабли имзо чекдириб топшириш мумкин бўлмаганда банк 10 иш куни тугаганидан кейин тўлов топшириқномасини олувчининг банкига ижро этмасдан, чандаги юкори бурчакда «Мижознинг келмаганилиги сабабли ижро этилмаган» деган сўзни қайд этган ҳолда қайтариб юбо-

ришга ҳақлидир. Бунда, агар мазкур даврда ушбу банкдаги тўловчининг ҳисоб рақамлари бўйича унинг топшириғига кўра маблағларни ҳисобдан чиқариш операциялари (шу жумладан, нақд пул бериш йўли билан) амалга оширилган бўлса, маблаг олувчи тўловчининг банкидан Ҳисоб рақамларини очиш бўйича белгиланган талабларни, маблагларни кирим қилиш ва мижозларниң ҳисоб рақамларидан ҳисобдан чиқариш, иш ҳақига ва қонуни ҳужжатларида назарда тутилган бошқа эҳтиёжларга нақд пул бериш тартибини бузганлиги учун тијкорат банкларига нисбатан жарима жазосини кўллаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1044, 2001 йил 30 июнь) мувофиқ жарима ундиришга ҳақли.

Тўловчининг банки томонидан талабнома акцептининг қўйидаги муддати белгиланади:

- а) акцепт учун талабнома топширилганидан кейинги кундан бошлаб уч иш куни – бир шаҳардаги мижозлар учун;
- б) акцепт учун талабнома топширилганидан кейинги кундан бошлаб беш иш куни – бошқа шаҳардаги мижозлар учун;
- в) акцепт учун талабнома топширилган кундан кейинги кундан бошлаб 10 кунгача – тўловчининг асосли илтимосномаси бўйича.

Тўловчи белгиланган муддатда унга хизмат кўрсатадиган банк акцептдан қисман ёки тўлиқ воз кечишин тўғрисида ёзма ариза топшириш ҳуқуқига эгадир.

Акцептдан тўлиқ ёки қисман воз кечилган тақдирда тўловчи банкка имзо намуналари карточкасида кўрсатилган шахслар имзоси билан воз кечиши сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма воз кечишини тақдим этиши керак. Банклар воз кечишининг асосланганлигини (воз кечиши сабабларини), шунингдек, воз кечиши асосларинга доир низоларни кўриб чиқмайди.

Агар белгиланган муддатда тўловчи акцептдан ёзма воз кечишини тақдим этмаса, талабнома акцептланган деб ҳисобланади.

Тўлиқ акцептдан ёзма воз кечиши (воз кечиши сабаблари кўрсатилган ҳолда) олинганда талабнома ўша куни ёки 1-сон картотекадан олинади ва ёзма воз кечишининг кўчирма нусхаси билан биргаликда ижро этилмасдан олувчининг банкига почта орқали қайтарилади. Акцептдан қисман воз кечилганида талабнома тўловчи томонидан акцептланган суммада тўланади, маблаг бўлмагандан эса 2-сон картотекага жойлаштирилади. Талабноманинг дастлабки суммаси доира қилиб ўраб қўйилади ва ёзма-ён тўловчи томонидан акцептланган сумма қўйилади. Бунда банк маблаг олувчининг банкини тўловчи томонидан ак-

цептдан қисман воз кечилиши түғрисида сұма равишдә хабардор қилиши шарт. (ҮзР АВ 23.06.2004 й. 1122-1-сон билан рүйхатта олинган ҮзР МББ Қарори таҳриридаги банд), (Олдинги таҳририга қаранг).

### 39. Акцептсиз тұланадиган талабномалар:

Күйидеги ҳолларда тұловчиларнинг ҳисоб рақамларидан маблағтарни акцептсиз ҳисобдан чиқариш амалға оширилади:

а) иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китобларда. Бу ҳолда сотилған иссиқлик энергияси учун тұлов топширикномаси ва ҳисобварап-фактура стказиб берувчи томонидан истеммолчига хизмат күрсатадиган банкка күйилади. Бунда «Тұлов тағсилотлари» устунида «Хисоб асбобларининг күрсатишилари асосида» және «Тарифлар асосида» ёзуви қайд этилади. Ҳисобварап-фактура белгиланған тартибда расмийлаштирилиши, шу жумладан, истеммолчининг имзоси билан тасдиқланиши керак; (ҮзР АВ 13.12.2004 й. 1122-2-сон билан рүйхатта олинган ҮзР МББ Қарори таҳриридаги кичик банд).

б) талабномага дағво суммасини тан олиш түғрисида қарздор сұма жағобининг асл нұсқаси илова қилинған тақдирда. Бошқа ҳужжатларнинг (дебиторлик-кредиторлик қарзларини солишини далолатномаси, бажарылған ишлар (хизматлар) түғрисида далолатнома ва ҳоказоларнинг) талабномага илова қилиниши акцептсиз ҳисобдан чиқариш учун асос бола олмайды;

в) банклар томонидан — хұжалик юритувчи субъектлар томонидан кредитлар бүйіча қарз ўз вактида сұндирилмаганида, қарздорларнинг бошқа банкларда очилған иккіламчы ҳисоб рақамларидан.

Талабноманинг юқоридеги ўңг бурчагига «Акцептсиз» деб єзиб күйилади ёки штамп күйилади. Банк илова қилинған ҳужжатларнинг уларнинг талабномада күрсатылған ресвизитларига мувофиқлігін текширади.

Акцептсиз тұланадиган, операция куни давомида тұловчининг банкита келиб тушган талабномалар ўша куни ек тұланади, тұловчининг ҳисоб рақамларидан маблағ бўлмаган ёки етарли бўлмаган ҳолда эса 2-сон картотскага тұланмаган суммада жойлаштирилади.

Акцептсиз тұлов талабномалари қисман тұланған ҳолда дастлабки сума доңра қилиб ўраб күйилади ва сұма-ән қисман тұлашдан қолған сума күйилади. (УзР АВ 23.06.2004 й. 1122-1-сон билан рүйхатта олинган ҮзР МББ Қарори таҳриридаги банд).

## **VI. ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАЛАРИ БИЛАН ХИСОБ-КИТОБЛАР**

40. Инкассо топшириқномаси маблағ олувчининг, банкка тўловчинининг счётидан сўзсиз тартибда маблағларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги топшириғини аинглатади.

41. Куйидагилар инкассо топшириқномаларини кўя оладилар:

а) солиқ органлари – давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар бўйича тўловлар ҳамда бокимандаларни ундириш тўғрисида, шунингдек, юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзни ундириш пайтида; (ЎзР АВ 13.12.2004 й. 1122-2-сон билан рўйхатта олинган ЎзР МББ Карори таҳриридаги кичик банд), (олдинги таҳририга қаранг);

б) божхона органлари – ўз муддатида тўланмаган божхона тўловлари ва жарималарни ундириш тўғрисида;

в) суд ижроилари ва ундирувчилари – ижро хужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисида;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги – молиялаш жараснида республика бюджетидан белгиланганларидан ортиқча ўтказилган маблағларни кайтариш учун бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тақдим этган хужжатлар бўйича гайриқонуний олинган маблағларни ва жарима ундириш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисоб рақамларига, шунингдек, юқори молия органлари – кўйи молия органларининг бюджет ҳисоб рақамларига.

42. Ижро хужжатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

а) судлар томонидан берилган ижро варакалари;

б) судга тааллуқли бўлган бўйруқлар;

в) алиментларни тўлаш бўйича келишувларни нотариал тасдиқлаш;

г) нотариусларни ижро устхатлари;

д) меҳнат низолари бўйича комиссиянинг, улар қабул қилган карорлари асосида берадиган гувоҳномалари;

е) маъмурий ҳуқуқбузишлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколат берилган органлар (мансадбор шахслар) томонидан чиқарилган карорлар;

ж) суд ижрочиларининг қарорлари;  
з) қонун ҳужжатлари билан кўзда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг актлари.

43. Ижро ҳужжатлари асосида қўйилган пул воситалари ни ундириш бўйича инкассо топшириқномалари банк томонидан ижро ҳужжатини асл нусхаси ёки унинг дубликати илова қилинган ҳолда қабул қилинади. Тўловчиларнинг счётларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришда ушбу ҳужжатларнинг нусхаларидан фойдаланиш ман этилади.

44. Ижро ҳужжатлари бўйича суммаларни ундириш бўйича инкассо топшириқномаларида ижро ҳужжатининг тартиб рақамига ва санасига таяниш, шунингдек, давлат божи ҳаражатлари ва қарз суммалари алоҳида ажратиб кўрсатилиши керак.

45. Инкассо топшириқномасини тўғри қўйилиши бўйича жавобгарлик инкассо топшириқномасини қўйган шахс зиммасига юклатилади. Банклар тўловчиларнинг ўз счетларидан сўзсиз тартибда пул маблағларини ҳисобдан чиқариш бўйича эътиrozларини кўриб чиқмайдилар.

46. Маблаг олувчилар фойдасига маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатдан ўтказилиб тақдим қилинган бўлса, банк ушбу ҳужжатларни инкассо учун қабул қилмайди.

47. Ундириб олишни вактинча ёки тўлиқ тўхтатиб қўйиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ундириб олиш тўхтатилган ҳужжат инкассо талабномасини қўйган шахсга кайтарилиши шарт.

48. Мазкур Низомнинг 47-бандига мувофиқ ҳужжатни топшириш ёки жўнатишда банк ҳужжатни банкнинг бош бухгалтери ва бухгалтерининг имзоси, банкнинг муҳри билан тасдиқлайди ва қуидагиларни кўрсатиб устхат ёзди:

- а) ҳужжатни банкка келиб тушган санасини;
- б) агарда банк бўлими томонидан ҳужжат қисман тўланган бўлса, ундириб олинган сумманинг миқдорини (ёзма равиша);
- в) банк томонидан ҳужжатни бериш ёки жўнатиш санасини.

49. Инкассо топшириқномаларини мазкур Низомнинг 41-бандида кўрсатилган шахслар томонидан бир шаҳар ичida ҳисоб-китобларда — хизмат кўрсатувчи банкка ёки бевосита тўловчининг счёти юритилаётган банкка, бошқа шаҳар билан ҳисоб-китобларда — фақат хизмат кўрсатувчи банкка тақдим қилинади.

50. Инкассо топшириқномаси банкка қуидаги тартибда тақдим қилинади:

1) агар түловчи ва маблағ олувчига битта банкда хизмат күрсатилганды – түрттә нусхада, бунда:

а) инкассо топширикномасининг биринчи, иккинчи ва учинчи нусхалари ижро учун банкда қолдирилади;

б) түрттинчи нусха қабул қилиш санасини күрсатган ҳолда бухгалтер томонидан имзоланиб ва унга бириктирилган банкнинг муҳри билан тасдиқланиб маблағ олувчига қайтарилади;

2) бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китоблар қилишда инкассо топширикномалари бевосита түловчининг банкига уч нусхада тақдим қилиниши мумкин, бунда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалар ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда ижро учун банкда қолдирилади;

б) учинчи нусха қабул қилиш санасини күрсатган ҳолда бухгалтер томонидан имзоланиб ва унга бириктирилган банкнинг муҳри билан тасдиқланиб маблағ олувчига қайтарилади;

3) бошқа шаҳарлар билан ҳисоб-китоблар қилишда инкассо топширикномалари фақат хизмат күрсатувчи банкка уч нусхада тақдим қилинади, бунда:

а) биринчи ва иккинчи нусхалари ижро ҳужжатлари билан бирга почта орқали түловчининг банкига бухгалтер томонидан имзо кўйилиб ва унга бириктирилган банкнинг муҳри билан тасдиқланиб, ҳужжатларни қабул қилиш санаси күрсатилган ҳолда жўнатилади;

б) учинчи нусха қабул қилиш санасини күрсатган ҳолда бухгалтер томонидан имзоланиб ва унга бириктирилган банкнинг муҳри билан тасдиқланиб маблағ олувчига қайтарилади.

51. Түловчининг банкida инкассо талабномасини бажарилиши қўйидаги тартибда бажарилади:

1) агар түловчи ва маблағ олувчига битта банкда хизмат күрсатилса, унда:

а) инкассо топширикномасини биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб қўйилади;

б) иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий счётдан кўчирма билан бирга түловчига берилади;

в) учинчи нусхаси шахсий счётдан кўчирма билан биргаликда маблағ олувчига қайтарилади;

2) бир шаҳар ичидаги ҳисоб-китобларда:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб қўйилади;

б) иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий счётдан кўчирма билан бирга түловчига берилади;

3) бошқа шаҳарлар билан ҳисоб-китобларда:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб қўйилади;

б) иккинчи нусхаси ижро ҳужжатлари илова қилинган ҳолда шахсий счётдан кўчирма билан бирга тўловчига берилади.

52. Бир шаҳар ичидаги ёки бошқа шаҳарлар билан хисоб-китобларда тўланган электрон тўлов тизимида қабул қилинган электрон инкассо топшириқномаси маблағ олувчининг банкида икки нусхада коғозга чикарилади:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб қўйилади;

б) бошқа нусхаси маблағ олувчининг шахсий счётидан кўчирмага илова қилинади.

53. Агар тўловчининг счётида маблағ бўлмагандан, инкассо топшириқномаси 2-сонли картотекага жойлаштирилади ва қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда тўланади.

54. Инкассо талабномаси банкнинг айби билан бажарилмаса ёки керакли тарзда бажарилмаган ҳолларда, банк қонунчиликда кўзда тутилган асослар ва микдорларда жавобгардир.

## VII. АККРЕДИТИВЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

55. Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклида, мижознинг (тўловчининг) топшириғига ва унинг кўрсатмасига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент), ўз зиммасига унинг контрагенти-маблағ олувчи фойдасига тўловни амалга ошириш мажбуриятини ёки маблағ олувчи томонидан аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни ва бошқа шартларни бажариш шарти билан ушбу тўловларни амалга ошириш бўйича ваколатларни бошқа банкка тақдим этишини ўз зиммасига олади.

56. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар килиш тартиби ва унинг амал қилиш муддати тўловчи ва маблағ олувчи ўртасида ги шартномада белгиланади.

Шартномада шунингдек, куйидагилар кўрсатилиши керак:

а) банк-эмитентнинг номи;

б) аккредитивнинг тури ва уни бажариш усуллари;

в) аккредитив очилганлиги тўғрисида маблағ олувчини хабардор қилиш усули;

г) аккредитивлар бўйича маблағларни олиш учун маблағ олувчи томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатларни тўлик рўйхати ва аник тавсифномаси;

д) маҳсулотлар юклаб жўнатилгандан (ишлар бажарилгандан, хизматлар кўрсатилгандан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати, уларни расмийлаштиришга доир талаблар.

57. Аккредитивларни қолланган (депонентланган) ёки қолланмаган турларда очилиши мүмкін.

Колланган (депонентланган) аккредитивларни очища банк-эмитент уни очища мижознинг шахсий маблағларини ёки унга берилган кредитни банк-эмитенттинг мажбуриятлари амалда бўлган барча муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказишга мажбурдир.

Колланмаган аккредитивни очища банк-эмитент ижрочи банка банк-эмитенттинг ижрочи банкда юритиласттан сметидан барча аккредитив суммасини хисобдан чиқариш ҳукуқини беради.

58. Банкларда аккредитивлар кўзда тутилмаган ҳоллар бўйича алоҳида счёtlарда ва 22602-сонли «Мижозларнинг аккредитив бўйича депозитлари» баланс счётида хисобга олинади. Ҳар бир маблаг олувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда аккредитивлар бўйича депозит счёtlар очилади.

59. Қолланган ва қолланмаган аккредитивлар чақириб олинадиган ва чақириб олинмайдиган бўлиши мүмкін. Унинг матнида ушбу белги бўлмаган ҳолатда аккредитив чақириб олинувчи хисобланади.

60. Чақириб олинувчи аккредитив банк-эмитент томонидан маблағ олувчи билан олдиндан келишиб олинмасдан ҳам ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мүмкін. Аккредитивни чақириб олиш маблағ олувчи олдида банк-эмитент учун қандайдир мажбуриятларни пайдо қилмайди. Тўловчи маблағ олувчига чақириб олинадиган аккредитивнинг шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиниши тўғрисидаги барча фармойишларни факат банк-эмитент орқали берипши мүмкін, ушбу банк эса маблағ олувчининг банкига хабар беради, охиргиси эса — маблағ олувчига хабар беради.

Ижрочи банк чақириб олинувчи аккредитив бўйича тўловларни ва бошқа операцияларни амалга оширишга мажбур, агар аккредитивни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги хабарнома олинмаган бўлса.

61. Маблағ олувчининг розилигисиз, унинг фойдасига очилган чақириб олинмайдиган аккредитив ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мүмкін эмас.

Ижрочи банк банк-эмитент билан тузилган шартнома асосида чақириб олинмайдиган аккредитивни тасдиқлаши мүмкін. Бундай ҳолларда чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив деб хисобланади.

Тасдиқланган аккредитивларда ижрочи банк ўзига банк-эмитенттинг аккредитивнинг шартларига мувофик тўловни амалга ошириш бўйича мажбуриятларига кўшимча мажбуриятларни қабул қиласи.

Тасдиқланган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгарилиши ёки бисор килинishi мумкин эмас.

62. Аккредитив бўйича депозит счётдан нақд пул берилиши, шунингдек, аккредитивни бошқа шахслар номига қайта расмийлаштириш ман этилади.

63. Хисоб-китобнинг аккредитив шаклида тўловчи банкка аккредитив олиш учун аризани тақдим қиласди.

Аккредитив шартларини тўлиқ рўйхати, тасдиқловчи ҳужжатларнинг аниқ тавсифномаси йўқ бўлган ҳолда аккредитив бўйича маблағларни олиш учун олувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва аккредитив олиш учун аризада мазкур Низомнинг 56-банди билан уларни расмийлаштириш талабларига риоя этилмаганлар банк томонидан тўловчига қайтарилади ва аккредитив счёtlар очилмайди.

Аккредитивларни очиш тўғрисидаги ариза банк-эмитентга икки нусхада тақдим этилади:

а) биринчи нусха тўловлар амалга оширилгандан сўнг банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

б) иккинчи нусхаси эса маблағлар тўловчининг шахсий варақасидан олинган кўчирмага илова қилинади.

Бир вактнинг ўзида аккредитив суммаси кўзда тутилмаган ҳолатлар счётига кирим қилинади.

64. Мижознинг аризасига кўра электрон тўловлар тизими бўйича аккредитивланган сумма маблағ олувчининг банкига жўнатилади ва маблағ олувчининг аккредитив счётига ўтказилади. Ижрочи банк маблағ олувчига маблағлар келиб тушганлиги хақида хабар беради.

65. Ижрочи банкда аккредитивларни очиш тўғрисидаги ариза икки нусхада қоғозга чиқарилади, бунда:

а) биринчи нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикиб кўйилади;

б) иккинчи нусхаси 1-сонли картотекага жойлаштирилади.

66. Маблағ олувчининг талаб қилиб олинувчи депозит счётига маблағларни ўтказиши улар томонидан банкка аккредитивни амал қилиш муддати тугагунигача шартномада кўзда тутилган ва аккредитивни барча шартларини бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим қилинган ҳолда амалга оширилади.

Маблағ олувчи ижрочи банкка тасдиқловчи ҳужжатларни икки нусхада тақдим қиласди.

67. Ижрочи банк маблағ олувчи томонидан аккредитивнинг барча шартларига риоя килинганлиги, шунингдек, тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш шарт.

Ушбу шартларниң лоақал биттаси бузилганида ҳам аккредитивлар бүйича түловлар түланмайды.

68. Маблаг олувчининг депозит счётига маблағларни ўтказиша ижрои банкка түрт нусхада мемориал ордер ёзилади, «Түловлар деталлари / мақсадлари» устунида түлов қайси шартнома асосида амалга оширилаётган бўлса, шу шартноманинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади, ва:

а) мемориал ордернинг биринчи нусхаси тасдиқловчи хужжатларниң бир нусхаси билан бирга банкнинг кунлиқ хужжатлари йигисига тикилади;

б) иккинчи ва учинчи нусхалар, уларга тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган ҳолда банк-эмитентга жўнатилади;

в) мемориал ордернинг тўртинчи нусхаси маблаг олувчига унинг шахсий счётидан олинган кўчирма билан биргаликда берилади.

Бир вактнинг ўзида аккредитив бўйича түланган сумма 1-сонли картотскадан ҳисобдан чиқарилади.

69. Банк-эмитент аккредитивни ижро этилганлиги тўғрисидаги хужжатни ижрои банкдан олгандан сўнг олинган мемориал ордерга асосан кўзда тутилмаган ҳоллар счётидан аккредитив суммасини ҳисобдан чиқаради ва тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган мемориал ордернинг бир нусхасини тўловчига беради.

70. Маблаг олувчининг банкида аккредитивни ёпиш қўйидағи ҳолларда амалга оширилади:

а) аккредитивни амал қилиш муддати тугаганда;

б) маблаг олувчининг аккредитивдан кейинчалик фойдаланишдан бош торғиши тўғрисидаги ёзма аризасига биноан агар ушбу ариза аккредитивнинг амал қилиш муддати тугагунча берилган бўлса ҳамда ушбу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса;

в) тўловчининг аккредитивни тўлиқ ёки қисман чакириб олиш тўғрисидаги ёзма талабномасига биноан, агар ушбу аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса. Аккредитив банк-эмитент томонидан хабарнома олинган кунда 22602-сонли «Аккредитивлар бўйича мажозларниң депозитлари» баланс счётидаги суммадан кам бўлмаган суммага камайтирилади ёки ёпилади.

Ижрои банк аккредитивни бекилганлиги тўғрисида банк-эмитентга хабар беради. Фойдаланилмаган сумма тўловчининг банкига, маблағлар депонентланган счётига ўтказилади.

71. Аккредитив тўлиқ ишлатилмаган ёки тўловчининг талаб қилиб олинувчи депозит счёти жойлашган банк-эмитентта қайтарилган ҳолларда, кўзда тутилмаган ҳолатлар счёти ҳам ёпилади.

Маблағ олувчининг банкида аккредитивга қисман ҳақ тўланганда, тўланган суммалар ҳақ тўлаш давомида банк-эмитентнинг кўзда тутилмаган ҳолатлар счётидан хисобдан чикариб борилади.

## **VIII. ТИЖОРАТ БАНКИННИГ ҲИСОБ-КИТОБ ЧЕКЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

72. Тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки (кейинчалик матнда – чск) мижознинг хизмат кўрсатувчи банкига чек берувчининг счётидан чек ушловчининг счётига маълум суммадаги маблағларни ўтказиш бўйича берган топшириғидир.

Чеклар тижорат банклари буюртмасига кўра уларнинг фоалияти учун старли бўлган миқдорда Марказий банкнинг «Давлат белгиси» ДИБ томонидан тайёрланади. Бунда, чекнинг рақами ва серияси, банк-эмитентнинг номи ва фирма белгиси босмахона усулида чот этилади.

73. Чеклар товарлар, ишлар ва хизматлар учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар/якка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги фақат нақд пулсиз ҳисоб-китобларда кўлланилади.

74. Чекнинг максимал суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан минимал суммаси эса – тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

75. Банк чек бергандан жисмоний шахснинг аризасига биноан чекнинг суммасига 20206-сонли «Жисмоний шахсларнинг талаб килингунга қадар депозитлари» баланс счётида алоҳида иккимачи шахсий счёти очади ва тўловларни фақат шу счётдан амалга оширади.

76. Чек омонат кўйувчи жисмоний шахснинг депозит счётида сақланаштган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул суммасига берилади.

77. Чек икки кисмдан иборат, яъни чекнинг ўзи ва унинг милли (корешоги). Милкда чекда кўрсатилган суммани тасдиқловчи назорат рақамлари кўрсатилади.

78. Чекнинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади.

79. Агар чек амал қилиш муддатида банкка тақдим қилинмаган бўлса, у ҳолда чек суммаси 29842-сонли «Харакатсиз депозитлар» баланс счётида ҳисобга олинади. Чек эгаси амал қилиш муддати тугаган чек билан банкка мурожаат қилган тақдирда, банк қаршиликсиз чек эгасининг паспорти (ёки унга тенглаштирилган бошқа хужжат) асосида чекни қабул қилиши ва тўлаб бериши лозим.

80. Чекларни бериш тартиби:

- 1) чек берастганда банкнинг жавобгар ходими қуйидаги реквизитларни түлдириши шарт:
  - а) чек берилган санани;
  - б) чек бўйича бериладиган суммани рақамлар ва сўз билан;
  - в) жисмоний шахснинг (чек берувчининг) фамилияси, исми ва шарифи;
  - г) паспортнинг (ёки унга тенглаштирилган бошка ҳужжатнинг) серияси ва тартиб рақамини;
  - д) чек берувчининг талаб қилиб олинадиган депозит счётини;
  - е) чек берган банкнинг хос рақами ва номини;
  - ж) «КК.ОО.ЙИЙ» шакли бўйича чек амалда буладиган охирги санани, бунда «КК» — кун, «ОО» — ой, «ЙИЙ» — йил.

Кўрсатилган реквизитлар тўлдирилгандан кейин банкнинг жавобгар ходимлари чекга имзо қўйишлари, чекдан милкни назорат рақамлари жойлашган чизик бўйича шундай кирқиб ажратиладики, бунда кесиши чизигида қолган сонлар чек суммасига мос келиши ва муҳр билан тасдиқлашлари керак. Чек олувчи чекни олганлиги тўғрисида имзо қўйиш учун чек милкни берishi, алоҳида дафтарга чекнинг сериясини ва тартиб рақамини, чек ёзилган шахснинг исми, шарифи ва фамилиясини, шунингдек, чек суммаси (омонат бўйича счётда сақланастган маблағлар ёки депозит счётдан кўчирилган нақд пулларда қўйилгай маблағлар ҳисобига берилганлиги алоҳида кўрсатилиб) ёзиб куйилади;

2) кассир банкнинг жавобгар ходимидан барча зарурий ҳужжатларни олгач:

- а) ҳужжатларни тўғри расмийлаштирганигини текширади ва уларни имзолайди;
  - б) ҳисоб-китоб чекни олувчи шахсни чақиради, олувчидан чек учун пул (кўйиладиган нақд пул суммасига) ва чек учун тўловни қабул килади;
  - в) олувчига ҳисоб-китоб чекни беради;
  - г) чек милкни операцион кунининг охиригача ўзида колдиради;
- 3) операцион кунининг охирига кассир ҳисоб-китоб чекларни милклари жойлашган бандеролда белгиланган реквизитлар билан бир қаторла нақд пулларда олинган суммани ва омонат дафтарчасидан ҳисобдан чиқарилган суммани (ва жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олинадиган депозит счётидан) кўрсатади, шундан кейин чекнинг милкларини банкнинг жавобгар ходимига топширади.

Хисоб-китоб чекининг милки рақамлари ва саналари бўйича тўланган ёки қопланган чек таққослаш ёки чек суммаси брон қилинган 20206-сонли «Жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олингунга қадар депозитлари» счётидан хисобдан чиқариш учун банкка келгунга қадар сақланади.

Шундан сўнг хисоб-китоб чекларининг милклари банкнинг кунлик ҳужжатлар йигмасига тикиб кўйилади;

4) агарда чек бланкасини тўлдиришда хатога йўл кўйилса, унда ушбу бланка бузилган деб хисобланади ва уни ўрнига янгиси тўлдирилади. Бундай ҳолларда бузилган чек бланкаси кўйидаги тартибда хисобдан чиқарилади:

а) ҳарфлар билан ёзилган «Хисоб-китоб» сўзидан бир қисми қирқиб олинади;

б) чек бланкасига кўндаланг қилиб «Бузилган» деган ёзув ёзилади ва сана кўрсатилади;

в) бош бухгалтер ва кассир томонидан имзоланади;

5) қабул қилинган, ишлатилган ва қайтарилган чек бланкаларининг ҳисоби қатъий ҳисботдаги бланкаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиб бориладиган дафтарда, кўзда тутилмаган ҳолатлар счётидан юритилади. Кун давомида хисоб-китоб чеки бланкалари чиким ордери бўйича кўзда тутилмаган ҳолатлар счётидан хисобдан чиқарилади.

81. Чеклар бўйича тўлов тўлаш тартиби:

1) товарлар, ишлар ва хизматлар учун ҳак тўлашга чек тақдим қилинганда, ушбу чекларни қабул қилиш вазифаси юклатилган чек ушловчи корхона ходими, чекни белгиланган намунадаги бланкада тўлдирилганлигини, ўчириб-тузатишларни йўклигини, назорат рақамлар чекда ёзилган суммага мувофиқлигини, чек муддати ўтказиб юборилмаганлигини, унда банк бўлими мухрининг аниқ изи ва имзолар мавжудлигини текшириб кўради, шундан сўнг шахснинг чек беришга асос бўлган ҳужжатини тўғрилигига ишонч ҳосил қиласди.

Текширув бажарилган ва товарлар, ишлар ва хизматлар учун чек тўловга қабул қилингандан сўнг чек ушловчи ташкилотнинг ходими хисоб-китоб чекининг орқа томонидан ташкилотнинг мухри ва мансабдор шахснинг имзосини қўяди;

2) агар сотиластган товарни, бажарилган ишни ёки кўрсатилган хизматни қиймати чекнинг суммасидан паст бўлса, у ҳолда чек ушловчи ташкилот ушбу чек суммасининг 25 фоизидан ошмаган миқдордаги қийматини нақд пулда беради;

3) товарлар, ишлар ва хизматлар тўлови учун қабул қилинган чеклар чек ушловчи ташкилот томонидан унга хизмат

кўрсатувчи банк бўлимларига пул тушуми билан бирга инкассатор орқали белгилантан тартибда топширилади;

4) банк томонидан қабул қилинган чеклар бўйича тўловлар қўйидаги тартибда амалга оширилади:

а) агар чек берувчи ва чек ушловчига битта банкда хизмат кўрсатилса, чеклар чек ушловчи ташкилот счётининг кредити ва «Инкассо қилинган пул тушумлари ва ческлар» счёти орқали чек берувчи счётининг дебети бўйича ўтказилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

б) агар чек берувчи ва чек ушловчига бошқа бошқа банкларда хизмат кўрсатилса:

чек ушловчининг банкида олинган чекка асосан чек ушловчининг счётига маблағлар ўтказилади. Тижорат банкининг электрон ҳисоб-китоб чеки электрон тўловлар тизими орқали чек берувчининг банкига жўнатилади. Чекнинг асл нусхаси банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

чек берувчининг банкида олинган электрон чекка асосан дастурий тарзда чек ушловчининг иккиласми счётидан маблағларни ҳисобдан чиқариш амалга оширилади. Электрон чек коғозга чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

5) чек нотариал идора тасдиқлаган ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, қанча муддат ўтганилигидан қатъи назар меросхўрлар ва бошқа шахслар томонидан тақдим қилиниши мумкин. Текшириш ўтказилгандан сўнг банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери чекни тўлашга руҳсат беради;

6) фойдаланилмаган чек банкка тақдим қилинганда банкнинг ходими:

а) кўрсатилган чекни ҳақиқийлигини ва ҳужжат кўрсатувчининг шахсини чек берилган ҳужжат асосида текширади;

б) чекнинг юз томонида қўйидаги мазмундаги устҳат ёзади:  
— сонли счётга сумма ўтказилсин»;

в) чекни банкнинг бош бухгалтерига беради, тасдиқловчи ҳужжатни эса эгасига кайтаради;

7) чек йўқотилган тақдирда, банк йўқотилган чек бўйича маблағларни ҳисобдан чиқариш бўйича жавобгар бўлмайди.

## IX. ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР

82. Пластик карточкалар банк томонидан чиқарилган персони-фицирланган тўлов воситаси бўлиб карточка эгасининг тешишли банкдаги счётда маблағ борлигига гувохлик берувчи ва

нақд пул тұламасдан товарлар, иш ва хизматларни сотиб олиш ҳуқуқиниң үзіда акс эттиради.

83. Пластик карточкада бир хил маңнода тенглаштирувчи эмитенттің номи ва босма усулда төрілған босма бүғинли белгилари күрсатылған керак.

84. Пластик карточкалар жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар бир томондан ва маҳсулотни реализация күлгүчі, ишни бажарувчи ёки хизматларни күрсатуವчі (кейинчалик матнда – савдо сотиқ ёки сервис хизмат корхоналари) юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар иккінчи томонда туриб үзаро нақд пулсиз хисобкитобларда, шунингдек, нақд пул берадиган шохобчалардан ва банкоматлардан нақд пул маблагларини олишда құлланилади.

85. Ваколатли банклар халқарс пластик карточкаларини муюмалага чиқариш ва уларға хизмат күрсатышлари мүмкін, бунда улар халқаро тұлов тизимләри билан тузилған шартномаларга мувоғиқ операцияларни үтказып қоидаларига ва мазкур Низомга амал қилишлари керак бўлади.

86. Пластик карточкаларга хизмат күрсатиш бўйича тузилған шартнома қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

- а) томонларнинг номи;
- б) шартнома предмети;
- в) томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- г) томонларнинг жавобгарлиги;
- д) хисоб-китобларни үтказып шартлари;
- е) шартномани амал қилиш муддати ва уни бекор қилиш шартлари;
- ж) низоларни ечиш тартиби;
- з) томонларнинг юридик манзили.

87. Тегишлигига кўра пластик карточкалар шахсий, оиласвий ва корпоратив хилларга бўлиннади:

а) шахсий карточка – бу жисмоний шахсга берилған пластик карточка;

б) оиласвий карточка – бу фойдаланувчига шахсий карточка ушловчининг ишончномасига асосан берилған пластик карточка;

в) корпоратив карточка – бу юридик шахслар ва юридик шахсни ташқыл этмаган якка тартибдаги тадбиркорларга хизмат күрсатышга белгиланған пластик карточка. Корпоратив карточкалардан иш ҳақынан ғана ғана башқа ижтимоий тусдаги тұловларни тұлаш, шунингдек, нақд пул маблагларини тұлашда фойдаланыш ман қилиннади. (ЎзР АВ 23.06.2004 1122-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МББ Қарори таҳриридаги кичик банд).

88. Ҳаракатланиш режимига кўра пластик карточкалар қўйидаги турларга бўлинади:

а) дебет – улардан фойдаланиш уни ушловчига эмитент ва мижоз ўртасидаги шартнома шартларига биноан унинг карточка счётида мавжуд бўлган пул воситаларидан товарларга, ишларга ва хизматларга ҳақ тўлашда фойдаланиш ва /еки нақд пул воситаларини (корпоратив карточкалардан ташқари) олиш имкониятини берадиган карточка;

б) кредит – ундан фойдаланиш уни ушловчига эмитент билан тузилган шартномага асосан, товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тўлаш ва /еки нақд пул воситаларини олиш учун (корпоратив карточкалардан ташқари) эмитент томонидан берилган кредит линияси ҳажмида операцияларни амалга ошириш имкониятини берадиган карточка;

в) электрон ҳамён – жисмоний шахснинг карточкаси бўлиб, ундан фойдаланиш уни ушловчига товарлар, ишлар, хизматларга ҳақ тўлаш ва /еки пластик карточкадаги қолдик маблаглар чегарасида нақд пул маблағларини олишни амалга ошириш имкониятини беради.

Битта карточкада бир нечта «электрон ҳаменлар» жойлашиши мумкин.

89. Персонализация қилингандай пластик карточкага қўйидаги реквизитлар ёзилиши керак:

а) идентификацияловчи маълумотлар (карточканинг тартиб рақами, серияси ва бошқалар);

б) банк-эмитентнинг (пластик карточкаларни муомалага чиқарувчи банкнинг) хос рақами;

в) счётининг тартиб рақами ва карточка ушловчининг фамилияси, исми, шарифи (ташкilotнинг номи);

г) карточканинг амал қилиш муддати.

Агар пластик карточкада бир нечта ҳамён мавжуд бўлса бирхиллаштирувчи маълумотлар хар бир ҳаменни бир эй. гмаънона бирхиллаштириши керак бўлади. Кўрсатилган реквизитлардан ташқари, карточкага операцияни амалга ошириш ва ҳисоб олиб бориш учун зарур бўлган бошқа қўшимча маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

90. Қайтадан персонализация қилиш учун қайтарилган пластик карточкаларнинг ҳисоби 93609-сонли «Сақланадиган бойликлар» номли кўзда тутилмаган холатлар счётининг алоҳида шахсий счётида юритилади.

91. Пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда ўтказиладиган операциялар қоғозда ифода этилувчи (слип, электрон терминал

квитанцияси) ва / ёки электрон шаклда (терминал ёки банкоматтинг электрон дафтиридан ҳужжат), шунингдек, ҳисоб-китоб иштирокчилари ўртасида тузилган шартномада кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни (банкомат квитанциялари ва бошқалар) тузишни кўзда тутади.

Ҳужжатлар ҳисоб-китобда иштирок этувчи томонларга етарли бўлган нусхаларда тузилади. Квитанциялар ўтказилган операцияларни кўлда тиклаш учун етарли бўлган барча маълумотларни ўз ичига олиши керак.

92. Пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилган операциялар давомида тузилган ҳужжатларнинг реквизитлари ўз ичига пластик карточкалар реквизитлари билан пластик карточкаларни ушловчиларнинг банкдаги счёtlари реквизитлари ўртасидаги, шунингдек, корхоналарни тенгглаштирувчи, ПВН, банкоматлар ва банк счёtlари ўртасидаги мувофиқликни ишончли тарзда белгилашга имкон берувчи белгиларга эга бўлиши шарт.

93. Электрон ҳужжатлар банк-эквайерга (савдо ёки сервис хизмати кўрсатувчи банк), банк-эмитентга ёки шартномада қайд этилган Даврий клиринг марказига жўнатилади.

94. Битта банкнинг бўлинмалари ўртасида пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар технологияси, ишлатиладиган пластик карточкаларнинг тури ва ўз имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда Бош банк томонидан мустақил равишда белгиланади.

95. Пластик карточкалар бўйича банклар ўртасидаги ҳисоб-китоблар кўйидаги варианtlарни кўзда тутади:

а) ҳисоб-китобларни амалдаги электрон тўловлар тизими (ЭТТ) орқали умумий асосда ўтказилади;

б) кун давомида ўзаро мажбуриятларни якуний мажбурий ҳисоб-китоби ва якуний ҳисоб-китоблар суммасини тижорат банкларнинг корреспондент счёtlари орқали ҳисобга ўтказиш ёрдамида ҳисоб-китоблар иштирокчилари томонидан ташкил қилинган процессинг марказлар орқали ҳисоб-китобларни ўтказиш.

96. ЭТТ орқали пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ўтказилган операциялар бўйича умумий ҳисоб-китоблар кўйидаги тартибда амалга оширилади:

1) банк-эмитент томонидан ўтказилган авторизация ҳисоб-китобларда:

а) пластик карточкаларни ишлатиш орқали тузилган хизмат кўрсатилаётган савдо ёки сервис хизмати корхоналаридан олинган электрон ҳужжатлар асосида банк-эквайер унинг счёtiга маблағларни ўтказади, бунда автоматик тарзда дебетли электрон мемориал ордер шаклланади ва электрон тўловлар тизими орқали банк-эмитентга жўнатилади;

6) банк-эмитентда дебетли электрон мемориал ордер асосида дастурий тарзда мижознинг карточка счётида маблағлар ҳисобдан чиқарилади. Дебетли электрон мемориал ордер қоғозга чиқарилади ва кунлик ҳужжатлар йиғмасига тикилади;

2) банк-эмитент томонидан мажбурий равишда олдиндан авторизация қилинган ҳисоб-китобларда:

а) технологиялардан фойдаланиш қоидалари га мувофиқ пластик карточкаларни ишлатиш орқали тузилган хизмат кўрсатилаётган савдо ёки сервис хизмати корхоналаридан олинган электрон ҳужжатлар асосида банк-эквайерда автоматик тарзда электрон хабарнома шаклланади ва проводкаларни авторизация қилиш ва амалга ошириш учун ЭТТ орқали банк-эмитентга жўнатилади;

б) банк-эмитент олинган электрон хабарнома асосида транзакцияни авторизация қиласи, электрон тўловлар тизими бўйича савдо ва сервис хизмати корхоналарининг талаб қилиб олинувчи депозит счётига маблағларни ўтказиш учун банк-эквайерга электрон тўловлар тизими бўйича юбориладиган, мижознинг карточка счётидан маблағларни ҳисобдан чиқариш учун электрон мемориал ордерни автоматлашган ҳолда шакллантиради;

в) банк-эмитентдан олинган электрон мемориал ордер асосида банк-эквайерда савдо ва сервис хизмати корхоналарининг талаб қилиб олинувчи депозит счётига маблағларни ўтказиш амалга оширилади. Мемориал ордер қоғозга чиқарилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлари йиғмасига тикилади.

97. Процессинг марказлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) кун давомида пластик карточкалар бўйича барча операциялар ҳисоб-китоблар иштирокчилари томонидан тасдиқланган тартибда процессинг марказлари орқали амалга оширилади ва ҳисоб-китобларнинг иштирокчиси бўлган ҳар бир банк учун очилган алоҳида шахсий счёtlарда акс эттирилади;

б) ҳисоб-китоб иштирокчиларининг келишувига биноан якунний суммалар (мажбуриятлар) Марказий банкнинг ҳисоб-китоб марказларида очилган ва шартномада қайд этиб ўтилган даврийлик билан тижорат банкларини корреспондентлик счёtlари орқали ўтказилади;

в) процессинг марказдан олинган маълумотлар асосида банклар пластик карточкалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган операциялар бўйича мижознинг счётига маблағларни ўтказиш ёки ҳисобдан чиқаришни амалга оширадилар.

## **Х. ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ПЛЯТИДА МАБЛАГЛАРНИ ҲИСОБДАН ЧИҚАРИШ**

98. Қайта ташкил этиш (кўшилиш, бирлашиш, ажралиб чиқиш, ўзгариш шаклида) пул-хисоб-кигитоб ҳужжатларини тўлаш ваколатли органнинг қарорига биноан қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик юклатилган ўша юридик шахснинг асосий депозит счётидан амалга оширилади.

99. Кредиторлар ва ҳуқуқий ворис ўртасида низо пайдо бўлган ҳолларда ҳуқуқий вориснинг счётидан маблағларни хисобдан чиқариш факатгина суд қарорига биноан амалга оширилади.

100. Юридик шахсни тугатища тугатиш комиссияси тузилиб, ушбу комиссия белгиланган тартибда субъект тугатилганини тўғрисида кредиторларни ва манфаатдор томонларни огохлантириди ва банкка тугатиш комиссиясининг топшириғига биноан тугатилаётган юридик шахснинг счётидан маблағларни хисобдан чиқариш зарурлиги тўғрисидаги аризани тақдим киласди.

Тугатилаётган юридик шахснинг ҳамма счёtlари тугатиш комиссиясининг ихтиёрига ўтади, бунда тугатилаётган юридик шахснинг имзо намуналари туширилган карточка кучга эга бўлмайди ва тугатиш комиссияси аъзоларининг имзо намуналари туширилган янги карточка расмийлаштирилади.

101. Банклар тугатиш комиссиясини тузган ташкилот ёки тугатиш комиссияси томонидан имзо намуналари бескор қилинмаган шахсларнинг топширикларига асосан тугатилган юридик шахснинг счёtlаридан маблағларни хисобдан чиқариш учун жавобгар бўлмайдилар.

## **XI. НАЗОРАТ ВА ТАЪСИР ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ**

102. Ҳисоб-кіблолар бузилган ҳолларда банклар «Счёtlарни очиши, мижозларнинг счёtlарига маблағларни ўтказиш ва уларни ҳисобдан чиқариш, иш хақи учун ва Конун ҳужжатларida кўзда тутилган бошқа эҳтиёжларга нақд пул бериш бўйича белтиланган талабларни бузганлиги учун тижорат банкларига жарима санкцияларини кўллаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ жавобгардирлар.

103. Тижорат банкларининг корреспондентлик счёtlари оркали ўтадиган тўловлар бўйича барча операциялар, агарда овердрафт (қиска муддатли кредит бериш) кўзда тутилмаган бўлса, қатъий равнида корреспондентлик счётида мавжуд бўлган маблағлар доирасида бажарилади.

#### **4-§. Мижознинг банк ҳисобварағидан маблағларни низосиз тартибда ўчириш асослари ва тартиби.**

**Ҳақ ундиришга оид ижро ҳужжатларини банк орқали ижро этилиши**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги ва мулкий тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган хусусий мулк дахлсизлиги ҳақидаги қондага таянган ҳолда (Конституциянинг 53-моддаси, II қисми) мулкий ҳуқуқларни ҳар томонлама кафолатлайди ва ҳимоя қилиш чораларини кўради.

Давлатнинг ва бошқа жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мулкий манфаатларини самарали ҳимоя қилиш шаклларидан бири — маблағларни унинг эгаси розилигисиз олиб қўйилишига, ундан фойдаланишига тўсқинликлар қўйилишига йўл қўйилмаслигиdir. Шунга кўра банк мижозининг ҳисобварағидаги пул маблағларини унинг розилигисиз олиб қўйиш — тасарруф қилиш умумий қондага кўра мумкин эмас. Айни пайтда давлатнинг, ўзга юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини маблағлар қарздор томонидан ўз вақтида тўланмаслигидан ҳимоя қилиш максадида қонунчиликда банкдаги ҳисобварақда сақланётган пул маблағларини қонун ҳужжатларида маҳсус назарда тутилган ҳолларда, асослар ва шартларга кўра ҳамда белгиланган тартибда маблағ эгаси розилигисиз (низосиз) олиб қўйилишига йўл қўйилади.

Банк ҳисобварағида сақланётган банк мижози маблағларини эгасининг розилигисиз (низосиз) ўчириш (олиб қўйиш)нинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида (783-784 моддалар), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунда (31-33 моддалари)<sup>1</sup>, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Конуни<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 12 февралда 406-сон билан рўйхатга олинган, «Хўжалик субъектлари банк ҳисобварағидан пул маблағларини ўчириш тартиби тўғрисида»ги йўрикномада<sup>3</sup> ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Банк мижози ҳисобварағидан пул маблағларини унинг рухматисиз, низосиз тартибда ўчириш банк ҳуқуқи назариясида

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги конунлари, №13, Т., «Адолат», 1996 йил.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2001-сон, 145-модда.

<sup>3</sup> Банк ахборотномаси, 1998 йил, 9-сон.

турлича қарашларга сабаб бўлаётган бирмунча мураккаб муаммалардан ҳисобланади. Бу банк ҳукукий муносабати иштирокчиларининг ҳам хусусий, ҳам оммавий манфаатларига дахл қиласди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида «Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум қилиниши мумкин» деб эълон қилинган. Ушбу конституциявий қоида Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида янада аниқлаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 166-моддасида ҳам мулк дахлсиз эканлиги ва мулк ҳукуқини чеклашга қонунда бевосита назарда тутилган ҳолатлардан ташқари ҳолларда йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Бундай қоидаларнинг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Корхоналар тўғрисида»ги ва бошқа қонунларда ҳам белгилаб қўйилганлиги ушбу ҳукуқ бизнинг жамиятимизда ҳакиқатдан ҳам муқаддас ҳамда дахлсиз эканлигини таъкидлайди.

Ана шундай ҳукукий мухитда пул маблағларини ҳисобварағидан низосиз тартибда ўчириш мулкнинг муайян тури саналмиш пул маблағи эгасининг муқаддас ҳукуқларига дахл килаётгандек, ушбу ҳукукларнинг поймол этилишига йўл очастгандек кўринади. Аксинча, ҳисобварағдан пулларни низосиз ўчириш ва уларни тегишли ҳақ ундирувчилар ҳисобварағига қўшиб ёзиб қўйиш айнан дахлсиз мулк ҳукуқини муҳофаза этишга қаратилган. Бундан ташқари ҳисобварағдан пул маблағларини низосиз тартибда ўчиришнинг асл мақсадида ҳам аслида мулкий ҳукукларни ҳимоя қилиш, бузилган ҳукукларни, ҳақ ундирувчилар ҳукукларни ҳимоялашга қаратилган, чунки ана шундай маҷбурий тарздаги харакат содир этилишидан аввал ҳисобварақ эгаси саналмиш маблағлар мажбуран тортиб олинаётган шахс томонидан қонун талаблари қўпол тарзда бузилган, бошқа шахсларининг қонуний ҳукуқлари поймол этилган ҳамда бу далил тегинли ваколатга эга бўлган давлат органлари чиқарган қатор билан тасдиқланган бўлади. Шу сабабли пул маблағларини ҳисобварақдан сўзсиз тартибда ўчиришга эҳтиётилик билан ёндошиш лозим бўлади.

Пул маблағларини низосиз тартибда ҳисобварақдан ўчириши ҳукукий тартибга солиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ФК (783-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун (31-модда), бошқа қонунлар ҳамда бир қатор қонун ҳужжатлари билан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидаларида кўрсатилишича:

- низосиз тартибда ўчириш тартиби белгиланган ҳолларда ҳақ ундирувчининг талаби билан;
- бошқа ҳолларда эса ижро ҳужжатлари ва уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар бўлганида маблағ эгаси розилигисиз пул маблағлари ҳисобварағидан ўчирилиши мумкин.

Маблағлар ҳисобваракдан:

- солик органлари фармони билан соликлар ва бошқа носолик тўловлар бюджетга ўз вактида тўланмаганида;
- ижтимоний сугурга жамғармаси органлари (пенсия жамғармаси) фармойиши билан қарзларни ундириш учун низосиз тартибда ўчирилиши мумкин.

Маблағлар низосиз тартибда ўчирилишига асос бўладиган ижро ҳужжатлари жумласига қўйидагилар киради:

- хўжалик судлари томонидан берилган буйруклар;
- судлар томонидан берилган ижро вараклари;
- нотариуслар томонидан бажарилган ижро ёзувлари.

Шунингдек, низосиз тартибда тўловлар амалга оширилиши лозим бўлган тўлов талабномалари, автомобиль йўллари таъмири учун олинадиган тизим бўйича қарзларни ундириш ҳақида ҳакамлар фармойишлари, қарздор томонидан тан олинган суммаларни ундириш ҳақидаги кўрсатмалар, ҳукумат карорларида назарда тутилган бошқа турдаги тўловлар ҳам ижро ҳужжатларига тенглаштирилади ва улар асосида низосиз тартибда ҳисобваракларидан пул маблағларини ўчиришга йўл қўйилади.

Ҳисобваракларидан пул маблағларини ўчириш тегишли солик ёки бошқа органларнинг тўлов топшириқномалари, суд ижро чиларининг бевосита мурожаатлари асосида, тегишли ҳужжатларнинг асл нусхаси ёки дубликати бўлганида (нусха асос бўлмайди) амалга оширилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра мижоз ҳисобварагидан пул маблағларини ўчирилишига асос бўладиган ҳужжатлар ваколатли давлат органлари ёки ҳақ ундирувчилар томонидан белгиланган муддатда банкка тақдим этилиши лозим. Ижро ҳужжатларини банкка тақдим этиш бўйича қўйидаги муддатлар белгилаб қўшилган:

- судлар томонидан берилган ижро ҳужжатлари бўйича – бир йил ичида;
- нотариал идоралар ижро ёзувлар бўйича (қонунда бошқача назарда тутилмаган бўлса) – бир йил;

- хўжалик суди буйруқлари бўйича – уч ой;
- меҳнат низолари комиссияси тувохномалари бўйича уч ой.

Ушбу муддатлар ўтганидан кейин тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳисобваракдан пул маблагларини низосиз тартибда кўчиришга йўл кўйилмайди. Ҳужжатнинг банкка ёки суд ижро-чисига тақдим этилиши муддатнинг узилишига ва уни тақдим этилган кундан янгидан ҳисобланнишига сабаб бўлади.

Давлат бюджетига, сугуртасига, ижтимоий таъминот органларига маблағ ундириш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларга нисбатан муддатлар татбиқ этилмайди ва улар асосида муддатидан қатъий назар ҳисобваракдан пул маблағларини ўчириш амалга оширилавади.

Тақдим этилган ҳақ ундириш ҳақидаги ҳужжатлар асосида ҳақ ундириш қонунда бевосита назарда тутилган ҳолларда тўхтатиб турилади ёки бекор қилинади.

Мижоз ҳисобварагидан пул маблағларини ўчириш пайтида бир неча ҳақ ундириувчи ёки бир неча ижро ҳужжатлари мавжуд бўлганида маблағларни ундириш навбати қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 12 февралда тасдиқланган В-55 сонли «Хўжалик субъектлари банк ҳисобвараклари»дан ўчириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»да белгилаб кўйилган. Мабодо, ана шундай вазиятда маблағлар етарли бўлмаса, у ҳолда биринчи навбатда мутаносиб равишда давлат бюджетига, пенсия фонди ва бошқа бюджетдан ташкари фонdlарга ҳамда меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи талабларни қондиришга оид мажбуриятларни қондириш учун ундирилади, кейин эса колган талаблар қондирилади.

Қайта ташкил этилаётган ёки тутатилаётган юридик шахслар ҳисобварагидан пул маблағлари ўчириш тутатиш комиссияси иштироқида белгиланган тартибда амалга оширилади<sup>1</sup>.

Мижозининг банк ҳисобварагида унга билдирилаётган пул талаблари ва унинг бошқа турдаги пул мажбуриятларини тўлаадо этишилик учун етарли маблағ бўлмагани тақдирда талаблар қонун ҳужжатлари билан белгилаб кўйилган ва навбатга кўра банк томонидан ижро этилади<sup>2</sup>.

Ҳисобваракдаги пул маблағлари унга кўйилган барча талабларни қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда, пул маблағлари кўйидаги навбатда ўчирилади:

1 «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом»нинг 10-параграфи (98 – 101 бандлари).

2 ФКнинг 784-моддаси.

биринчи навбатда меҳнатта оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларни, алиментлар ундириш тўғрисидаги, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақ тұлаш, шунингдек, ҳәстга ва саломатликка етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талабларни қондириш учун ҳисобварагдан пул ўтказишни ски пул беришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича пул учирлади;

иккинчи навбатда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларни назарда тутувчи тўлов ҳужжатлари бўйича пул учирлади.

### **Мавзуни ўрганиш бўйича назорат саволлари:**

1. Ҳисоб-китоблар тушунчасини беринг.
2. Ҳисоб-китобларнинг фуқаролик ҳуқуқий асослари нима?
3. Банк тизимидағи ҳисоб-китобларнинг ўзига хос ҳусусиятлари нимада?
4. Банкларда ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари нималар?
5. Ҳисоб-китобларни иқтисодий ҳәётдаги аҳамиятини сўзлаб беринг.
6. Банк ҳисоб-китоб шартномаси нима ва унинг ҳуқуқий жиҳатлари нимада?
7. Банк ҳисобвараги шартномаси таърифининг асоси қайси қонунда берилган?
8. Ҳисобварак бўйича операциялар ва уларни бузиш оқибатлари қайси қонун ҳужжатида берилган?
9. Мижознинг ҳисобварагидаги пуллардан банк фойдаланиши мумкини ва у қандай амалга оширилади?
10. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинганда, мижоз келтирилган зарарни ўрнини банкдан талаб қилиши мумкини, мумкин бўлса қайси қонунга кўра?
11. Банк ҳисоб-китобининг шаклларини айтинг.
12. Тўлов топшириғи билан ҳисоб-китоблар қайси қонунга кўра тартибга солинади?
13. Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг ҳуқуқий асосини айтинг.
14. Аккредитив бўйича ҳисоб-китобда банк эмитент билан ижрочи банкнинг жавобгарликлари қандай ҳал қилинади?

15. Инкассо бўйича хисоб-китобларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси қайси конунда берилган?
16. Чеклар билан ҳисоб-китобнинг ҳуқуқий асослари қайси конун ҳужжати билан белгиланган?
17. Авалъ нима ва унинг чекка қандай алоқаси бор?
18. Пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилишнинг ҳуқуқий асослари қасрда берилган?
19. Мижознинг банк ҳисобварағидан маблағларни низосиз тартибда кўчириш ҳуқуқий асосларини айтинг?
20. Мижознинг маблағларини банк ҳисобварағидан сўзсиз тартибда ўчиришнинг қандай юридик асослари бор?

## **7-боб. БАНК ОМОНАТ ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **1-§. ОМОНАТ ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ИҚТисодиётдаги ўрни**

Мамлакатда пул мумомаласини тартибга солиниши ва мумомаладаги нақд пул массасини талаблар даражасига тўла мос келишини таъминлаш, пул қадрсизланиши жараёнларини тўхтатиб туриш, юридик ва жисмоний шахслар вактинча бўш турган пул маблағларини банкка жалб этиш ва уларни иқтисодий тараққиёт мақсадлари учун инвестиция қилинишини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг нақд пул суммаларига бўлган эҳтиёжларни қондириш – тижорат банклари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикасида пул-кредит сиёсати ишлаб чиқилиши ҳамда рӯёбга чиқарилиши чоғида тижорат банклари имкониятларидан тўликрок фойдаланиш ва уларнинг мамлакатимиздаги молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодистни янада ривожлантириш, аҳоли моддий турмуш шароитларини юксалтиришга самарали таъсирини кўпайтиришга каратилган тадбирлар кўрилмоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда самарали пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодист ва ижтимоий соҳаларни зарур маблағлар билан таъминлаш, миллий валютамиз – сўмнинг бошқа хорижий валюталарга нисбатан қадр-кимматини бир маромда сақлаб туриш, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи муҳим иқтисодий механизмлардан бўлиб – юридик ва жисмоний шахслар бўш пул маблағларини банк омонатига жалб қилиш ҳамда мазкур жалб қилинган маблағлардан иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт мақсадларида омилкорлик би-

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартағи «Банк тизими ни янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2002 йил 15 ноябрдаги «Республика банк Кенгашини тузиш тўғрисида»ги, 2002 йил 30 мартағи «Пул массаси ўсишини чеклаши ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари; Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 авгуустдаги «Пул маблағларини банкдан ташкири мумомаласини янада кискартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли, 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли ва бошқа Карорлари.

лан фойдаланиш – уларни кредитлар шаклида бериш йўли билан халқ хўжалигини сармоялаш ҳисобланади.

Банк омонатлари ва банк кредити билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (XXV боб, 122 – 124-моддалар), Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида 41-боб, (732 – 748-моддалар); 43-боб (759 – 770-моддалар)<sup>1</sup>; «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунда (IV бўлимни 23 – 31-моддалари)<sup>2</sup>, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунида (III бўлим 20 – 35-моддалар)<sup>3</sup>; «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида»ги<sup>4</sup>, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги<sup>5</sup> ва бошқа конунларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Хукумат қарорлари<sup>6</sup> ҳамда идоравий месъерий-хуқуқий хужжатларда белгилаб кўйилган<sup>7</sup>.

## 2-§. Омонат сақлаш ва унинг ҳуқуқий асослари. Омонат шартномаси ҳамда унинг мазмуни

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунишият II-моддасида омонатларни жалб этиш, кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ҳамда муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар хисобидан кредит-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., 2003 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 47-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 54-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 9-сон, 61-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 9-сон, 59-модда.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 7-декабрдаги «Давлат-тижорат халқ банкини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажханасининг 2001 йил 22 августдаги «Иктисадиётни кредитланни механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-сонли карори ва бошқа карорлари.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008 йил 1 марта даги 905-сонли «Тижорат банклари кредит спесатига илсбатсан кўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом», Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2001 йил 3-октябрда 1074-сон билан рўйхатга олинган «Якка тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташкири фондлардан тижорат банклари орқали кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом» на бошқа месъерий-хуқуқий хужжатлар.

лар бериш банклар томонидан амалга ошириладиган банк операцийларнинг асосий турларидан хисобланади. Ҳар иккала операция ҳам мамлакатдаги пул маблағлари билан боғлиқ иқтисодий жарасенларни бошқариш, пул ресурсларидан айрим фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат ва жамият манфаатларида оқилона, энг кўп фойда беришни мўлжаллаган ҳолда фойдаланиш мақсадларига хизмат қиласди. Вақтингча бўш турган пул маблағларини йирик инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқарилишига йўналтириш нўли билан мамлакат иқтисодий тараққиётига кўмаклашишга хизмат қиласди. Ушбу банк операциялари пул маблағларини жамлашга ва мақсадга мувофиқ таксимлашта қаратилган ягона иқтисодий жарасенлиниг босқичлари сифатида баҳоланиши мумкин.

Амалдаги умумфуқаролик ва банк қонунчилиги ушбу иқтисодий жарасен иштирокчилари бўлган омонат кўювчи шахслар, банк-кредит муассасалари ҳамда банк кредити истеъмолчилари бўлмиш жисмоний ва юридик шахслар хукукларя, қонуний манфаатларини кўриклаш, бу хукуклар бузилган тақдирда эса уларни қайта тиклашга қаратилган аниқ воситаларни кўзда тутади, кафолатларни белгилаб кўяди. Бундай хукукий воситаларнинг энг асосийларидан бири, бу банк омонати ва банк кредити шартномалари бўлиб, улар химоялаш воситалари бўлишдан ташкари омонат ва кредитга оид муносабатларни хукукий тартибга солиш, бу муносабатлар иштирокчиларининг ўзаро хуқуқ ва мажбуриятларни, жавобгарликларини белгилаш воситаси бўлиб, улар ўртасида ана шу йўналишдаги муносабатлар кенгайишини тасдиқловчи расмий гувохнома – хужжат вазифасини ҳам бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 759-моддасига мувофиқ «Банк омонати шартномаси бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатин қабул қилиб олган иккичи тараф банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фонзлар тўлаш мажбуриятини олади».

Банк омонати шартномаси омонатларни жалб этиш билан боғлиқ банк операцияларини амалга ошириш ваколатини олган банклар ва бошқа кредит муассасалари билан омонатчи жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилиши мумкин. Қонунда белгиланганидек, омонатчининг пул маблағи банкка келиб тушган ёки топширилган кундан бошлаб банк омонати шартномаси тузилган хисобланади.

Банк ёки бошқа кредит муассасасининг аҳолидан ва юридик шахслардан омонат қабул қилишга ҳақли эканлиги ушбу муассасага Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланган тартибда бериши махсус рухсатнома (лицензия)да кўрсатиб қўйилган бўлиши лозим.

Ана шундай махсус рухсат (лицензия) олмагани ҳолда фуқаролардан омонат қабул қилган банк ёки бошқа шахс омонатни дархол қайтариб бериши, шунингдек, ўзининг ана шундай файриқонуний ҳаракати гуфайли стказилган зарар ўринини тўла қоплаб бериши лозим. Бундай зарар жумласига ўз маблағини ишониб топширган фуқаро ололмай, қолган даромад ва фойда суммалари, унга стказилган маънавий заарлар киритилиши мумкин.

Тегишли рухсат (лицензия)сиз юридик шахслар маблағи омонатга қабул қилинганда бундай шартномаларнинг белгиланган тартибда ҳақиқий эмас деб топилишига ва айборгра фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўзда тутилган жавобгарлик қоидалари қўлланилиши мумкин. Шбу моддага кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини файриқонуний жамғариш натижасида улардан фойдалантсанлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак.

Фоиз микдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизларининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундирилганида эса кредиторнинг хоҳишига кўра қарз берилган кундаги ёки суд қарори чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб-ставкасига қараб ундириб берилиши мумкин.

Банк омонати шартномаси одатда ёзма шаклда ҳар иккала томон имзолайдиган махсус ҳужжат тарзида тузилиши ва расмийлаштирилиши лозим. Бироқ қонунга мувофиқ бслгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўллапиладиган иш муомаласи одатда, кўзда тутилган ҳолларда шартномага хос хусусиятларни ўзида акс эттирувчи бошқа ҳужжатлар тузилганилиги ва омонат кўювчига берилганлиги ҳам банк омонати шартномаси тузилганилигини тасдиқловчи факт ҳисобланиши ва шартнома тузилганидаги ҳуқуқий оқибатларни юзага келтириш мумкин. Ана шундай ҳужжатлар категорига омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки бошқа ҳужжатлар киритилиши мумкин. Шундай қимматли қоғоз саналувчи бланкларга қўйиладиган асосий техник талаблар Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда тасдиқланган «Техник талаблар»да кўзда тутилган.

Амалдаги фуқаролик ва банк қонунчилиги жисмоний шахсларнинг ҳам, юридик шахсларнинг ҳам пул маблагларини омонатга жалб этиш мумкинлигини белгилайди ҳамда жисмоний шахслар пул маблағларини жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб қўяди. Бу хусусиятлар фуқаролар омонатларини ҳимоялашнинг маҳсус, кушимча чоралари белгиланганлиги билан ажралиб туради.

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда ўзбек сўмида ҳам, чет эл валютасида ҳам омонатлар қўйилиши ёки қабул қилиниши мумкинлиги назарда тутилади. Банк омонати шартномаси фуқаролик ҳукукий белгиларига кўра бир томонлами, ресал ҳамда ҳақ баробарига тузиладиган шартномалардан саналади. Омонатчи жисмоний шахслар ўз пул маблағларини сақлашлик учун чекланмаган миқдорда омонат ҳисобларига эга бўлишлари мумкин.

Юридик шахслар томонидан депозит ҳисоб вараклари ва маблағларни сақлаш тартиблари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»га қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви томонидан 1998 йил 22 августда тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 18 ноябрда 539-раками билан қайд этилган.

«Ўзбекистон Республикаси банкларда очиладиган банк ҳисоб рақамлари тўғрисидаги йўриқнома»да белгилаб қўйилган.

Фуқаролик кодексининг 759-моддасида фуқаро омонатчи бўлган банк омонати шартномаси оммавий шартнома бўлиб ҳисобланиб, оммавий шартномага хос хусусиятлар фуқаролик (кодексининг 358-моддасида санаб кўрсатилган ва унга муовофик жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳукуки берилган банк уни мурожаат қиливчи ҳар қандай фуқаролардан пулларни омонатта қабул қилиши лозим бўлади. Бунда банк қонунда бевосита кўрсатиб қўйилган ҳоллардан ташқарини кимгагидир афзаллик беришга, кимнингдир ҳукукларини чеклашга ҳақли бўлмайди, барча шахслар билан бир хил шартларда шартнома тузиши керак бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан банк омонати шартномаси тузиш пайтида ҳар иккала томон учун мажбурий бўлган қоидалар ишлаб чиқилиши ва жорий этилиши мумкин. Қонун талабларига ва мазкур мажбурий қоидаларга зид келувчи шартномалар ўз-ўзидан ҳақиқий

саналмайдиган битимлар бўлиб ҳисобланади. Банк омонатининг турлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексинияг 762-моддасида кўрсатилган бўлиб, унда омонат талаб қилиниши биланқ берилиши (талаб қилингунча сақланадиган омонат бўлса) лозим бўлган ҳамда омонатни шартномада белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш (муддатли омонат бўлса) лозим бўладиган омонатларга бўлинади.

Банк омонати шартномасида қайтариб беришнинг қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам (масалан, ютуқга, болалар учун ва ҳоказо) назарда тутилиши мумкин.

Муддатли ёки муддатсиз қўйилган омонатлар омонатчи томонидан ёки бошқа учинчи шахслар томонидан умумий қоидага кўра шартномада кўзда тутилган ҳолларда нақд пул топшириш ёки пул ўтказиш йўли билан тўлдирилиши мумкин. Шунингдек, омонатга қўйилган маблағлар омонатчининг талаби билан истаган пайтда қайтарилимоғи шарт. Бунда муддатли омонатлар белгиланган муддатидан аввал қайташиб олинганида уларга талаб қилиб олинадиган омонатлар учун белгиланган ставкаларда пасайтирилган фоизлар тўланиши кўзда тутилган.

Муддатли ёки муайян шарт назарда тутувчи омонат муддати тамом бўлгач ёки белгиланган шарт юз берганидан кейин ҳам қайтариб олинмаганилиги бундай омонатни талаб қилиб олинадиган (оддий) омонатга айланишига сабаб бўлади. Омонат шартномасида бошқача ҳол назарда тутилиши мумкин. Омонатчи вафот этган ҳолларда омонатни қайтариб олиш ёки қайси расмийлаштириш масалалари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1150-моддасида белгиланган тартибда ҳал этилади. Қўйилган барча омонатларга банк томонидан банк омонати шартномасида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўлайди.

Банк омонати шартномада маҳсус кўрсатиб қўйилган бўлса, талаб қилиб олингунича қўйилган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдори банк томонидан ўзгартирилиши мумкин. Банк фоизлари камайтирилган тақдирда, бу банк фоизларни камайтириши тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан кўлланилади. Ундан аввал қўйилган омонатларга нисбатан эса шартномада бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса омонатчи бу ҳакда ёзма хабардор қилинганидан кейин бир ой ўтгач кўлланилиши мумкин. Муддатли омонатлар учун тўланадиган фоиз ҳақлар шартномада бу ҳакда маҳсус кўрсатиб

кўйилган ҳоллардан ташқари банк томонидан бир томонлама пасайтарилишига йўл қўйилмайди.

Банк қабул қилиб олган омонатнинг қайтарилишини таъминлаши шарт. Ушбу кафолатни амалга оширилиш воситалари ва усуллари қонунлар билан ҳамда банк омонати шартномасида назарда тутилади.

Банк томонидан омонатга қайтарилиши таъминланмаган таъминотни йўқоттан ёки ёмонлаштирилган банк омонатига тегишли фоизлар тўлашдан ташқари омонатчи кўрган барча заарларни қоплаб берини шарт. Конунда учинчى шахс фойдасига омонат қўйилиш мумкинлиги назарда тутилган бўлиб, тегишли пул банкка келиб тушган пайтдан бошлаб у омонатчи хукуқларига эга бўлади.

Омонат қўйилганинг тасдиқловчи асосий хужжатлар омонат дафгарчаси ва омонат (депозит) сертификати бўлиб, уларнинг асосий белгилари ва хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 769 – 770-моддаларида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган ва жорий этилган месъёрий хужжатларда назарда тутилган.

Фуқароларнинг тижорат банклари ва бошқа кредит муассасаларига қўйилган омонатлари ўз вақтида қайтарилишини ҳамда уларнинг ишончли тарзда муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган хукукий базани янада мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш юзасидан кейинги йилларда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Банк сири тўғрисида»<sup>1</sup>, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»<sup>2</sup>, «Кредит уюшмалари тўғрисида»<sup>3</sup> ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши банк муассасаларида сакланаётган фуқаролар омонатлари учун зарур хукукий кафолат яратди ва банк муассасаларига бўлган ишончни ортишига, банклардаги омонат қўйилмалари ҳажмини ортишига сабаб бўлди<sup>4</sup>. Хусусан, 2004 йилда банклардаги аҳоли депозитлари 2003 йилга нисбатан 40,5 млрд. сўмга кўпайиб, умумий миқдори 298 млрд. сўмни ташкил этди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2003 й., 19-сон, 174-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2002 й., 17 – 18 сон, 137-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2002 й., 9 сон, 59-модда.

<sup>4</sup> Мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришининг 2004 йил 9 ойи якунлари тўғрисида. «Халқ сўзи», 2004 йил 11 ноябрь.

<sup>5</sup> «Халқ сўзи». 2005 йил 9 август.

Омонатчиларга банк муассасаларига қўйилган омонатларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш, аҳолининг банк тизимларига ишончини янада ортишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банкдаги депозит ҳисобвараклардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори мухим аҳамиятга эга бўлди.

### **3-§. Кредит шартномаси тушунчаси ва унинг асосий белгилари. Кичик ва хусусий бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш**

Юкорида таъкидланганидек, кредит муносабатлари воситасида турли манбалар ҳисобига жамғарилган маблағлар иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни ҳал этишга жалб этилади ва муайян халқ хўжалиги вазифаларини бажаришта имкон яратилади.

Кредит операциялари тижорат банклари фаолиятида асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва банк унинг воситасида юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг омонатга жалб этилган маблағлари, ўз маблағлари ҳамда ташкил этилган мақсадли давлат маблағлари ҳисобига тадбиркорлик субъектларига, фуқароларга турли кўринишлардаги кредитлар бериш, эвазига фонзлар олиш орқали тижорат фаолиятини амалга оширади.

Давлат ўз иқтисодий ва ижтимоий сиёсати устувор йўналишларини амалга ошириш учун муайян тармоқларни қўллаб-куватлаш ҳамда рағбатлантириш билан шуғулланади. Ана шундай қўллаб-куватлаш шаклларидан бири — тегишли соҳани имтиёзли шартларда тижорат банклари орқали кредит билан таъминлашдан иборатdir.

Ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартағи «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг 2001 йил 22 августдаги «Иқтисодиётни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 349-сонли, 2003 йил 4 февралдаги «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 63-сонли, 2003 йил 23 декабрдаги «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 563-сонли қарорида ва бошқа месъерий-хуқуқий хужжатларда мустаҳкамланган.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2004 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари хисобидан жами 354 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган бўлиб, унинг 249 млрд. сўми ёки 70,3 фоизи узоқ муддатли кредитларни ташкил этди. Шу хисобдан мамлакатда 81 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Бугунги кунда (2005 йил 1 январь ҳолатига кўра) республикамида 32 та тижорат банки рўйхатдан ўтикалган бўлиб, уларнинг 2 таси давлат банки, 14таси акциядорлик-тижорат банки, 5 таси хорижий сармоя иштирокидаги банклар, 10 таси эса хусусий банклардан иборат. 2004 йилда Ўзбекистонда 6 та янги кредит ўюшмалари рўйхатга олиниб, уларнинг умумий сони 20 тага стди<sup>1</sup>.

Кредит муносабатларини амалга оширишнинг асосий ҳуқуқий шакли кредит шартномаси тузишдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 744- модасига мувофиқ:

**«Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тараф — (қарз олувчи)га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартларда пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Кредит шартномаси банк амалиётида банк ссудаси (қарзи) шартномаси деб ҳам юритилади.**

Банк кредити шартномаси оддий қарз шартномасидан ўз субъектлари ва обьектлари доираси билан фарқ қиласди. Энг аввало, кредит шартномасида қарз берувчи бўлиб тегишли ваколатга (лицензияга) эга бўлган банклар ва бошқа кредит ташкилотлари (масалан, жамғармалар, суғурта ташкилотлари)гина қатнаша олиши мумкинлиги, иккинчидан, бу шартноманинг кредити фақат пул (ўзбек сўмларидаги ёки чет эл валютасидаги) маблагларигина бўлиши мумкинлиги қайд этилмоги лозим.

Кредит шартномаси ҳақ баробарига, қайтарилиши шарти билан, олдиндан кафолатланиш йўли билан, мақсадли шаклда тузилади. У бир томонлама, реал тузилади. Томонлар келинушига кўра ёки қонунда бевосита кўрсатилган ҳолларда бу шартнома текин (фонд олинмасдан) тузилиши ҳам мумкинлиги қонунда кўзда тутилган.

<sup>1</sup> Нул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият яна монетар сисесатининг 2005 йилга мўлжалланган асосий тўналишлари. Банк ахборотномаси. 2005 йил 30 март. №14.

Фуқаролик кодексининг 745-моддасига кўра кредит шартномаси ёзма тузилиши шарт. Ёзма шартномага рноя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Кўпчилик ҳолларда ҳар шккала томон имзолайдиган ягона ҳужжат шаклидаги шартнома тузилади. Аммо айрим ҳолларда қарз олуви чу ҳақда ёзма ариза ва ўз илтъюмосини асословчи ҳужжатлар (техник-иктиносидӣ асослар, бизнес режа) билан мурожаат қилиши мумкин. Банк ариза ва тақдим этган ҳужжатларни, кредит олиш шартларини, қарз олуви чунинг тўлов қобилияти, кредит олинасттаи лойиҳа таваккалчилиги олишадиган фойда ҳажми, кредит кафолатлари ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда кредит бериш ёки илтъюмосни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Айрим тармоқлар бўйича ёки айрим обьектлар бўйича кредит билан таъминлашнинг ўзига хос қоидалари алоҳида месъерий ҳужжатлар билан тартибига солинади. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1999 йил 9 октябрда тасдиқланган 330-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларни Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан узоқ ва ўрта муддатли кредит билан таъминлашни ташкил этиш қоидалари, «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатадиган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби», 2000 йил 7 марта 907 тартиб рақами билан рўйхатга олинган. «Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаш ва кредит билан таъминлаш тартиби», «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини кўллаб-кувватлаш жамғармаси томонидан кредит линияси очилганида тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларини кредит билан таъминлаш тартиби», Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва бошқа бир қатор манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар томонидан 1998 йил 20 июлда тасдиқданган «Бюджетдан ташқари жамғармалар томонидан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш тартиби» ва бошқа месъерий ҳужжатлар амал қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1998 йил 22 августда «Банкларга ломбард кредит бериш тартиби тўғрисида низом» тасдиқланган.

Кредит берилиш усуллари, улар учун олинадиган фонз ҳақ миқдори ва унинг тўланиши, кредитдан фойдаланиш тартиби, муддати келган кредитни қайтариш тартиблари ўз вактида қайтарилган кредит учун жавобгарлик чораларини қўлланилиши

масалалари фуқаролик кодексида, банк қонунчилигига ва бошқа мөъсрий ҳужжатларда ҳамда кредит шартномасида белгилаб қўйилган.

Банк кредити берилиши пайтида унинг қайтарилишини таъминлаш чоралари (гаров, ипотека), уни кўллаш тартиб ва шакллари ҳамда оқибатлари ҳам амалдаги қонунчиликда назарда тутилган.

Ашёларни кредитта бериш ва тижорат кредити (муайян маҳсулот ёки иш учун пул тўлашни кечикириб беришга оид масалалар) тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари хисобидан кредитлаш тартиби шу ҳақдаги Низом билан белгиланган<sup>1</sup>.

Ушбу Низомга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор микрофирма ва кичик корхоналарга микрокредитлар, дастлабки (старт) капиталини шакллантириш мақсадлари учун кредитлар берилади. Низомда кредит бериш шартлари, муддатлари, энг кўп миқдорлари ва берилиш тартиблари батафсил белгиланган.

Фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда, ер участкасини гаровга олган ҳолда<sup>2</sup> кредит бериш тартиблари жорий этилган. Бундай шартларда кредит бериш тартиблари ва олинган кредитни қайтарилиш масалалари тегишли мөъсрий-ҳукуқий ҳужжатларда назарда тутилган.

Тижорат банклари ўз мижозларига кредит бериш юзасидан тегишли кредит сиёсатини ишлаб чиқишилари ҳамда уни оғишмай рўебга чиқаришлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низом» тасдиқланган

Мазкур «Низом»да ҳар бир тижорат банки томонидан ишлаб чиқиладиган кредит сиёсатига қўйиладиган асосий талаблар кўрсатиб қўйилган. Кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқилиши ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига томонидан 2001 йил 3 октябрда 1074-сон билан давлат рўйхатига олинган (унга кўшишыча 2004 йил 24 январдаги 203-В-2 24 сон карор билан киритилган).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., 14-сон, 78-модда; 2004 йил, 15-сон, 82-модда.

Кредит сиёсати ҳақидағи ҳужжатда банк мұассасаси амалға оширадиган кредит сиёсатининг мазмуни, мақсад ва стратегияси, кредитларни түпланиши, тұланиши, гаров таъминотига қўйиладиган талаблар ва башка зарур ҳолатлар батафсил баён этилади.

#### **4-§. Кредит беришга онд ҳужжатларни расмийлаштириш.**

##### **Кредитлаштиришга онд қонунчиликкни бузганлиги учун жавобгарлик**

Кредит шартномасининг қонун ҳужжатларига тұла мөс тарзда түгри расмийлаштирилши унинг қайтарылышини, банк манфаатлари бузилмаслығи учун зарур ҳуқукий база яратилишига, банк міжозлари ҳуқуқлари ишончли мухофаза этилишига сабаб бўлади.

Кредит муносабатлари асоси сифатида кредит шартномасига қўйиладиган асосий талаблар фуқаролик қонунчилигига ва унинг асосида қабул қилинган башка қонун ҳужжатларидан мустаҳкамланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2000 йил 22 февралда тасдиқланган 432-сонли «Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби түғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2000 йил 2 марта 906-сон билан рўйхатга олинган) мавжуд<sup>1</sup>.

Ушбу низомда Республикадаги барча тижорат банклари томонидан ўз міжозларига бериладиган кредитлар ва уларда очиластган кредит линияларига нисбатан қўлланилади. Кредит банк томонидан кредит шартномаси асосида пул шаклида берилади (міжознинг ҳисобварағига ўтказилади).

Банк ҳар бир берилган кредит бўйича кредит йиғмажилдини тайёрлайди, у кредит шартномаси имзоланган ёки тасдиқланган кундан бошлаб очилади ҳамда мазкур Низомда кўзда тутилган холлардан ташқари асосий қарз ва фоизлар тўлиқ тўланганидан сўнг ёпилади.

Кредит йиғмажилди ҳужжатларни мухофазаси ва ваколатлигини таъминлаш мажбурияти юклатилган банк ходими кредит йиғмажилдии юритиш ва сақлаш учун масъулдир:

қабул қилинган бухгалтерлик андозаларига мувофиқ тайёрланган, охирги ҳисобот санасида қарздор томонидан имзоланган, молиявий ҳисоботлар, жумладан, баланс ҳисботи ҳамда даро-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари Ахборотномаси. 2001 й., 3-4 сон.

мадлар ва пул оқимига доир ҳисоботлар, зарурат түгилганда қарз олувчининг ҳисоботлари банк ва банкнинг маслаҳат бўлимининг масъул кредит ходими ҳамкорлигида талаб қилинаётган форматга мувофиқ келтирилиши шарт;

масъул банк ходими томонидан тайёрланган, кредитни тўлаш учун қарздорнинг пул оқими старлилигини тасдиқловчи пул оқими тўғрисидаги ҳисобот таҳлили;

банк кредит қўмитасининг кредит тасдиқланган муддат ва шартларини ўз ичига олувчи кредит шартномасини тасдиқлашга доир қарори.

Агар кредит кўчмас мулк гарови билан таъминланган бўлса, унда кредит йиғмажилдида қўшимча равишда қуийдаги хужжатлар бўлиши лозим:

ипотека тўғрисида тузилган шартноманинг асл нусхаси;

гаровга берувчи ва банк томонидан имзоланган, гаров объекти қийматини келишув далолатномаси;

гаровга қўйилган мулкни суғурта қилиш шартномаси ва ушбу шартнома бўйича суғурта полиси;

гаров шартномасининг давлат кадастр идораларида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки давлат кадастр идораларида гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклда гаров шартномасига қўйилган беъли;

гаров предметини сотиш нархини тасдиқловчи хужжатлар, агар кредит, уни сотиб олишни молиялаш мақсадида берилган бўлса.

Агар кредит кўчмас мулкни қуриш, таъмираш ва тиклашни молиялаш мақсадида берилган бўлса, банк кредит йиғмажилдига смета хужжатларини, шунингдек, банк томонидан тайёрланган текшириш тўғрисидаги ҳисоботни ёки кредит берилган ишлар бажарилишилгини тасдиқловчи қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани киритиши лозим.

Агар кредит бошқа шахс томонидан кафолатланса, кредит йиғмажилдига қуийдаги қўшимча хужжатлар киритилади:

— кафиллик тўғрисидаги шартнома ёки ёзма кафолат;

— аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг кафолатчининг (кафил) қониқарли молиявий аҳволини тасдиқловчи хulosаси;

— шахснинг кафил номидан (кафолатчи) кафолат тўғрисидаги шартномани (мажбуриятни) имзолаш ҳуқуқини таслиқловчи хужжат.

Кредитни беришга доир банк билан тузилган шартномага, жумладан, гаров тўғрисидаги шартномага киритиладиган, ўзгар-  
226

тириш ва қўшимчалар ушбу шартномалар шаргларига мувофиқ расмийлаштирилиши ва тегишли йиғмажилларга киритилиши лозим.

Кредит тўлиқ ёки қисман тўланганлигини таслиқловчи ҳужжатлар кредит йиғмажилдига киритилиши ва кредитни тўлаш манбаларини (карздор томонидан ўтказилган ёки гаров обьектини сотишдан олинган маблағлар) акс эттириши зарур.

Карздорнинг ўзгариши дастлабки карздор томонидан ўз қарзини бошқа шахс – янги қарздорга бериш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, кредит шартномасига киритиладиган тегишли тўлдиришлар ёрдамида расмийлаштирилади.

Карздор ўзгарган кредитга доир асосий ҳужжаглар қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши лозим:

- қарздор ва мўлжалланаётган янги қарздорнинг банк томонидан қарзни ўтказишга розилик беришини сўраб ёзган аризалари;

- янги қарздорга нисбатан тайёрланган асосий ҳужжатлар, улар қарзни ўтказиш тўғрисидаги банк розилиги, қарздор ўзгариши муносабати билан кредит шартномасига киритиладиган ўзгариши ва қўшимчаларга оид ҳужжатларга нисбатан кўлланилади;

- банкнинг қарзни ўтказиш юзасидан берган ёзма розилиги, дастлабки ва янги қарздор ўртасида тузиленган ёзма шартнома;

- кредит шартномасига ёзма тарзда киритилган ва янги қарздор томонидан имзоланган ўзгариши ва тўлдиришлар.

Банк қарзни ўтказиш юзасидан ўз розилигини беришга асос бўлган, янги қарздор берган таъминот шартларига қараб янти қарздорга очилган кредит йиғмажилдига тегишли қўшимча ҳужжатлар киритиб қўйилиши лозим.

Карздор кредитни тўламаган тақдирда, кафил банк жавобгарликни ўз зиммасига олиши ҳакида кредиторга ёзма равища хабар берилган ҳолда кафолат беришга доир ёзма шартномада банк томонидан кафиллик ва кафолатлар берилиши мумкин.

Карздор кредитни тўламаганлиги сабабли банк томонидан амалга оширилган кафолатлар бўйича йиғмажилди очилади. У кафолат берилган шахс томонидан қарз тўлангунга қадар юритилади.

Банк томонидан кафил сифатида мажбуриятларнинг бажарилниш муносабати билан очилган кредит йиғмажилларни мазкур низомда кўзда тутилган талабларга мувофиқ кафолат бериш тўғрисидаги шартномани тузиш учун тайёрланган ҳужжатларни ўз ичига олади.

Қарздорнинг ўзига кафолат берәётган банк олдиаги мажбуриятлари таъминланган тақдирда ушбу кафолатга доир кредит йиғмажилди тайёрланган ҳужжатларни камраб олиши керак.

Банк ҳар бир берилаётган ёки олинастган кредитлар бўйича йиғмажилдга қўйидаги ҳужжатларни тикиб қўйиши лозим:

- қарздорнинг молиявий аҳволи ва тўловларни ўз вақтида амалга ошириш имкониятини текшириш мақсадида тегиши шартномалар тузилганидан сўнг банк ва қарздор ўртасида юз берган муомалаларни акс эттирувчи ёзишмалар ва ҳужжатлар;

- кредит таъминоти сифатида берилган мулкни текшириш ҳужжатлари;

- қарздор кафилиниң (кафолатчи) молиявий аҳволини акс эттирувчи барча ҳужжатлар;

- кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини тасдиқловчи ҳужжатлар;

- қарздор тўловларни амалга оширгмаган ҳолда банк томонидан кўрилган чора-тадбирларни тасдиқловчи ҳужжатлар.

Кредитга доир хизмат кўрсатувчи банк ўтказини тўғрисидаги шартнома шартларига мувофиқ кредитнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини акс эттирувчи ҳужжатларни кредит йиғмажилдидаги юритиши шарт.

Тижорат банклари томонидан кредит ҳужжатларини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва талабларига қатъий амал килиниши кредитлар қайтарилишнинг ҳамда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиластганлигини назорат килишининг муҳим шартларидан бўлиб саналади.

Кредитлари ва кредит шартномаси тузиш ҳамда уни бажарнилишига оид конунчилик меъёrlари, ўзаро тузилган кредит шартномаси шартларини бузганлик учун ҳукукий ҳамда молиявий (иктисодий) жавобгарлик юз беради. Бунда кредитга оид муносабатларда ҳукукбузарлик хатти-ҳаракатига йўл қўйиши мумкин бўлган ва жавобгарликка тортиладиган шахслар донрасини тўғри белгилаб олиниши муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг назаримизда бундай шахслар жумласига қўйидаги-лар киритилиши мумкин:

- а) тижорат банк муассасаси;
- б) банк ходимлари (рахбар ва мансабдор шахслар);
- в) кредит олган мижозлар (тадбиркорлик субъектлари, айрим фуқаролар);
- г) тадбиркорлик субъекти бўлган корхона ва ташкилот мансабдор шахслари.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунининг<sup>1</sup> 30-моддасига кўра: «Тадбиркорлик фаолияти субъектлари кредит ресурсларидан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга.

Бюджетдан ташқари фонdlар маблағларидан тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлардан фойдаланганлик учун давлат томонидан имтиёзли фоиз ставкалари белгиланиши мумкин». Тадбиркорлик субъектларининг ушбу ҳуқуқларини бузган ёки уларни амалга оширилишига тўсқинлик қилган банклар ва уларниң мансабдор шахслари конун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конунининг 38-моддасида тадбиркорлик субъектларига тайриқонуний хатти-харакатлар билан стказилган моддий ва маънавий зарар ўрини айбор шахслардан, шу жумладан, банк муассасалари ва уларниң мансабдор шахсларидан ундириб берилади.

Банкларниң мансабдор шахслари томонидан ғаразли мақсадларда мансабни сунистъмол қилиш, таъмадирлик қилиш тегишли ҳолларда жиноий жавобгарликни юз бернишига олиб келиши мумкин. Банклар томонидан кредитга оид муносабатларда сансалорликка йўл қўйиш, кредит шартномасида тузишдан асоссиз бош тортиш, пул маблағларини ўз вақтида тадбиркорлик субъектига ажратмаслик, кредит ҳужжатларини юритиш қондларини бузиш каби шаклларда ҳуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин.

Кредитга оид муносабатларда банк мижозлари – кредит олувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан шартнома шартланни бажармаслик, сохта ҳужжатлар ва ишопчли бўлмаган ахборотлар тақдим қилиш, кредитни қайтарниш режаси ва жадвалига риоя қиласлик, уни ўз вақтида қайтармаслик кўринишларидан ҳуқуқбузарликлар содир этилади. Кўпчилик ҳолларда банк мижози-кредит олган хўжалик субъекти хўжалик суди орқали фукаролик ҳуқуқий-мулкий жавобгарликка тортилади. Аммо, корхона раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларниң мулкий ҳамда ғаразли жиноятлар содир этганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилиш ҳоллари учраб туради.

---

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 5 – 6 сон. 140-мода.

## **Мавзуни ўрганиш бўйича назорат саволлари:**

1. Банк омонати ва кредитининг шартномасидаги ўрнини тушунтириб беринг.
2. Банк омонати тушунчасини айтинг.
3. Омонат сақлашнинг ҳуқуқий асослари қайси қонунда беришган.
4. Омонат шартномаси тушунчаси ва мазмунини айтиб беринг.
5. Омонат шартномаси муносабатларининг субъектлари кимлар бўлиши мумкин?
6. Банк омонати операциясини ўзига хос хусусиятлари нимада?
7. Юридик шахслар томонидан депозит ҳисоб варақлари ва маблагларини сақлаш тартиблари қайси қонун ҳужжатида қайд этилган?
8. Фуқаролар омонатчи бўлган банк омонати шартномаси қандай характердаги шартнома ҳисобланади?
9. Омонат шартномасига кўра томонлар ҳуқуқ ва бурчлари қандай?
10. Кредит шартномаси тушунчасини айтинг.
11. Кредит шартномасининг асосий белгилари нималар?
12. Кредит муносабатининг асосий ҳуқуқий шакли нима?
13. Кредит шартномасининг обьекти, субъектлари доираси оддий қарз шартномасидан қандай фарқ қиласди?
14. Кредит бериш усуллари тартиб қоидаларини белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжат нима?
15. Кредит сиёсатига нисбатан талаблар қайси меъерий ҳужжатда берилган?
16. Кредит беришга оид ҳужжатларга нималар киради?
17. Кредит ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби қандай?
18. Ипотека кредити қандай расмийлаштирилади?
19. Кредит шартномасида қарздорнинг ўзгариши қандай расмийлаштирилади?
20. Кредитга оид низолар қандай ҳал қилинади?

## **8-боб. МИЖОЗЛАРГА КҮРСАТИЛАДИГАН БАНК ХИЗМАТЛАРИНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ**

### **1-§. Банклар томонидан күрсатиладиган қўшимча хизматлар тушунчаси ва бозор муносабатлари шароитида уларниң зарурлиги**

Тижорат банклари тадбиркорлик фаолиятиниң субъектлари сифатида, асосан, мамлакат молия-пул бозорида хўжалик юритувчи субъектларга ҳисоб-китоб ва бошига банк хизматлари кўрсатиш билан шуғулланадилар. Айни пайтда улар ўз мижозларига кўрсатиладиган хизмат турлари допрасини кенгайтириш, бундай хизматлар сифатини ошириш, банк хизмати сервиси шаклланиши ҳамда кент ривож топишидан бевосита манфаатдордирлар. Чунки бундай пуллук хизматлар тижорат банклари га қўшимча даромад олиш, таъминлаш, мижозларни кенг жалб этиш, банкнинг ишчанлик обрўсини кўтариш имконини беради.

Иккичи томондан олганда, банк қўшимча хизмат турлари кенгайтирилиши, улар сифат даражасини юксалтирилиши банк мижозлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун кулагий тутдиради, ўз муаммоларини тез ва самарали ҳал этишлари, тадбиркорлик фаолияти билан бемалол шуғулланишларига имкон яратади. Булар эса мамлакат иқтисодий тараққиёти суръатини жадаллаштириши, бозор муносабатларининг зарурий инфратузилмалари шакллантирилишининг асосий шартларидан биридир.

Хорижий банк тизимлари ва банк амалитини ўрганиш банк молия тизимлари мукаммал карор топган ҳамда ривожланган бозор муносабатлари мавжуд мамлакатлarda тижорат банклари томонидан ўз мижозларига бир неча юзлаб турдаги банк хизматлари кўрсатилишидан дарак бермоқда.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодий ислоҳотларимиз чуқурлашиб ва ривожланиб борар экан, бозор тизими инфратузилмалари аста-секин аужудга келтирилмоқда, улар тобора цивилизацияланишган киёфа касб этмоқда.

Собир иттифоқ давлати замонида ҳукм сурган «Ягона бошқарув маркази» орқали маъмурий-буйруқбозлик иш услубларида идора қилиш ҳам эволюцион тарзда, босқичма-босқич барҳам топмоқда ва унинг ўрнинг аста-секин омилкорлик ва ташаббусга

асосланувчи, кўпроқ фойда кўришга йўналтирилган иқтисодий бошқарув механизмлари жорий қилинмоқда. Тижорат банкларининг асосий фаолиятларига кўшимча равишда турли банк сервис хизматларини кўрсата бошлагани ва бундай хизмат доираси кенгайиб борастганлиги айнан бозор муносабатлари талаб ҳамда тамойиллари жорий этиластганлиги маҳсули сифатида баҳоланиши керак.

Бугунги кунда банклар кўрсатадиган кўшимча хизматларнинг ҳукуқий асослари янада кенгайтирилиши ва мустаҳкамланиши, янги банк хизматлари кўрсатишнинг ҳукуқий базаси яратилиши долзарб бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётини ва банк қонуничилигини ўрганиш шуни кўрсатмокдаки, кўпгина кўшимча банк хизматлари хорижий мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда жорий этилмоқда ва ўзининг қонунчилик асосига зга бўлмаганлиги, қонун ҳужжатлари билан старли тартибга солинмасдан қўлланила бошлаганлиги сабабли қийинчиллик билан ўз ўрнини топмоқда, бир қатор кўшимча муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда яъни, бизнинг фикримизча банк қонуничилиги айрим ҳолларда банк амалиётидан ортда қолмоқда. Шу ўринда Республикасим Президенти И.А. Каримовнинг қуидаги фикрларига эътиборни қартиш ибратлийдир: «Айрим қонунчилик ҳужжатларининг йўқлиги, борларининг ҳам гоҳо нотўғри, қонунга хилоф тарзда талқин қилиниши баъзи қонунларнинг самара бермастанига сабаб бўлмоқда»<sup>1</sup>. Буларнинг барчаси «Банк ҳукуки» соҳасида илмий тадқиқотларни кескин кучайтириш, фаннинг амалиётдан олдинда юриш тамойилини рўёбга чиқариш заруратини жуда долзарб қилиб қўймоқда.

Ҳозиргача ўтган даврда мамлакатимиздаги банк тизимини янада ривожлантириш, банк хизматлари кўрсатиш ишини янада яхшилаш, банк хизматининг мамлакат иқтисодий ҳаётидаги маъкеи ва даражасини ошириш муаммолари асосан Республикаим Президентининг Фармонларида, Ҳукумат қарорларида кўтарилимоқда ҳамда уларни ҳал этиш йўллари, чоралари белгиланмоқда<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишланиш – давр талаби. Асарлар тўплами. 5-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1997 й., 126-6.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 марта «Банк тизимини эркинлаштириш на ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 18 апрелдаги «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ва бошқалар.

## **2-§. Тижорат банклари томонидан ўз мижозларига кўрсатиладиган қўшимча хизматлар ва уларнинг умумий тавсифи**

**Кафолат** (гарантия) ҳам мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилган чора бўлиб, Фуқаролик кодексининг 299-моддасига кўра, «кафолатта биноан банк бошқа кредит муассасаси ёки суфурта ташкилоти (грант) бошқа шахс (принципиал)нинг, илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципиалнинг кредитори (бенифициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаши ҳақида принципиалга ёзма мажбурият беради».

Кафолат берилганлиги учун принципиал кафилга ҳақ тўлайди. Кафолат берилган кунидан кучга киради ва унинг ўзида бошқача коида назарда тутилмаган бўлса, кафил томонидан чакириб олиниши мумкин эмас.

Мажбурият принципиал томонидан белгиланган муддатда тўла ёки қисман ижро этилмагани тақдирда бенифициар ўз талабларини зарур хужжатларни илова қилгани ҳолда кафилга билдириши ва мажбуриятини бажаришни талааб қилиши мумкин. Кафил бундай талааб ва тақдим этилган хужжатлар ҳақида принципиални дарҳол хабардор қилиши, талабни ўзаро белгиланган муддатларда кўриб чиқиши лозим. Бенифициар олдида мажбуриятни ижро этган кафил принципиалга нисбатан регресс даъво қўзғатиши ва ижронинг ўзига қайтарилишини талаб қилиши мумкин.

Кафолат қонунда ёки шартномада кўзда тутилган асосларга кўра бекор бўлади. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 309-моддасига кўра, «кафилининг кафолат бўйича бенифициар олдида мажбурияти қўйидаги ҳолларда бекор бўлади:

- кафолат берилган сумма бенифициарга тўланганида;
- кафолатда белгиланган муддат тамом бўлиши билан;
- бенифициар кафолат бўйича ўз хукуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;

— бенифициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз хукуқларидан воз кечиши оқибатида.

Ўзбекистон Республикаси тергов ва суд амалиётида тижорат банкларининг раҳбарлари, айрим мансабдор шахсларнинг ўз хизмат вазифаларини сунстехъмол қилиб, турли фирма ва компа-

шияларга ғайриқоуний кафолат бериш ҳоллари учраб турибди. Бундай ҳолларда мансабдор шахс содир этган жиноят туфайли қонунга хилоф тарзда берилган кафиллик учун банк мажбуриятни ўташ бурчидан озод этилмоғи лозим.

**Суғурта** — инсон фаолияттнинг турли соҳаларида содир буладиган табиий оғатлар, фавқулодда ҳодисалар ва бошқа воқсалар натижасида стказилган зарар ҳамда талафотларни жисмоний ва юридик шахслар түллаган суғурта бадаллари (суғурта пули)дан ҳосил қилинадиган пул фондлари ҳисобидан тўлиқ ски қисман қоплаш йўли билан жисмоний ва юридик шахслар манфаатлари суғурталанишини таъминлашга доир муносабатлар демакдир.

Маълумки, ҳар бир мулкдор ёки мулкни сақловчи унинг тўла сақланишидан манфаатдор бўлиб, бу манфаатдорлик даражаси мулк қийматига мутаносиб ҳисобланади. Омонатчилар маблағларига жамловчи ва сақловчи банк муассасалари ҳам бу маблағларни турли тасодифий ҳодисалар: табиий оғат, ёнгин, босқинчилик, ҳодимлар хатоси ёки сунистъмолларидан ҳимоя қилинишидан бевосита манфаатдордир. Банкнинг барқарор фаолият юритиши, турли тасодифий ҳодисалардан ҳимоя қилинишидан бевосита манфаатдордир. Банкнинг барқарор фаолият юритиши, турли тасодифий ҳодисалардан ҳимояланиши усулларидан бири ишончли ҳамда малакали суғурта компаниялари томонидан суғурталанишидир. Суғурталаш механизми бэнк фаолияти давомида юз бериши мумкин бўлган тасодифий ҳодисалар учун бутун масъулиятни суғурталовчи зиммасига юклаш имконини беради.

Бугунга кунда банклар томонидан ўз мол-мулклари (бинолар, хоналар, автотранспорт воситалари, электрон-ҳисоблаш техникалари (компьютерлар) ва бошқа мулклар), кассадага нақд пуллар, банкда сақланастган қимматбаҳо буюмлар, банк гаровга олган ашёлар, инкассация ҳизматини ва бошқа обьектларни суғурталаш тобора кенг тарқалиб бормоқда.

Фуқаролик кодексининг 915-моддасида мулкий суғурта шартномаси тарифи берилган. Унга кўра, мулкий суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқса (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига), бу ҳоди-

са оқибатида сұғарталанған мүлккә етказилған зарарни өткізу сұғарталанувчының бошқа мүлккі манбаатлари билан бөглиқ зарарни шартномада белгіленген сумма (сұғурта пули) донраспінда тұлаш (сұғурта төвөні тұлаш) мажбуриятнин олади.

Сұғарталаш қоңдалары одатда сұғурта компаниялары томонидан үз міжозларига тақдым этилади ҳамда бу қоңдаларда сұғурта шартномаси мазмуннага оид барча талаблар назарда тутилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикасы Молия вазирилгі томонидан тасдикланған, Алдия вазирилгі томонидан 1997 йыл 29 апрелде 35-тартиб рақамы билан қайд этилған «Гаровга күйилған мүлкілардың мажбурий сұғарталаш юзасыдан Ыўриқнома»да сұғарталанувчи ва сұтурталовчиниң үзаро ҳуқуқдары ҳамда мажбуриятлари, сұғарталовчи жавобгарлығыннинг юз берши шартлары, ҳажмі, зарар үринин қолпаб берши тартиблары ва бошқа ҳолатлар аниқ белгілаб күйилған.

Банк фаолиятида, айниқса, олинган кредиттіннің қайтарилишине сұғарталаш мүхим амалій аҳамиятта зәға бўлиб, кредиттіннің қайтарилишини таъминлаш пайтида міжозлар томонидан бундай кредитларни қайтарилишини таъминлаш мақсадыда сұғарталаши амалга оширилишина эришиш банкларнинг мүхим вазифаларидан бири саналада. Бундай сұгуртага оид назарий ва амалий масалалар матбуотда ёритиб борилмоқда<sup>1</sup>.

Лизинг хизмати (молия ижараси) бозор инфратузилмаларыннің таркибий элементларидан бири бўлиб, капитал оборотини тезлаштириш, фойдани олиш, ишлаб чиқиши ривожлантиришга хизмат қилувчи мүхим омиллардан ҳисобланади. Мутахассисларнинг гувохлик бернишларича, Farb мамлакатлари томонидан инвестиция мақсадларыда сарфланадын маблағларнинг 36 фоизи лизинг (молиявий ижара) ҳисобланар экан<sup>2</sup>.

Мамлакаттамызда молия бозориниң ривожланиши билан лизинг хизмати ҳам көнг йўлга кўйила бошланди ва натижада, корхоналар унинг ёрдамида ийрик иктисодий лойиҳаларни рўёбга чиқариш имкониятими, банклар эса вақтнинча бўш маблағларини муоммалага киритиб фойда олиш имкониятига зәға бўлдишар. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Банклар ва банк фаолияти түғрисида»ғы қонуни ва «Лизинг түғрисида»ғы Қонуи бошқа қонуилар лизингини ҳуқуқий асоси саналади.

<sup>1</sup> Мирсодиков М. «Кредиттіннің қайтарилишини юзасыдан карздор жавобгарлығынни сұғарталаниши». «Частная собственность», 1998 г., №4.

<sup>2</sup> Нормуродов Х. «Лизинг: выпадко банку и предпринимателю». «Банковские ведомости» хафтаномаси. 1997 йыл 25 – 26 соң.

Фуқаролик кодексининг 587-моддасига кўра, «Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижара олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан ишлаб чиқарувчи (ютувчи) учинчى тараф билан ундан ўз маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади».

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 29 марта тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби»<sup>1</sup>га<sup>1</sup> мувофиқ лизинг шартномаси молиявий барқарор (ишончли) юридик шахслар билан кўйилаётган маблагларнинг қайтарилишини таъминлаш, муддатлилик, ҳак олиниши тамойилларига амал қилинган ҳолда тузилиши, лизинг олувчи лизинг объекти бўлган мулкни шартнома муддати тугагач ёки муддатидан олдин сотиб олиши мумкинлиги назарда тутилиши керак.

Шунингдек, ушбу «Тартиб»да лизинг объектлари, унинг субъектлари доираси ҳам белгилаб кўйилган.

Лизинг шартномаси тузиш қуйидага босқичларни ўз ичига олади:

- банк томонидан лизинг берилиши ҳақида аризанинг қабул қилиниши ва лизинг олувчи билан музокаралар олиб бориш;
- лизинг олувчининг молиявий барқарорлиги тўловга қобилятилилиги ҳақида хулоса ва у илгари суроётган лойиҳа самардорлигини аниқлаш;
- лизинг шартномасини тайёрлаш ва тузиш;
- сотувчига мулкни тайёрлаш ва жўнатиш ҳақида буюртма юбориш;
- лизинг предметини олиши-сотиш шартномасини тузиш;
- лизингта олинган ускуналарни ўрнатиш ва ундан фойдаланишини бошлаш;
- лизинг олувчи билан сугурта компанияси ўртасида лизинг объекти бўлган ускунани сугурталаш тўғрисида шартнома тузиш.

Ушбу ҳаракатларнинг амалга оширилиш тартиблари томонлар ўртасида тузиленган, шартномада меъёрий ҳужжатлар асосида белгилаб кўйилган.

Лизинг шартномаси қатнашчиси бўлган лизинг берувчи, лизинг олувчи, сотувчиларнинг ўзаро ҳукуқлари ва мажбурият-

<sup>1</sup> «Банк ахборотномаси» афтаномаси, 1997 йил, 26-сон.

лари Фуқаролик кодексининг 590 – 599-моддаларида, «Лизинг тўғрисида»ти қонун, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби» ва томонлар ўртасида тузиленган шартномада белгилаб қўйилган.

Тижорат банклари амалиётида лизинг операцияларининг амалга оширилиши тажрибалари, бу операцияларни амалга ошириш механизмлари ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари тўғрисида матбуотда бир қатор илмий мақолалар эълон қилинган.

Лизинг операцияларидан кенг фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини тезлаштиришнинг муҳим шартидир.

### **Мавзуни ўрганиш бўйича назорат саволлари:**

1. Банклар томонидан мижозларга кўрсатиладиган асосий хизмат турларини айтиб ўтинг.
2. Банклар томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизмат турлари, уларни бозор иқтисодиёти шароитидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида айтиб ўтинг.
3. Кўрсатиладиган хизматларнинг хукуқий асосларини айтиб беринг.
4. Кафолат мажбуриятининг мазмуни ва хукуқий асосини айтиб ўтинг.
5. Суғурта хизматининг ҳукуқий асосини сўзлаб беринг.
6. Лизинг хизматларининг мазмуни ва хукуқий асосини айтиб беринг.

## 9-боб. ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ БИЛАН БОГЛИК БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

---

### 1-§. Валютага оид муносабатлар ва валюта қонунчилиги асослари

Валюта муносабатлари деганда кўпичча чет эл давлати пул бирлиги саналувчи бойликка нисбатан бўлган хукуқларни ўзга шахсга ўтказиш ёки кўлга киритиш юзасидан шахслар ўртасида юз берадиган ижтимоий алоқалар тушунилади. Валютага оид муносабатларни тартибга солишинг хукуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари<sup>3</sup>, Ҳукумат қарорлари<sup>4</sup>, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинадиган идоравий меъёрий хужжатларда<sup>5</sup> белгилаб қўйилган.

«Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунинг З-моддасига кўра: «Чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қофозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соғ қўйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади».

Ташқи иқтисодий муносабатларни кенг ривожланиши, товарлар, ишлар, хизматлар экспорти ва импортини авж олиши, мамлакатлараро иқтисодий-ижтимоий, илмий-техникавий, маданий, сиёсий алоқаларни кучайиб бораётгаплиги туфайли халқаро ҳисоб-китоблар кенгайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бундай халқаро ҳисоб-китоблар одатда хорижий валюта бирликларида амалга оширилади. Мамлакат иқтисодий ва сиёсий хавф-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2004 йил, №6, 56-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, №5 – 6, 54-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-56 сонли қарор.

<sup>4</sup> Вазирлар Мажхумасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сонли «Ташқи иқтисодий фаолияти амалга оширилдиша валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Каори.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 16 марта 326-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикасида нақд чет эл валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тўғрисида»ги Низом.

сизлигини таъминлаш, ички бозорни ва миллий товар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини муҳофаза қилиш, пул муомаласи баркарорлигини сақлаб туриш мақсадларида чет эл валютаси билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоб ва бошқа операцияларни маҳсус тартибга солиш, уни давлат назорати остида сақлаш зарурати юзага келади. Ўзбекистон Республикаси валюта қонунчилиги тизими ҳамда унинг воситасида амалга ошириладиган валюта назорати юқоридаги вазифаларни бажаришга хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида валютани тартибга солувчи орган бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ҳисобланади.

Валютани тартибга солувчи орган ўзига берилган ваколатларга мувофиқ чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари муомаласи тартибини, миллий валютани чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмини, чет эл валютасидаги ҳисобваракларни очиш тартибини, резидент юридик шахслар томонидан хорижда ҳисобвараклар очиш тартибини, чет эл валутасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилаб беради.

Ваколатни банкларга чет эл валутасида банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия беришининг умумий қоидаларини белгилаш ҳам, бу соҳадаги банк фаолиятини назорат қиласди валютани тартибга солишга оид фаолиятидан иборатдир.

Валютани тартибга солувчи орган ўз ваколатлари доирасида бошқа турдаги фаолиятларни ҳам амалга оширади.

## **2-§. Валюта операциялари тушунчаси ва амалга оширилишининг умумий қоидалари**

Валюта операциялари деганда валюта бойликларига нисбатан мулк ҳуқуқини бир шахсдан бошқа шахсга ўтказиш, хусусан, улардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш, уни сотиш скни сотиб олиш, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш ёхуд четга олиб чиқиш, ҳалқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалийтлар назарда тутилади.

Валюта операциялари ваколатли банклар ёки бошқа муассасалар орқали амалга оширилиши мумкин. Резидентлар билан норрезидентлар ўртасида миллий валютада амалга ошириладиган операциялар ҳам валюта операциялари бўлиб ҳисобланади.

Жорий ҳалқаро операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари ўзаро фарқланади.

**Жорий халқаро операцияларга қўйдагилар киради:**

- ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан, хизматлар кўрсатилиши муносабати билан, шунингдек, одатдаги қисқа мудатли банк ва кредит механизимлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;
- фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан, банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинадиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек, бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклида тўланиши зарур тўловлар;
- кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўгри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;
- савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари.

**Савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қўйндагилар киради:**

- иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;
- ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбориш билан харажатларни тўлаш;
- таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидағи дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилот ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш.
- нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек, бундай ҳаракатларни амалга ошириш ва ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;
- суднинг, арбитражнинг, шунингдек, тергов ва бошқа ҳуқуқини муҳофаза қилувчи органларининг қарорлари асосида пул маблағлари тўлаш;
- халқаро конгресслар, симпозиумлар, конференцияларда, спорт ва маданий тадбирларда шунингдек, бошқа халқаро учрашувлар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этганлиги учун тўловлар инвестиция билан боғлиқ ва моддий харажатлар бундан мустасно;
- дафн қилиш билан боғлиқ тўловлар;
- муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномалари бўйича ҳақ тўлаш;

- халқаро нотижорат ташкилотларига бадаллар;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланадиган бошқа операциялар.

Жорий халқаро операциялар ва чет эл валютасини улар билан боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари жорий халқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар, шу жумладан:

- инвестиция фаолиятини амалга ошириш;
- кредитлар олиш ва бериш, лизинг операцияларининг амалга ошириш;
- кўчмас мулк сотиб олиш ва сотиш;
- хорижий давлатлардан маблағларини ҳисобваракларини ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатлarda маблағларни ҳисобвараклари ва омонатлари жойлаштириши киради.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати билан олинган хукуқлардан фойдаланиш чекловларисиз амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари эҳтийжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк объектлари олиш ва уларни кўриш бўйича капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси худудида норезидентлар томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек, резидентлар чиқарга қимматли қоғозлар бозорни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банк билан биргаликда белгиланади.

#### Жисмоний шахслар:

- ўз мулкида Ўзбекистон Республикасида олинган ёки сотиб олинган валюта бойликларига эга бўлишга;
- ваколатли банкларга ва уларнинг филиалларида чет эл валютасида ҳисобвараклар очиш ҳамда омонатлар қўшишга;

— банк хисобваракларини очган ҳолда ёки бундай хисобваракларини очмай туриб ҳалқаро пул жўнатмаларини амалга оширишга;

— валюта бойликларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига ўтказиш, олиб кириш ва жўнатишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ўтказиш, олиб чиқиш ва жўнатишга;

— валюта бойликларидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланишга;

— қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлишига ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали;

жисмоний шахслар томонидан ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлиш шохобчалари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар миллый валютасининг чет эл валютасига нисбатан чет эл валютасига бўлган талаб ҳамда таклифнинг жорий нисбати асосида шаклланадиган алмашув курси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисбот мақсадлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банк валютаси операциялари хисоби, статистика ҳисбогти ҳамда бошқа ҳисбот мақсадлар учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун миллый валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини мунтазам равишда белгилаб боради.

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига нақд чет эл валютасини олиб кириш чекловларисиз амалга оширилади.

Резидент жисмоний шахслар нақд чет эл валютасини олиб чиқиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган миндордаги нақд чет эл валютасини олиб чиқиш хукуқини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатмасини қонун ҳужжатларинда белгиланган миндордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишилари мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган миндордан ортиқ бўлган нақд чет эл валютасининг резидент жисмоний шахслар томони-

дан олиб чиқилиши улардан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикасидан нақд чет эл валютасини олиб чиқиш хукукини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда амалга оширилади.

Норрезидент жисмоний шахслар:

Божхона декларациясига мувофиқ олиб кирилган нақд чет эл валютаси миқдоридаги нақд чет эл валютасини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан бериладиган, уларнинг нақд чет эл валютасини олиб чиқиш хукукини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда эса олиб кирилган нақд чет эл валютасидан кўп бўлган миқдордаги нақд чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқиши мумкин.

Резидент ҳамда норрезидент юридик шахслар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютасини олиб кириш ҳамда олиб чиқиш бўйича операцияларни амалга ошириш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар бундан мустасно.

Ваколатли банклар томонидан нақд чет эл валютаси ва миллий валютасини олиб кириш ҳамда олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсатномаси бўлган тақдирда амалга оширилади.

Резидент ва норрезидент жисмоний шахсларни нақд миллий валютасини олиб кириш ҳамда олиб чиқиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Резидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томонидан белгиланган тартибда чет эл валютасида ҳисобварақлар очишлири мумкин.

Резидент юридик шахслар чет эл валютасидаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банклардаги валюта ҳисобварақларида сақланади ва улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустакил равишда фойдаланади.

Резидент юридик шахслар томонидан олинадиган чет эл валютаси, шу жумладан, таварлар (ишлар, хизматлар) экспортидан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқача қонда белгилаган бўлмаса, уларнинг ваколатли банклардаги ҳисобварақларига ўтказилиши шарт.

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий

банки томонидан белгиланган тартибда миллий валютада ва чет эл валютасида хисобварақлар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг резидент жисмоний шахслар, дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида хисобварақлар очишга ҳамда бу хисобварақлардан фойдаланишга ҳақли ва фаолият кўрсатиши даврида бунга йўл қўйилади. Уларнинг чет элда бўлиши ёки фаолияти кўрсатиши тугагач, хисобварақлари ёпилиши лозим, хисобварақлардаги маблағларнинг қолдиқлари эса Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳоллардан ташқари барча хисоб-китоблар ва тўловвлар миллий валютада (сўмда) амалга оширилади

### **3-§. Валюта назорати ва валюта қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлик**

Валюта назорати, бу – чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга оширилиши чоғида қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан давлатнинг ваколатли органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган фаолиятдан иборат.

Валюта назорати молиявий фаолият устидан олиб бориладиган назорат кўринишларидан биридир.

Валюта назоратининг асосий йўналишлари жумласига:

а) валюта операцияларини амалга оширилиши учун лицензия мавжудлигини, ўтказилаётган операцияларнинг қонун талабларига мослигини аниқлаш;

б) резидентлар томонидан чет эл валютаси билан боғлиқ мажбуриятларни, шу жумлада, валюта тушумитинг муайян қисмини мажбурий сотиш бўйича мажбуриятини баъзаришини кузатиб бориш;

в) валюта операциялари бўйича хисоб-китоблар ва хисоботлар тўлиқлиги, тўғрилигини кузатиб бориш;

г) чет эл валютаси билан боғлиқ ноконуний операцияларга йўл қўймаслик кабилар киради.

Ўзбекистонда валюта назоратини амалга ошириш ваколати куйидаги давлат органларига берилган:

- а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки;
- б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги;
- в) Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик Кўмитаси;
- г) Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Кўмитаси.

Ушбу органларнинг валюта назоратини амалга ошириш юза-  
сидан ваколатлари тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйи-  
лган.

Ваколатли тижорат банклари ҳам чет эл валютаси билан  
боғлиқ банк операцияларини амалга ошириш чоғида бундай опе-  
рацияларнинг қонун талабларига мувофиқ келишини кузатиб бо-  
радилар.

Валюта операцияларини амалта оширишта доир ческовлар  
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга  
ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида  
белгиланиши мумкин<sup>1</sup>.

Мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солувчи хавф-ха-  
тар юз берган такдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-  
ки вактинча чет эл валютасида операциялар амалга оширилишини  
тўхтатиб қўйиши ёки муайян ческовлар жорий этиши мумкин.

Валюта назоратини амалга оширилиши чоғида ёки ҳуқуқбузарлик  
ҳолатларини ваколатли органлар томонидан суриштириш-тергов  
қилиш чоғида валюта қонунчилиги бузилгани ҳақидаги фактлар  
маълум бўлгани ҳолларда тадбиркорлик субъектларига нисбатан  
иқтисодий жавобгарлик, мансабдор шахсларга нисбатан эса маъму-  
рий ёки ҳатто жиноий жавобгарлик кўлланилиши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига биноан  
чет эл валютасида олинган даромадларни яширганлиги, улар юза-  
сидан солиқлар ва бошқа мажбурий бадалларни тўлашдан бўйин  
төвлаганлиги, тўловни кечикирганлиги, даромадларни камайти-  
риб кўрсатганлиги учун иқтисодий жазо чораси белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик  
тўғрисидаги кодексида (176-модда) ҳамда Жиноят кодексида  
(177 – 178-моддалар) валютага оид қонунчиликни бузганлик  
учун жиноий жавобгарликлар назарда тутилган.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги «Жиноий фаолиятдан  
олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши  
кураш тўғрисидаги Конуннинг 14-моддасида мажбурий назорат килинадиган  
молиявий операциялар белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатла-  
ри тўплами. 2004 йил, №43, 223-модда.

### **Мавзуни ўрганиш бўйича назорат саволлари:**

1. Валюта муносабатлари тушунчаси ва унинг қонунчилигини айтинг.
2. Валюта операциялари тушунчаси ва амалга оширилишининг умумий қоидаларини тушунтиринг.
3. Жорий халқаро валюта операцияларига нималар киради?
4. Капитал ҳаракат билан боғлиқ валюта операциялари қандай бошқарилади?
5. Ўзбекистон ҳудудида жисмоний шахсларнинг валюта операцияларини ўтказиш тартиби қоидалари қандай?
6. Валюта назорат тушунчаси ва қоидаларини айтиб ўтинг.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ 07.05.1993 й. N 841-ХII**

## **ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТҮҒРИСИДА**

### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади.**

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси худудида валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги мұносабатларни тартибга солишдан иборат.

### **2-модда. Валютани тартибга солиш түғрисидаги қонун ҳужжатлари.**

Валютани тартибга солиш түғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг валютани гартибга солиш түғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланған бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

### **3-модда. Валюта бойликлари.**

Чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф куйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланған банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек, ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир.

Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланған пул ҳужжатларидир.

### **4-модда. Ўзбекистон Республикасининг резидентлари.**

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари (бундан буён матнда резидентлар деб юритилади) қуидагилардир:

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойин бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

**Ўзбекистон Республикасининг худудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар;**

Ўзбекистон Республикасининг иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет залдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шугулланмайдиган ваколатхоналари.

**5-модда. Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари.**

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (бундан бусн матнда норезидентлар деб юритилади) дейилгандан ушбу Конунинг 4-моддасига мувофиқ резидентлар жумласига кирмайдиган шахслар тушунилади.

**6-модда. Валюта операциялари.**

Валюта операцияларига қуидагилар киради:

валюта бойликларига бўлган мулк хукукининг ва бошқа хукукларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш билан боғлиқ операциялар;

валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасида олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва жўнатиш, халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш, резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллӣ валютадаги операциялар.

Валюта операциялари жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси худудида соф қўйма олтин муомаласи тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади.

**7-модда. Жорий халқаро операциялар.**

Жорий халқаро операцияларга қуидагилар киради:

ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан хизматлар кўрсатилиши муносабати билан, шунингдек, одатдаги қисқа мўддатли банк ва кредит механизмлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар;

фоизлар ва бошқа даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинадиган фоизлар ва бошқа даромадлар шаклида, шунингдек, бошқа инвестициялардан олинадиган соф даромад шаклида тўланиши зарур тўловлар;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш;

савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари.

Савдо билан боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қўйнадигилар киради:

иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, алиментлар тўлаш;

ходимларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юбори ш билан боғлиқ харажатларни тўлаш;

таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатия ва бошқа ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар хузуридаги доимий ваколатхоналарни таъминоти учун ҳақ тўлаш;

нотариал ва тергов ҳаракатлари билан боғлиқ тўловлар, шунингдек, бундай ҳаракатларни амалга ошириш ва ишларни судларда кўриш муносабати билан давлат божи тўлаш;

суднинг, арбитражнинг, шунингдек, тергов ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларининг қарорлари асосида пул маблағлари тўлаш;

халқаро конгресслар, симпозиумлар, конференцияларда, спорт ва маданий таъдирларда, шунингдек, бошқа халқаро учрашувлар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок эттанилиги учун тўловлар, инвестиция билан боғлиқ ва моддий ҳаражатлар бундан мустасно;

дағи қилиш билан боғлиқ тўловлар;

муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш;

халқаро нотижорат ташкилотларига бадаллар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бслгиланадиган бошқа операциялар.

Жорий халқаро операциялар ва чет эл валютасини улар билан боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

**8-модда. Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари.**

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига жорий халқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар, шу жумладан:

инвестиция фаолиятини амалга ошириш; кредитлар олиш ва берниш, лизинг операцияларини амалга ошириш; кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

хорижий давлатлардан маблағларни ҳисобвараклар ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатларда маблағларни ҳисобвараклар ва омонатларга жойлаштириш киради.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни депатриация килиш, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириши муносабати билан олинган ҳуқуклардан фойдаланиш ческовларсиз амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ва бошқа ваколатхоналари эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк обьектларини олиш ва уларни кўриш бўйича капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норзидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар мумаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек, резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норзидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда белгиланади.

Ушбу модданинг иккинчи — бешинчи қисмларида назарда тутилмаган капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари резидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

**9-модда. Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар.**

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотидини бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муддат ўтгач ёки чет эл валютасининг қийматига ёхуд унинг курси ўзгаришига боғлиқ равинида бажарилиши мумкин.

Чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар бўйича операциялар:

ваколатли банклар томонидан ўзаро ёки чет эл банклари билан ческовларсиз, очиқ валюта мавқеи лимити доирасида;

агар шартнома тузиш жорий ҳалкаро операцияларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса, банкларнинг мижозлари томонидан ваколатли банклар орқали амалга оширилади.

**10-мадда. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солувчи давлат органи.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикасида валютани тартибга солувчи давлат органидир.

Валютани тартибга солувчи давлат органи ўз ваколатлари доирасида:

Ўзбекистон Республикасида чет эл валютасининг ҳамда чет эл валютасидаги 'тўлов ҳужжатларининг муомаласи тартибини белгилайди;

миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси худудидаги банкларда норезидентлар томонидан миллий валютада ҳамда резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш тартибини белгилайди;

резидент юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи банкларда ҳисобварақлар очиш тартибини белгилайди;

резидентлар ва норезидентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида миллий валютада чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди;

Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида барча турдаги валюта операцияларини амалга оширади;

чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун банкларга лицензиялар беришнинг умумий қоидаларини белгилайди, бундай лицензияларни беради ва чақириб олади, шунингдек, банклар фоалиятини назорат килади ва тартибга солиб туради;

жорий халқаро операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари муддатининг чегарасини белгилайди;

кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун тўловларнинг мақбул суммалари миқдорини белгилайди;

чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар билан операциялар ўтказиш тартибини белгилайди;

капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ваколатли банклар реестрини юритади ва эълон қилади;

ваколатли банклар учун очик валюта мавқеи лимитларини белгилайди;

қабул килинган халқаро стандартларга мувофиқ валюта операциялари статистикасини тайёрлайди ва эълон қиласди;

чет эл валютасидаги тушумнинг бир қисмини резидентлар томонидан мажбурий тарзда сотишнинг микдори ва тартибини белгилайди;

валютани тартибга солиш масалалари бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган норматив хужжатлар қабул қиласди, шунингдек, қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

#### **11-модда. Ваколатли банклар.**

Чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган банклар ваколатли банклардир.

#### **Ваколатли банклар:**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида очиқ валюта мавқси лимити доирасида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар асосида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича беносита ўзаро, ўз мижозлари билан ҳамда валюта биржалари орқали, шунингдек, халқаро бозорларда операцияларни амалга оширишга;

Ўзбекистон Республикасининг банкларида ва чет эл банкларида вакиллик ҳисобваракларига ҳамда бошқа ҳисобваракларга эга бўлишга;

нақд чет эл валютасини ҳамда чет эл валютасидаги тўлов хужжатларини жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш операцияларини амалга ошириш учун айирбошлиш шохобчаларини очишга ҳақлиdir.

Ваколатли банклар қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

#### **12-модда. Валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар.**

Валюта операцияларини амалга оширишга доир чекловлар жинойи фаолиятдан олинган даромадларни логалластиришга ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши қурашиб максадида белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки иқтисодий хавфсизликка таҳдиид юзага келгандан валюта операцияларини амалга оширишини вакътинча тўхтатиб қўйишга ёки уларга доир чекловлар жорий этишга ҳақли.

### **13-модда. Жисмоний шахсларнинг валюта бойликлари ва улардан фойдаланилиши.**

Жисмоний шахслар ўзмулкида Ўзбекистон Республикасига олиб кирилган, ўтказилган ёки жўнатилган, Ўзбекистон Республикасида олинган ёки сотиб олинган валюта бойликларига эга бўлишга;

ваколатли банкларда ва уларнинг филиалларида чет эл валютасида хисобвараклар очиш ҳамда омонатлар қўйишга;

банк хисобваракларини очган ҳолда ёки буидай хисобваракларни очмай туриб ҳалқаро пул жўнатмаларини амалга оширишга;

валюта бойликларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасига ўтказиш, олиб кириш ва жўнатишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ўтказиш, олиб чиқиш ва жўнатишга;

валюта бойликларидан қонун хужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланишга; қонун хужжатларига мувофиқ бошка ҳукукларга ҳам эга бўлишга ҳақли.

### **14-модда. Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш.**

Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш:

юридик шахслар томонидан ваколатли банклар орқали;

жисмоний шахслар томонидан ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлиш шохобчалари орқали амалга оширилади.

### **15-модда. Миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курси.**

Ўзбекистон Республикаси худудида чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича операциялар миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан чет эл валютасига бўлган талаб ҳамда таклифнинг жорий нисбати асосида шаклланадиган алмашув курси бўйича амалга оширилади.

■ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия хисоби, статистика хисоботи ҳамда бошка хисботот мақсадлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси худудида божхона ва бошка мажбурий тўловларни хисоблаш учун миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини мунтазам равишда белгилаб боради.

### **16-модда. Резидентларнинг хисобвараклари.**

Резидентлар Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатли банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томо-

нидан белгиланган тартибда чет эл валютасида ҳисобвараклар очишлари мумкин.

Резидент юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банклардаги валюта ҳисобваракларида сақланади ва улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда фойдаланилади.

Резидент юридик шахслар томонидан олинадиган чет эл валютаси, шу жумладан, товарлар (ишлар, ҳизматлар) экспортидан олинган валюта тушуми, агар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқача қонда белгилаган бўлмаса, уларнинг ваколатли банклардаги ҳисобваракларига ўтказилиши шарт.

Резидент юридик шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқаридағи банкларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобвараклар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикасининг резидент жисмоний шахслари, дипломатия ва бошка ваколатхоналари, шунингдес, Ўзбекистон Республикаси ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳисобвараклар очишга ҳамда бу ҳисобвараклардан фойдаланишга уларнинг факат хорижда бўлиши ва фаолият кўрсатиши даврида йўл қўйилади. Уларнинг чет элда бўлиши ёки фаолият кўрсатиши тугагач, ҳисобвараклар ёпилиши лозим, ҳисобвараклардаги маблағларнинг қолдиклари эса Ўзбекистон Республикасига ўтказилади.

**17-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нерезидентларнинг ҳисобвараклари.**

Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган нерезидент жисмоний шахслар, иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдес, хорижий ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютасида ҳисобвараклар очишга ҳамда улардан фойдаланишга ҳақлидир.

Ваколатли банкларнинг вакиллари бўлган чет эл банклари ваколатли банкларда миллий валютада ва чет эл валютаси-

да вакиллик ҳисобвараклари ҳамда бошқа ҳисобвараклар очиш ҳукуқига эга.

**18-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасида ҳисоб-китоблар ва тўловлар.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллӣ валютада амалга оширилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловларни чет эл валютасида амалга оширишга куйидаги ҳолларда ўйл қўйилади:

конун хужжатларида белгиланган тартибда кредитларни олиш ва қайтаришда;

ваколатли банклардаги омонатларга пул маблағлари қўйишда, омонатлар бўйича фоизлар тўлашда; банкнинг чет эл валютасидаги операциялар бўйича воситачилик ҳақини уидиришда; чет эл валютасида ифодаланган банк кафолатларини бериш ва улар юзасидан тўловларни амалга оширишда; ваколатли банклар, уларнинг филиаллари ва айирбошлиш шохобчалари орқали чет эл валютасини сотиб олиш ва сотишка; юридик шахсларнинг низом фондига (низом капиталига) конун хужжатларида белгиланган тартибда валюта бойликларини киритишда; хайрия мақсадларида амалга ошириладиган операцияларда; мерос ҳукуки бўйича валюта бойликларини олишда;

божисиз савдо дўйонларида ҳисоб-китоблар, шунингдек, ҳалқаро йўналишларда ташишда транспорт воситаларининг катнов йўлларида йўловчиларга товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операцияларда;

норсидентлар билан товарларни бошқага ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, ахборотни, интеллектуал фаолият натижаларини, шу жумладан, уларга бўлган мутлак ҳукукларни бошқага ўтказиш тўғрисида шартномалар тузиш ва уларни бажариш билан боғлиқ хизматлар комиссionерлар (агентлар) томонидан кўрсатиластгаңда комиссionерлар (агентлар) ва комитетлар (принципиаллар) ўртасида амалга ошириладиган операцияларда;

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган ёки Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган юкнинг транзити, уни ташиш билан боғлиқ хизматлар экспедитор, ташувчи ва фрахтчи томонидан кўрсатиластгаңда транспорт экспедицияси, ташиш ҳамда чартер (фрахтлаш) шартномалари бўйича операцияларда;

кимматли қоғозларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда сотиб олиш ва сотишда; резидентлар томонидан резидентлар ҳамда норезидентлардан пластик түлов иа кредит карточкалари бўйича тўловларни қабул қилишда; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суурита ва қайта суурита шартномалари бўйича ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда; қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда.

**19-модда. Накд чet эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш.**

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси худудига нақд чet эл валютасини олиб кириши чекловларсиз амалга оширилади.

Резидент жисмоний шахслар нақд чet эл валютасини олиб чиқиш ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсатмасдан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги нақд чet эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ бўлган нақд чet эл валютасининг резидент жисмоний шахслар томонидан олиб чиқилиши уларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки ваколатли банклар томонидан бериладиган, Ўзбекистон Республикасидан нақд чet эл валютасини олиб чиқиш ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда эса олиб кирилган нақд чet эл валютасидан кўп бўлган миқдордаги нақд чet эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Норезидент жисмоний шахслар: божхона дескларациясига мувафиқ олиб кирилган нақд чet эл валютаси миқдоридаги нақд чet эл валютасини;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар томонидан бериладиган, уларнинг нақд чet эл валютасини олиб чиқиш ҳукуқини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлган тақдирда эса олиб кирилган нақд чet эл валютасидан кўп бўлган миқдордаги нақд чet эл валютасини Ўзбекистон Республикасидан бир йўла олиб чиқишлари мумкин.

Резидент ҳамда норезидент юридик шахслар томонидан нақд чet эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқиш бўйича операцияларни амалга ошириш тақиқланади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва ваколатли банклар бундан мустасно.

Ваколатли банклар томонидан нақд чet эл валютаси ва миллий валютани олиб кириш ҳамда олиб чиқини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси бўлган

тақдирда амалга оширилади. Резидент ва норезидент жисмоний шахсларнинг нақд миллий валютани олиб кириши ҳамда олиб чиқиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**20-модда. Валютани назорат қилувчи органлар.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасида валютани назорат қилувчи органлардир.

Ўзбекистон Республикасида резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

**21-модда. Валюта операциялари бўйича ҳисобот.**

Валюта операциялари бўйича ҳисобот тақдим этиш тартибини, ҳисботнинг турлари, шакли ва уни тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валютани назорат қилувчи бошқа органлар билан биргаликда уларнинг ўз ваколатлари доирасида белгилайди.

Норезидентларнинг валюта операциялари бўйича ҳисобот тақдим этишига доир талаблар валюта операцияларининг факат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширилган қисмига нисбатан белгиланиши мумкин. Жисмоний шахслар чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича ҳисобот тақдим этмайдилар.

**22-модда. Низоларни ҳал қилиш.**

Валюта операцияларини амалга ошириш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**23-модда. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганилиги учун жавобгарлик** Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганиликда айбдор шахслар-белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## **10-боб. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН БАНК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Қимматли қоғозлар бозори Ўзбекистон Республикасидаги молия бозорининг муҳим сегменти бўлиб ҳисобланади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтинча бўш турган пул маблағларини ушбу бозорга жалб этилиши натижасида мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш, муҳим ижтимоний муаммоларни ҳал этиш, пул муомаласини барқарорлаштириш, инфляция жараёнларини секинлаштириш имконини беради. Иккинчидан эса, бўш маблағларни инвестицион муомалада бўлиши унинг соҳиби бўлган жисмоний ёки юридик шахсга ҳам барқарор фойда олишини таъминлади.

Бозор муносабатларининг асосий принципларидан бири – тўхтовсиз ҳаракатланишдан иборат ва бу қоида айниқса пул шакидаги капиталга нисбатан тўла тааллуклидир.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банк муассасалари қимматли қоғозлар бозорининг энг фаол иштирокчилари бўлиб, улар ушбу бозорда турли шаклда иштирок этадилар.

«Қимматли қоғозлар» тушунчаси кенг ва тор маънода таърифланади. Унинг кенг маъноси, мулкий ҳуқуқ обьекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 96-моддасида берилган бўлиб, унга кўра:

Мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланади, уларни тақдим эттан тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қимматли қоғозларнинг бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

Қимматли қоғозлар жумласига; облигациялар, вексель, чек, депозит ва жамгарма сертификати, банкнинг тақдим қилувчи га пул бериладиган жамгарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда конун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради.

Унинг тор маънодаги (қимматли қоғозлар бозоридаги муомала обьекти сифтидаги) таърифи Ўзбекистон Республикасининг

«Кимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Конуннинг<sup>1</sup> 1-модасида келтирилган. Унга кўра:

Кимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларни эгаси ўртасидаги мулкий ҳукуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденд ёки фонзалар кўриннишида да ромад тўлашни ҳаммда ушбу ҳужжатлардан келиб чикадиган ҳукуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутивчи пул ҳужжатларидир.

Кимматли қоғозлар – бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоб қилища, шунингдек, кридитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиши мумкин. Кимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

Киритилган улуш шаклидан қатъи назар, кимматли қоғозларнинг қиймати Ўзбекистон Республикаси пули берилганда, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолда эса – чет эл валютасида (акциялар бўйича – мулкни ўтказиб бериш йўли билан ҳам) ифодаланади ва тўланади.

Юқоридаги икки хил таъриф кимматли қоғозларнинг умумфуқаролик муомаласидаги ҳамда қимматли қоғозлар бозоридаги ҳолатини ўзида ифодалайди.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, юқорида эслатилган «Кимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги, «Кимматли қоғозлар бозори фаолият юритишининг механизми тўғрисида»ги, «Кимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги<sup>2</sup>, «Кимматли қоғозлар бозорида инвесторлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги<sup>3</sup>, «Акциядорлик жампявлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги<sup>4</sup>, ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., 2003 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган қимматли қоғозлар бўйича операцияларга онд Конун ҳужжатлари тўплами. Т., Ўзбекистон, 2003 йил, 42-бет.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган қимматли қоғозлар бўйича операцияларга онд Конун ҳужжатлари тўплами. Т., Ўзбекистон, 2003 йил, 54-бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №13, Т., Адолат, 1996 йил.

Республикаси Президентининг Фармонлари<sup>1</sup>, Ҳукумат қарорлари<sup>2</sup> ҳамда идоравий месъерий хужжатлар билан<sup>3</sup> тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қимматли қоғозлар чиқариш, улар муомаласини ташкил этиш, иккиласми бозорни йўлга қўйиш ҳамда қимматли қоғозларнинг иккиласми бозордаги муомаласи тартиб-қонидаларини белгилашнинг ташкилий ҳамда ҳукукий механизмлари юқорида қайд этиб ўтилган қонулар, қонун ҳужжатлари ҳамда бошқа актлар билан белгилана-ди. Бунда қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари бўлган субъектларнинг бевосита ўзлари томонидан қабул килинадиган ҳамда амалда қўлланиладиган локал меъёрий ҳужжатлар (депозитарийлар, фонд биржалари ва бошқа субъектлар томонидан ишлаб чиқиладиган ички низомлар, намунавий шартномалар ва ҳоказолар) ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конунига кўра тижорат банкларига қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиш, улар билан боғлиқ банк операцияларини амалга ошириш ваколати берилган (Конуннинг 4-моддаси).

Тижорат банклари қимматли қоғозлар билан боғлиқ қўйида-ги операцияларни амалга оширилиши мумкин:

- қимматли қоғозлар (векселлар, Акциялар, облигациялар, Депозит сертификатлари ва бошқалар) чиқариш (эмиссия килиш);
- қимматли қоғозларни сотиб олиш. Сотиш, сақлаш ва улар билан боғлиқ бўлган бошқа операцияларни амалга ошириш;
- маҳсулот стказиб бериш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ равишда юзага келувчи талаб қилиш ҳукукларини олиш, бундай талабларни бажариш таваккалчилигини ўз зиммасига олиши ва уларни индекссациялаши;
- ишончли бошқариш (траст) операцияси хизматларини кўрсатиш: қимматли қоғозларни жалб этиши ва жойлаштирилиши, мижоз топшириғига кўра бошқа операцияларни адо этиши;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 мартағи «Нул масаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш маъбулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № УП-3047 сонли фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 29 апрелдаги 196-сонли «Қимматли қоғозлар иккиласми бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»и Карори.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки томонидан облигациялар чиқариш ва улар муомаласи тўғрисида»ги Низом. 16-модда. Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлигига 2002 йил 1140-сон билан рўйхатта олинган.

- қимматли қоғозларга оид банк операцияси хизматларини күрсатиши; қимматли қоғозларни жалб этиш ва жойлаштирилиши, мінжоз топшириғінде күра башқа операцияларни адо этиш;
- қимматли қоғозларга оид банк операциялари юзасидан маслаҳат хизмат күрсатиши.

Банклар қимматли қоғозлар бозорида профессионал иштирокчилар — инвестиция институтлари сиғатида иштирек этиб, у ерда тадбиркорликкінг қыйидаги турлары билан шуғулланишилар мүмкін:

- эмиссия фаолияти;
- брокерлик фаолияти;
- диллерлик фаолияти;
- қимматли қоғозлар ва улар билан боғлиқ пул маблағларини үтказиш бүйіча ҳисоб — килиринг, депозитор фаолияти;
- қимматли қоғозлар савдосини ташкил этиш фаолияти;
- траст операциялари;
- инкассо фаолияти;
- маслаҳат фаолияти ва бошқалар.

Тижорат банклар қимматли қоғозлар бозорида юритиласттан сиёсатта мувоғиқ равишида амалға ошириладиган операцияларни талаб олиш. Бундай тижорат банклар қимматли қоғозлар бозорида иштирек этишдан бир қатор мақсадларни күзлаши мүмкін. Улар жумласига.

Қимматлы қоғозлар чиқарыш орқали кредит фаолиятты учун күшімчама маблағлар жалб этиш;

- мінжозларга қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар орқали хизмат күрсатишида фойда олиш;
- қимматли қоғозлар орқали камб молиявий ресурсларни күлгө киритиши ва бошқалар киритилеш мүмкін.

Тижорат банклари белгиланған тартибда олинған умумий банк лицензия асосида қимматли қоғозлар бозорида қатнашишлары мүмкін ва буннинг учун күшімчама, маңсус лицензия олиш талаб этилмайды. Фақат қимматли қоғозлар билан боғлиқ операцияларни бевосита амалға оширувчи банк мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилігі ва «Қимматли қоғозлар операциясы» бүйіча курсларни ўташлары ва фонд бозори мутахассиси малака аттестатини олишлари лозим.

Тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида иштирек этишининг айрим шаклларини батағыларок күриб ўтайлик.

**I. Инвестиция компанияси сифатидаги фаолият.** Инвестиция компанияси ҳисобланувчи тижорат банки:

- қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни кафолатлаш юзасидан;
- қимматли қоғозларга маблаг сарфлаш;
- қимматли қоғозларни диллер сифатида савдо-сотик қилиш бўйича ихтисослашган корхона ҳисобланади.

Банк мижоз учун қимматли қоғозлар эмиссияси билан шуғулланганда воситачи сифатида қўйидагича харакат қиласди:

- 1-босқич — эмиссияга таёргарлик кўриш;
- 2-босқич — қимматли қоғозлар эмитентдан қабул қилиб ёки сотиб олиш;
- 3-босқич — қимматли қоғозларни инвесторлар орасида жойлаштириш.

**II. Траст операциялари.** Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 849-моддасига кўра «мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувчининг муассиси) исккичи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувчига тоширади. Исккичи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувчининг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олуччи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади.

Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳукукининг ишончи бошқарувчига олиб берилмайди».

Траст ўз ичига мижознинг қимматли қоғозлар проффили ёки унинг бир қисмини бошқариш, акциялар, векселлар, давлат қимматли қоғозлари ва бошқаларни олиши мумкин. Ишончли бошқарувчи (трассант)нинг мустақиллиги даражасига кўра тўла вакиллик ва агент сифатидаги вакиллик ўзаро фарқланади.

Тўла вакилликда банк ўз мижози номидан ва ундан олдиндан розилик олмасдан ҳар қандай операцияларни амалга ошириш мумкин бўлади.

Агент вазифасини бажарганда эса ҳар бир ҳаракат олдиндан трассант билан келишиб олиниши талаб этилади. Ишончли бошқариш билан боғлиқ ҳолдаги банк ва унинг мижозлар ўтасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳукукий асослари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 849–861-модаларида белгилаб қўйилган.

**III. Депозитарлик фаолияти.** Тижорат банклари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун, «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг

4-моддаси, фуқаролик кодексининг 896-моддаси ва бошқа қонун хужжатларига кўра бойликларни, шу жумладан, қимматли қоғозларни омонат сақлаши мумкин.

Тижорат банклари томонида қимматли қоғозларнинг ҳисобкитобини олиб бориши ва сақлаш мижоз билан ўзаро тузилган шартномага мувофик тарзда амалга оширилади. Улар умумий банк лицензияси асосида депозитар фаолияти билан шугулланадилар ва бу фаолият давомида қимматли қоғозларни ҳисобга олиб бориши ва сақлашдан ташқари уларни ўтказиш, сотиш ва сотиб олиш, бухгалтерия ҳисоб-китобини тўғри юритилишини кузатиб бориши ва бошқа операцияларни ҳам рўебга чиқариши мумкин.

Банк депозитарий сифатида, асосан, уч турдаги операцияларни:

- маъмурий операциялари;
- бухгалтерлик операциялар;
- ахборотлар билан боғлиқ операцияларни бажаради.

**IV. Брокерлик фаолияти.** Тижорат банклари ўз мижозлари топшириғига кўра қимматли қоғозларни сотиш, сотиб олиши, яъни комиссиронер сифатида иштирок этиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Фуқаролик кодексининг 832–848-моддалари, «Қимматли қоғозлар бозорнинг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида»ги ва бошқа қонун хужжатлари бу соҳадаги фаолиятининг хукукий асосларидир.

Тижорат банки брокер сифатида ўз мижози билан воситачилик шартномаси ҳамда ушбу асосга таянган ҳолда учинчӣ шахслар билан қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш шартномасини тузиш мумкин. Қимматли қоғозлар савдосида брокерлик вазифасини бажариш, мижозлар билан бўладиган ўзаро муносабатларини тартибга солиш, топшириқ, унинг мазмуни ва ижро этилиши тартиблари қонунчилик хужжатлари билан белгилаб кўйилган бўлиб, банк мижози талабини биржага ўтказищдан аввал уни текшириб кўриш шарт.

**V. Маслаҳат хизматига оид фаолият.** Тижорат банклари мижоз билан тузилган шартномага мувофиқ қимматли қоғозларни муюмилага чиқариш юзасида маслаҳат беради ва мижозга қўйидаги хизматлар кўрсатиш мумкин:

- қимматли қоғозлар бозорини ўрганиш ва унинг истиқболи ҳакида ахборат бериш;

- хукукий маслаҳатлар бериш;
- қасбий таेरлашга ёрдамлашишни;
- ахборат хизмати күрсатиш.

Банк маслаҳат хизмати күпроқ фойда олишга, таваккалчиликнинг асосли бўлишига, зарар юз берининг олдини олишга хизмат қилади.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида иштирок этиши мамлакат иқтисодий тараққиётига, бозар муносабатларининг мамлакатимизда самарали жорий этилишига хизмат қилади ва шу сабабли уларнинг бу соҳадаги фаолияти янада ривожланиши ҳамда кўллаб-куватланиши лозим.

### **Мавзуни ўрганиш бўйича назорат саволлари:**

1. Қимматли қоғозлар тушунчасини таърифланг.
2. Қимматли қоғозлар турлари ва уни бозордаги операцияларини таърифланг.
3. Тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларини ҳукукий асосларни айтиб беринг.
4. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини ва уларнинг фаолиятига характеристика беринг.
5. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида иштирокининг шаклларини айтиб беринг.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ  
02.09.1993 й. № 918-XII**

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА ФОНД БИРЖАСИ  
ТҮФРИСИДА**

Ушбу Қонун қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни муюмалада юритиш, кимматли қоғозлар бозори қатнашчилари фаолиятини бошқариб бориши шартлари ҳамда тартибини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришига кўмаклашиш мақсадида фонд биржалари ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш принципларини белгилаб беради.

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1-модда. Қимматли қоғозлар түлпунчаси.**

Қимматли қоғозлар — бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки заём муносабатларини тасдиқловчи, дивиденду ёки фоизлар кўрининишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир.

Қимматли қоғозлар — бланкалар, сертификатлар шаклида ёки счётлардаги ёзув шаклида бўлиши ва ҳисоб-китоб қилишда, шунингдек, кредитлар бўйича гаров сифатида фойдаланилиши мумкин. Қимматли қоғозлар юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ихтиёрийлик асосида тарқатилади.

Қимматли қоғозларнинг қиймати, киритилган улуш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигига ифодаланади ҳамда тўланади, уларни чиқариш шартларида назарда тутилган ҳолларда эса, чет эл валютасида (акциялар бўйича — мулкни ўtkазиб бериш йўли билан ҳам) тўланади.

**2-модда. Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги қонунлар.**

Қимматли қоғозлар чиқариш ва уларни муюмалада юритиш билан, қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

### **3-модда. Қимматли қоғозларнинг турлари.**

Ушбу қонун қимматли қоғозларнинг куйидаги турларига амал қиласди:

акциялар; облигациялар; хазина мажбуриятлари; қимматли қоғозларнинг ҳосиллалари; депозит сертификатлари; всксслар.

Акциялар, облигациялар ва хазина мажбуриятлари ва қимматли қоғозлар ҳосиллаларининг рсвизитлари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридан Кимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси томонидан, депозит сертификатлари ва вскссларнинг ректизитлари эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

Кимматли қоғозлар эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин.

Кимматли қоғозлар, башарти мулкий ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлик ҳолда рўёбга чиқариш учун эмитент (қимматли қоғозни чиқарувчи) томонидан ёки унинг топшириғига биноан қимматли қоғозлар борасида касб фаолиятини амалга ошираётган ташкилот томонидан эгасининг номини қайд этиш зарур бўлсагина, эгаси ёзилган бўлади. Эгаси ёзилган қимматли қоғозни бир мулкдордан иккинчисига бериш ҳисоб-китобдаги тегишли ёзувларни ўзгартиришда акс этади.

Кимматли қоғозлар, башарти мулкий ҳуқуқларни уларга эгалик қилиш билан боғлик ҳолда рўёбга чиқариш учун қимматли қоғозни тақдим этишнинг ўзи старли бўлса, тақдим этувчига тегишли ҳужжатлар деб ҳисобланади. Тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар эркин муомалада бўлади.

### **4-модда. Акциялар.**

Акциялар-акциядорлик жамиятининг низом фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик бсрувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштироқини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденду олиш ва қонда тариқасида, ушбу жамиятни бошқаришда қатнашини ҳуқуқини берувчи, амал қилиши муддати белгиланмаган қимматли қоғозлардир.

Акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор акциядорлик жамияти муассислари томонидан ёки акциядорларниг умумий йигилиши томонидан қабул қилиниади. Сотиб олинган акция уни чиқарган акциядорлик жамиятига, башарти бу нарса жамият уставида назарда тутилмаган бўлса, сотилиши мумкин эмас. Давлат корхонаси очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилганда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тад-

биркорликни қўллаб-куватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан биргаликда эмиссия рисоласини тасдиқлаши акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор хисобланади.

### **5-модда. Облигациялар.**

Облигациялар уларнинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, қоплаш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғозлардир.

Қуйидаги турлардаги облигациялар чиқарилади: республика ички заёmlарининг ва маҳаллий заёmlарнинг облигациялари; корхоналарнинг облигациялари.

Облигациялар оддий ва ютукли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада юритиладиган ёки муомала доираси чекланган қилиб чиқарилиши мумкин. Мақсадли облигацияларнинг ресквизити облигациялар қайси моллар (хизматлар) учун чиқарилган бўлса, шу молларни акс эттириши шарт.

Республика ички заёmlарининг ва маҳаллий заёmlарнинг облигациялари тақдим этувчига тегишли қилиб чиқарилади. Республика ички заёmlарининг ва маҳаллий заёmlарнинг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан қабул қилинади. Қарорда эмитент, облигацияларни чиқариш шартлари ва уларни тарқатиш тартиби белгилаб қўйилиши лозим.

Корхоналарнинг облигациялари мулкчиликнинг барча шакларига мансуб корхоналар томонидан чиқарилиши мумкин. Облигациялар ўз эгаларига корхона бошқарувида қатнашиш ҳукукини бермайди.

Корхоналар ва акциядорлик жамиятларининг облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарор тегишинча маъмурият ва ижроия органи (бошқаруви) томонидан қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корхоналарнинг облигацияларини эмитентларнинг низом фондини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек, уларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган барча облигацияларнинг номинал қиймати жамиятнинг шакллантирилган низом фонди миқдоридан ошиб кетмаслиги лозим. Жамият томонидан облигациялар чиқаришга фақат жамият низом фонди түлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади.

Бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектларнинг облигацияларини чиқариш суммаси миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

#### **6-модда. Хазина мажбуриятлари.**

Ўзбекистон Республикасининг хазина мажбуриятлари - уларнинг эгалари бюджетта пул маблағлари берганликларини тасдиқловчи ҳамда бу қимматли қоғозларга эвалик қилишининг бутун муддати давомида қайд этилган даромадни олиш ҳуқуқини берувчи, тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозлар туридир.

Хазина мажбуриятларининг куйидаги турлари чиқарилади:  
узоқ муддатли-беш йил ва ундан кўпроқ муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари; ўртacha муддатли-бир йилдан беш йилгача муддатга мўлжалланган хазина мажбуриятлари; киска муддатли — бир йилгача бўлган муддатта мўлжалланган хазина мажбуриятлари.

Узоқ муддатли ва ўртacha муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Киска муддатли хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинади. Хазина мажбуриятларини чиқариш тўғрисидаги карорларда даромадларни ҳамда мажбурият қарзларини тўлаш шартлари белгилаб қўйилади.

#### **7-модда. Депозит сертификатлари.**

Депозит сертификатлари — бу пул маблағлари — омонат кўйилгани тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг белгиланган муддат тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фонзларини олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк-эмитент гувоҳномасидир. Депозит сертификатларини чиқариш ва рўйхатдан ўтказиш коидаларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилайди.

#### **8-модда. Вексель.**

Вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлаш юзасидан катъий мажбуриятини

тасдиқловчи қимматли қоғоз вскель ҳисобланади. Векселлар оддий ва юбориладиган вскелларга бўлинади.

Вексель берувчининг муайян суммадаги пулни вскель олувчига ёхуд унинг буйруғига биноан бошқа шахсга белгиланган муддатда ёки унинг талабига кўра тўлашдан иборат қатъий мажбуриятини ўз ичига олган ҳужжат оддий вскель ҳисобланади.

Вексель олувчининг муайян суммадаги пулни олувчига ёхуд унинг буйруғига биноан бошқа шахсга белгиланган муддатда ёки унинг талабига кўра тўлаш тўгрисидаги қатъий буйруғидан иборат тўловчига қаратилган ҳужжат юбориладиган вскель ҳисобланади. Бунда тўловчи вскель бўйича белгиланган муддатда тўловларни амалга оширишга (акцептни бажаришга) розилигини ёзма равишда тасдиқлаши шарт.

Векселларни (хазина векселларидағи ташқари) чиқариш, рўйхатдан ўтказиш қоидалари, уларни чиқариш ва муомалада юритиш шартларини Марказий банк Молия вазирлиги билан биргаликда белгилайди. Хазина векселларини чиқариш ва муомалада юритиш қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Вексель олувчининг солиқлар бўйича ва бошқа мажбурий гўловлар бўйича бюджетдан қарзи мавжуд бўлса, у фақат пул маблағларини олиш тарзида векселнинг ҳакини тўлашга киришади ва бюджет билан ҳисоб-китоб қилиб бўлгач, қолган суммани бошқа ҳисоб-китобларга сарфлаши мумкин.

#### **8-1-модда. Қимматли қоғозларнинг ҳосиллари.**

Қимматли қоғозларнинг ҳосиллари — даромади (зарари) бир ёки бир неча бозор кўрсаткичлари (индекслари) мазмунига боғлиқ бўлган қимматли қоғозлардир. Қимматли қоғозларнинг ҳосиллари опционлар, фьючерслар ва бошқа молиявий воситалар тарзида чиқарилиши мумкин.

Опцион — шартнома бўлиб, унинг згасига қимматли қоғозларни ёки товарларни битимда қайд этилган нархда белгиланган муддатда харид қилиш хукукини беради.

Фьючерс — қимматли қоғоз (шартнома) бўлиб, муайян қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларни ёки товарларни шартномаларда белгилаб қўйилган нархда белгиланган келгуси санада харид қилиш ёки сотишдан иборат сўёзсиз мажбуриятини тасдиқлади. Қимматли қоғозларнинг ҳосилларини чиқариш ва уларни муомалада юритиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси белгилайди.

## **8-2-модда. Қимматли қоғозлар бўйича даъво муддатлари.**

Векселларга нисбатан қуидаги маҳсус даъво муддатлари кўлланилади:

вексель сакловчининг индоссантларга қарши ва вексель берувчига қарши даъво талаблари бўйича – белгиланган муддатда амалга оширилган протест кунидан бошлаб ёки харажатсиз айлантириш олдиндан шарт қилиб қўйилган бўлса, тўлов муддати кунидан бошлаб бир йил; индоссантларнинг бир-бирига ва вексель берувчига даъво талаблари бўйича – индоссант векселни тўлаган кундан бошлаб ёки унга даъво тақдим этилган кундан бошлаб олти ой.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилмаган ўзга ҳолларда, шунингдек, бошқа қимматли қоғозлар бўйича даъво муддатлари қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади;

## **II. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ, МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ**

### **9-модда. Қимматли қоғозлар муомаласи.**

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда уларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгаси алмашинувига олиб келадиган бошқа харажатлар тушинилади.

Ўзбекистон Республикаси худидида қимматли қоғозларни (депозит сертификатлари ва векселлардан ташқари) муомалага чиқариш ҳамда уларни рўйхатдан ўтказиш қондларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси тасдиқлайди. (ЎзР 22.12.1995 й. 179-I-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни кўллаб-куватлаш давлат қўмитаси ёки унинг худидий органлари давлат корхоналарини кайта тузиш орқали ташкил этилган очик турдаги акциядорлик жамиятлари акцияларининг бирламчи чиқарилишини давлат рўйхатидан ўтказадилар, шунингдек, акцияларнинг белгиланган тартибда жойлаштирилишини таъминлайдилар. Давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхат рақамини олган қимматли қоғозларнингина Ўзбекистон Республикаси худидида чиқарилишига ва муомалада бўлишига йўл қўйилади. Давлат рўйхатидан ўтказилмаган қимматли қоғозларни чиқариш файриқонуний ҳисобланади ва бу ҳол

эгасидан уларнинг ҳамда мазкур қимматли қоғозларни сотишдан тушган пулнинг олиб қўйилишига ва бой берилган наф қопланишини ҳисобга олган ҳолда инвесторларга қайтариб берилишига сабаб бўлади.

Бир ёки ўзаро шартномалар билан боғланган бир неча шахслар, шунингдек, шўъба ёки бир-бирига қарам бўлган юридик шахслар гуруҳи банк акцияларининг йигирма фоизидан ортигини сотиб олиши учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиш талаб қилинади. Акция сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда Марказий банк банк акцияларининг йигирма фоизидан ортиғи харид қилинishi ва сотилишига розилик бермаслик ҳуқуқига эга. Марказий банк илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечкитирмай ариза берувчига ўз қарори тўғрисида ёзма равишда хабар беради.

Шахс, бир гурух шахслар томонидан акцияларнинг акциядорлик жамияти низом капиталида овоз бериш ҳуқуки билан сотиб олиниши, бунда ана шу шахс, бир гурух шахслар мазкур акцияларнинг ўттиз беш фоиздан кўпроғини тасарруф этиш ҳуқуқини оладиган бўлса, монополияга қарши давлат органининг олдиндан розилигини олиш талаб этилади. Бундай талаб акциядорлик жамиятини тузиш вақтида акциядорлик жамияти муассисларига татбиқ этилмайди, молия-саноат гурухлари, холдинг компанияларни ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно. Қимматли қоғозларнинг эгалари сақлаб туриш мақсадида уларни пул ўтказиш йўли билан ҳисобга олиш ва сотиш учун компьютерли телекоммуникацион тизими бор ихтисослашган муассасаларга (депозитарийларга) ишониб қўйишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика сарҳадларидан ташқаридаги эмитентлар чиқарган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муомалага киришнинг умумий қондалари, ҳар йилги месъёрлари ва тартибини белгилаб қўяли. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартномалар бўйича мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тасарруфидаги эмитентлар томонидан чиқарилган ёки чиқарилиши мўлжалланган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарida муомалага чиқаришнинг ҳар йилги месъёрлари ва рухсат тартибини белгилаб қўйишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Кимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси республикада рўйхатта олинган кимматли қоғозлар Ягона давлат реестрини юритади ҳамда уларнинг рўйхатини мунтазам эълон килиб боради. (ЎзР 22.12.1995 й. 179-1-сон Конуни таҳриридаги кисм).

#### **10-модда. Кимматли қоғозлар эмиссияси.**

Кимматли қоғозлар эмиссияси уларнинг дастлабки эгалар (инвесторлар) – юридик ва жисмоний шахсларга сотиш йўли билан қимматли қоғозларни муомалага чиқаришдир. Эмиссия:

акциядорлик жамияти таъсис этилиб, акциялар унинг муассислари ўртасида тарқатилган тақдирда; акциядорлик жамиятининг дастлабки низом сармояси (фонди) микдори акциялар чиқариш йўли билан кўпайтирилган тақдирда; юридик шахслар, давлат томонидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан заём сармояси облигациялар ҳамда бошка қарз мажбуриятлари чиқариш йўли билан жалб этилган тақдирда; корхоналарнинг қарз мажбуриятлари ўзаро умумреспублика кўламида тўланган тақдирда амалга оширилади.

#### **11-модда. Эмиссия тўғрисидаги ахборот.**

Кимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент, шунингдек, у билан келишиб туриб кимматли қоғозларни дастлабки эгаларига сотувчи инвестиция муассасалари ҳар бир харидорга мазкур қоғозларни харид этиш пайтига қадар сотиш шартлари ва эмиссия рисоласи билан танишиб чиқиши имкониятини таъминлашлари шарт. Эмиссия рисоласи эмитент тўғрисидаги, сотишга ҳавола этилаётган кимматли қоғозлар хақидаги, кимматли қоғозларни чиқариш таомили ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни ҳамда харидорнинг мазкур қимматли қоғозларни сотиб олиш ёки бундай хариддан воз кечишга қарор қилишига таъсир этиши мумкин бўлган бошка хил ахборотларни акс эттиради.

Эмиссия рисоласини чиқариш, уни рўйхатга олиш тартибига шунингдек, эмиссия рисоласида эълон қилиниши шарт бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Кимматли қоғозлар ва биржалари давлат комиссияси белгилайди. Банклар учун уларнинг эмиссия рисолаларида қамраб олинниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Кимматли қоғозлар ва биржалари давлат комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб туриб белгилайди. Давлат корхона

налари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилганда эмиссия рисоласини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш давлат кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан биргаликда амалга оширилади.

Очиқ ёзилиш учун ҳавола этилаётган қимматли қоғозларнинг эмиссия рисоласини эмитент қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига тақдим этади ва у рўйхатга олинганидан сўнг, мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошланнишидан камида ўн кун олдин матбуотда, шунингдек, фонд биржасининг маҳсус нашрида албатта эълон қилиниши керак. Очиқ сотувга ҳавола этилаётган акцияларни, корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид ахборотларда бирон бир ўзгаришлар юзага келган холларда қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент содир бўлган ўзгаришлар тўғрисидаги хабарни мазкур қимматли қоғозларга ёзилиш бошлангунга қадар эълон қилмоғи керак.

Акциялар, корхоналарнинг облигацияларини чиқаришга оид эълон қилинган ахборотдаги маълумотлар нотўғрилиги аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси бу қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитент мазкур ахборотга тегишли ўзгаришлар киритмагунига қадар уларнинг таркатилишини тўхтатиб туриш хукуқига эга. Эмиссияни рўйхатга олиш учун тақдим этиладиган эмиссия рисоласидаги маълумотларнинг тўғрилиги юзасидан жавобгарлик эмитентнинг зиммасида бўлади.

Қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги эмиссия рисолалари рўйхатга олинмагунга қадар қимматли қоғозларни оммавий ахборот юситаларида реклама қилиш тақиқланади.

## 12-модда. Эмитент фаолияти тўғрисидаги ахборот.

Эмитент ўзининг молия-хўжалик аҳволи ва фаолиятининг натижалари тўғрисида жамоатчиликка ҳар йили камида бир марта ахборот бериши (матнда бундан кейин йиллик хисобот деб юритилади) шарт. Йиллик хисобот ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечикмай эълон қилинади ҳамда эгаси ёзилган акциядорларга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юборилади. Йиллик хисоботда эмитент тўғрисида қуйидаги маълумотлар кўлтирилиши лозим:

унинг олдинги йилги хўжалик фаолияти шатижалари тўғрисидаги ахборот;

мoliavий ахвол тўғрисидаги аудитор тасдиқлаган маълумотлар, шунингдек, олдинги йилги баланслар ва аудиторлар ҳисоботи;

қўшимча чиқарилган кимматли қофолар тўғрисидаги асосий маълумотлар;

mansabдор шахслар шахсий таркибида ўзгартишларга доир асослар.

Эмитент ўз хўжалик фаолиятида содир бўлган ҳамда кимматли қофозларнинг қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромадлар миқдорига таъсир этувчи ўзгаришлар, хусусан:

кимматли қофозларга бўлган хукуқлар ўзгарганилиги;

mansabдор шахслар шахсий таркибida ўзгаришлар рўй берганилиги;

эмитент банкдаги счёtlар хатланганилиги;

соғломлаштириш (эмитентнинг мoliavий ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга ошириш) харакатлари бошланганилиги;

эмитент фаолияти қайта ташкил этилганилиги, тўхтатиб кўйилганилиги ёки тутгатилганилиги;

фавқулодда ҳолатлар оқибатида эмитент мол-мулкининг камиди 10 фоизи нобуд бўлганилиги;

эмитент мол-мулкининг 10 фоизидан ортиқ миқдорда эмитентга нисбатан даъво кўзғатилганилиги;

низом фонди ёки эмитент асосий ва муомаладаги маблаглари қийматининг 50 фоизидан ортиқ миқдорида карз олинганилиги ёки кимматли қофозлар эмиссия қилинганилиги тўғрисидаги ахборотларни икки кун ичидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Кимматли қофозлар ва фонд биржалари давлат комиссиясига юборниши, шунингдек, мазкур ўзгаришларга оид ахборотларни эълон қилиши шарт.

Башарти эмитент акциялари фонд биржасида муомалада юрса, у мазкур ахборотларни биржага кўрсатилган муддатда тақдим этиши шарт.

Эмитент ўзи ҳақида кимматли қофозлар қийматига ёки улар юзасидан олинадиган даромад миқдорига таъсир этиши мумкин бўлган нотўғри маълумотлар эълон қилингандан тақдирда беш иш куни мобайнида бу маълумотларни тузатиш чораларини кўриши шарт.

13-модда. Эмиссия турлари.

Кимматли қофозларни муомалага чиқариш (эмиссия) қуйидаги кўринишларда амалга оширилиши мумкин:

оммавий эълон бермай, реклама компанияси ўтказмай, эмиссия рисоласини эълон қилмай ва рўйхатдан ўтказмай олдиндан маълум чекланган миқдордаги инвесторлар орасида хусусий йўсида тарқатиш;

эмиссия рисоласини эълон қилиб ва рўйхатдан ўтказиб, чекланмаган миқдордаги инвесторлар орасида очик савдо ўтказиш.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолларнинг ҳар биррида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси эмиссияларнинг энг кам ва энг кўп миқдорларини белгилаб бреади.

**14-модда. Эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказганлиги учун олинадиган йигим.**

Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш чоғида эмитент эмиссия номинал кийматининг 0,1 фоизи миқдорида республика бюджетига йигим тўлайди.

Давлат корхоналари акциядорлар жамиятларига айлантирилганида бирламчи эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказганлиги учун йигим олинмайди.

**15-модда. Қимматли қоғозларни тарқатиш.**

Эмитентлар ўзи чиқарган қимматли қоғозларни мустақил равишда, комиссацион қақ эвазига банклар, инвестиция компаниялари, молия брокерлари орқали сотиш хукуқига эта.

Инвестиция компаниялари эмитент билан келишиб туриб қимматли қоғозларни қўйидаги шартлар асосида чиқаришга кашфил ва ташкилотчи бўлишлари мумкин:

кейинчалик бошқа инвесторларга сотиб юбориш мақсадида барча чиқарилган қимматли қоғозларни қайд этилган баҳосида ўз ҳисобларидан сотиб олишлари;

чиқарилган қимматли қоғозларнинг белгиланган муддат давомида чет инвесторлар ўртасида жойлаштиромай қолган қисмларини ўз ҳисобларидан сотиб олишлари.

Инвестиция компаниялари ва молия брокерлари тарқатолмай колган қисмларини сотиб олиш мажбуриятини зиммаларига олмай туриб қимматли қоғозларни эмитент номидан чет инвесторларга сотиш тўғрисида эмитент дистрибутер шартномалари тузишлари мумкин.

**16-модда. Қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари.**

Қимматли қоғозларларнинг эмитентлари, инвесторлар ва инвестиция институтлари, шунингдек, уларнинг бирлашма-

лари (уюшмалари), фонд биржалари (биржаларнинг фонд бўлимлари), қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиши ва мувофиқлаштириш бўйича давлат томонидан ваколат берилган органлар ва бошқалар) қимматли қоғозлар бозори катнашчилари ҳисобланадилар. (ЎзР 30.08.1996 й. 281-1-сон Конуни таҳриридаги қисм).

Қимматли қоғозлар эмитенти — қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида ўзномидан мажбуриятли бўлган юридик шахс ёки давлат органидир.

Инвестор — қимматли қоғозларни ўз номидан ва ўз хисобидан сотиб олувчи жисмоний ёки юридик шахсадир. Ажнабий фуқаролар ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги қимматли қоғозлар бозорида инвесторлар сифатида иштирок этишларинумкин.

Инвестиция муассасаси Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ юзага келтирилган юридик шахс бўлиб, у қимматли қоғозлар билан боғлик фаолиятини асосий фаолияти тарикасида амалга оширади.

### III. ФОНД БИРЖАСИ

#### **17-модда. Фонд биржаси тушунчаси.**

Фонд биржаси — қимматли қоғозлар бир маромда муомала да бўлишининг зарур шарт-шароитини таъминлаш, уларнинг бозор баҳосини (қимматли қоғозлар талаб ва таклифи ўртасидаги мувозанатни акс эттирувчи нархларни) белгилаш ва уларга доир маълумотларни керагича тарқатиш, қимматли қоғозлар бозори катнашчиларининг касб маҳоратини юқори даражада сақлаб бориши фаолиятининг алоҳида соҳаси бўлган ташкилотdir. Фонд биржаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, биржа низомига ҳамда қимматли қоғозлар билан боғлик юмушларни амалга оширишнинг ички қондаларига амал килади.

#### **18-модда. Фонд биржаларини рўйхатта олиш.**

Фонд биржаси (мол-фонд биржасининг ёки валюта биржасининг фонд бўлими) Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилади ва у қимматли қоғозларга доир биржа фаолияти юритиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат

комиссиясыдан лицензия олади. Қимматли қоғозларга доир биржасының қоғозларға да мөндириеттік мүмкіншілдіктерін анықтаудың талабынан шешілген болады. Қимматли қоғозларга да мөндириеттік мүмкіншілдіктерін анықтаудың талабынан шешілген болады. Қимматли қоғозларга да мөндириеттік мүмкіншілдіктерін анықтаудың талабынан шешілген болады.

#### **19-модда. Фонд биржасыннан мұассислари ва аъзолари.**

Қимматли қоғозлар мұомаласини амалға ошириш хукуқини берувчи рухсатномасы (лицензиясі) бўлган юридик ва жисмоний шахслар фонд биржасы мұассислари бўлишлари мумкин.

Биржада брокерлик ўрнини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, ажнабий юридик ва жисмоний шахслар фонд биржасыннинг (мол-фонд биржаси ёки валюта биржаси фонд бўлимининг) аъзолари бўлишлари мумкин. Фонд биржаси аъзоларининг миқдорини биржанинг бошқарув органлари тартибга солиб туради. Давлат ҳокимияти ва бошқарув, прокуратура ва суд органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва мутахассислари фонд биржаси аъзолари бўлишга ҳақли эмаслар.

Фонд биржаси аъзолари қимматли қоғозлар мұомаласини амалға ошириши учун рухсатномаларга эга бўлган ҳамда инвестиция мұассаси мақомини олган тақдирдагига олди-сотдига кўйилади. Брокерлик ўрнини сотиб олган ва қимматли қоғозлар билан операцияларни амалға ошириш хукуқини берувчи малака аттестатини олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида рўйхатдан ўтказганидан ва банкда ҳисоб-китоб счёти очганидан кейингина олди-сотдига кўйилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассислари қимматли қоғозлар билан операцияларни амалға ошириш хукуқини берувчи малака аттестатига эга бўлишлари шарт. Малака аттестатининг амал қилиш муддати – уч йил. (ЎзР 22.12.1995 й. 179-1сон Конуни таҳриридаги кисм).

#### **20-модда. Биржа амаллари қоидалари.**

Қимматли қоғозларга доир биржа амаллари қоидаларини биржанинг юкори бўшқарув органни тасдиқлайди.

Қоидаларда қўйидагилар назарда тутилмоғи лозим:

- мазкур биржада қимматли қоғозлар олди-сотдиси принциплари;
- биржа олди-сотдиси қатнашчиларининг таркиби ҳамда уларга кўйиладиган талаблар мажмун;

- биржа йигилишлари ўтказиладиган жой ва вакт тўғрисидаги ахборот;
- қимматли қоғозларни биржа олди-сотдисига чиқариш тартиби;
- биржа битимларининг тавсифи;
- мижозлар брокерларга берадиган топширик (буйрук) турлари;
- олди-сотдини ташкил этиш;
- битимларни рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби;
- қимматли қоғозлар муомаласини амалга оширишда фойдаланиладиган шартнома, хисобот, буюртма ва хабарномалар ҳамда биржага оид бошқа ҳужжатлар намуналари.

**21-модда. Битимлар тузиш тартиби.**

Фонж биржаси биржа олди-сотдиси вақтида битимлар тузиш, битимларни текшириб кўриш ва улар юзасидан хисобкитоб қилиш тартибини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлади. Фонд биржалари ва фонд бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси билан келишиб олинган қимматли қоғозлар муомаласи битимларини амалга ошириш низомлари ва ички қоидалари, фонд биржаси низоми (фонд бўлими тўғрисидаги Низом)асосида иш тутадилар. Фонд биржасида амалларни унинг аъзоларигина амалга ошира оладилар.

**22-модда. Фонд биржасининг ҳуқуқлари.**

**Фонд биржаси:**

- инвестиция муассасаларининг биржа аъзолигига киришида уларга қўйиладиган энг кам мажбурий талабларни белгилаш;
- биржа олди-сотдиларида биржа аъзолари вакилларининг малакасига қўйиладиган талабларни белгилаш;
- биржа йигилишларини чакриш ва ўтказиш;
- эксперт, малака ва баҳолаш комиссиялари, маслаҳат ва маълумотнома берувчи ўзубалар ҳамда уларнинг ишлаши учун керакли бошқа муассасалар, шунингдек, қимматли қоғозлар муомаласини амалга оширишдаги низоларни ҳал қиласидаган комиссиялар таъсис этиш;
- ўз низомига мувофиқ биржа аъзолари тўлайдиган кириш ва жорий бадалларни белгилаб, ундириб олиш, битимларни рўйхатга олганлиги, техник хизмат кўрсатганлик учун, доимий ва биргалги мижозлардан биржада бўлганлиги учун ҳак белгилаб, ун-

дириб олиш, шунингдек, биржа низомини, биржа йигилишлари коидаларини бузганлиги, рўйхатдан ўтказиш йигимини вақтида тўламаганлиги учун жарима ва пенялар ундириб олиш;

– биржа буклетлари, маълумотномалари, тўпламларини чоп этиш;

– назорат қилувчи органларнинг қонунга хилоф хатти-харатлари устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақлидир.

**23-модда. Фонд биржаси фаолиятини пул билан таъминлаш.**

Фонд биржаси фаолиятининг пул таъминоти:

– фонд биржаси акциялари ва пайларини сотиш;

– фонд биржасидаги брокерлик ўринларини сотиш;

– фонд биржаси аъзолари мунтазам тўлаб борадиган аъзолик бадаллари;

– биржа битимларини рўйхатдан ўтказишда олинадиган йигимлар;

– қимматли қоғозлар муомаласида воситачилик қилишда олинадиган комиссисион ҳақ;

– биржа низомида назарда тутилган ахборот хизмати ва бошқа хил хизматлар кўрсатишдан келадиган даромадлар хисобидан амалга оширилишин мумкин.

**24-модда. Фонд биржаси фаолиятини тўхтатиш.**

Фонд биржаси фаолияти:

– муассислар умумий йигилишининг қарорига биноан;

– суд органларининг қарорлари асосида;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатилади.

#### **IV. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

**25-модда. Қимматли қоғозлар муомаласи устидан назоратни йўлга кўйиши.**

Қимматли қоғозларни чиқарувчи эмитентларнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгарлик уларнинг ўз зинмасида бўлади.

Инвестиция институтларига рухсатномани (лицензияни), қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига малака атtestатини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси берабиб, у фонд биржасидаги биржа фаолияти давомида қонун ҳужжатлари ва биржа низоми талабларига риоя этилишини назорат

қилиб боришга ваколатли бўлган ҳамда биржанинг бошқарув органлари мажлислиарида (йиғилишларида) ва олди-сотдиларда хозир бўлиш ҳуқукига эга ўз вакилини тайинлади. Конун хужжатлари бузилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси тартиббузарларга нисбатан конун хужжатларига мувофиқ санкциялар кўллаши мумкин.

**26-модда. Давлат бошқарув органи ва ўзга органнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва қарорлари устидан шикоят қилиш.**

Давлат бошқарув органи ва ўзга органнинг қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада юритишга тааллуқли ғайриқонуний хатти-ҳаракат ва қарорлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

**27-модда. Халқаро шартномалар.**

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари кўлланилади.

## **11 боб. БАНК ФАОЛИЯТИГА ОИД АХБОРОТЛАР ВА БАНК СИРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тијорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тијорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг маҳфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этилади (ФКлинг 98-моддаси).

Банк фаолияти соҳасида банкларнинг ўзига, улар амалга оширадиган банк операцияларига, ҳамкорлари билан ўзаро алокаларига, мижозларига тааллукли бўлган молиявий, ташкилий, иқтисодий, шахсий ва бошқа маълумотлар банк сири ҳисобланади. Банк сири ҳисобланувчи ахборотларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш чоралари, уларни ваколатли шахслар ҳамда органларга тақдим этиш тартиблари, банк сиридан иоконуний фойдаланиш, уларни оникор эттанилиги учун жавобгарлик билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1095 – 1097-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «Банк сири тўғрисида»ги конунида<sup>1</sup>, ушбу қонунлар асосида қабул қилинган қонуности ҳужжатларида белгилантан.

Банк операцияларини амалга ошириш, банк фаолияти билан шугуулланиши, банк битимлари тузиш одатда, жуда катта иқтисодий ва молиявий қийматга эга бўлган ахборотларни олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишдан иборат.

Зарур ахборотларга эҳтиёж мижозда банкни таинлаш, банкда эса мижоз билан алоқа ўрнатиш пайтида пайдо бўлади. Банклар фаолиятини назорат қилувчи органларда банкни рўйхатта олиш пайтида ҳам, улар фаолият юритиб турган даврда ахборотлар олиш зарурати юзага келади. Бу ҳолатлар ахборотларни олиш, уларни текшириш ва баҳолаш соҳасида иқтисодий ёки техникий масалаларнингни эмас, балки ҳуқуқий муаммоларни ҳам илгари суради.

Банк ахборотлари муайян талабларга жавоб берадиган маълумотлар йиғинидиси бўлиб, улар жумласига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- банк татъисис ҳужжатлари ва ҳисботлари;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2003 йил, №19, 174-модда.

- банкка раҳбарлик қилиш ва унинг ташкилий-хуқуқий шакллари ҳақидаги маълумотлар;
- банк ходимлари ҳақидаги маълумотлар;
- банк хизмати кўрсатиш турлари ва шакллари ҳақидаги маълумотлар;
- банк хизматлари кўрсатиш ва унга ҳақ олишга оид ахборотлар;
- мижозлари сони ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;
- мижозлар ҳисобвараги орқали амалга оширилган операциялар ҳақидаги ахборотлар;
- банкнинг корреспондентлик алоқалари ҳақидага маълумотлар;
- банк техник жиҳозланиши, ички тузилиши, архитектурасига оид маълумотлар ва бошқа банк фаолиятига алокадор ҳар қандай маълумотлар. Банк ахбороти ҳисобланувчи ахборотларнинг тўла рўйхатини амалда санаб чиқиш мумкин эмас. Банк ахборотларининг айримлари ошкора эълон қилинади (баланс ва ҳисоботлари), бошқалари эса банк обрў-эътиборига дахлдор бўлиб, банкнинг номулкий ҳуқуқлари сифатида ҳар томонлама муҳофаза этилади. Банкнинг мавқенини белгилаш пайтида у ҳақидаги ахборотлар умумлаштирилади ва таҳлил этилади. Ҳозирга пайтда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари рейтинг тизими ва унда ҳар бир банк етталлаган мавқеи ана шу асосда белгиланмоқда.

Тижорат банки муассасалари томонидан банк ахборотларини тўплаш, жамғариш, қайта ишлаш, узатиш, қўллаш, рухсат этилмаган танишувдан сақланишта оид, ахборотлар билан боғлиқ развища бошқа юридик ва жисмоний шахслар, давлат, жамоат органлари билан бўладиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги<sup>1</sup>, 1997 йил 24 апрелдаги «Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида»ги<sup>2</sup>, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Ўзбекистон Республикаси Марказий ва тижорат банкларининг тижорат сирлари ҳақида»ги Низом ишлаб чиқилган бўлиб, банк ахборотларини ҳимоялаш қоидалари унда белгилантган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> «Ўзбекистоннинг янги Конунлари», Тошкент, «Адолат», 1994 йил, 8-сон.

<sup>2</sup> «Ўзбекистоннинг янги Конунлари», Тошкент, «Адолат», 1997 йил, 16-сон.

<sup>3</sup> «Налоговые и таможенные вести», 1999 йил, №41.

Банк ахборотларини тўплаш, сақлаш ва муҳофаза қилиниши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қатор месъерий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, бундан асосий максад бундай ахборотларни рухсат этилмаган ҳолда тўплаш ва тарқатиш орқали банклар молиявий фаолиятига зарар етказилишининг олдини олишдан иборат. Масалан, Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки томонидан 1996 йил 29 апрелда 216-сонли қарор билан «Ахборотларни муҳофаза қилиш, ахборотлаштириш ҳудудий марказларида, Бош ахборот марказларида ахборотларнинг сақланиши учун мансабдор шахслар жавобгарлиги қондалари» тасдиқланган бўлиб, унда ахборотларни сақлаш ва муҳофаза қилишининг аниқ техник ҳамда ҳуқукий механизмлари белгилаб қўйилган<sup>1</sup>.

Банк сири банк ахборотларини муҳофазалашнинг маҳсус режими бўлиб, бу режимнинг белгиланиши банк учун ва банк мижози бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун ўта муҳим аҳамият касб этувчи маълумотларни ҳимоялаш бўйича қўшимча, кучайтирилган чоралар кўрилишини тақозо этади.

Банк сири моҳияти жиҳатидан коркона ва ташкилотлар тижорат сирларининг бир кўриниши бўлса-да, бошқа тажорат сирларидан фарқли ўлароқ унинг эгаси томонидан эмас, балки қонунчилик йўли билан белгилаб қўйилган. Жумладан, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»<sup>2</sup> ги қонуннинг 38-модада айтилишига кўра: «Банклар ва ўз мижозлари ва вакиларининг операциялари, ҳисобвараклар ҳамда жамғармаларига доир маълумотлар сир сақланишига кафолат беради. Банкнинг барча хизматлари банк, унинг мижозлари ва вакиларининг банк операциялари, ҳисобвараклари ва жамғармаларига доир маълумотларни сир сақланиши шарт.

Юридик шахслар ва бошқа ташкилотларнинг операциялари ҳамда ҳисобваракларига доир маълумотномалар ани шу ташкилотларнинг ўзига, прокурор, судлар, жиноий иш кўзғатилган бўлса, суриштирув ва тергов органларига берилади.

Жисмоний шахсларнинг ҳисобвараклари ва омонатларига доир маълумотномалар мижозларининг ўзига ва уларнинг қонуний вакилларига, мижозларнинг ҳисобвараклари ва омонатларига турган пул маблағлари ҳамда бошқа қимматбаҳо нарсаларни хатлаш, уларга нисбатан ундирув қаратилиши ёки мол-мулк мусодара этилиши мумкин бўлган ҳолларда юритилаётган ишлар бўйича судлар, суриштирув ва тергов органларига берилади.

<sup>1</sup> «Банковские ведомости», 1997 йил, 37-сон.

Хисобвараклар ва омонатнинг эгалари вафот этгаңда уларга доир маълумотномалар мазкур хисобварак ёки омонат эгаси банкка топширган васиятномасида кўрсатган шахсларга, вафот этган омонатчиларни жамғармаларига доир мерос ишларини юритаётган давлат нотариал идораларига, чет эл фуқароларининг хисобваракларига доир маълумотномалар эса — чет эл консуллик муассасаларида берилади.

Хизмат бурчи юзасидан банк ахборотидан хабардор бўлган шахслар хизмат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. «Банклар ўз мижозлари бўлган корхоналарнинг операциялари тўғрисидаги зарур маълумотларни улар солик тўловларини тўлиқ ва тўғри тўлаётганликларини назорат килиш учун солик органларининг сўровига биноан тақдим этадилар».

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, банк сири саналувчи ахборотлар доираси, уларнинг сақланиш тартиби ва банк сири саналувчи маълумотлар билан таниш бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси беносита қонун билан белгилаб қўйилган бўлиб, бу нарса банк сирини бошқа сирлардан, хусусан тижорат сири тергов ва суриштирув сири, бошқа молиявий сирлардан фарқ киувчи хусусиятларини белгилаб беради. Банк сири саналувчи маълумотларни давлат органларига, хусусан суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларига, солик ҳамда божхона органларига, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа органларга тақдим этиш асослари ва тартиблари қонун ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилган ҳамда амалдаги тартибларга хилоф равишда маълумот олишга уриниш қонун билан қатъиян тақиқланган.

Банк фаолиятига тааллуқли ахборотлар, банк сири саналувчи маълумотлар эса алоҳида аҳамиятга эга бўлган интеллектуал мулк-бойлик бўлиб, бундай мулкий ҳукуқка ҳар қандай тажроуз қилиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ қатъиб этилади. Рухсат этилмаган тарзда банк ахборотларини, айниқса, банк сири саналувчи ахборотларни олишга, тўплашга, уларни узатишга, улардан фойдаланишга уриниш, бу ахборотлар билан мулокотда бўладиган банк хизматчилари, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан қасдан ёки эҳтиётилизик билан бундай ахборотларнинг ошкор этилишига йўл қўйилиши айбдор шахсларнинг тегишли ҳукуқ жавобгарликка тортилишларига сабаб бўлади. Жумладан, Ўзбекистон, Республикасининг маъ-

мурый-жавобгарлик тұғрисидеги кодексининг 46-моддасыда ти- жорат сирларини ошкор қылғанлиги учун жарима солиш йўли билан мъмурый жазо қўлланилиши айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Жинояг кодексининг 143-модда- сида (хат-ёзишмалар, телефон сўзлашувлари ёки бошқа хабар- ларнинг сир сақланиши тартибини бузганлиги), 174-моддасыда (ахборотлаштириш қоидаларини бузиш), 181-модда (банкрот- ликни яшириш), 191-моддасыда (қонунга хилоф равища ах- борот тўплаш уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш), 192- моддасыда (рақобатчини обрўсизлантириш), ахборотлар билан боғлиқ равища содир этилган жиноятлар учун фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилган.

Банк фаолиятига оид ёник ахборотларни ва банк сири са- наувчи маълумотларни қасдан ёки эҳтиётсизлиги туфайли ошкор этганлиги, бу маълумотларни қонунга хилоф равища тўплаганлиги, узатганлиги, фойдалангандиги туфайли банк му- ассасасига етказилган мулкий ва маънавий зарар ўрники айб- дор шахслардан ундириб берилиши кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 64-бобида (1095—1097-моддалар) ошкор этилмайдиган ахборотни нокону- ний фойдаланишдан муҳофаза қилишининг фуқаролик хукукий чоралари ва механизмлари белгиланган бўлиб, бундай ахборот- ларнинг ошкор бўлишида айбдор бўлган шахслар ахборот эгасига шундай ҳаракатлари туфайли етказилган мулкий зарарни ҳамда маънавий зиён ўрнини қоплаб беришлари зарурлиги белгилаб қўйилган. Агар бундай ахборотлар банк муассасаси хизматчиси- нинг айби билан ошкор этилган ва шу туфайли зарар етказилган бўлса, бундай ходим Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонун- чилигига (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 202- моддаси, 6-банди) мувофиқ иш берувчи олдида тўлиқ ҳажмда моддий жавобгар бўлиши назарда тутилган.

Мамлакатимизда бозор иқтисодининг қарор топиши бозор му- носабатларига асосланган жамиятларда амал қилувчи қоидалар- нинг тўла ҳажмда жорий этилишини тақозо этади. Ривожланган мамлакатларда ахборотлар ҳам тўлақонли товар сифатида баҳоланади, ахборот бозори мавжуд ва шунга мос равища ҳар қандай мулк сингари ахборотларни ҳимоя қилинишининг сама- рали хукукий ҳамда бошқа чоралари кўримлого шарт.

### **Мавзуни ўрганиш бўйича наазорат саволлари:**

1. Банклар фаолиятига доир ахборотларни маҳфийлигини саклаш зарур чоралари ва ҳукуқий асоси қайси қонун хужжатида берилган?
2. Банк сири тўғрисидаги қонун қачон кабул қилинган ва мазмуни нимадан иборат?
3. Банк ахборотларига қўйиладиган муайян талаблар ва маълумотлар йигиндисини айтиб беринг.
4. Банк сирини ошкор қилинганлиги учун жавобгарликнинг ҳукуқий асослари қайси қонуни хужжатларида кўрсатилган?
5. Банк сири ҳисобланувчи ахборотларни олиш тартиби қандай?

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИДАН КЎЧИРМАЛАР

**1095-модда. Ошкора этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш хукуқи.**

Учинчи шахсларга маъдум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотига, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирларига (ноу-хау) қонунан эга бўлиб турган шахс уни (ошкор этилмаган ахборотни), башарти ушбу кодекснинг 98-моддасида белтилаб кўйилган шартларга рисоя этилган бўлса, ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хукуқига эга.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хукуқи бу ахборотга нисабатан бирон-бир расмиятчиликни бажаришдан (уни рўйхатдан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш қоидаси коунга мувофиқ хизмат ёки тижорат сири бўла олмайдиган маълумотларга (юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган хукуклар ва мол-мулк хусусида тузилиб, давлат рўйхатидан ўтказиладиган келишувлар тўғрисидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳоказоларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни муҳофаза қилиш хукуқи ушбу Кодекснинг 98-моддасида назарда тутилган шартлар сакланиб турган пайтга қадар амал қиласди.

**1096-модда. Ошкора этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланганлиги учун жавобгарлик.**

Ошкора этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотда ноқонуний фойдаланганлиги натижасида етказилган зарарни тўлаши шарт.

Ошкор этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахс бу ахборотни уни тарқатишга ҳукуқи бўлмаган шахсдан олган бўлса, ахборотни кўлга киритувчи шахс бундан бсхабар бўлса ва буни билмаслиги керак бўлса (ахборотни инсофли эгалловчи), ошкор этилмаган ахборотнинг қонуний эгаси ахборотни эгаси ахборотни инсофли эгалловчи ахборотдан фойдаланаётганлиги ноқонунний эканлигини билиб қолгандан сўнг ошкор этилма-

ган ахборотдан фойдаланганлиги натижасида етказилган зараларни қоплашни ундан талаб қилишга ҳақлидир.

Ошкор этилмаган ахборотта қонунан эга бўлиб турган шахс бу ахборотдан ноқонуний фойдаланаётган шахсдан ахборотдан фойдаланиши дарҳол тўхтатишни талаб қилишга ҳақлидир.

Бироқ суд ошкор этилмаган ахборотни инсофли эталловчи ундан фойдаланганда сарфланган маблағларини инобатта олиб, бу ахборотдан ҳак тўлаб олинадиган алоҳида лицензия асосида бундан буен ҳам фойдаланишга рухсат этиши мумкин.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил тарзда ва қонунан олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг хукуклиридан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бундай фойдаланиш учун унинг олдида жавоб бермайди.

1097-модда. Ошкора этилмаган ахборотдан ноқонуний фойдаланишдан муҳофаза қилиш хукуқининг бошқа шахстга ўтиши.

Ошкор этилмаган ахборотта эга бўлган шахс бу ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини лицензия шартномаси асосида бошқа шахстга бериши мумкин.

Лицензиат шартнома бўйича олган ахборотларнинг маҳфийлигини муҳофаза қилишга доир керакли чораларни кўриши шарт ва уни учинчи шахсларнинг ноқонуний фойдаланишидан муҳофаза қилишда лицензиарники сингари хукуқларга эга.

Шартномада ўзгача ҳол назарда тутилган бўлмаса, ахборотларнинг маҳфийлигини сақлаш мажбурияти, башарти тегишли маълумотлар ошкор этилмаган ахборот тариқасида қолаверса, лицензия шартномаси бекор бўлганидан кейни ҳам лицензиатнинг зиммасида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг  
Интеграллаштириш ахборот-таҳлилий тизимини бошқариш  
бўйича ЙЎРИҚНОМАдан кўчирма  
(16/1 сонли Баённома 2003 йил 19 июл №536)

**Интеграллашган ахборот-таҳлилий тизим (ИАТТ)нинг  
АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ**

**1-§. Хавфсизликни таъминлаш мақсади**

ЎРМБ ИАТТнинг хавфсизлик тизими банк маълумотларининг яхлитлигини, бут сақланишини, шунингдек, рухсатсиз киришдан ва ҳар хил хавф-хатардан ҳимоясини таъминлайди. Ушбу барча компонентлар банк телекоммуникация тармоғи бўйича (БТТ) ахборотларни тайёрлаш, қайта ишлаш, қабул қилиш-юборища ташкилий, дастурий-аппарат ва техник чоралар мажмусаси сифатида қаралади.

**2-§. Ахборотлар ҳимоясининг дастурий-техник таъминоти  
(ДТТ)**

ИАТТнинг ахборот ҳимояси ДТТда вазифаларнинг тўғри бажарилишини назорат ва ташхис қилиши, ДТТни тўғри ишлашининг бузилиш жойи, тури ва сабаблари пайдо бўлишини кўрсатилиши кўзда тутилади.

ДТТ, фойдаланувчи компьютерига рухсатсиз киришдан ҳимояланишини кўзда тутади.

ДТТда, ходимларнинг нотўғри ҳаракатлари билан ИАТТни авария ҳолатига олиб келишидан, тасодифан ўзгартиришлар, ахборот ва дастурларни бузишдан, шунингдек, рухсатсиз аралашишдан ҳимоя чоралари кўзда тутилган.

ДТТ ахборотларни ташқарига чиқиб кетишидан ҳимояни таъминлайди.

Дастурий таъминот техник воситалар ва кириш маълумотлари ҳақиқийлигини назорат қилиш диагностикаси воситаларига эга.

Дастурий таъминотда берилган функцияларнинг сифатини таъминловчи маълумотларни киритишда ва қайта ишлашда хатолардан ҳимоя бўйича чоралар амалга оширилган.

Тизимни ишлатиш ва ёрдам бериш хизмати ходимлари ИАТТ ДТТнинг тупик, ишга лаёқатлиигини таъминлайди. ДТТнинг

ишдан чиқиши ҳолати пайдо бўлган ҳолда, ахборот ҳимояси хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти ходимлари билан биргаликда ДТТнинг ахборотларни муҳофаза қилиниш барча қисмларини ишга лаёқатлигини тиклаш бўйича чоралар кўрадилар.

### **3-§. Операцион тизимини ва маълумотлар базасини ҳимоя қилиш**

Фойдаланиластган операцион тизим, шунингдек, серверлар кўшимчаларига рухсат, фойдаланувчиларнинг идентификациялаш ва авторлаштириш бўйича амалга оширилади.

2-бобда белгиланган «фойдаланувчига рухсат бериш тартиби»га мувофик, фойдаланувчининг идентификациаси тизимга тизим бошқарувчиси томонидан берилган фойдаланувчининг тахаллуси ва пароли ёрдамида бажарилади.

Тизим, фойдаланувчиларнинг база билан борланишининг барча ҳаракатларини махсус файл (жадвал)ларда ёзиб боради. Тизимдаги воқеаларнинг вақти, воқеалар тури ва фойдаланувчи насиби қайд қилиниши керак. Тизим бошқарувчиси журналда қайд қилинган воқсаларни мунтазам равишда таҳлил қилиб боради ва рухсатсиз кириб боришга интилиш ҳаракатлари ҳолларини 1-кловага муфовик, далолатнома билан расмийлаштиради.

### **4-§. Банк телекоммуникация тармоқларида ахборотнинг ҳимояси**

Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментида қабул қилинган кириб бориш рухсатини бошқариш сиссатига мувофиқ, берилган, фойдаланувчи томонидан ишчи станциядан компьютерлар тизимларига ва тармоғига кириб бориш рухсати амалга оширилади. Жумладан, фойдаланувчиларга факат улар ишлатишига рухсат берилган сервисларга тўғридан тўғри кириб боришга рухсат берилади.

Ўуйидаги икки даражада тармоқда ҳужум хавфини олдини олиш бўйича назорат олиб борилади (улар ўзаро уйғунлашуви эҳтимоли ҳам бор):

1. Юкоридаги – жинояткор одам бошқа бўғинга ўтиш ва рухсат этилмаган маълум ҳаракатлар бажариши учун тармоқ, хусусиятларидан фойдаланади;

2. Пастдати – жинояткор одам, махфийлікни ёки алоҳида хабарлар бутлигини ёки тұлалигича оқимни бузиш учун тармоқлар бағнномалари хусусиятларидан фойдаланади.

Тармоқнинг ҳар бир алоҳида бўғинида қўйидаги тизимли бағннома юритилади:

– рухсат этилган локал тармоқдан ва бошқа тармоқлардан барча файлларга ва бошқа маълумотлар түпламларига рухсат назорати бўйича;

– узоқлаштирилган бўғинлар билан фаол ҳаракатга келтириш жараёнлар назорати бўйича;

– тармоқ жадвалининг назорати бўйича;

– тармоқдан ушбу бўғинга рухсат олаётган фойдаланувчиларнинг самарали идентификациялаш ва асл нусхага мослиги бўйича;

– тармоқ фойдаланувчилари томонидан фойдаланиш учун мумкин бўлган локал бўғиннинг захираларига кириб бориш назорати бўйича;

– локал тармоқ ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлар чегарасида ахборотларни тарқатиш назорати бўйича.

Барча бағнномалар бўйича тизим бошқарувчиси томонидан мунтазам текширувлар олиб борилади ва хавфсизликни бузилиши холлари аниқланганнанда, 12-иловада кўрсатилган шаклга мувофиқ тегишли далолатномалар расмийлаштирилади.

### 5-5. Жисмоний ҳимоя

ЎРМБ ИАТТ серверлари ўрнатилган бинолар, Марказий банк бошқарувида 2001 йил 23 июнда 14/13-сон билан тасдиқланган ва Аддия вазирлигига 2001 йил 2 июлда 1074-сон билан рўйхатта олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида ахборот ҳимоясини ташкил қилиш бўйича йўриқнома» талабларига жавоб берини керак. Серверларга техник хизмат кўрсатишни амалга ошириш мутахассисларига ҳимояланган жойларга кириб боришга рухсат, факат зарурат бўлганда ҳамда хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаменти рухсати олингандан кейин, рухсат этилади.

Шу каби ходимлар рухсатини (айниқса, махфий маълумотларга), мумкин қадар чегаралаш керак, уларнинг ҳаракатларини эса, кузатиб, 13-иловада кўрсатилган шаклдаги журналда қайд қилиб бориш керак.

Химояланган жойларга кирувчилар кетидан кузатув ўрнатиш керак, уларнинг кириш ва чиқиши сана ҳамда вактларини эса. 13-иловада кўрсатилган шаклдаги журналда қайд килиб бориш керак.

Фойдаланувчиларга аник, рухсат этилган мақсадлар учун кириб боришга рухсат берилади.

#### **6-§. Криптографик (махфий ёзув) химоя воситаларидан фойдаланиши**

Иккни амалий объектлар ўртасида ўтаётган махфий маълумотларининг ҳимояси, криптографик ўзгартериши (маълумотларни шифрлаб алмаштириш) ёрдамида бажарилади. Маълумотларни криптографик ҳимоялаш, маълумотлар мъносини яшириш мақсадида, уларни шифрлашдан иборат. Фойдаланувчи ўз қалити бўйича идентификация қилинмагунича, маълумотларнинг мъносига кириб беролмайди.

Криптографик ҳимоя воситалари:

– ЎзРМБ ИАТГ маълумотларини ҳар қандай қайта ишлаш технологик тузилмаси орасига ўрнашади, амалий дастурий таъминотлар билан қайта ишлаш босқичида (ёки автоматик тарзда) криптографик ўзгартериши ва натижалар чиқариб, ўзаро боғланишини таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қабул қиласига Ўзбекистон Республикаси стандартларига мос, алгоритмлар асосида жорий этилган.

Шифрлаш калитларини яратиш, хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментида, факат шу технологик жарабони вазифаларини бажарадиган криптографик калитларни шакллантириш жараённи технологик қатъий белгиланган дастурний таъминотда ва маҳсус автоматлаштирилган ишчи ўринларда бажарилади.

Асосий маълумотлар (ва бошқа таркатувчилар) билан дискеталар белгиланган ҳамда хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш департаментининг 14-иловадаги шакл журнallарида ҳамда электрон ҳолатда қайд қилинган. Ҳар бир дискеталар (ва бошқа таркатувчилар) белгисида, ёзилган калитларнинг номи, таркатувчининг ягона раками, калитларнинг ишлатилиш муддати кўрсатилади.

Дискеталар ёки бошқа калит мәйлумотлари тарқатувчилари билан мұомала тартиби йүрікномалар ва криптохимоя тизимида қабул қилинған фойдаланиш қоидаларга мөс равища аниқланади.

### **7-§. Фавқулодда вазиятлардан ҳимоя**

ҮРМБ ИАТТни табиий оғатлар (ғенгін, ер қимирлаш, сув тошқини ва бошқалар)дан ҳимоялаш учун четда (5 км.дан кам бўлмаган) захира маркази яратилади. Захира маркази Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таркибий бўлинмаси биносида ташкил этилиб, тўлиқ ҳисоблаш техникалари мажмуаси билан таъминланади. Асосий тармокнинг мәйлумотлари ва дастурлари захира нусхалари, иш функцияларининг тез тикланиши учун захира тармоғида сақланиши лозим. Мәйлумотларнинг захира марказига ташланиш даврийлиги — 1 кундан кам бўлмаслиги керак.

ҮРМБ ИАТТ сервернинг ва керакли ишчи станциялар (бикритирилган компьютерлар)ни электр таъминланиши ўзгарган ҳолларда, ишлаш лақкатини таъминлаш учун камида 15 дақиқа иш ҳолатида сақлаб туриш ҳисобидан, узлуксиз қувват манбани воситалари — UPS билан таъминланиши керак. Бундан ташкири, банк бир кечакундуздан кам бўлмаган иш фаолиятини таъминлаш ҳисобидан дизелгенератор ва захирада ёқилғи билан таъминланиши керак. Дизелгенератор, электр таъминоти йўқолганидан кейин, 10 дақиқа вакт ўтгач, автоматик тарзда ишга туширилиши учун автоматик ишлаш хусусиятига эга бўлиши керак.

Банкнинг фавқулодда вазиятларда ҳаракат режалари, ҳимоя тартиблари ва асосий функцияларнинг бажарилишини таъминлашдан иборат. Банкнинг ҳаракатлар режаси, фавқулодда ҳолатларда захиралаш ҳаракатлари ва бошқа ҳаракатлар билан мос олиб бориладиган чора-тадбирларни мувофиқлаштиради. Фавқулодда вазиятларда ишларни ташкиллаштириш масалалари 7-бобда акс этирилган.

### **8-§. Парол воситасида ҳимоялаш**

ҮРМБ ИАТТ тизими бошқарувчиси, барча автоматлаштирилган тизимлар ва ИИАСнинг ЭВМ фойдаланувчилар компьютерлари учун паролларни алмаштириш ва чиқарип ташлашни ташкилий-техник таъминоти жараёнлари бўгинларини, барча за-

рурий йўриқномалар ишлаб чиқишини ва ходимларнинг пароллар билан ишлаш бўйича ҳаракатларини назорат қилишни ташкиллаштиради.

1. Автоматлаштирилган тизимнинг фойдаланувчилар томонидан, лекин қўйидаги талабларни этиборга олган ҳолда, шахсий пароллари танланади:

- паролнинг узунлигига 8 белгидан кам бўлмаслиги керак;
- паролнинг белгилари сони ичида, албатта, юқори ва пастки регистрларда ҳарфлар бўлиши, рақамлар ва маҳсус белгилар (@, #, \$, &, % ва б.) бўлиши керак;
- парол ўз ичига снгил счиладиган биринчмалар белгиларини (исмлар, наслаблар, АРМ номлари ва б.) шунингдек, умум қабул қилинган қисқартмаларни (ЭҲМ, ЛХТ, ва б.) олмаслиги керак.
- паролни ўзгартирганда, янги маънно олдингисидан 6 тадан кам бўлмаган вазиятда фарқ қилиши керак;
- фойдаланувчи, шахсий паролини ҳеч кимга айтиш хукуқига эга эмас. Паролларнинг эгалари юқорида санаб ўтилган талаблар билан таништирилиб имзолари олинган ва ушбу талабларга зид равища паролларни ишлатиш учун, шунингдек, парол мълумотларини тарқатиш бўйича жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилган бўлишлари керак.

2. Агар фойдаланувчиларнинг шахсий паролларини шаклланиши марказлашган ҳолда амалга оширилса, уларнинг тўғри шаклланиши ва тарқатилиши учун жавобгарлик тизимнинг администраторига юклатилади.

3. Ҳар бир ходим паролининг журналдаги захира нусхаси фойдаланиш хизмати бошлигининг сеифида сақланади.

4. Паролларнинг тўла режали ўзгартирилиши, бир ойда бир мартадан кам бўлмаган тартибда мунтазам ўтказилиши ва у тизимнинг бошқаручиси томонидан амалга оширилиши керак.

5. Ҳар қандай фойдаланувчи паролининг режадан ташқари ўзгартирилиши, унинг ваколатлари тўхтатилган ҳолда (ищдан бўшаш, бошқа ишга ўтиш ва б.), ушбу ходимнинг тизим билан ши жарасни тугаганидан кейин, зудлик балан бажарилади.

6. Тизимнинг бошқарувчилари ва бошқа ходимлари ваколатларини тутатган ҳолда (ищдан бўшаш) ҳар қандай фойдаланувчи паролининг режадан ташқари ўзгартирилиши амалга оширилади, чунки уларнинг иш шаронтидан келиб чиқиб, ваколатлар ёки ушбу автоматлаштирилган тизимнинг ахборотларини ҳимоялаш тизимости бошқаруви бўйича ваколатлар берилган бўлган,

демак, шахсий паролдан ташқари, уларга тизимнинг бошқа фойдаланувчилари пароллари маълум бўлган бўлиши мумкин.

7. Битта фойдаланувчи шахсий паролининг ошкор этилиш ҳолатида ҳам, ошкор бўлган зудлик билан ушбу талабларнинг 5-чи ёки 6-чи бандларига мувоғиқ бошқа фойдаланувчига ошкор бўлган парол эгасининг ваколатларидан келиб чиқиб, тегишли чоралар кўрилади.

Бошқарувчи томонидан тегишли журналда 11-сон илова шаклига мос тизимнинг фойдаланувчилари ҳисоби журнали юритилади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

30.08.2003 й. № 530-II

## БАНК СИРИ ТҮГРИСИДА

### 1-модда. Ушбу Қонунинг мақсади.

Ушбу Қонунинг мақсади банк сирини ташкил этувчи маълумотларни олиш, саклаш, муҳофаза қилиш, эълон қилиш ва тақдим этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

### 2-модда. Банк сири түгрисидаги қонун ҳужжатлари.

Банк сири түгрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг банк сири түгрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### 3-модда. Банк сири.

Банк сири банк томонидан муҳофаза қилинадиган қуийдаги маълумотлардан иборатdir:

ўз мижозларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар;

банк ўз мижозига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати билан мазкур мижоз (вакил) түгрисида олган маълумотлар;

мижознинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар;

мижоз (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини кўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар түгрисидаги маълумотлар;

банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муюмалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг мижозига (вакилига) доир маълумотлар.

### 4-модда. Учинчи шахслар.

Банк, унинг мижози (вакили) ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan ташқари бошқа барча шахслар учинчи шахслар ҳисобланади.

### 5-модда. Банк сирининг ошкор қилинishi.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиш, оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд бошқа йўсунда тарқатиш ёки маълум қилиш, учинчи шахслар эътиборига етказиш, бундай маълумотларни кўлга киритиши учун учинчи

чи шахсларга бевосита ёки билвосита, шу жумладан, ана шундай маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёхуд маълум бўлиб қолган ёки ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бундай маълумотларни сақлаш тартибининг бузилиши оқибатида имконият яратиб бериш банк сирининг ошкор қилиниши деб хисобланади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банк томонидан учинчи шахсларга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, банкка юридик, бухгалтерия, аудиторлик, ахборот ва маслаҳат йўсунидаги хизмат кўрсатувчи шахсларга маълум қилиниши ёки тақдим этилиши, башарти бу ана шундай хизмат кўрсатиш зарур бўлса ҳамда мазкур шахслар ушбу Қонуннинг 6-моддасида белгиланган ҳаракатларни содир этишдан ўзларини албатта тийсалар, банк сирининг ошкор қилиниши деб хисобланмайди.

#### **6-модда. Банк сирининг ошкор қилинишини тақиқлаши.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган ёхуд ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилган шахслар томонидан бу маълумотларнинг ошкор қилиниши ёки улардан шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланилиши тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки зиммасига конун билан юклатилган вазифаларни амалга ошириши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этишга ёки тақдим этишга ҳақли эмас, конун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **7-модда. Банк сирининг муҳофаза қилиниши.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан кафолатланади.

Банкнинг раҳбарлари ва бошқа ходимлари хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилиши, шунингдек, мазкур маълумотлардан шахсий максадда ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида фойдаланиши, учинчи шахсларга бундай фойдаланиш имкониятини бевосита ёки билвосита, шу жумладан, ана шундай маълумотларни сақлаш тартибини бузиш оқибатида яратиб бериши тақиқланади.

Банкнинг раҳбари ёки бошқа ходими банкда ишлаш даврида ўзига маълум бўлиб қолган, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг банк билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ҳам ошкор қилишга ҳақли эмас.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг тегишли рашида сакланиши учун банк зарур ташкилий ва техникавий чора-тадбирлар кўриши шарт.

Агар банк билан мижоз (вакил) ўртасида низо келиб чиқсан бўлса, банк ўз хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мижознинг (вакилнинг) банк сирини ташкил этувчи маълумотларни зарур ҳолларда ва доирада маълум қилиши мумкин.

**8-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек, ушбу Қонунда белгиланган тартибда бошқа шахсларга тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар унинг зинмасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз мижозлари ҳақидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни ушбу Қонунда белгиланган тартибда тақдим этади.

**9-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни прокуратура, тергов ва суриштирув органларига тақдим этиш.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан кўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, стказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослантирилган қарорига биноан прокурор санкцияси билан тақдим этилади.

**10-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга ва суд ижросига тақдим этиш.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан суднинг иш юритувидаги ишлар бўйича тақдим этилади.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар суд ижрочисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундириувни мазкур банк мижозининг (вакилнинг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу мижознинг (вакилнинг) мол-мулкини хатлаш ҳақидаги қонуний кучга кирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади.

**11-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиш.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш ма-

салаларига тааллукли ҳолларда қонун хужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

**12-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тартиби.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга, прокуратура, тергов ва суриншириув органларига, шунингдек, суд ижро-чисига тақдим этиш, бунинг учун ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, уларни сўраётган органга ёпиқ ва муҳрланган конвертда юбориш орқали амалга оширилади.

**13-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни мижознинг (вакилнинг) меросхўрлари ёки хукуқий ворисларига тақдим этиш.**

Мижоз (вакил) тўғрисидаги, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар унинг меросхўрлари ёки хукуқий ворисларига, агар уларнинг ўзи ёки улар ваколат берган вакиллар қонун хужжатларига мувофиқ мерос хукуқини ёки хукуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур хужжатларни тақдим этсалар, банк томонидан тақдим этилади.

Мерос хукуқини ёки хукуқий ворисликни тасдиқламайдиган хужжатлар олинган тақдирда, банк мурожаат қилган шахсни у сўраган маълумотларни тақдим этиш имконияти йўқлиги хусусида уч иш куни ичидаги ёзма равишда хабардор қилиши шарт, шунингдек, қўшимча хужжатлар тақдим этишини талаб қилишга ёки мурожаат этган шахснинг мерос хукуқини ёхуд хукуқий ворислигини тасдиқлаб бериш тўғрисидаги ёзма сўровни тегишли нотариусга ёки юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга юборишга ҳақли. Мерос хукуқини ёки хукуқий ворисликни тасдиқловчи барча зарур хужжатлар тақдим этилган тақдирда, банк мурожаат этган шахсга беш иш куни ичидаги тегишли мижоз (вакил) тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни бериши ва барча хужжатларни тақдим этиши шарт.

**14-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши.**

Банклар ўз фаолиятининг хавфсизлигини таъминлаш, омонатларни, кредитлар ва бошқа инвестицияларнинг қайтарилишини кафолатлаш максадида ўз мижозлари (вакиллари) тўғрисидаги маълумотларни қонунда белгиланган тартибда ва доирада ўзаро алмашиб туришлари ва бир-бирларига тақдим этишлари мумкин.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар Фукароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига, шунингдек, омонатчиларга пулларни қайтариш тадбир-чораларини кўриш учун агент банкларга тақдим этилади.

Бошқа банкнинг мижози (вакили) тўғрисидаги маълумотларни олган банк бундай маълумотларни ошкор қилишга ва учинчн шахсларга тақдим этишга ҳақли эмас.

**15-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш чегараси.**

Банк ушбу Қонунга мувофиқ фақат ўз мижозига (вакилига) доир, банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этади, бунда мижознинг (вакилнинг) банкда сакланастган ҳужжатларида бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлса, бундай маълумотлар ҳам мижозга (вакилга) доир маълумотлар деб ҳисобланади.

**16-модда. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар тақдим этишини рад қилиш.**

Агар банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги талаб ушбу Қонуннинг қондайларига мувофиқ бўлмаса, банк бундай маълумотлар тақдим этишини рад қилиши шарт.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни тақдим этишини рад қилганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шу жумладан хукуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари банк сирини ташкил этувчи маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли эмас, ушбу Қонунда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

**17-модда. Низоларни ҳал қилиш.**

Банк сири билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларинда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**18-модда. Банк сири тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарлик.**

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар хизмат вазифасини бажариши муносабати билан ўзига ишониб топширилган ёки маълум бўлиб қолган шахснинг бу маълумотларни ноқонуний равишда ошкор килганлиги ёхуд улардан ноқонуний фойдаланганини ҳамда банк мижозига (вакилига) зарар етказганлиги қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

## **12-боб. БАНККА ОИД МУНОСАБАТЛАРДА НИЗОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИЛИШИ**

Қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъмин этилиши бозор муносабатларин тўла қарор топиши ҳамда хукуқий давлат барпо этилишининг зарурий шартлариданdir. Қонунийлик ва ижтимоий адолат тамойилларига риоя этилиши, энг аввалио, ҳар бир фуқаро, ҳар бир тадбиркорлик субъекти хукуклари ва манфаатларини қонуний ҳимояланишини таъминлай олишида ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида; «Ҳар бир шахсга ўз хукуқ ва эркинларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳарақатлари устидан судга шинкот қилиш хукуки кафолатланади» – деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинилигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда тадбиркорлик субъектлари ҳақ-хукуклари ҳимояланиши ва кафолатланиши белгилаб қўйилган.

Банк хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган муносабат барча иштирокчилариниң ўзаро хукук ҳамда мажбуриятлари, уларниң бажарилиши ҳамда ҳимояланиши усуслари қонунда назарда тутилган.

Банкка оид муносабатларда хукукларнинг бузулиши деганда бу муносабат субъекти бўлган шахснинг субъектив мулкий ёки номулкий шахсній хукукларини ўзга шахсларнинг гайриқонуний тажовузи натижасида поймол этилишидан иборат. Хукукларни бундай поймол этилиши хукуқий жавобгарликка, яъни жиноят, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик ва меҳнат кодексида, бошка қонун ҳужжатларида назарда тутилган хукукий санкцияларни қўлланилишига сабаб бўлади.

Ўзга шахслар хукукларининг бузулиши банк муносабатларидан ўзга шахсга тегинли мулк ёки мулкий хукукни ўзлаштириб олиш, хукукларни амалга оширилишига тўскинлик қилиш, қадс ёки эҳтиётсизликдан ўзга шахсга мулкий ёки маънавий зарар етказиш, зиммасига олган мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик тарзида юз берниши мумкин.

Банкка оид муносабатларда хукуки бузулиши эҳтимол шахслар турига кўра уларни қўйидагича таснифлап мумкин;

1) банк мижози бўлган фуқаро хукукларининг банк муасасаси томонидан бузулиши (масалан, банк хизмати кўрсатиш

қоидаларини бузилиши, мижоз банк сирларини ошкор этилиши, шартнома талабларининг бузилиши ва ҳоказо.);

2) банк мижози бўлган тадбиркорлик субъекти шахс ёки якка тадбиркор шахс ҳукуқларини бузилиши (маблағларни ҳисобга олиш, банк операцияларини амалга ошириш қоидаларини бузилиши ва бошқалар);

3) Данлат солик. Молия ва бошқа органлари томонидан тижорат банки ҳукуқларини бузилиши (масалан, гайриқонуний текширишлар ўтказилиши, гайриқонуний қарорлар қабул қилиш орқали банк фамилиягининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиниши, ноқонуний молиявий ва бошқа санкциялар кўлланилиши ва ҳоказолар);

4) тижорат банклари томонидан солик ва бошқа молиявий конунларни бузулиши туфайли давлат манфаатларига зид кесувчи ҳукуқбузарлик содир этилиши (ҳисоб-китоб ва ҳисботлар юритиш қоидаларини бузилиши, солик қонунчилигининг бузилиши ва бошқалар);

5) банк мижози саналувчи жисмоний ва юридик шахслар томонидан банк олдидағи мажбуриягларни бузилиши шакидаги (масалан, кредитни ўз вактида қайтармаслик) ҳукуқбузарлик;

6) банкнинг ўз ходимлари меҳнатга оид ҳукуқларини бузилиши, айни пайтда банк ходимлари томонидан хизмат вазифасини бажариш билан боғлиқ равишда банк муассасасига моддий зарар стказилиши.

Банк муносабатлари иштирокчилари ҳукуқлари бузилган холларда бу ҳукуқлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида белгилаб қўйилган усулларда химоя килинади. Бу усуллар куйидагилардан иборат;

а) ҳукуқни тан олиш (масалан, гаровга қўйилган мол-мулкка нисбатан банк ҳукуқининг эътироф қилиниши, вафот этган мижозга тегишли омонатга нисбатан ворислик ҳукуқларининг тан олиниши);

б) ҳукуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиқлаш, ҳукуқбузарлик келтириб чиқарувчи ҳолатларнинг олдинн олиш (масалан, гайриқонуний тарзда стказилган заарни ундириб берилиши);

в) битим (шартнома)ни ҳақиқий эмас деб топиш (масалан, мансабдор шахс ўз мансабини сунистельмол қилган ҳолда банк манфаатига хилоф бўлган битимни бекор қилиниши);

г) давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш (масалан, давлат солик органи гайриқонуний қарорини суд орқали бекор қилиниши);

д) бурчни натура ҳолда бажаришга мажбур қилиш (масалан, гаровга олинган кўчмас мулкни асл ҳолида (натура ҳолида) топширилишига мажбур қилиш);

е) заарни тўлаш, неустойка ундириш;

ж) ҳукукий муносабатни бскор қилиш;

з) маънавий зиёнин ундириш ва бошқалар.

Банкка оид муносабатларда ҳукуқларни ҳимоя қилиш маъмурӣ усулда (юкори турувчи давлат органига мурожаат қилиш йўли билан) ёки суд тартибида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Конуни<sup>1</sup> бузилган ҳукуқларни тиклаш ва ҳукуқбузарлардан ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилиш, низони суд йўли билан кўриб ҳал этиш тартибларини белгилаб беради.

Жисмоний шахс (мижоз ёки ўзга тадбиркор бўлмаган шахс) билан банк муассасаси ўртасида юз берувчи низолар умумий судларда (фуқаролик ишлари бўйича туманларо, судлар, вилоят, Тошкент шаҳар, фуқаролик ишлари судлари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича коллегияси) кўриб ҳал этилади. Умумий судларда фуқаролик низоларини кўриб ҳал этилиш тартиблари, даъвогар, жавобгар ва ўзга шахсларнинг ҳукуклари мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процес-суал кодексида<sup>2</sup> белгилаб кўйилган.

Банк муассасаларининг юридик шахс бўлган ёки юридик шахс мақомини олмасдан тадбиркорлик фаолияти билан машғул бўлган якка тадбиркор жисмоний шахслар билан юзага келадиган низолари, шунингдек, банк ва давлат бошқарув органлари (масалан, Марказий банк билан Давлат солик идораси билан, маҳаллий давлат ҳокимиёт органлари билан) ўртасида юз берувчи низолар хўжалик судлари томонидан кўриб ҳал этилади.

Иқтисодий низолар бўйича хўжалик судларига мурожаат қилиш, у срда низони кўриб чициш ва ҳал этиши тартиблари Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процес-суал кодексида<sup>3</sup> мустаҳкамлаб кўйилган.

Банк муассасаларининг барча иштирокчиларига судда кўриб ҳал этилган низолар бўйича ўз манфаатларига дахлдор процес-су-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг янги Конунилари. №24. Тошкент, «Адолат», – 2001 й.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Фуқаролик процес-суал кодекси. Тошкент, «Адолат», – 2001 й.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процес-суал кодекси. Тошкент, «Ўзбе-кистон», – 2001 й.

ал хатти-харакатлар ҳақида суд қарорлари устидан белгиланган тартибда ва муддатларда шикоят қилиш, имкониятлари кўриб чиқилиб, ҳал этилиши қонун билан кафолатланган.

Банкка оид муносабатлардан келиб чиқувчи низолар юзасидан судлар томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган ҳал қилувчи қарорлари ва бошқа хил Қарорларининг ижро этилиши ҳам кафолатлаб қўйилган бўлиб. Бундай қарорлар қарздор томонидан ихтиёрий равишда бажарилмагани тақдирда уни мажбурий ижро этилиши мсханизмлари ҳамда усувлари тегишли қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган<sup>1</sup>.

Банкка оид муносабатларда ҳуқуқлар нафақат судлар томонидан, балки бошқа ваколатли органлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Нотариал идоралар ана шундай органлардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси нотариал тўғрисидаги қонунинг<sup>2</sup> 1-моддасида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини қонунда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилиш нотариусларнинг вазифаларидан эканлиги белгилаб қўйилган. Нотариуслар ушбу вазифани турли шаклларда:

- а) битимларни тасдиқлаш;
  - б) ҳужжатларнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш;
  - в) ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш;
  - г) меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш (масалан, банк муассасига мерос қилиб қолдирилганда).
  - д) ижро хатларини ёзиш (қарзлордан пул суммалариниundiриш ёки мол-мulkни талаб қилиб олиш учун қарздорликни белгиловчи ҳужжатларга нотариус имзосини қўйиш);
  - е) векселни протест қилиш;
  - ж) ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олиш;
  - з) ишончномалар бериш ва бошқалар.
- Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиблари, нотариус хатти-харакати устидан шикоят бериш ва уни кўриб ҳал этилиши масалалари қонун ҳужжатлари билан белгиланган.
- Бугунги кунда ҳуқуқларни нодавлат усувларида, жумладан, ҳакамлик мсханизмини кўллаш обрўли ҳимоялаш масалалари тобора долзарб бўлиб бормоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами. 2001 й. №21.

<sup>2</sup> Ўзбекистонда нотариат. Тошкент, «Адолат», 1998 й., 5-40 бетлар.

Фукаролар ва юртдик шахслар хукуқларини юқори дара-жада кафолатланганлиги ва самарали ҳимоялаш механизмлари билан таъминланганлиги хукуқий давлатнинг асосий хусусиятларидан биридир.

**Мавзуми ўрганиш бўйича назорат саволлари:**

1. Банкка оид муносабатлар юзасидан низолар тушунчаси ва келиб чиқиш сабабларини сўзлаб беринг?
2. Банкка оид муносабатларда хукуқларнинг бузилиш сабаблари ва шарт-шаронтлари нимада кўринади?
3. Банкка оид муносабатларда хукуқни бузилиш эҳтимоли мумкин бўлган ҳолатлар таснифини беринг?
4. Банкка оид муносабат иштирокчилари хукуқлари бузилган ҳолларда қонунчилик бўйича қандай ҳимоя қилинади?
5. Банкка оид хукуқбузарликлар қандай кўриб чиқилади?

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ 21.03.2000 й.  
№ ПФ-2564**

**БАНК ТИЗИМИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ  
ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТҮГРИСИДА**

Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш ҳамда уларни инвестиция жарабаининги фаол иштирокчиларига айлантириш, дехқон, фермер хўжаликларини ҳамда кичик бизнес субъектларини кредитлашни кенгайтириш, банкларнинг омонатчилари манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, шунингдек, банклар билан уларниг мижозлари ўртасида ўзаро манбаатли шериклик муносабатларини шакллантириш, хорижий банклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Тижорат банклари ўз фойдасининг 25 фоизга қадар миқдорини ажратиш йўли билан банкларда ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарини, дехқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармасини тузиш тўгрисидаги таклифи қабул қилинсин. (ЎзР Президентининг 08.01.2004 й. ПФ-3376-сон Фармони таҳриридан хат боши).

Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар беришдан оладиган даромадлари ана шу маблағлар мазкур жамғарманинг ресурсларини кўпайтиришга мақсадли йўллантирилган тақдирда 5 йил муддатга даромад солигидан озод қилинсин.

Вазирлар Мажкамаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда икки ҳафта муддатда мазкур имтиёзли кредитлаш маҳсус жамғармаларига ажратмаларнинг энг юқори кўрсаткичларини, маҳсус жамғармадан кредитлаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, унда кредит таваккалчилигынинг йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаларини, захираларни шакллантириш тартибини, шунингдек, кредитланадиган лойиҳаларни танлаб олиш мезонларини кўзда тутсан.

2. Хорижий банкларнинг тажрибасини хисобга олган ҳолда ўз сармоясини ва жалб этиладиган маблағлар ҳажмени мутгасил кўпайтириб бориш учун барча имкониятлардан фойдалантиш, шунингдек, иктисадиётнинг реал тармоги, аввало, қичик бизнесни кредитлаш шакллари, турлари ва миндорларини қўйгайтириши тижорат банкларининг энг муҳим вазифалари деб хисоблансан. (ЎзР Президентининг 08.01.2004 й. ПФ-3376-сон Фармони таҳриридаги хат боши).

Кічік бизнеснинг ривожлапшишини кредитлашга йўналтириладиган ўз маблағларини кўпайтириш борасида тижорат банкларининг фаолиятини рағбатлантириши максадида: (ЎзР Президентининг 08.01.2004 й. ПФ-3376-сон Фармони таҳриридаги хат боши).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2000 йил 1 арелидан бошлаб Марказий банкнинг ўзгарувчан қайта молиялаш ставкасини белгилаш механизмини жорий этиш, унни инфляция даражасининг суръати, пул бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқкан ҳолда ой сайнин ўзгартириб бориш тўғрисидаги таклифи маъкуллансан;

Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси суръатини хисобга олган ҳолда тижорат банкларига ишлаб чиқариш микрофирмалари, қичик корхоналарига бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини камайтириши тавсия этилсан; (ЎзР Президентининг 08.01.2004 й. ПФ-3376-сон Фармони таҳриридаги хат боши);

тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларнинг жалб этиладиган муддатли омоналлари (депозитлари) бўйича Марказий банкнинг қайта молиялаш бўйича амалдаги ставкасининг камида 75 фоизи миндорида, жисмоний шахсларнинг депозитлари бўйича эса камида 50 фоизи миндорида фоиз ставкаларини белгилашлари мақсадга мувофиқ деб хисоблансан, бунда ўз вақтида жалб этилган депозитлар бўйича депозит битимишинг амал қиласидиган бутун муддатни мобалнида ўзгармас фоиз ставкалари сақлаб қолиниши лозим.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига бир ой муддатда қўйидагилар тавсия этилсан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш маблағлари, шунингдек, хорижий банклар ва молия институтларининг маблағлари қўшимча равишда жалб этилишини рағбатлантиришга онд таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

тижорат банкларининг ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик ва ўрта корхоналарни кредитлашга йўналтириладиган ўз маблағларини кўпайтириши рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Марказий банкдаги заҳираларидан омилкорлик билан ҳамда оқилона фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиб, жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, жаҳон тажрибасидан келиб чиқсан холда, республикада тажриба тариқасида тижорат банкларининг ишончлилиги ва ликвидлиги даражасини рейтинг усулида баҳолашни жорий этиш таклифини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4. Ўзбекстон Банклари уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, Молия вазирлиги, ҳалқаро молия ташкилотлари ва хорижий банкларининг республикадаги ваколатхоналари билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига банк ва молиявий хизматлар кўрсатиши бўйича ҳалқаро Марказни ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритсин.

Куйидагилар Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб бўлгилансин:

молия ва пул бозорларининг талаб ва таклифларини ўрганиш, пул муомаласининг, миллий валюта барқарорлигининг, молия-банк тизимини янада ривожлантиришининг долзарб муаммолари бўйича тадқиқотлар ўтказиш;

молия-банк тизимиши ислоҳ қилиш сиёсатини тақомиллаштириш, унинг кўпроқ очик-ойдинлигини таъминлаш, иқтисодиёта тўловлар ва ҳисоб-китоблар механизмини мустаҳкамлаш, валюта сиёсатини эркинлаштириш, республикада энг кулагай инвестиция мухитини шакллантириш масалалари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

банклар ва молия институтларининг ҳалқаро мустақил аудити натижалари асосида ишончлилик, ликвидлик, даромадлилик кўрсаткичлари бўйича уларнинг мунтазам рейтингин баҳоси берибборилишини ташкил қилиш;

хорижий компаниялар ва банкларга Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларини инвестициялаш ҳамда уларнинг республика молия-банк тизимини ривожлантиришда иштирок этиш имкониятлари ва истиқболлари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

5. Тижорат банкларига аҳолидан, деҳкон ва фермер хўжаликларидан қиплоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилувчи

тайёрлов ташкилотларига маҳсулот топширувчилар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тузилган шартномаларда кўзда тутилган нархларга ва стказиб бериш муддатларига мувофиқ улардан амалда харид қилинган маҳсулот ҳажмининг 100 фоизи миқдорида нақд пул маблағлари беришга ижозат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молия вазирлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда тижорат банклари томонидан тайёрлов ташкилотларига нақд пул маблағларини бериш ҳамда улардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ахолидан, дехқон ва фермер хўжаликларидан харид қилинадиган шундай маҳсулотлар учун ҳисоб-китоб қилиндида фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

#### 6. Куйидагилар белгилаб қўйилсин:

ЎзР Президентининг 02.10.2002 й. ПФ-3143-сон Фармонига мувофиқ 6 банднинг иккинчи хат боши чиқариб ташланган;

фермер ва дехқон хўжаликлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари (шу жумладан, умумий овқатланиш корхоналари), хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар (савдо-воситачилик ташкилотлари бундан мустасно) 90 календарь куни даври мобайнида топширган нақд пул тушуми доирасида ўзларининг банк ҳисобларакларидан нақд пул маблағларини олишга ҳаклидирлар;

юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда ўз фаолиятини амалга оширастган, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни ва хизматларни нақд пулсиэ ҳисоб-китоб эвазига етказиб берастган якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли йил чораги мобайнидаги оборот миқдорида ўзларининг банк ҳисоб-варакларидан нақд пул маблағларини олиш хукуқига эгадирлар. (ЎзР Президентининг 05.12.2000 й. ПФ-2772-сон Фармони таҳриридаги хат боши) (ЎзР Президентининг 20.05.2002 й. ПФ-3077-сон Фармони таҳриридаги хат боши).

7. Тижорат банклари ахолидан дастлабки омонатни қабул қиласган банк филиали қаерда жойлашганидан қатъий назар шу банкнинг барча филиаллари томонидан ахолининг омонатлари бўйича мижознинг биринчи талабига кўра нақд пул маблағлари чесланмаган тарзда берилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг Ўзбекистон Банклари уюшмасининг «Омонат

химоя» сұғурта Жамғармаси негизида ақоли жамғармалари жамоа сұғурта Жамғармасини тузиб, унинг низом сармоясини 500 миллион сүмга қадар стказиш тұғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Күйидагилар ақоли омонатлари жамоа сұғурта Жамғармасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ақолининг банк ва молия тизимиға ишончни ошириш;

омилкор ва самарали сұғурта тизимларини ишлаб чиқиб, жорий этиш негизида банкларнинг ақоли омонатлари бүйіча жағобгарлигининг старлы сұғурта химоясини таъминлаш;

маблағларни ишончли юқори ликвидли давлат ва корпоратив қымматли қоғозлар ҳамда банк депозитларига сармоялашнинг эң мақбул стратегиясини амалға ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлiği ва Марказий банки, Ўзбекистон Банклари уюшмаси бир ой муддатда ақоли омонатлари жамоа сұғурта Жамғармасининг сармоясини шакллантириш тартиби ва фаолиятини белгилаб беруучи мөъберий ҳужжатларини тасдиклаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб, бунда жамоа сұғурта жамғармаси «Омонат химоя» сұғурта жамғармасининг маблағлари ҳамда тижорат банкларининг құшымча бадаллари ҳисобига қонунчиликда белгиланған тартибда тузилишини белгилаб қўйисинлар.

#### 9. Күйидагилар белгилансин:

банк активлари, шу жумладан, кредитлар портфелини шакллантириш билан боғлиқ таваккалчиліккелер тадбиркорликка оид таваккалликка тааллукли бўлиб, уларни бошқариш тижорат банки раҳбариятининг ваколатига киради. Тижорат банкларининг таваккалчиларини бошқариш устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки амалға оширади;

тижорат банкларидаги омонатларга жисмоний шахслар томонидан қўйиладиган маблағларнинг манбалари декларация қилинмайди.

10 Вазирлеклар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг тижорат банклари ва уларнинг филиаллари фаолиятига, шу жумладан, филиалларнинг раҳбар ходимларини тайинлашга аралашышлари, банк маблағлари ҳисобидан турли хил тұловлар ва бадалларни талаб қилишлари ман этилсин;

назорат қылувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг банк-кредит портфели ва активларини шакллантириш билан

боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиларини бошқариш бўйича банкларнинг фаолиятига аралашишлари тақиқлансан.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан кслиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан қарор қабул қиласин.

13. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари Б.С. Ҳамидов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ**

**Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**  
**15 апрел 2005 йил**

Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш, тижорат банкларининг иш самарадорлигини ошириш, уларнинг капиталлашиш даражасини кўтариш, инвестиция жараёнларида ва иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида кенг иштирок этишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар банк тизимидағи ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта ва унинг айр-бошлиш курси барқарорлигини кучайтириш, аҳолининг банк де-позитларига қўядиган омонатлари кўпайишини рағбатлантириш, банкдан ташқари айланмада қолаётган молиявий маблағлар ва оқимларни банк айланмасига жалб этиш;

тижорат банклари барқарорлигини мустаҳкамлаш ва ошириш, банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом жамғармалари ва айланма маблағларини кўпайтириш, кредит портфелларини соғломлаштириш ва даромадини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш;

тижорат банкларини тўлиқ хусусийлаштириш, банк ва лизинг хизматларининг тўлақонли бозорини шакллантириш, халқаро банк ва молия капиталини кенг кўламда жалб этган ҳолда кўшма банклар ташкил қилиш;

пул-кредит сиссати воситаларини, жумладан, лойиҳаларни молиялашни янада такомиллаштириш, нақд ва нақдсиз пул муомаласини ҳамда ҳисоб-китоблар шаклини унификациялаш, маҳаллий ишлаб чикарувчиларнинг товарларига харидорлар талабини рағбатлантирувчи турли хил истесьмол кредитларини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилиш;

иктисодиётдаги таркибий ўзгаришларда, инвестиция дастурларини амалга оширишда, биринчи галда иқтисодиётнинг реал тармоқларига инвэстиция киритиш учун маблағлар жалб этишда тижорат банкларининг фаол иштирок этиши;

тижорат банкларининг корхоналарни хусусийлаштириш ва акциялаштириш жараёнларида кенг иштирок қилиши, қимматли қоғозлар бозорида тижорат банкларининг операцияларини ва банкларнинг корхоналарни ишончли бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш;

тижорат банкларини касбий жиҳатдан юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш, банк ходимларининг масъулияти ва маданиятини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда ишлаб чиккан 2005 – 2007-йилларда Банк секторини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг янги ташкил этиладиган банклар низом капиталининг минимал миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш, уни 2007 йилнинг 1 январига қадар қўйидаги миқдорларга етказиш тўғрисидағи таклифи қабул қилинсин:

тижорат банклари учун – сўмга айлантириб ҳисоблаганда 5 миллион АҚШ долларигача;

хусусий банклар учун – сўмга айлантириб ҳисоблаганда 2,5 миллион АҚШ долларигача.

Тижорат банкларига банкларни капиталлаштириш даражасини ошириш ҳамда қўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни эмиссия қилиш ва сотиш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг жалб этиладиган депозитларини ошириш ҳисобига уларнинг активларини кўлайтириш бўйича 2005 – 2006-йилларга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш тавсия этилсин.

4. Шундай тартиб ўриатилсинки, бунда тижорат банкининг ўз капитали (регулятив капитали)нинг банк активлари умумий миқдорига нисбати 10 фоиздан кам бўлиши мумкин эмас.

5. Тижорат ва хусусий банкларнинг акциядорлик жамиятларини ишончли бошқарувида фаол ҳамда кентроқ иштирок этишлари уларнинг республика ҳудудидаги устувор вазифаларидан бири деб ҳисоблансан.

Тижорат банкларининг хусусийлаштириш жараёнларида иштирокини кенгайтириш учун тижорат банкларига қимматли қоғозларнинг бирламчи бозорида қатнашишларига ҳамда хусусийлаштириладиган корхоналар акцияларининг 50 фоизгача миқдорини белгиланган тартибда сотиб олишларига рухсат берилсин.

6. Тижорат банклари акциялари (улушлари) бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденды тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиқка тортишдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги ва Марказий банк иштирокида 2005 – 2006-йилларда «Асака» банкини хусусийлаштиришни, 2005 – 2009-йилларда эса Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини хусусийлаштиришни амалга оширсин, давлат улуши кисмини стакчи хорижий банкларга ва халқаро молия институтларига сотсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Иқтисодист вазирлигининг тижорат банкларига 2010 йилни ҳам ўз ичига олган даврда қуйидаги солиқ имтиёзлари бериш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин:

банклар республикамиз корхоналарига уч йилдан ортиқ муддатга инвестиция кредитлари беришдан олган ва банкларнинг ўз капиталини кўпайтиришга йўналтирилган фойдаларини фойда (даромад) солиқдан озод қилиш. Статистика ва банк ҳисботларида банкларнинг берилган узок муддатли кредитлардан олган фойдалари акс эттирилиши тъминлансин;

тижорат банкларининг тасдиқланган давлат дастурларига мувофиқ ташкил этиладиган кичик банкларни очиш бўйича сарф-харажатларини солиқка тортиладиган базадан чиқариш.

9. Тижорат банкларига халқаро бўнк нормаларига мувофиқ синдициялаштирилган кредитларни амалиёта кенг татбиқ килиш, жумладан, хорижий банк капиталини жалб этиш йўли билан инвестиция дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этиш тавсия қилинсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Банклар уюшмаси ва тижорат банклари билан биргаликда:

тижорат банкларида инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва инвестиция кредитлари ажратиш бўйича коллегиал қарорлар қабул қилиш тартибини кучайтирусин;

банкларнинг лойиҳаларни инвестициялаш, инвестиция, кредитлари бериш ва уларга; хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаларини юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамласин;

Банк-молия академиясида лойиҳаларни молиялаш факультети ва банк ходимлари малакасини ошириш курсларини очсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда тижорат банклари Молия вазирлиги ва Иқтисодист вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

тижорат банкларининг кредит портфелларини, жумладан, ҳукумат томонидан кафолатланган кредитларни комплекс таҳлил қилсин;

хар бир тижорат банки бўйича корхоналарнинг қарз мажбуриятларини дисконт қиймати бўйича учинчи шахсларга сотиш, банкротлик таомиллари жараёнида тугатилган ва сотилган корхоналарнинг умидсиз кредитлари суммаларини банкларнинг зарарига олиб бориш йўли билан хисобдан чиқариш назарда тутилган муаммоли кредитларни реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқсан;

тижорат банкларининг ҳукумат кафолати билан берилган кредитларни реструктуризациялашни таъминлаш мақсадида давлат қимматли қоғозларини чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2005 – 2007-йилларда тижорат банкларига қўйидаги ҳукуқлар берилади:

тугатилаётган банкрот корхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолати билан берилган кредитлар бўйича қарзини биринчи навбатда ундириб олиш;

банкротлик тўғрисида банк томонидан қўзғатилган даъво муносабаги билан тугатиш жараёнида бўлган, кредиторлик қарзи таркибида банк кредитлари бўйича қарз 70 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этадиган корхонани суд қарори бўйича банк мулкига ўтказиш, шу жумладан, бундай корхонани сотишдан олинган маблағларни кредиторлик қарзини қоплашга йўналтирган ҳолда уни маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш.

Белгилансинки, тижорат банкларининг банкротлик тўғрисида банк томонидан қўзғатилган даъво муносабати билан тугатиш жараёнида бўлган корхонанинг банк мулкига ўтказилиши натижасида қўлга киритилган мол-мулки янги мулкдорларга сотилмагунча мулк ва ер солигига тортилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тижорат банклари фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аралашувига, банклар ва уларнинг филиалларини банк фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбирлар ва ишларни бажаришга жалб этишга йўл қўймаслик борасида банклар тўғрисида амалдаги конун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни кучайтиrsин. Конун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар маъмурӣ ва жиноий жавобгарликка тортилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги конун хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тақдим этсин, уларда банк кредитларини таъминлаш гарови сифатида расмийлаштирилган тўловни мулк ҳисобидан ундиришнинг суддан ташқари тартиби соддалаштирилиши кўзда тутилсин;

ўзининг месъерий хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсан.

15. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклатилсан.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
15 апрел 2005 йил.

## **«БАНК ҲУҚУҚИ» ФАНИГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

### **1. Банк ҳуқуқи — бу:**

- a) кредитлаш ва сармоялашни бошқариш мсьёрларининг мужассамлиги;
- b) тижорат банклари фаолиятини ташкил этишни тартибга солиш мсьёрлари;
- c) тижорат банклари, Марказий банк фаолияти ва шунингдек, банк операцияларини амалга оширишни тартибга солиш ишларини мужассам юридик меъсрлар асосида ташкил этиш;
- d) банк ҳисоблари фаолиятини тартибга солишни бошқариш ва унинг қоидалари;
- e) банк операцияларини тартибга солишни бошқаришнинг умумий қабул этилган меъсрлари.
- f) банк фаолияти, банк ва кредит муассасалари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатларидан ташкил топади.

### **2. Банк ҳуқуқининг манбаларига кирмайди -:**

- a) ҳуқуқий месъерий актлар (қонун ва конуности актлари);
- b) хўжалик шартномалари;
- c) суд преседстти;
- d) банк қоидалари ва хизмат йўриқномалари.

### **3. Банк ҳуқуқи фанининг предмети:**

- a) Ўзбекистон Республикаси МБ ва тижорат банклари;
- b) банк фаолияти;
- c) тижорат банклари;
- d) банк тизими ва банк фаолияти.

### **4. Банк тизими — бу:**

- a) тижорат банкларининг мажмуи;
- b) факат Ўзбекистон худудида фаолият юритувчи банклар;
- c) МБ ва унга тобе бўлган идоралар;
- d) Ўзбекистон МБдан лицензия олган банклар мажмуи.

### **5. Банк тизими қўйидаги икки поғонадан ташкил топади:**

- a) халқ банки ва тижорат банклари;
- b) Марказий банк ва халқ банки;
- c) Марказий банк ва тижорат банклари;
- d) Марказий банк ва кредит идоралари.

**6. Банк тизими погоналари орасидаги ўзаро муносабатлар қўйидаги характерга эга**

- a) амалдорлик ва тобслик;
- b) тенглик;
- c) икка томонлама характерга эга;
- d) бир томонлама.

**7. Банклар қўйидаги уч асосий операцияни бажарадилар.**

- a) кредитлаш, ҳисоб-китоб ва сармоялаш;
- b) жамғармаларни қабул қилиш, кредитлаш ва сармоялаш;
- c) ҳисоб-китоб, сармоялаш, жамғармаларни қабул қилиш;
- d) ҳисоб-китоб, жамғармаларни қабул қилиш, кредитлати.

**8. Ўзбекистон Марказий банки (МБ) бу:**

- a) Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси бошқаруви тизимидағи ижроия идораси;
- b) Ҳукумат идоралариға хизмат кўрсатувчи давлат тижорат банки;
- c) банк соҳасида бошқарувчи орган;
- d) Бюджетни кредитлаш мақсадида тузилган банк.

**9. Ўзбекистон МБнинг асосий мақсади.**

- a) банк фаолиятини бошқариш;
- b) ҳукуматга кредит бериш;
- c) миллий валютани мустаҳкамлаш,
- d) ҳисоб-китобларни ташкил этиш.

**10. Кўйида ифодаланган фаолиятнинг қайси тури Ўзбекистон МБ учун тақиқланмаган?**

- a) бошқа юридик шахсларнинг капиталида иштирок этиши;
- b) молиявий ёрдам кўрсатиш;
- c) суурита фаолияти;
- d) бюджетни кредитлаш.

**11. Кўйида санаб ўтилганлардан қай бири иқтисодиётда пул-кредит сиёсатининг қуроли ҳисобланмайди?**

- a) мажбурий кўшимча резервдаги талаблар;
- b) алмашув курси;
- c) очик бозордаги операциялар;
- d) қайта молиялаптириш;

**12. Ўзбекистон Республикаси МБ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати олдида қўйидаги санаб ўтилган номларнинг қайси бирига эга бўлолмайди?**

- a) банкир;
- b) фискал агент;
- c) маслаҳатчи;
- d) ҳукумат пулларини тақсимловчى.

**13. Пул муомаласини ташкил этиш ўз ичига ... ни олади:**

- a) пул массаси ва ҳисобларни тартиблаштириш;
- b) нақд ва пул ўтказиш ҳисоб-китоблари;
- c) пул массасини бошқариш;
- d) Ўзбекистон Республикаси худудида ҳисоб-китобларни ташкил этиш.

**14. Агар омонатчи қисқа мuddатга қўйилган жамғармасини олиш муддати етмасдан тўлашларини талаб этса:**

- a) омонатчига пул қайтарилади, бирок шу қўйилмалардаги пулларга фойиз тўланмайди.
- b) омонатчига жамғарма қайтарилади ва пул фойизи омонатчининг қўйилмаларини қайтиб олган кунга қадар тўланади.
- c) банк омонатчига то тўлов муддати келгунча жамғармаларини ва фойизини тўламайди.
- d) ҳамма жаоблар тўғри.

**15. Қуйида санаб ўтилганлардан қай бири банк фаолиятини бошқаришга дахлдор эмас:**

- a) очиқ бозордаги операциялар;
- b) банк назорати;
- c) иқтисодий мсьерларни ўрнатиш;
- d) мажбурий резерв талаблари.

**16. Ўзбекистон Республикаси МБнинг бошқарув органи бўлиб ... ҳисобланади.**

- a) кенгаш, бошқарув ва раис;
- b) бошқарув ва раис;
- c) бошқарув, раис ва бош ҳудудий бошқармалар;
- d) бошқарув, раис ва тафтиш комиссияси.

**17. Ўзбекистон Республикаси МБ Олий органи ким?**

- a) Ўзбекистон Республикаси МБ Кенгаши;
- b) бошқарув;
- c) раис;
- d) тафтиши комиссияси.

**18. Ўзбекистон МБнинг раиси ким томонидан тайинланади?**

- a) Ўзбекистон Президенти;
- b) Олий мажлис Конгаси томонидан;
- c) Президент тавсиясига кўра Олий мажлис томонидан;
- d) Президент тавсиясига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

**19. Ўзбекистон Республикаси МБ нинг бошқарув аъзолари ким томонидан тайинланади.**

- a) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;
- b) Ўзбекистон Республикаси МБ раиси томонидан;
- c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси томонидан;
- d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис томонидан Конгаш тавсияси билан.

**20. Қуйида кўрсатилганларнинг қай бирин Ўзбекистон Республикаси МБ раисининг ваколатига кирмайди:**

- a) ЎзР МБ нинг тезкор фаолият бошқаруви;
- b) Буйрук ва кўрсатмалар бериш;
- c) ЎзР МБ номидан бошқа муассасаларда қатнашув;
- d) ЎзР МБ ташкилий тузилмасини аниqlаш.

**21. Тижорат банки (ТБ)нинг ички аудит хизмати ... дан шаклланади:**

- a) ТБ нинг бошқарувидан;
- b) ТБ ҳиссадорларининг умумий йиғинидан;
- c) ЎзР МБ бошқарувидан;
- d) ТБ банклари Конгашидан.

**22. Тижорат банклари ... да ташкил топади:**

- a) масъулияти чекланган жамият шаклида;
- b) қоидага биноан ҳиссадорлик жамияти шаклида;
- c) шахсий муассасалар шаклида;
- d) ихтиёрий ташкилий-хукуқий шаклда.

**23. Тијорат банкини бошқарувчи органлар:**

- a) хиссадорларнинг умумий йигини, Банк Кенгаши, бошқарув;
- b) Банк Кенгаши, раис, тафтиш қўмитаси;
- c) хиссадорларнинг умумий йигини, раис, Банк Кенгаши;
- d) хиссадорларнинг умумий йигини, кредит қўмитаси,

Бошқарув.

**24. Банк фаолиятини ким назоарт қилади?**

- a) хиссадорларнинг умумий йигини;
- b) бошқарма;
- c) Банк Кенгаши;
- d) тафтиш комиссияси.

**25. Банк филиаллари қўйидагиларнинг қарорига мувоғик очилади:**

- a) хиссадорларнинг умумий йигини;
- b) Банк Кенгаши;
- c) бошқарма;
- d) Раис.

**26. Банкнинг ишончли вакили:**

- a) банк жойлашган жойдан бошқа жойда унинг функциясини бажариши;
- b) банқдан бошқа жойда унинг манфаатини ҳимоя қилади;
- c) банк фойдасига тијорат фаолиятини амалга оширади;
- d) ҳамма жавоблар тўғри.

**27. Банк очилишидан олдин бериладиган бошлангич мухлат:**

- a) 1 ой
- b) 3 ой;
- c) 6 ой.
- d) 4 ой.

**28. Чет эл банки қошида очиладиган банкнинг бошлангич таянч капитали ... бўлиши керак?:**

- a) 2 млн. экю;
- b) 3,7 млн. доллар;
- c) 5 млн. экю;
- d) 5 млн. доллар.

**29. Қўйида кўрсатилган фактларнинг қай бирин тижорат банкларини тутгатишда асос бўла олади?**

- a) умумий йигилишнинг қарори;
- b) лицензиянинг тақризи;
- c) қайта ташкил қилиш;
- d) банкротлик.

**30. Қўйида санаб ўтилганларнинг қай бирин қайта ташкил этиш шаклига кирмайди?**

- a) бирлаштириш;
- b) қайта тузиш;
- c) тарқатиб юбориши;
- d) кўшилиб кетиши.

**31. Банкни тутгатувчи – ликвидаторни ким тайинлайди?**

- a) тутгатиш қўмитаси;
- b) ЎзР МБ билан келишилган ҳолда ҳиссадорларнинг умумий йиғини;
- c) кредиторлар қўмитаси;
- d) Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки.

**32. Қўйида санаб ўтилган қайси банк операциялари асосий ҳисобланади?**

- a) ҳисоб-китоб, кредит бериш, касса иши;
- b) ҳисоб-китоб, валюта, омонатни сақлаш;
- c) кредит бериш, омонатни сақлаш, ҳисоб-китоб;
- d) кредит бериш, касса иши, валюта.

**33. Банк ўз банк операцияларини амалга ошириши учун ... зарур:**

- a) Ўзбекистон Республикаси МБ нинг руҳсати;
- b) ишлаш учун муассаса ва ходимлар;
- c) Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг лицензияси;
- d) зарур бўлган пул маблағлари.

**34. Қўйида санаб ўтилганларнинг қай бирин банк операцияларига кирмайди?**

- a) молиявий лизинг;
- b) учинчли шахснинг маблағлари воситасида бошқарув;
- c) суғурта;

d) махсус хоналарни ёки хужжатлар сақланадиган сейфларни ижарага бериш.

**35. Қуйнда санаб ўтилганларнинг қай бири нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш шаклига кирмайди?**

- a) аккредитив;
- b) ссуда;
- c) инкассо;
- d) чек.

**36. Қуйнда санаб ўтилган хужжатларнинг қай бири жисмоний шахсларга шахсий ҳисоб рақами очилишида талаб этилмайди?**

- a) шахсни тасдиқловчи хужжат;
- b) турар жойдан маълумотнома;
- c) ариза;
- d) имзо намунаси туширилган карточка.

**37. Қуйнда санаб ўтилганларнинг қай бири кредит турига кирмайди?**

- a) узоқ муддатли;
- b) всхсель сифатида;
- c) бланкали;
- d) дисконтли.

**38. Кредит шартномаси қандай шаклда ҳужжатлаштирилади?**

- a) оддий ёаув шаклида;
- b) нотариал тасдиқланган;
- c) албатта ЎзР МБда рўйхатда қайд этилиши шарт;
- d) хат алмаштириш ердамида.

**39. Жамгарма бу — :**

а) минжознинг топшириғига асосан банкнинг пул ўтказиши йўли билан жўнатадиган маблағи;  
б) минжолнинг банкка сақлаш учун ўтказган маблағи;  
с) банкнинг минжозга ўтказган маблағи (пули);  
д) банкларо кредит формасидаги пул.

**40. Банк капиталининг биринчи даражаси ўзига .... ларни жамлайди.**

а) тўлиқ пули тўланган муомалага чиқарилган оддий акциялар ва тақсимланмаган даромад;

- b) йил давомидаги соф фойда;
- c) йўналтирилмаган муддатсиз турли қулайликларга эгалик хуқуқи берилган акциялар, умумий захиралар;
- d) тўғри жавоб йўқ.

**41. Банкка қўйилган омонат жамғармаси учун тузилган шартнома қайси вақтдан бошлаб ҳақиқий ҳисобланади?**

- a) томонлар имзолаган вақтдан бошлаб;
- b) нотариал гувоҳлик қайд этилгандан бошлаб;
- c) Ўзбекистон республикаси МБ қайдномасида қайд этилгандан сўнг;
- d) ҳисоб рақамига пул келиб тушган вақтдан бошлаб.

**42. Яқин муддатта қўйилган жамғарма маблағи белгиланган муддатдан ўтиб кетгандан сўнг ҳам талаб қилиб олинмаса . . .**

- a) банк омонати кўрсатилган шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади ва ҳисоб рақами ёпилиб жамғарма алоҳида ҳисоб рақами билан муҳофзаланади;
- b) жамғарма шартномаси агар бошқа шартлар ёки келишувлар назарда тутилмаган бўлса, омонатчи талаб этмагунча узайтирилади;
- c) омонатчи банкка чакирилади ва банк унга жамғармаларини тўла-тўқис тўлайди;
- d) тўғри жавоб йўқ.

**43. Бошқарма Ранси . . . қарори билан тайинланади.**

- a) ЎзР МБ бошқаруви қарори билан;
- b) Банк Кенгashi ва ЎзР МБ билан келишилган ҳолда чиқарилган қарорига кўра;
- c) Банк Кенгashi ва ЎзР МБ билан келишилиб, шунингдек хиссадорларнинг умумий йигилишларида тасдиқлангандан сўнг чиқарилган қарорига кўра;
- d) Тўғри жавоб йўқ.

**44. Шартнома бу — . . .**

- a) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик хуқуқлари ва мажбуриятларини шакллантириш, ўзgartириш ёки тўхтатиш тўғрисидаги келишувлари;
- b) икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг икки томонлама ўзаро мажбуриятларини шакллантириш тўғрисидаги келишувлари;

с) иски ёки ундан ортиқ шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини шакллантириш, ўзгариши ёки тұхтатиши түғрисидаги келишувлари;

д) юридик ёки жисмоний шахсларнинг фуқароларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзгариши ёки тұхтатиши түғрисидаги жарабайларга йўналтирилган фаолияти.

**45. Банкка бевосита боғлиқ шахслар деб ... ҳисобланади:**

а) Банк Кенгашы Раиси ва аъзолари, бошқарув Раиси ва унинг муовини;

б) банкнинг йирик ҳиссадори бўлган ихтиёрий жисмоний шахс яъни 10% ёки ундан ортиқ бошланғич капиталга эга бўлганлар, Марказий банк тафтишчи инспекторлари;

с) банк йирик ҳиссадори бўлган ихтиёрий юридик шахс, 5%дан кам бошланғич капиталга эга бўлган ихтиёрий жисмоний шахс;

д) Банк Кенгашы аъзоси, бошқарув Раиси, Марказий банк бошқарувининг аъзолари.

**46. Ипотека шартномаси бўйича гаров ҳуқуқига эгалик қайси вақтдан бошланади:**

а) ипотека шартномаси нотариал гувоҳлантирилган вактидан бошлаб;

б) ипотека шартномаси тузилган вақтдан бошлаб;

с) ипотека шартномаси қайд этилган вақтдан бошлаб;

д) барча жавоблар тўғри.

**47. ... нотариал гувоҳлантирилиши шарт.**

а) ипотека шартномаси;

б) гаров тўғрисидаги барча шартномалар;

с) қўимматли қоғозлар тўғрисидаги шартнома;

д) тўғри жавоб ийқ.

**48. Келгусига мўлжаллаиган гаровга рухсат этилади агар бу ...**

а) қонун билан тақиқланмаган бўлса;

б) ЎзР МБ месъерий ҳужжатлари қоидаларига зид келмайдиган бўлса;

с) агар у амалдаги шартномада тақиқланмаган бўлса;

д) барча жавоблар тўғри.

**49. Гаров юзасидан қилинадиган талаб ва эътиrozлар фақат суд қарори билан амалга оширилади:**

- a) агар гаров шартномаси тузиш учун бошқа шахс ёки орғанинг розилиги талаб этилган бўлса;
- b) агар шартнома предмети сифатида (Давлат қисқа муддатли облигациялари юзага чиқса;
- c) агар гаров предмети сифатида жамият учун тарихий, бадиий қимматга эта бўлган мулк юзага чиқса;
- d) барча жавоблар тўғри;
- e) тўғри жавоб a) ва b).

**50. Кафолат беришлари мумкини . . .**

- a) барча ташкилот ва муассасалар;
- b) фақат сармоявий компаниялар;
- c) банклар ва суурита ташкилотлари;
- d) фақат траст компаниялари.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т., Ўзбекистон, 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Т., Адлия вазирлиги, 2003 й.
3. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т., Ўзбекистон, 2003 йил.
4. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конун. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган. Тошкент – 2003 й.
5. Банклар ва банк фаолияти тўғрисида Конун 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган. Тошкент, 2003 й.
6. Фуқароларни банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида Конун 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган.
7. Кредит уюшмалари тўғрисида Конун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясида 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуни.
9. Банк сири тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ саккизинчи сессиясида 2003 йил 30 августда қабул қилинган Конуни.
10. Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунининг янги таҳрири.
11. Кимматли қофозлар ва фонд биржалари тўғрисида Конун 2004 йил 27 август.
12. Банкларда ҳисобвараклар очиш ҳакида йўриқнома 2001 йил 6 октябр.
13. Ўзбекистон Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами: Тўлдирилган иккинчи нашри /Марказий Банк ЎзР – 2003 й.
14. Сборник законодательных актов по реформированию и либерализации банковской системы Узбекистана. – 2000 г.
15. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. 2000 й.

16. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятини назорат қилишга доир қонунчилик ҳужжатлари тўплами / Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. 2003 й.
17. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар эрки ҳукуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар ўстидан шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., №9, 183-модда.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 авгуустдаги 280-сонли «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора тадбирлари тўғрисида»ги.
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 63-сонли «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 октябрдаги 420-сонли «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари**

1. Об образовании Республиканского банковского совета: Указ Президента Республики Узбекистан // Народное слово.- Т., 2002 г. 19 ноября.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрядаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 11 апрелдаги 195-сонли «Пул муомаласини мустахкамлаш ва «Сўм-купон»нинг харид қувватини ошириш тўғрисида»ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 марта даги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ №2564-сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 15 ноябрядаги ПФ№2564-сонли «Республика банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги Фармони.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 6 июлдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 104-сонли қарори.
2. «Банкларни рўйхатга олип ва уларга лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низом 1999 йил 11 февралда 632-сон қарори билан тасдиқланган.
3. «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низом 1999 йил 11 февралдаги 626-сон қарори билан тасдиқланган.
4. «Тижорат банкларида қимматбаҳо металлар, тошлар ва тангаларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 2004 йил 17 декабря 1431-сон билан давлат рўйхатига олинган.

### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир». «Халқ сўзи», 2005 йил 29 январь.
2. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». –Т.: «Ўзбекистон», 1994 й., 13–14 бетлар.
3. Каримов И.А. «Эл-юрт ташвиши билан яшаш ва ишлаш – асосий мезон». «Халқ сўзи». 2004 йил 16 октябр.

### **V. Ўзбекистон Республикаси Вазирларни меъёрий-ҳукуқий хужжатлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки бўйлимлари томонидан аҳоли омонатлари бўйича муомалаларни амалга ошириш тартиби тўғрисида ЙУРИҚНОМА. 15-сон. 2000 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида валютани тартибга солишга оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. 2003 й.
3. Ўзбекистон Республикасида кредит уюшмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини тартибга солишга оид конунчилик ҳужжатлари тўплами / Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. 2003 й.

4. Банк назорати бўйича меъёрий ҳужжатлар тўплами. -Т. 1 - кисм. – 1999 й.
5. Сборник законодательных актов по валютному регулированию в банковской системе Республики Узбекистан/ Центральный банк Республики Узбекистан, – 2004 г.
6. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз хисоб-китоблар тўғрисидаги Низом»нинг 10-параграфи (98 – 101 бандлари).

## **VI. Дарсликлар**

1. Абдуллаев Ш.Э. О регулировании национальной банковской системы (на примере Азербайджанской Республики) / Ш.Э. Абдуллаев // Деньги и кредит. -2002. -№1. с-46 – 47.
2. Ерпылева Н.Ю. Международное банковское право. Учебное пособие. М., Форум «Инфра-М», 1998 г. с-48.
3. Наврузов А. Пути повышения эффективности использования ресурсной базы коммерческих банков/ А. Наврузов // Бозор пул ва кредит.-Т., 2002. -N 9-10. с-10 – 12.
4. Тосунян Г. Банковское дело и банковское законодательство в России: опыт, проблемы, перспективы. М., ДЕЛО Лтд., 1995 г.
5. Львов Ю.И. О Кодексе этических принципов банковского дела/ Ю.И. Львов // Деньги и кредит.-М, 2002. -№ 5.-С. 18 – 21.
6. Эриашвили М.Д. Банковское право. Учебник. М., Закон и право, 1997 г.

## **VII. Ўқув кўлланмалар**

1. Йўлдошев М., Турсунов Й., «Банк ҳукуки» – ўқув кўлланма. Тошкент, «Молия», 2000 йил.

## **VIII. Илмий мақолалар, монографиялар**

1. Мезенцев Е. «Лизинговая операция и этапы ее проведения», «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил, 34-сон; Е. Мезенцев.
2. Жолдасова Д. «Анализ кредитоспособности лизингополучателя». «Банковские ведомости», 1997 йил, 35-сон.
3. Нурмуратов Х. «Лизинг: выгодно и банку и предпринимателю». «Банковские ведомости» ҳафтаномаси, 1997 йил, 25-26 сон

4. Мирзаев Ч. Швейцария банк тизими тўгрисида / Ч. Мирзаев // Бозор пул ва кредит.-Т., 2003. №2. с-59 – 61. Ўзбекистон Республикаси банк тизими: Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишиланади / Муллажонов Ф.М. - 2001 (Введение, оглавление).

5. Муллажонов Ф. Банк тизими барқарорлиги — иқтисодий ислоҳотлар муваффақияти / Ф. Муллажонов // Бозор пул ва кредит. -2002. №1. с-3 – 7.

6. Закирова Д. The First в Узбекистане и Центральной Азии: (О Национальном банке Узбекистана) / Д. Закирова // Деловой партнер Узбекистана.-Т., 2003. -30 января. с-4.

#### **IX. Докторлик номзодлик ва магистрлик диссертациялар илмий-амалий анжуманлар маърузалар тўплами статистик маълумотлар тўплами**

1. Абдусаломова О.Ф. дисс. Автореферати / Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси – 2002 йил.

2. Жумасев Н.Х. Автореферати / «Ўзбекистонда валюта мунисабатларини тартибга солиш йўллари» Иқтисод фанлари номзоди - 08.00.07.

#### **X. Интернет**

1. International scientific conference (September 11 – 12, 2003; Riga). Conditions of sustainable development: new challenges and prospects / Banku augstskola. – 2004.

2. Gavalda C., Stoufflet J. Droit de la banque. Paris, 1974 y. p.8.

**М. ЙЎЛДОШЕВ, Й. ТУРСУНОВ**

**БАНК ҲУҚУҚИ**

**Тошкент — «Молия» — 2007**

Мухаррир — Миркомилов  
Техник мухаррир — Л.Ф. Ибрагимов  
ва компьютерда саҳифаловчи —

Босишга руҳсат этилди 08.06.2007 й. Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
«Kudriashov Uzbek» ҳарфида терилди. Офсет усулида босилди.  
Босма табори 20,75. Нашриёт ҳисоб табори 19,7. Адади 500.  
Буюртма №83. Баҳоси шартнома асосида.

«Молия» нашриёти, 100000, Тошкент, X. Орилов кўч. 16-йй.  
Шартнома №03-07.

Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasida чоп этилди.  
Тошкент ш. Олмазор кўч. 171-йй.